СИЛСИЛАИ ОЛИЯ

Исломда фақат мана шундай улуғ зотларга боғланиб, уларнинг китобларини ўқиш керак.



“ОЛИЙ СИЛСИЛА”

Бу занжир пайғамбаримизгача етиб боради.

СИЛСИЛАИ ОЛИЯ

Бірінші басылым

Түркістан Кітап Үйі
Алматы - Қазақстан
Қазыбек би көшесі, 90/533 үй, 2 пәтер
Сейфуллин даңғылының қиылысы
Тел: +7(727) 293-55-98

Алматы
2014

УДК 929.9
ББК 63.2
С41

"Силислаи олийя". - Алматы, 2014. - **160 б.**
Издатель: «Түркістан мәдениет қоры»
қоғамдық қоры.

ISBN 9965-9456-1-6

Орталық Азия елдерінің діни-рухани өмірінің қалыптасуында Нақшбандия тариқатының орны ерекше болғаны сөзсіз. А. Яссауи секілді ұлы ғұламаның өзінің бүкіл білімін Нақшбандия пірінің қолынан алғанын ескерсек, аталмыш тариқаттың өмірімізде ұстанған орнының қаншалықты кеңдігін байқай аламыз.

Өзбек тілінде жарық көріп тұрған бұл кітап сол ұлы тариқаттың ұлы пірлері жайлы ақпарат беруді көздеген. Арабстаннан бастау алған ғұламалар шынжырының Орталық Азия елдерінде он төрт дана көсемінің болуы үлкен мақтаныш.

«Силисилаи Алия» - ұлы шежіре дегенді білдіреді. Бір мектеп, бір жол, бір тариқаттың ішінде ғасырлардан бері ұстаз-шакірт тәрізінде келе жатқан ғұламалар шежіресі арапшада «сілсіле» деп аталады. Ал «алия» - арапшада «ұлы» деген мағынаны береді.

ISBN 9965-9456-1-6 **ББК 63.2**

КИРИШ

Ушбу китобда Туркистон диёрида Нақшбандия пирлари дея машҳур бўлган зотларнинг силсиласига дохил бўлган барча улуғлар ҳақида биографик маълумот оласиз.

“Силсила” - “бир-бирига боғлиқ, бир-бирига алоқадор нарсалардан ташкил топган занжир, ҳалқа” деган маънога келади. Ҳар бир муршиди комил, яъни олим ва авлиё зот, шогирдлари орасидан етилиб, ўзгаларни ҳам тарбиялай оладиган даражага келган шогирдларига халифалик ва ижозат (диплом) беради. Сўнгра улар ҳам талаба ўқитиб, етиштирган шогирдларига мана шу тарзда ижозат беришади. Мана шу йўсинда олимлар силсиласи, олимлар занжири юзага келади. Бу занжир пайғамбаримизгача етиб боради.

Ораларида Баҳоуддин Бухорий, имоми Раббоний, Мавлоно Холид Бағдодий сингари улуғ алломалар ҳам бўлган олимлар занжирига “Силсилаи олийя”, яъни “олий силсила” дейилган. Бунга “Силсилат уз-заҳаб”, яъни “олтин силсила” деб ҳам ном берилган.

Ҳар бир ҳақиқий олимнинг албатта Расулуллоҳгача етиб борадиган устозлар силсиласи, шажараси бўлиши керак. Масалан, имоми Раббоний, Абдулқодир Гейлоний ва тўрт мазҳаб имомларидек ҳар бир аҳли суннат олимининг жанобий пайғамбаримизгача бўлган бутун устозлари маълум. Исломда фақат мана шундай улуғ зотларга боғланиб, уларнинг китобларини ўқиш керак. Ҳаётда шундай улуғ зотларни топа олмаган киши улардек мутахассис, яъни силсиласи маълум ва ижозат соҳиби бўлган бирон олимнинг ёзган китобларини ўқиши, уни ўзига раҳбар билиши лозим.

Китобда исмлари зикр қилинган улуғ олимларни таниш ва у зотларни муҳаббати, файзи ва шафоатларига ноил бўлиш барчамизга насиб бўлсин.

Пайғамбаримиз МУҲАММАД “алайҳиссалом”

Аллоҳу таолонинг Расули. Ҳабиби, яъни севгилисидир. Пайғамбарларнинг энг устуни ва охиргисидир. Оталарининг исми Абдуллоҳ. Милоднинг беш юз етмиш биринчи (571) йили апрель ойининг йигирмасига тўғри келадиган Раби’ул-аввал ойининг ўн иккисида, душанба кечаси тонгга яқин, Маккада таваллуд этдилар. Туғилганларида оталари вафот этган эди. Олти ёшларида оналари, саккиз ёшга етганларида эса боболари вафот этди. Кейин амакилари бўлмиш Абу Толибнинг қарамоғида вояга етдилар. Йигирма беш ёшларида Ҳадича-тул-кубро ила уйландилар. Улардан тўрт қиз ва икки ўғиллари туғилди. Тўнғич ўғилларининг исми Қосим эди. Шунинг учун ул ҳазратга “Абул-Қосим” ҳам дейилган. Қирқ ёшларида бутун одамзот ва жинларга Пайғамбар эканликлари билдирилди. Шундан уч йил ўтгач, халқни иймонга даъват кила бошладилар. Эллик икки ёшларида, бир кеча Маккадан Қуддусга (Иерусалим) ва у ердан кўкларга олиб чиқилиб келинди. Бу ҳодисага «Меърож» дейилади. Меърожда Жаннатни, Жаҳаннамни ва Аллоҳу таолони кўрдилар. Беш вақт намоз ўша кеча фарз бўлди. Тарихчиларга кўра, милодий 622 йилда Аллоҳу таолонинг амри билан Маккадан Мадинага равона бўлдилар. Бу сафарларига «Ҳижрат» дейилади. Мадина шаҳрининг Қубо қишлоғига келган кунлари бўлмиш Раби’ул-аввалнинг саккизи, сентябръ ойининг йигирманчи душанба куни мусулмонларнинг Ҳижрий шамсий тақвим бошланғичи сифатида қабул қилинди. Мусулмонларнинг Ҳижрий қамарий йиллари эса, ўша йилнинг Муҳаррам ойидан бошланади ва ой йўлдошининг ер курраси атрофида ўн икки марта айланиши бир қамарий йилга тенг бўлади.

Муҳаммад “алайҳиссалом” оқ танли ва одамзотнинг энг чиройлиси эди. Чирой ва барноликларини ҳаммага ҳам маълум қилавермасдилар. Ул ҳазратнинг ҳуснларини бир маротаба кўрган ва ҳатто тушида кўрган кимсаларнинг ҳам, умрлари лаззат ва хурсандлик билан ўтмоқда. Ул ҳазрат барча замонларда дунёнинг хоҳлаган минтақасида яшайдиган, туғиладиган барча инсонлардан ҳар тарафлама устундир. Ақллари, фикрлари, гўзал хулқлари ва барча аъзоларининг қуввати ҳар инсонникидан зиёда эди.

Бола чоғларида икки марта тижорат карвонлари билан Шом сари бордилар ва Бусро деган жойдан изларига қайтдилар. Ундан бошқа ҳеч қачон ҳеч қаерга бормадилар. Уммий эдилар, яъни ҳеч мактабга бормадилар. Ҳеч кимсадан дарс олмадилар. Лекин, ҳамма нарсани билардилар. Яъни ҳар нимаики ўйласалар ва ҳар нимаики билишни хоҳласалар, Аллоҳу таоло ўша заҳоти У зотга билдириб турарди. Жаброил "алайҳиссалом" исмли фаришта келиб, У зот хоҳлаган нарсани билдириб кетарди. Муборак қалблари қуёшдек нур сочарди. Улардан сочилган илм ва маърифат нурлари худди радио тўлқинларидек ер, осмон ва ҳар томонга тарқаларди. Ҳозир эса бу нур, муборак қабри шарифларидан ёйилмоқда. Ёйилиш қуввати ҳам ҳар сония ортиб бормоқда. Электромагнит тўлқинларини қабул қилиб олиш учун радио қабуллагич лозим бўлганидек Унинг нур, яъни файзларини олабилиш учун Уларга ишонадиган, севадиган ва кўрсатган йўлларида юриб покланган қалб лозим. Шундай қалб соҳиби бўлган инсон ушбу нурларни олади ва у ҳам ўз навбатида атрофига нашр эта бошлайди. Бундай улуғ инсонларга **"Валий"** (авлиё) дейилади. Мана шундай бир валийни таниган, ишонган ва севган кимса, унинг олдида адаб билан ўтириб ёки узоқда уни адаб билан, муҳаббат билан хотирласа, ўйласа, ўша кимсанинг қалби ҳам нур ва файз олиб, поклана ва комиллаша бошлайди. Аллоҳу таоло баданимизни, моддамизни парваришлаб етилтириш учун қуёш энергиясини сабаб қилгани каби руҳ ва қалбларимизни камолга етказиш учун Муҳаммад алайҳиссаломнинг қалбларини ва у ердан таралаётган нурларни сабаб қилган. Инсонни тўйғазадиган, ҳужайра ва тўқималарга куч бахш этадиган ва қувват билан таъминлаб турадиган барча озиқ-овқат маҳсулотлари, қуёш энергияси ва ҳар хил реакциялар орқали ҳосил бўлганидек қалбга, руҳга озиқ бўладиган, авлиёнинг суҳбатлари, каломлари ва ёзувлари ҳам, барчаси Расулуллоҳнинг муборак қалбларидан ёйилаётган нурлардан ҳосил бўлган.

Оламларнинг жаноби (саллаллоҳу алайҳи васаллам) ўттиз етти ёшлигидаёқ ғойибдан "Ё Муҳаммад" деб уни чақираётган товушлар эшитарди. Ўттиз саккизида, бир қатор нурлар кўра бошлади. Воқеаларни фақат Ҳадижа волидамизга айтиб берарди. Муҳаммад алайҳиссаломга пайғамбарликнинг билдирилиши яқин қолган пайтларда замонасининг машҳур адибларидан Қус бин Саида,

Уқоз бозорида туянинг устида туриб, катта бир йиғинга ўқиган хутбасида Унинг (пайғамбарнинг) келиши хушхабарини берганди. Севимли пайғамбаримиз ҳам ўша хутбани тинглаганлар орасида эди.

У замонларда Арабистон бўйлаб одамлар илоҳий ўлчовлардан узоқлашганди, улар бой-камбағал, кучли-кучсиз, хўжайин ва қул каби синфларга бўлиниб олганди. Бироз ўзларини баландроқ, маданиятлироқ деб ҳисоблайдиганлар қолганларга зулм қиларди, уларни одам сонига қўшмасди. Кучсизларнинг моллари тортиб олинарди, аммо бундай ноҳақликка тўсиқ бўладиган бирор масъул топилмасди. Аллоҳу таолога иймондан ҳосил бўладиган ҳаё ва қўрқув ҳиссидан маҳрум бўлиб, фазилатдан роса узоқлашгандилар. Ҳар хил ахлоқсизлик, иззат-ҳурмат ва номусни оёқ ости қилиш каби бемани қилиқлар бемалол қилинарди, қимор, ичкиликбозлик, завқу сафодан ҳеч ким четда қолмасди. Ҳар куни қайталанаверадиган қотилликлар, зино ва босқинчилик ҳолатлари жонга тегиб бўлганди, маъсум кишиларнинг ингроқлари ва аччиқ кўз ёшлари Аршни ларзага келтираётганди. Тамоман ахлоқий тубанлик ҳукм сурарди, кишилар жаҳолат денгизига ғарқ бўлганди. Аёл зоти худди оддий бир молдай олиб сотилар, қиз болалар тириклайин инсофсизларча тупроққа кўмиларди. Ҳаммасидан баттари, тошюрак, ўжар ва раҳму шафқатдан йироқ бу халқ ўз қўли билан ясаган фойдаю зарардан ожиз жонсиз бутларга сиғинишиб-топинишни улкан бир шараф деб қабул қиларди.

Одам алайҳиссаломдан буён, дунёда бундай ваҳшат, йўлдан озиш, ахлоқсизлик, имонсизлик ва сафоҳат (кайфу-сафо, тубанликка муккадан кетиш) учрамаган эди. Одамлар гўёки ҳайвон қиёфасига кириб олгандай эди. Ҳамма бир-бирига душман, жамият ҳар он портлашга тайёр турган вулқондек қайнаётган эди. Кишиларнинг ҳузуру-роҳатга эришилари учун бундай қоронғилик қаъридан саодат қуёши чиқиши керак бўлаётган эди. Агар шундай бир зиё чиқса, куфр ўрнини иймон, зулм ўрнини адолат, жоҳиллик ўрнини илм оларди ва инсоният абадий саодатга эришган бўларди.

Пайғамбаримиз қирқ ёшлигида, Рамазон ойида Хиро тоғига чиқиб, тафаккурга берилган эди. Рамазоннинг 17-чиси, душанба куни ярим кечадан кейин исмини айтиб чақирган бир овоз эшитдилар. Бошларини кўтариб атрофига қараганларида, ўша овоз

яна такрорланди ва сўнгра бирданига теварак атрофни ёруғликка ғарқ қилган бир нурни кўрдилар. Нурнинг орқасидан Жаброил алайҳиссалом қаршисида пайдо бўлди ва Унга "Ўқи!" деди. Жанобимиз эса **"Мен ўқий олмайман"** жавобини бердилар. Ўшанда малак жанобимизни тутиб қаттиқ қучоқлади ва яна "Ўқи!" деди. Жанобимиз такрор **"Мен ўқий олмайман",** дея жавоб қайтардилар. Яна бир марта уни қучоқлади ва яна "Ўқи!" деди. Жанобимиз "Мен ўқишни билмайман"**,** деганди, Уни учинчи марта қучоқлаб қисди. Ундан кейин уни бўшатиб **"**(Эй Муҳаммад!) **Яратган Аллоҳнинг исми билан ўқи! У инсонни лахта қондан яратди! Ўқи, Аллоҳ буюк карам соҳибидир. У, (**инсониятга**) қаламни (**яъни ёзишни**) ўргатди, У зот инсонга билмаганларини ўргатади"** мазмунидаги Алақ сурасининг илк беш ояти каримасини келтирди. Муҳаммад алайҳиссалом ҳам у билан бирга такрорлади (ўқиди). Илк ваҳий ана шундай келди ва жаҳонга зиё сочган Ислом қуёши шу тариқа чиқди.

Жаброил алайҳиссалом, ваҳий келтирганида баъзан инсон шаклида келарди. Кўпинча Асҳоби киромдан Диҳя-и Калбийнингувратида келарди. Баъзан эса, пайғамбар жанобимизнинг қалбига илҳом билан ташларди, талқин этарди. Расулуллоҳ жанобимиз уни кўрмасди. У баъзан тушда, баъзан даҳшат сочиб, кучли ҳайқириқ билан келарди. Ваҳийнинг ана шундай келиши пайғамбар жанобимизга жуда оғир, мушкул туюларди. Бундай ҳолларда кун жуда совуқ вақтлари ҳам Унинг муборак пешоналаридан тер оқаверарди, туя устида бўлса, ваҳийнинг оғирлигидан туя ерга чўкиб қоларди. Унинг ёнида бўлган саҳобийлар ҳам ваҳийнинг оғирлигини таналарида ҳис этардилар. Жаброил алайҳиссалом бир неча марта пайғамбаримизнинг ўз шакли ва суратларида ҳам келган.

Аллоҳу таоло гоҳо ҳеч фариштасиз ва пардасиз, яъни ҳеч қандай воситасиз ҳам пайғамбаримизга ваҳий юборган. Бундай ҳол Меърож кечасида содир бўлди.

Илк ваҳийнинг келиши билан пайғамбарлик вазифасини бажаришни бошлаган Муҳаммад Мустафо (саллаллоҳу алайҳи васаллам) жанобимизнинг Исломни таблиғ қилишлари йигирма уч йил давом этди. Бу вақтнинг ўн уч йилини Маккада, ўн йилини Мадинада кечирдилар.

Муҳаммад алайҳиссалом **уммий** эдилар, яъни китоб ўқимаган, бирор нарса ёзма-ган ва ҳеч кимдан дарс олмаган киши эдилар. Маккада туғилиб, ўша жойда ўсди, маълум кишилар орасида вояга етдилар. Шундай бўлишига қарамай Таврот ва Инжилда, Юнон ва Рим даврларида ёзилган китобларда бўлган билимлардан, маълумотлардан, ҳодисалардан хабарлар берарди. Исломиятдан хабардор қилиш мақсадида ҳижратнинг олтинчи йилида Рим, Эрон ва Ҳабаш ҳукмдорларига ва бошқа араб подшоҳларига мактублар юборди. Унинг ҳузурига олтмишдан ортиқроқ элчилар келди. Пайғамбар жанобимизнинг ўқиш ва ёзишни билмаганлиги, Қуръони каримнинг Анкобут сураси, 48-чи ояти каримасида маолан **"Сен, бу Қуръони карим келишидан олдин, бир китоб ўқимадинг. Бирор ёзув ёзмадинг. Ўқиб, ёза оладиган бўлганингда эди, бузғунчи кимсалар албатта шубҳага тушган бўлур эди"** деб билдирилади.

Ҳадиси шарифда: **"Мен уммий пайғамбар Муҳаммадман. ... Мендан кейин пайғамбар йўқ"** деб марҳамат қилинади. Яна Қуръони каримда **"У** (Муҳаммад алайҳиссалом) **ўз-ўзидан сўзлаётгани йўқ. Унинг айтаётганлари, Унга ваҳий орқали билдирилмоқда, ўргатилмоқда"** (Нажм сураси, 3, 4 оятлар) мазмунида марҳамат қилинади.

Аллоҳу таоло Жаброил "алайҳиссалом" исмли малак орқали Муҳаммад алайҳиссаломга **"Қуръони карим"**ни юборди. Қуръон-и карим, 22 йил, 2 ой-ю 22 кунда ваҳий қилиниб тамомланди.

Инсонларга дунёда ва охиратда еракли, фойдали бўладиган нарсаларни амр қилди. Зарарли бўладиганларни эса таъқиқлади. Ўша амр ва таъқиқларнинг тамомига Ислом дини ёки Исломият дейилади.

Муҳаммад алайҳиссаломнинг айтган ҳар бир гаплари тўғри, қийматли ва фойдалидир. Мана шундай ишонган кимсага мўмин ва мусулмон дейилади. Муҳаммад алайҳиссаломнинг сўзларидан бирортасига ишонмайдиган, ёқтирмайдиган кимсага кофир дейилади. Аллоҳу таоло мўмин бўлган қулини севади. Уни абадиян жаҳаннамга ташлаб қўймайди. Уни жаҳаннамга ё ҳеч ташламайди, ёхуд қабоҳати, гуноҳи учун дўзахга киргазса ҳам, маълум вақт

ўтгач озод этади. Кофир кимса эса, жаннатга асло киролмайди. Тўппа-тўғри жаҳаннамга, яъни дўзахга боради ва у ердан илалабад чиқолмайди. Шунинг учун Ул ҳазратга ишониш, Уларни севиш, бутун саодатларнинг, ҳузур-ҳаловатнинг, роҳат-фароғатнинг ва яхшиликларнинг бошидир. Уларнинг пайғамбар эканликларига ишонмаслик эса, бутун фалокатларнинг, ғам-ташвишларнинг, азоб-уқубат ва ёмонликларнинг бошланғичидир.

Расулуллоҳ “саллаллоҳу алайҳи ва саллам”нинг илм, ирфон, фаҳм, яқийн, ақл, заковат, саҳийлик, тавозу’, ҳилм (мулойимлик), шафқат, сабр, ғайрат, ҳамийят, садоқат, амонат, шижоат, ҳайбат, мардлик, балоғат, фасоҳат, фатонат, малоҳат (гўзаллик), вароъ, иффат, каромат, инсоф, ҳаё, зуҳд ва тақволари бошқа бутун пайғамбарлардан зиёда эди. Дўст ва душманларидан кўрган зарарларини кечиб юборардилар. Ҳеч қайсиларига ёмонлик билан жавоб бермасдилар, яъни ўч ва қасос фикрида бўлмасдилар. Уҳуд жангида кофирлар, муборак гулдек яноқларини қонатиб, тишларини синдирган пайтларида, улар учун «Ё Рабби! Уларни авф этгин! Бу қилмишларини уларнинг жоҳилликларига йўйгин!»- деб дуо қилган эдилар.

Муҳаммад алайҳиссаломнинг чиройли хулқ-атвор ва хислатлари жуда ҳам кўп бўлиб, ҳар бир мусулмон бу ахлоқни ўрганиши ва ўз хулқини ҳам шунга қараб тузатиши керак. Дунё ва охиратда фалокатлардан, азоб-уқубатлардан қутулиш ва ўша икки жаҳон сарварининг “саллаллоҳу алайҳи ва саллам” шафоатларига ноил бўлиш, фақат мана шу тариқа насиб бўлиш мумкин. Чунки ҳадиси шарифда: «Аллоҳу таолонинг ахлоқи билан ахлоқланингиз!»- деб буюрилган.

Ҳижратнинг ўн биринчи йили эди. Жаброил алайҳиссалом, бу йил келганида севимли пайғамбаримизга Қуръони каримни икки марта бошидан охиригача ўқиб кўрсатди. Олдинги йилларда келганида фақат бир марта ўқирди. Сарвари олам (саллаллоҳу алайҳи васаллам) Жаброил алайҳиссаломнинг энг охирги олиб келган: **“Аллоҳу таолонинг ёрдами ва зафар куни етиб келиб, одамларнинг Аллоҳу таолонинг динига** (Исломиятга) **оқиб кираётганларини кўрганингда Раббингга ҳамд этгин ва тасбиҳ қилгин! Ундан авф тилагин! Чунки У, тавбаларни доимо**

қабул этгувчидир” мазмунидаги Наср сурасини эшитганларидан сўнг: **“Ё Жаброил! Кўнглимда ўлимим яқинлашаётганини ҳис қилмокдаман”** дея марҳамат қилдилар. Унга жавобан Жаброил алайҳиссалом, мазмуни: **“Охират, сен учун дунёдан яна-да хайрлидур. Раббинг сенга** (шундай неъматлар) **ато этурки, сен** (у илоҳий марҳаматлардан) **рози бўларсан”** (Духо сураси; 4-5) деган ояти каримани ўқиди.

Севимли пайғамбаримиз, ўша куни Мадинада бўлган барча Асҳоби киромни пешин намозига масжидга йиғилишларини хабар буюрдилар. Сарвари олам жанобимиз намоздан кейин бир хутба ўқидилар. Бу хутба шундай бир хутба бўлгандики, уни тинглаган барча қалблар инграб, кўзлардан беихтиёр ариқ-ариқ ёшлар оққан эди. Сўзларининг охирида: **“Эй одамлар! Пайғамбарингиз сифатида менга қандай қарайсизлар”** дея марҳамат қилгандилар, Саҳобалар: “Ё Расулаллоҳ! Аллоҳу таоло Сизга тарафимиздан мўлкўл хайрлар эҳсон ва марҳамат қилсин. Сиз бизга ўта шафқатли ота, доим насиҳат қилувчи меҳрибон ака сингари муносабатда бўлдингиз. Аллоҳу таоло Сизга лутф қилган пайғамбарлик вазифасини ўринли қилиб бажардингиз. Ваҳий қилинганларни бизга етказдингиз. Раббингиз йўлига, Исломга ҳикматлар, чиройли ширин насиҳатлар билан даъват қилдингиз, чақирдингиз. Аллоҳу таоло Сизга энг чиройли ва энг юксак ажрларни берсин” дедилар.

Сафар ойининг охирги кунлари эди. Оламларнинг сарвари (саллаллоҳу алайҳи васаллам) шимолдаги Бизанс (Византия) императорлиги мусулмонларга катта хавф-хатарга айланишидан олдин уларни яна бир марта Исломга чақириш, бу даъватни қабул қилмасалар, уларга уруш очиш ва уларни Ислом давлатининг ҳукмига киритишни истаётганди. Шу сабабдан ҳам румликлар билан жанг қилиш хусусида Асҳобининг ҳозирланишини амр буюрдилар. Асҳоби киром бу амрни бажариш учун ишга киришди. Расули акрам масжидга бориб минбарга чиқиб: **“Эй Асҳобим! Усоманинг отаси Зайд, қўмондонликка қандай лойиқ бўлиб, менинг назаримда қандай энг севимли бўлган бўлса, ундан кейин унинг ўғли Усома ҳам қўмондонликка ўшандай лойиқдир. Усома, менинг назаримда кишиларнинг энг севимлисидир”** дея марҳамат қилдилар.

Ҳазрати Усоманинг қўмондонлиги остида урушга бораётганлар орасида ҳазрати Абу Бакр, ҳазрати Умар, ҳазрати Абу Убайда бин Жарроҳ, ҳазрати Саъд бин Абий Ваққос каби Асҳобнинг обрўлилари ҳам бор эди.

Бироқ эртаси куни, Коинотнинг султони тўсатдан хасталаниб қолиши муносабати билан қўшиннинг йўлга чиқиши кечиктирилиб, сафар пайғамбаримизнинг охиратга ташрифидан кейингина амалга оширилди. Севимли пайғамбаримиз қаттиқ иситмага учрагандилар. Ҳарорати ошгандан ошиб борарди, хасталик вақт ўтган сайин оғирлашаётганди.

Пайғамбаримизнинг хасталиклари кучайиб борарди. Муборак хонимлари пайғамбаримизнинг ҳазрати Ойша волидамизнинг уйида қолишларига рози бўлишиб, ўз ҳақларини унга бағишлашни афзал кўрдилар. Ўшанда Расули акрам жанобимиз Завжаи мутаҳҳаралари (покиза рафиқалари)нинг бундай фидокорликларига мамнун бўлиб, уларнинг ҳаммасига дуо қилдилар ва ундан кейинги ҳаёт кунларини ҳазрати Ойша волидамизнинг уйларида кечира бошладилар.

Расули акрам (саллаллоҳу алайҳи васаллам) жанобимизнинг ҳарорати жуда кўтарилиб бораётганди. Ҳароратнинг баландлигидан ётоқнинг у тарафидан бу тарафига ўтиб, юриб турарди. Шундай безовта вақтларида ҳам Асҳоби киром У зотни зиёрат қилишарди. Хасталикдан чекаётган ташвишлари Асҳоби киромни ҳузнга ғарқ қилиб, ғамгинликка туширарди.

Хуллас, хасталик кундан кунга оғирлашарди. Асҳоби киром эса, бу вазиятдан кўп хафа бўлишиб, уйларида бемалол ўтиролмасдилар. Шу сабабдан доим масжидга тўпланардилар, пайғамбаримизни зиёрат қилишарди ёки вазиятдан хабар келтириш учун ҳазрати Алини Унинг ҳузури шарифига юборишарди.

Севимли пайғамбаримизнинг вафотидан уч кун аввал, хасталиги янада оғирлашди. Масжидга чиқиб жамоатга намоз ўқиб берадиган ҳолда бўлмадилар. Жамоатга чиқиб имомлик қила олмаган биринчи намозлари хуфтон намози эди. Ҳазрати Билол ҳар галгидай ўшанда ҳам Расулуллоҳнинг эшигига келиб “Ас-салот, ё Расулаллоҳ” деди. Севимли пайғамбаримизнинг масжидга чиқишга мажоллари йўқ эди. Шу сабабдан:**“Абу Бакрга айтинг-**

лар! Асҳобимга намоз ўқитсин” дея буюрдилар. Ҳазрати Ойша волидамиз: “Жоним сизга фидо бўлсин ё Расулаллоҳ! Отам жуда кўнгли бўш одам ва жуда хафалар. Зоти олийингизни мақомларида туриб, у ерда сизни кўра олмасалар йиғидан намоз ўқита олмаслар деб ўйлайман. Имомликка Умарнинг ўтишини амр буюрасизми?” деб савол қўйди. Пайғамбаримиз такрор: **“Абу Бакрга айтинглар! Асҳобимга имом бўлиб, намозларини ўқитсин”** дея буюрдилар. Ҳазрати Билол Абу Бакрга вазиятни тушунтирди. Ҳазрати Абу Бакр, доимо меҳробда кўришга ўрганган Расулуллоҳни кўра олмагач қалби эзила бошлади, ҳушини йўқотаёзди. Йиғлади!... Йиғлади!... Асҳоби кором ҳам унга қўшилишиб йиғлай бошладилар. Масжиддан эшитилаётган бу фарёдни эшитган меҳрибон пайҳамбаримиз, у ерда нима бўлаётганини сўрагандилар, ҳазрати Фотима волидамиз: “Жоним сизга фидо бўлсин ё Расулаллоҳ! Асҳобингиз, сизнинг йўқлигингизга чидай олмай йиғламоқдалар!...” дея жавоб берди.

Марҳамат дарёси бўлмиш севимли пайғамбаримиз (саллаллоҳу алайҳи васаллам) бу ҳолдан жуда таъсирландилар. Асҳобига бир мунча тасалли бериш ниятида хасталигининг шунчалар оғирлигига қарамай, яна жойларидан туриб, ҳазрати Али ва ҳазрати Аббосга суяниб масжидга келдилар ва намоз тугаганидан кейин: “**Эй Асҳобим! Сиз, Аллоҳу таолонинг ҳимоясидасиз ва мен сизни Аллоҳу таолога омонат қолдираман! Тақвода бўлинглар. Аллоҳу таолодан қўрқинглар. Аллоҳу таолонинг амрини бажаринглар ва Унга итоат қилинглар. Мен энди бу дунёдан кетаяпман”** дея марҳамат қилдилар.

Ҳазрати Абу Бакр, Асҳоби киромга ўн етти вақт намоз ўқитдилар. Бир сафар пешин намози ўқилаётганди. Ўша вақт Коинотнинг султони ҳам ўзининг вужудида бироз енгиллик сезиб, ҳазрати Али ва ҳазрати Аббосларга суяниб масжидга намозга чиққандилар. Имом ўрнида турган Абу Бакр Сиддиқ, севимли пайғамбаримизнинг бу ерга ташриф буюрганини англаб, ўрнидан силжимоқчи бўлди. Жанобимиз эса, **“Жойингда туриб давом этавер!”** дегандек ишорат қилдилар ва ҳазрати Абу Бакрнинг чап тарафида туриб, Асҳобига сўнгги маротаба намоз ўқитган бўлдилар. Вафотларидан уч кун аввал Жаброил алайҳиссалом, зиёрат қилгани келиб: “Ё Расулаллоҳ!

Аллоҳу таолонинг сизга саломи бор. Аҳволингизга вақиф бўлса ҳам, ҳол-хотирнингизни сўрамоқда"- деди. Оламларнинг жанобиэса: **"Маҳзунман - ғамгинман"** дея марҳамат қилдилар.

Жаброил алайҳиссалом якшанба куни ҳам келди ва олдинги келганидаги сўзларни такрорлади. Пайғамбаримиз ҳам аввалги жавобларини такрорладилар. Хасталик оғирлашишидан бир мунча илгари сиҳҳатлари озгина яхшиланиб, ўринларидан туриб бироз олтинларни камбағалларга тарқаттирриб, яна бир қисмини ҳазрати Ойшага топширгандилар. Якшанба куни Расулуллоҳнинг хасталиги бирданига оғирлашди. Ҳузурига келган қўшинларнинг қўмондони ҳазрати Усомага бирон сўз айтмадилар. Бироқ муборак қўлларини кўтариб, унинг устига қўйдилар, Бундан унга дуо қилганлари тушунилди.

Муҳтарам пайғамбаримизнинг дунёни шарафлантирган ва охиратга ташриф буюрган ҳар икки кунлари ҳам душанба бўлганди. Бу кун пайғамбаримиз хасталикларининг ўн учинчи ва охирги куни эди... Асҳоби киром Масжиди шарифда Абу Бакр Сиддиқ ҳазратларининг орқасида бомдод намозини ўқиётганларида, Оламларнинг жаноби масжиди шарифга келдилар. Умматининг саф-саф бўлиб намоз ўқиётганларини кўрдилар. Уларни кўриб севинчидан табассум қилдилар. Ўзлари ҳам ҳазрати Абу Бакрга эргашиб намоз ўқидилар. Саҳобаи киром Расулуллоҳни масжидда кўришиб, соғайибдилар деб ўйлаб хурсанд бўлдилар.

Намоздан кейин ётоқларида бироз дам олганларидан кейин ҳузури шарифларига ҳазрати Алини чақирдилар. Муборак бошларини унинг қучоғига қўйдилар. Муборак пешоналаридан тер чиқиб, муборак ранглари ўзгарганди.

ТашқаридахавотирланаётганАсҳобикиром,пайғамбаримизнинг сиҳҳатлари яна салбий томонга оққанини англаб, диллари доғ бўлди. Улар ҳам йиғлай бошладилар. Энг охирида бир мартагина бўлса ҳам севимли пайғамбаримизнинг муборак жамолини кўриш учун: "Илтимос, эшикни очинглар! Расул алайҳиссаломнинг муборак юзларини бир марта яна кўрайлик!..." дейишиб эшик ортида ёлворардилар. Оламларга раҳмат қилиб юборилган Аллоҳу таолонинг Ҳабиби, ўз жонажон Асҳобининг бундай ёлворишларини эшитиб: **"Эшикни очинглар!"** дея буюрдилар. Асҳобнинг

бообрўлилари ва кексалари ичкарига киришди.

Муҳтарам пайғамбаримиз, уларга сабр қилишни тавсия қилгандан кейин: **“Асҳобим! Сиз, инсонларнинг энг устуни ва энг шарафлиларисиз. Сиздан кейин кимлар келса келаверсин, сиз барибир ҳаммасидан олдин Жаннатга кирасиз. Динни оёқда тутиб турищда метиндек маҳкам бўлинг ва Қуръони азимни имом** (раҳбар-қўлланма) **қилинг. Диннинг ҳукмларидан ғофил бўлманг”** дея марҳамат қилдилар. Ундан сўнгра: **“Ё Раббий! Таблиғ** (етказмоқ) **этдимми?”** дедиларда муборак кўзларини юмдилар. Муборак юзлари терлади. Ҳазрати Али асҳобга ташқарига чиқишларини имо қилди.

Асҳоби кором чиқишганларидан кейин Расули акрамга яқин бориб, ҳазрати Ойша волидамиз ўзига насиҳат қилишларини сўради. Пайғамбаримиз: **“Эй Ойша! Уйингда ўтириб, ўзингни муҳофаза қилгин!”** дея марҳамат буюрдиларда, кўзларидан оқиб келаётган ёшларни тўхтата олмадилар. Коинотнинг султони йиғлаётганди... Бундай кўз ёшларни кўришиб, у ерда бўлганларнинг кўнгиллари яраланиб, жигар-бағри эзилди. Ҳазрати Умму Салама волидамиз эса: “Жоним сизга фидо бўлсин ё Расулаллоҳ! Нега йиғлайсиз?” деб савол қўйганди, **“Умматимга марҳамат бўлиши учун йиғламоқдаман”** дея марҳамат қилдилар.

Оламларнинг сарвари, сўнгги нафасларини олаётгандилар... Вақт-соат тамом бўлиш арафасида... Аллоҳу таоло Азроил алайҳиссаломга:**“Ҳабибимга энг чиройли ва кўркам кўринишда боргин! Агар рухсат берса, унинг руҳини майинлик билан енгилгина олгин. Рухсат бермаса, қайтиб келгин!”**- деб ваҳий қилди.

Аслида, ўзи ҳам вазифасини бажариш учун бораётган Зотнинг ҳурматига яратилган Азроил алайҳиссалом, Коинот султонининг ҳузурларига кириб борди. Рухсат тегди. Севимли Пайғамбаримиз, ёнида турган идишдаги сувга қўларини тиқиб, иккала қўлини ҳам ҳўллади ва муборак юзига суртдилар-да: “**Ла илоҳа иллаллоҳ! Эй Аллоҳим! Рафиқ-ул-аъло!...”** дея марҳамат қилдилар. Азроил алайҳиссалом, Оламлар жанобининг руҳини ола бошлади. Расулуллоҳнинг ранглари баъзан қизариб, баъзан сарғайиб турарди. Азроил алайҳиссаломга: **“Умматимнинг жонини ҳам**

шундай шиддат ва қийноқ билан оласанми!” дея марҳамат қилганларида, у: “Ё Расулаллоҳ! Ҳеч кимнинг жонини бундай қулай олмадим” деб жавоб қилди. Энг сўнгги сонияларда ҳам умматини унутмаган севимли Пайғамбаримиз: **“Эй Азроил! Умматимга кўрсатадиган шиддатингни, қаттиққўллигингни менга кўрсатгин! Зеро улар заифдурлар, чидай олмайдилар...”** дея марҳамат қилдилар. Ундан сўнгра такрор **“Ла илоҳа иллаллоҳ! Рафиқи аъло!”** дея марҳамат қилдилар ва муборак руҳлари олинди, оъло-йи илийийинга етказилди...

Ҳижрий 11 [м.632] йилда Раби’ул-аввал ойининг ўн иккиси, душанба куни тушдан аввал вафот этдилар. Сешанбани чоршанбага боғлайдиган кечанинг (чоршанба кечаси) ярмида муборак руҳи шарифларини таслим қилган хоналарига дафн қилиндилар. Вафот кунларида, қамарий 63, шамсийга кўра 61 ёшда эдилар.

Абу Бакр Сиддиқ ҳазратлари

Ҳазрати Абу Бакр Сиддиқ пайғамбарлардан кейин жами инсонларнинг энг устунидирлар. Ашъараи мубашшаранинг, яъни Жаннат билан суюнчиланган ўн саҳобанинг биринчисидир. Жаноби Пайғамбаримизнинг қайнотаси, ҳазрати Оишанинг отасидир. Ҳазрати Абу Бакр Расулуллоҳга ўзгача садоқат ва муҳаббат билан боғланган эди. Ҳатто вафотига Пайғамбаримиздан ажралиб қолишдан туйган қайғуси, ғами ва ҳасрати сабаб бўлганди. Чунки Расули акрамга бўлган муҳаббати ва ошнолиги калималар билан таъриф қилиб бўлмайдиган даражада кучли эди. Жаноби пайғамбаримиз ҳам уни жуда севарди.

Ҳазрати Абу Бакр (родияллоҳу анҳ) Расулуллоҳ вафот этган куни халифаликка сайланди. Халифалиги 2 йил, 3 ой ва 10 кун давом этди. 63 ёшида ҳижратнинг 13 (м.634) йили Жамозиал-охир ойининг еттиси душанба куни хасталаниб, 15 кун ётгач вафот этдилар. Жаноза намозини ҳазрати Умар ўқитди. Пайғамбаримизнинг қабри жойлашган Ҳужра-и Саодатга дафн этилди.

Ҳазрати Абу Бакр Расулуллоҳнинг энг яқин дўсти эди. Ундан ҳеч ажралмасди. Уларнинг мана шу ошноликлари Маккадан Мадина-

га ҳижратда ҳам давом этди. Расулуллоҳга ғорда шерик бўлдилар. Ғорда уч кун қолганларидан кейин бир туяга миниб, йўл юрдилар. Мадинага боргунга қадар Расулуллоҳнинг бутун хизматларини қилдилар. Мадинада масжид қурилаётганда Расулуллоҳ билан бирга меҳнат қилдилар. Ҳеч бир хизматдан, фидокорликдан четда қолмадилар. Ҳазрати Абу Бакр Пайғамбаримиз билан бутун жангларда бирга бўлган, баъзиларида қўшин қўмондонлиги вазифаси унга берилган эди. Шиддатли жангларда Расулуллоҳнинг ҳимоясида бўлдилар. Расулуллоҳга ўз баданини қалқон қилдилар. Бадр, Ухуд ва Хандақ жангларида катта қаҳрамонликлар кўрсатдилар. Табук жанггида байроқдорлик вазифасини бажардилар.

Расул алайҳиссаломнинг сўнгги хаста бўлиб ётган кунларида уч кун умматга имом вазифасида бўлиб, ўн етти вақт намозни ўқитдилар. Буларнинг уч вақтида Пайғамбаримизнинг ўзлари ҳам ҳазрати Абу Бакрга иқтидо қилиб, орқасида намоз ўқидилар.

Ҳижрий 10 (м.632) йили Пайғамбаримизнинг вафотидан кейин Асҳоби киромнинг ижмоси (сўз бирлиги) билан халифа қилиб сайланди. Пайғамбарларнинг охиргиси бўлган Муҳаммад алайҳиссаломдан кейин мусулмонларнинг халифаси, яъни Пайғамбаримизнинг ер юзидаги вакили ва мусулмонларнинг раиси ҳазрати Абу Бакр Сиддиқ бўлди.

Асҳоби киромнинг энг илмлиларидан эдилар. Ҳар илмда ҳужжат, ҳар соҳада бурҳон эдилар. Исломий илмларнинг бутун масалаларини биларди. Шу қадарки, Расулуллоҳ жанобимиз у зот ҳақида “Кўксимдаги маърифатларнинг, илмларнинг барчасини Абу Бакрнинг кўксига оқитдим” деб марҳамат қилгандилар. Шу тариқа у зот Муҳаммад алайҳиссаломдан кейин инсонларнинг энг юксаги бўлдилар. Ҳижрат йўлида Аллоҳ расулининг йўлдоши, ғорда рафиқи эдилар. Ҳаётида Пайғамбаримиздан ҳеч ажралмадилар. Ҳар ишида Унинг вазири бўлдилар. Расулуллоҳ бир масалада Асҳоби кибром билан маслаҳатлашаётганида ҳазрати Абу Бакрни ўнг тарафига, ҳазрати Умарни чап тарафига ўтқазарди. Кўрилаётган масалалар хусусида аввало бу иккисининг фикрини сўрар, сўнгра бошқа саҳобаларнинг мулоҳазаларини тингларди.

Расулуллоҳдан жуда кўп файзларга қовушган, Қуръони каримнинг маъноси ва ҳақиқатига оид бутун билимларни шахсан

Расулуллоҳдан олгандилар. Қуръони каримдан ҳукм чиқариш хусусида устун бир қудрат ва маҳорат соҳиби эдилар. Ояти карималарнинг ва ҳадиси шарифларнинг маъно ҳамда ҳақиқатларини тўла ўрганган эдилар. Асҳоби киром ва Тобеъиннинг олимлари кўплаган ояти карималарнинг тафсирларини ундан олиб билдирганлар.

Ҳазрати Абу Бакр Сиддиқ тасаввуф илмининг барча юксак маърифатларига эришганди. Расулуллоҳнинг қалбларига келган файзлар, маърифатларнинг тамоми унга ҳам берилганди. Расулуллоҳдан кейин Аллоҳу таолони энг яхши таниган ва энг кўп ибодат қилган киши ўша кишидир. Тасаввуф - Расулуллоҳнинг изида бўлиш, У кўрсатган йўлдан ажралмасликдир. Инсонларнинг яратилишлари бошқа-бошқа бўлганидан тасаввуф йўллари ҳам бўлак. Бу умматнинг кейин келган авлиёси Расулуллоҳдан келган файзларга, нурларга икки йўлдан эришади. Бири нубувват йўли, иккинчиси вилоят йўли. Мусулмонлар нубувват йўлининг барча маърифатларига ҳазрати Абу Бакр воситаси орқали эришишади. Асҳоби киромнинг барчаси Аллоҳу таолога (муҳаббатига ва ризосига) мана шу йўлдан эришдилар.

Ҳазрати Абу Бакрнинг фазилатлари, устунликлари жуда кўп. Буларнинг ҳар бири Қуръони каримнинг, ҳадиси шарифларнинг ва Асҳоби киром ҳамда бошқа дин олимларининг хабар бериши орқали маълум. Бу уммат ичида даража ўларок пайғамбаримиздан кейин туриш саодатининг соҳиби ҳазрати Абу Бакрдир. Чунки динни қувватлантириш ва Жаноби Пайғамбаримизга ёрдам бериш учун молини сарфлаш, жиҳод қилиш, яъни душманлар билан шиддатли жанг қилиш ва шон-шарафини фидо қилишда энг биринчилардан эдилар. Ҳазрати Абу Бакрнинг ҳамма мусулмонларнинг энг устуни бўлишининг сабаби имонга келиш, мол-мулкининг кўп қисмини ва жонини фидо қилиш, бошқа турли хизматларда ўзгалардан ҳамиша аввал бўлишларида эди.

Расулуллоҳ инсонларни имонга даъват қилдилар. Абу Бакр Сиддиқ ўша чақириққа қулоқ бериб имон келтирганлар биринчиси бўлдилар. Шу тариқа ушбу қутлуғ имон йўлилда Расуллоҳдан кейинги иккинчи одам бўлдилар. Сўнгра ўз ғайратлари билан инсонларни Аллоҳга ва Расулига имон этишга чақирдилар. Кўпчилик

бу даъватни қабул этди. Шу тариқа даъватда ҳам иккинчилардан бўлдилар. Ҳар бир жангда Расулуллоҳнинг ёнида шай турдилар. Бадрда ҳам Унинг соясидек ажрамай юрдилар. Расулуллоҳ хасталанганида ўринларига уммат одида имомлик қилиб, ҳамманинг олдига ўтдилар. Бу хусусда ҳам пай5амбаримиздан кейин иккинчи киши бўлдилар. Расулуллоҳдан кейин унинг мақбарасига дафн қилиниш жиҳатидан ҳам иккинчи бўлдилар. Буларнинг барчаси Расулуллоҳга жуда яқин бўлишнинг далилларидир. Аллоҳу таоло Расулининг дўсти сифатида ҳазрати Абу Бакрни Қуръони каримда зикр қилиб **“Ўшанда Расулим дўстига маҳзун бўлма деди”** деб марҳамат қилган. Ўша икки кишининг учинчилари Аллоҳу таоло эди. Аллоҳу таоло билан бирга бўлган киши, шубҳасиз, шараф ва фазилат жиҳатидан бошқаларидан устундир.

Ҳазрати Абу Бакрнинг исми тилга олинганда ҳазрати Умар шундай дедилар:

“Умримдаги бутун амалларимнинг Абу Бакрнинг бир кеча-кундузлик амалидек бўлишини истардим. У шу маъсуд кечадурки, унда Расулуллоҳ билан бирга ғорга кирган эдилар. Ғор оғзига келганларида “Аллоҳ учун ё Расулуллоҳ, ичкарига кирманг! Аввал мен кирайин, ичкарида зарарли бирон нарса бўлса, менга бўлсин. Муборак зотингизга ҳеч қандай алам, ташвиш етмасин” деди ва ичкарига кириб, у ерни супуриб, тозаладилар. Ғор ичида бир неча тешиклар бор эди. Эгнидаги ҳирқасини йиртиб, тешикларни беркитдилар. Сўнгра Расулуллоҳга ичкарига киришларини айтдилар. Расулуллоҳ ичкарига кирдилар ва муборак бошларини ҳазрати Абу Бакрнинг қучоғига қўйиб ухладилар.”

Жанобi Пайғамбаримиз марҳамат қилдики:

“Бизга ҳар қандай неъмат бериб бирон яхшилиги теккан ҳар бир одамнинг мукофотини бердик. Лекин Абу Бакр қилган яхшиликлару икромларнинг мукофотини, эвазини бера олмадик. Бунинг эвазини Ҳақ таоло қиёматда бергай. Менга Абу Бакрнинг молидай бошқа ҳеч кимнинг моли фойда бермади. Агар мен дўст тутадиган бўлсам, Абу Бакрни дўст тутардим. Лекин билингизки, сизнинг соҳибингиз Аллоҳу таолонинг дўстидир.” (Масобиҳ)

“Аллоҳ Иброҳим алайҳиссаломни дўст тутгани каби мени

ҳам халил тутди. Агар умматимдан бир кишини ўзимга дўст тутишим керак бўлганида мен Абу Бакрни дўст тутинардим.” (Муслим, Термизий)

Ҳазрати Умар айтдиларки:

«Абу Бакр бизнинг саййидимиз, энг хайрлимизки, Аллоҳ уни Расулига барчамиздан кўра севимлироқ қилди.»

Ҳазрати Абу Бакр Расулуллоҳнинг вафотидан кейин ҳар ўтган кун сайин заифлашарди. Бир куни қизлари Оиша-и Сиддиқа волидамиз бу заифлашнинг сабабини сўради. Жавобида Расулуллоҳнинг ҳасрати шундай заифлатди дегандилар.

Ҳазрати Абу Бакрнинг бебаҳо насиҳатларидан:

“Тақво - ақл билан қилинадиган ишларнинг энг гўзалидир. Ҳаққа осий бўлиш аҳмоқлик билан қилинган ишларнинг энг жирканчидир. Берилган омонатни ўрнига қўйиш энг устун тўғриликдир. Хиёнат сифатида энг биринчи бўлиб ёлғон келади.”

“Ўлимни ўзингга севдиргин. Чунки қачон ҳам бўлса келади.”

“Умрини фойдасиз, бекорчи нарсалар билан ўтказган киши полизга уруғ экиш вақтини ўтказиб юборган бўлади. Вақтида уруғ экмаган киши эса ҳосил йиғиш вақтида пушаймон бўлади.”

“Нима гапиришингга ва қачон гапиришингга диққат қилгин!”

Қўшин қўмондонларини бир ерга жўнатганида уларга:

“Аёлларни ўлдирманглар, болаларга ва кексаларга тегманглар. Мева дарахтларини кесманглар. Обод жойларни бузманглар. Тажовуз қилманглар. Қўрқманглар ва овқатланишдан бошқа мақсадларда қўй, туя сўйманглар. Монастирларидан паноҳ топган кимсаларга зарар берманглар” деб амр ва насиҳатлар қилардилар.

Бир хутбасида айтдиларки:

“Эй инсонлар, Аллоҳдан авф ва офият тиланглар! Чунки мўминга исломдан сўнгра авф ва офиятдан ҳам хайрлироқ нарса берилмаган.”

“Мусулмонлардан ҳеч бири бошқасини ҳақир кўрмасин. Зеро мусулмонларнинг кичиги Аллоҳ ёнида буюкдир.”

“Аллоҳу таолодан ўзини Қиёмат куни Жаҳаннам оташидан сақлашини истаган киши мўминларга нисбатан жуда марҳаматли ва юмшоқ муомалада бўлсин.”

Бир куни Асҳоби киромга хитоб қилиб дедиларки:

“Аллоҳу таоло сизларга дунёни фатҳ эттиради, даврозаларни очади. Сиз ўз эҳтиёжингиздан ортиғини изламанг!”

“Шуни билгинки, бомдод намозини ўқиган киши Аллоҳнинг ҳимоясидадир. Аллоҳнинг ҳақини кичик кўрма, зеро У сени юзтубан қилиб Жаҳаннамга улоқтиради.”

“Аллоҳу таологa бўлган холис севгининг завқига тушунган киши дунёликдан воз кечади ва бутун инсонлардан юз ўгиради.”

“Кишининг каломи – ақлининг баёни ва фазилатининг таржимонидур.”

Яна бир хутбаларида айтдиларки:

“Бутун ҳамд ва санолар Аллоҳу таолга махсусдир. Унга ҳамд этаман ва Ундан ёрдам истайман. Ундан авф тилайман, Унга имон этаман, Унга ишонаман. Ҳидоятни Аллоҳдан кутаман, бузуқлик, шубҳа ва кўрликдан Унга сиғинаман. Аллоҳ дуруст юришини насиб этган киши тўппа-тўғри йўлдан юради. У адаштирган кимса эса на бир дўст, на бир муршид топа олади... Бутун борлиғим билан ишонаманки, Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ. У ёлғиз ва шериги йўқдир. Мулк ва салтанат Уникидир, ҳамд Унгадир. Тирилтирадиган ҳам, ўлдирадиган ҳам У. У ҳеч вақт ўлмайдиган тирикдир. Тилаганини юксалтади, тилаганини хор қилади. Бутун хайрлар Унинг қўлидадир. У барча нарсага қодир.

Бутун борлиғим билан ишонаманки, Муҳаммад алайҳиссалом Унинг қули ва Пайғамбаридир. Уни бутун оламларга раҳмат, инсониятга раҳбар ва далил сифатида юборди. У юборилган пайтда одамзот тарихининг энг тубан кунларини бошдан кечираётган эди. Жаҳолат ва разолат зулматига ботган эди. Динлари уйдирма, даъватлари сохта ва ёлғон эди. Аллоҳу таоло ҳақиқий динини Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом билан азиз қилди.

Эй мўминлар, Аллоҳ сизларнинг кўнгилларингизни бирбирингизга мойил қилди. Унинг неъмати туфайли сизлар худди ака-укалардек бўлдингизлар. Авваллари оташ жарининг шундоқ чеккасида эдингизлар. Сизларни у ердан қутқариб холос қилган ягона Аллоҳдир. У ҳолда эй имон келтирганлар, Аллоҳга ва Унинг Расулига бўйсунинглар! Аллоҳу таоло **“Расулга бўйсунган, бас Аллоҳга бўйсунибди”** деб марҳамат қилган. (Нисо, 3)

Эй имон келтирганлар! Сизларга ҳар ишда, ҳар вазиятда Аллоҳу таолодан қўрқишни насиҳат қиламан. Ёқтирган ишларин-

гизда бўлганидек, қийналган ишларда ҳам ҳақиқатга ёпишинг. Шуни билингки, тўғри сўздан бўлак ҳеч бир калом хайр ёки фойда келтирмайди. Ёлғон гапирган киши яратилиш ҳикматини бузди, буни содир қилган киши эса ҳалок бўлди демакдир. Эй инсонлар! Кибрланишдан сақланинг! Тупроқдан яратилиб, яна тупроққа қайтадиган мавжудотнинг кибрланиши нимаси? Бугун бор, эртага йўқ бўладиган бир жонлининг ўз-ўзини ёқтириши нақадар маъносиз!..

Эй инсонлар! Меҳнат қилинг ва нафсларингизни охират учун тайёрланг. Ҳал бўлиши қийинлашган масалаларни Аллоҳнинг илмига ҳавола қилинг. Нариги оламга кетишдан олдин шундай нарса тайёрлангки, у ёққа борганингизда олдингиздан чиқсин.

Аллоҳдан қўрқинг. Унинг амр ва тақиқларига қулоқ тутинг. Сиздан аввал келиб-кетганлардан ибрат олинг. Шуни унутмангки, Раббингизнинг ҳузурига албатта чиқасиз ва катта-кичик бутун амалларингизнинг ҳисобини берасиз.

Шу билан бирга Аллоҳ истаганини авф эта олади. У кечирувчи ва авф этувчидир.

Ўзингизни яхши билинг ва фақат ўз нуқсонларингизни тузатинг. Ёрдам сўраладиган ёлғиз қудрат соҳиби Аллоҳу таолодир. Ундан ташқари ҳеч бир куч на қура олади, на буза олади.”

Ҳазрати Абу Бакрнинг фазилатларини билдирган ҳадиси шарифлар:

“Абу Бакр инсонларнинг энг устунидир. Лекин Пайғамбар эмас.” (Дайламий)

“Абу Бакрни севиш ва унга шукр қилиш ҳар бир мўминга вожибдир.” (Дайламий)

“Аллоҳу таоло Абу Бакрга “Сиддиқ” исмини берди.” (Дайламий)

“Қиёматда Абу Бакрдан бошқа барчадан ҳисоб сўралади.” (Хатиб)

“Бутун инсонларнинг имонларини тўплаб тортилса, Абу Бакрнинг имони барчасидан оғир келади.” (Маноқиби чаҳор ёри гузин)

“Кўксимдаги маърифатларнинг, илмларнинг барини Абу Бакрнинг кўксига қуйдим.” (Радди равофиз)

“Ҳар пайғамбарнинг халили бўлади. Менинг халилим Абу Бакрдир.” (Дайламий)

“Жаброил келиб, қўлимдан тутди. Умматимдан бирининг Жаннат эшигидан ичкарига кираётганини кўрсатди. Абу Бакр айтдики: “Ё Расулаллоҳ! Ўша жойда сиз билан бирга бўлишни истайман.” Ё Абу Бакр! Жаннатга энг аввало сен кирасан деди.” (Термизий)

Бир зотга нисбатан севги-муҳаббат, ихлос ва садоқат қанчалик кучли бўлса, ул зотдан моддий-маънавий фойдаланиш ҳам шунчалик кучли бўлади. Шунинг учун ҳазрати Абу Бакр бутун Асҳобнинг энг устуни бўлдилар. Чунки Расулуллоҳга бўлган садоқати ва вафоси ҳаммадан зиёда эди. **“Абу Бакрнинг устунлиги намоз ва рўзасининг кўплигида эмас, қалбидаги нарсададир”** ҳадиси шарифида айтилган нарса Расулуллоҳнинг муҳаббатидир. (И.Ғазолий)

Салмон Форисий ҳазратлари

Салмон Форисий ҳазратлари Асҳоби киромнинг буюкларидан ва машҳурларидандир. Аҳли байтдан саналади. Инсонларни Ҳаққа даъват этган, тўғри йўлни кўрсатиб саодатга қовуштирган “силсила-и олия” деб аталадиган улуғ олим ва валийларнинг иккинчи ҳалқасидир.

Ҳандақ ғазосидан бошлаб, бутун жангларда иштирок этган. Бадр ва Ухуд ғазосидан кейин мусулмонлар Мадинага учинчи марта ҳужум қилмоқчи бўлган мушрикларга қарши қандай ҳимояланиш кераклигини маслаҳатлашаётган эдилар. Барча мушриклар бирлашиб ҳужум қилмоқчи бўлган бу жангда Салмон Форисий Расулуллоҳга ҳандақ қазиш йўли билан ҳимояланишни тавсия қилганди. Унинг бу таклифи қабул қилиниб, ҳандақ қазилди. Шу сабабдан бу жангга Ҳандақ жанги дейилди. Салмони Форисий таркибида Амр бин Авф, Ҳузайфа бин Яман, Нуъмон бин Мукаррин билан Ансордан олти киши бўлган гуруҳда эди. Салмони Форисий кучли ва қувватли бир зот эди. Ҳандақ қазиш ишларида ғоят моҳир ва уста эди. Ёлғиз ўзи ўн киши қазийдиган

жойни қазирди. Жобир бин Абдуллоҳ: “Салмоннинг ўзига ажратилган 5 аршин узунликдаги ва 5 аршин чуқурликдаги жойни вақтида қазиб бўлганини кўрдим” деганди.

Ҳандақ жанггидаги ғайрат ва хизмати сабабли уни Жаноби Пайғамбаримиз **“Салмон-ул хайр”**, яъни “Хайрли Салмон” деб атадилар.

Асҳоби киром тарафидан ҳам жуда қаттиқ севилиб, ҳурмат кўрсатилди. Салмони Форисий ҳазратлари ҳеч дунёга қизиқмасди. Ўзига келган бутун дунё молини Аллоҳ розилиги учун тарқатарди. Оёқда тура олмайдиган даражага тушгунча намоз ўқир, сўнгра бадани ҳолдан тойгунча ўтириб тили билан зикр қиларди. Тили чарчаганда Аллоҳу таолонинг яратган нарсаларидаги ҳикматларни ўйлардики, бу тафаккури Жаноби Пайғамбаримиз марҳамат қилган **“Бир соат тафаккур минг йиллик ибодатдан хайрлидур”** ҳадисларига ҳамоҳангди. Бироз дам олгандан кейин “Эй нафсим, сен яхшигина дам олдинг. Энди ўрнингдан тур, Аллоҳу таолога ибодат қилгин”, тилига эса, “Эй тилим, сен ҳам Аллоҳу таолонинг зикрини бошлагин”- дерди.

Салмони Форисий ҳазратлари Асҳоби Суффа дейилган ва Жаноби Пайғамбаримиз илм ўрганишни вазифа қилиб белгилаган ҳамда Пайғамбаримиздан ҳазарда ва сафарда бир он ҳам ажралмаган кимсалардан эди. Баъзи кечалар Расулуллоҳнинг ҳузурида бўлиб, соатларча суҳбатларида бўларди.

Қўлида мол-мулк йиғмасди. Кинда қабиласидан бир аёлга уйланганди. Уйланган аёлининг уйига кирганида уй деворларига ҳар хил безаклар илинганини кўрди.

Ҳар хил зийнатли, безакли ёпинчиқларнинг фақат Каъбаи Муаззамага ярашишини айтиб, уйга кирмади. Эшик ёпинчиғидан бошқа бутун ёпинчиқлар олинди. Уйга кирганида анчагина мол-мулкни кўрди. “Булар ким учун?” деб сўраганида “Сеники ва аёлингнинг моли” дедилар. Салмони Форисий “Расулуллоҳ менга буни тавсия қилмаганлар. Менга бир йўловчининг моли ва эҳтиёжидан ортиқча нарса тўпламасликни тавсия қилганлар” деди. Бироздан кейин бир хизматчини кўрди. “Бу хизматчи кимники?” деб сўради. “Сеники ва оилангники” дедилар. Айтдики: “Халилим (саллаллоҳу алайҳи васаллам) менга буни тавсия этмадилар. Уйингда никоҳингдаги

аёлингдан бошқа кимса тутмагин дедилар. Агар тутсанг, улар аёллар қилиши керак бўлган нарсаларни (ёлғонни, ғийбат, нотинчлик) қиладилар деб тавсия қилдилар.” Шундай деб хизматчи аёлни ҳам жўнатиб юборди. Сўнгра аёлининг олдига кириб “Сен менга амр этган нарсаларимда итоат этасанми?” деб сўради. Аёли “Сизга итоат қилиш учун турмушга чиқдим”- деди. “Халилим (саллаллоҳу алайҳи васаллам) менга айтдики: Сен оиланг билан Аллоҳу таолонинг амрларини бажариш учун бирга бўлгин.” Ундан кейин намоз ўқиш учун турди ва аёлига намоз ўқишини буйирди. Кўп ибодат қилиб кўз ёши тўкди ва никоҳини баракотли қилиши учун Аллоҳу таологa дуолар қилди. Салмони Форисий ҳазратлари аёли билан ғоят зоҳидона ҳаёт кечирардилар. Асҳоби Суффа ичида Расулуллоҳнинг олдида ислом илмларини ўрганарди. Ҳазрати Салмон (родиаллоҳу анҳ) йилларча фақирлик ва қуллик ортидан чеккан аламларни ваҳий булоғининг тиниқ сувларидан ичиб кеткизарди. Аҳли Суффа ичида Расулуллоҳга энг яқин бўлгани Салмони Форисий ҳазратлари эди. Ҳазрати Оиша волидамиз айтдики: “Салмони Форисий кечалари узоқ вакт Расулуллоҳ билан қоларди ва суҳбатида бўларди. Қаерда бўлса ҳам Расулуллоҳнинг ёнида биздан ҳам кўп бўларди. Жаноби Пайғамбаримиз **“Аллоҳу таолонинг менга севишини билдирган ва менинг ҳам уларни севишимни амр этган тўрт кишидан бири Салмондир”** деб марҳамат қилганлар.”

Ҳазрати Абу Бакр даврида Мадинадан ва ҳазрати Абу Бакрнинг суҳбатидан бир зумга ҳам ажралмаган ҳазрати Салмон, ҳазрати Умар замонида Эрон фатҳида иштирок этди. Ислом лашкарининг буюк ғалабаларга эришган бу сафарларида кўп хизматлари сингди. Эронликлар ҳақида кўп маълумотга эга эди. Чунки ўзи аслан эронлик эди. Эронликларни ўз тиллари билан динга даъват этар, исломиятни тушунтирар эди. Эронликлар жангларда филдан фойдаландилар. Мусулмонлар шу вақтгача фил кўрмаганлари учун жуда шошиб қолдилар. Ҳазрати Салмон филлардан қандай ҳимояланиб ва уларни қандай ўлдириш кераклигини ислом аскарларига кўрсатиб берди. Эроннинг Мадойин шаҳри олиниши билан ҳазрати Умар уни шаҳарга волий этиб тайинлади. Илми, узоқни кўра олиши вазифасидаги адолати ва назокати билан Мадой-

ин халқи тарафидан кучли ҳурмат-эътиборга лойиқ бўлди. Шу тариқа у ерда исломият тезлик билан тарқалди. Салмони Форисий ҳазратлари ҳазрати Умар замонида Мадойин волийси бўлиб турганида ўттиз минг кишига хутба ўқиган пайтида ёнида атиги икки парчадангина иборат ҳирқаси бўларди. Ҳирқасининг бир парчасини ерга тўшаб устида намоз ўқир, иккинчисини кияр эди. Ундан бошқа ҳеч қандай кийими йўқ эди. Волий бўлгани учун маош бериларди. Маош олган куни пулни ҳеч нарсага сарфламай барини фақирларга тарқатарди. Ўз меҳнати билан кун кўрарди. Гилдан идиш-товоқ ясаб, уч дирҳамга сотарди. Унинг бир дирҳамига яна товоқ ясаш учун хом-ашё сотиб олар, бир дирҳамини садақа қилиб берар, бир дирҳамига эса уйига керакли нарсаларни оларди.

Мадойинда волийлиги вақтида Шомдан бир киши келди. Ёнида бир сават анжир бор эди. Салмони Форисий ҳазратларини ёлғиз ҳирқада кўриб, уни ишчи деб ўйлади. “Кел, мана буни кўтар” деди. У ҳам индамасдан саватни кўтариб, ортидан эргашди. Буни кўрганлар “Сен нима қиляпсан, бу волий-ку” дедилар. Буни эшитиб ҳалиги киши “Мени кечиринг, сизни танимабман. Саватни қўйинг” деди. Ҳазрати Салмон “Йўқ, қўймайман. Ният қилдим, борадиган жойгача кўтариб бораман” дея у кишининг уйигача кўтариб борди.

Жуда ҳам оддий ҳаёт кечирган Салмони Форисий ҳазратлари ҳазрати Усмон даврида хасталанди. Шу пайтларда уни зиёрат қилишга келган Саъд бин Аби Ваққосга дунёдан кетадиган вақти келганини ва бутун бойлигининг бир коса, бир лаган, бир гилам ва бир шолчадан иборат эканлигини айтди. Зиёратга келган Асҳоби киром насиҳат сўраса, хаста бўлишига қарамай уларга тинмай насиҳатда бўлди. Шу хасталиги натижасида Мадойинда вафот этди.

Илм ўргатишни жуда северди. Кўплаган олимларни етиштирди. Абу Саид ал-Худрий, Ибни Аббос, Авс бин Моликлар унинг талабалари ичида эди. Тобеъиннинг буюкларидан ва шу вақтда Мадинада Фуқаҳои Сабъа деб аталувчи етти буюк олимдан бири бўлган Қосим бин Муҳаммад ҳам, Салмони Форисийнинг талабаларидан эди. Унинг дарслари ва суҳбатларида камолга етганди. Салмон Форисий ҳазратлари Расулуллоҳ жанобимизнинг ҳузурида ва суҳбатларида камолга етди. Зоҳир ва ботин илмида юксак да-

ражаларга эришди. Асҳоби киромнинг барчаси ҳам шу даражаларга етганди. Лекин Расулуллоҳдан ҳар ким ўз қобилияти ва қувватига кўра файз оларди. Ҳазрати Абу Бакр қовушган даражага ҳеч бир Саҳоба етиша олмади. Салмони Форисий ҳазратлари Расулуллоҳдан сўнгра ҳазрати Абу Бакрнинг суҳбатида ва хизматида бўлиб, ундан ҳам файз олди.

Аёли ҳикоя қилади:

«Вафотига яқин менга “Уйда бироз мушк бор. Уни сувга қўшиб, бош атрофимга сепгин. Инсон ва жин бўлмаган кимсалар (фаришталар) ёнимга келади” деди. Айтганидек қилдим. Ташқарига чиқдим. Хонадан “Ассалому алайка, эй Аллоҳнинг валийси ва Расулуллоҳнинг дўсти” деган овоз эшитдим. Ёнига қайтиб кирганимда руҳини таслим этганди. Ётоғида худди ухлаётгандек ётарди.»

Саид бин Мусаййаб Абдуллоҳ бин Саломдан нақл этади:

“Салмони Форисий менга “Эй биродарим, қайси биримиз аввал вафот этсак, ўзини ҳаётда тирик қолганга кўрсатсин” деди. Мен бу мумкинми дедим. У “Ҳа мумкин. Чунки мўминнинг руҳи баданидан ажралгач, истаган жойига бора олади. Кофирларнинг руҳи Сижжинда ҳибс этилган бўлади” деди. Салмон вафот этди. Бир кун қайлула вақтида Салмоннинг келганини кўрдим. Салом берди. Саломига жавоб бердим. Борган жойи қанақалигини сўрадим. “Яхши. Таваккул қилгин. Таваккул жуда яхши нарса” деди ва буни уч марта такрорлади.”

Салмони Форисий ҳазратларининг илми билан фазилати жуда кўп эди. Ҳар илмда олим эди. Ҳазрати Али “Салмони Форисий аввалгиларнинг ва кейингиларнинг илмини ўрганган битмас-туганмас денгиздур» деб айтган эди. Расулуллоҳга бўлган сидқ ва муҳаббати сабабли Асҳоби киромнинг танланганлари орасига Расулуллоҳ тарафидан қўшилди. Муҳожирлар билан Ансор ўртасида Салмон муҳожирми ёки ансорми деган ихтилоф чиққанида Жаноби Пайғамбаримиз **“Салмон биздандир, аҳли байтдандир”** деб марҳамат қилдилар.

Салмони Форисийнинг қийматли насиҳатларидан баъзилари қуйида келтирилган:

“Мўмин худди табиб олдидаги хастага ўхшайди. Табиб унга нима бўлиши, нима бўлмаслигини билади. Хаста ўзига зарари ета-

диган бирон нарсани қилмоқчи бўлса, моне бўлади ва есанг ўласан дейди. Мўминнинг ҳоли ҳам шундай. У ҳам кўп нарсаларни орзулайди. Лекин Аллоҳу таоло моне бўлади, то ўлгунига қадар. Сўнгра Жаннатга киради.”

“Шу кишига ҳайрон бўламанки, дунёга ҳирс билан ёпишади. Аммо ўлим унинг изидан бормоқда. Ўзи унутган, лекин унутилган эмас. Кулади, фақат билмайдики, Рабби ундан розими ёки йўқ?”

“Уч нарса мени ҳайратга солди. Булар: орқасидан ажал келиб турса ҳам дунё ортидан чопаётган кимсаларнинг ҳоли; ўзи ғафлатда ва батамом унутса ҳам, унутилмаган ва ҳисобга тортиладиган кимсалар; ҳамда ўзидан Рабби рози ёки рози эмаслигини билмасдан оғзини тўлдириб кулган кимсаларнинг ҳоли.”

“Илм кўп, лекин умр қисқа. Шундай экан, аввало динда зарур бўлган илмларни ўргангин!”

“Қалб билан баданнинг ҳоли кўр ва ногирон кимсаларнинг ҳолига ўхшайди. Кўр бир дарахтнинг тагига боради, лекин ундаги меваларни кўрмайди. Ногирон дарахтдаги меваларни кўради, лекин ололмайди. Илоҳий неъматларни қалб билиши, ишониши керак. Бадан эса, уни исташи лозим-ки, охиратдаги сўнгсиз неъматларга эришмоқ насиб бўлсин.”

“Сизлар иложи борича бозорга энг эрта келадиган ва қайтишда энг кеч қайтадиган киши бўлманглар. Чунки бу икки пайт шайтонларнинг жанг қиладиган вақтидир.”

“Бир кимса Аллоҳу таолога қарши очиқча гуноҳ қилса, тавбасини ҳам очиқча қилсин, гуноҳини яшириб қилган бўлса, тавбасини ҳам элдан яширинча қилсин. Тавба қилгандан кейин “Ё Раббий, тавба билан гуноҳимни авф этгин!” деб дуо қилсин.”

“Бир бой билан дўст бўлганингда унинг ёнида даражангни туширгинг келмаса, ундан ҳеч нарса сўрамагин. Чунки истамоқ инсон ўғилларининг юзида қора бир доғдир. Берилган нарсани рад этган кимса, бераётган кишининг кўзига буюк кўринади ва унинг олдида ўз мақомини ҳимоя қилган бўлади.”

“Фарзларни тўлиқ бажармасдан, нофилалар билан даражасини юксалтиришга уринган кимсанинг ҳоли сармоясини қўлдан чиқарганига қарамай фойданинг ортидан чопаётган тижоратчига ўхшайди.”

“Мўмин кишининг ўлим вақтида пешонасининг терлаши, кўзларининг ёшланиши, бурун тешикларининг кенгайиши Аллоҳу таолонинг раҳматига ноил бўлганига аломатдир.”

“Намоз бир ўлчовдир. Кимки уни тўла-тўла ўлчаса, ҳаққини бериб ўқиса, катта ажру мукофотга қовушади. Кимки кам-кам қилиб ўлчаса (одобига мос ўқимаса), Аллоҳу таоло буюрган Вайлни (Жаҳаннамни) хотирласин.”

Абу Ваил айтадики:

«Бир дўстим билан Салмонни зиёрат қилишга бордим. Бизга бироз арпа нони билан туз келтирди. Дўстим “Шу тузнинг ёнида бироз тоғжамбил ҳам бўлганида эди” деди. Шунда Салмон сув идишини гаровга қўйиб, ҳалиги кўкатдан сотиб олиб келди. Овқатлангандан кейин дўстим “Бизга берган неъматга қаноат қилдик, Аллоҳу таолога хамд этамиз” деди. Салмон “Агар қаноат қилганингда сув идиш гаровга қўйилмасди” деди.

Жуда ҳам кам ерди. Меҳмонда кўпроқ ейишга ундаганларга Жаноби Пайғамбаримизнинг **“Инсонларнинг охиратда очлик алами чекадиганлари бу дунёда тўйгунча овқатланганларидир”** деб марҳамат қилганликларини хабар берди. Жуда ҳам сахий бўлган ҳазрати Салмон кунлик топишининг кўпини тарқатарди ва қўл меҳнати билан кун кечирарди. Доим фақирларни тўйдирар, улар билан бирга овқатланарди. Жуда қариб қолганида ҳам ўз ишини ўзи қиларди. Бирон нарса кўтарганида қўллари титрарди. Халқ атрофига тўпланиб, нарсаларни биз ташиймиз десалар, уларга “Йўқ, ўзим олиб бораман” деб жавоб берарди. Ҳолбуки амрида мингларча киши бор эди.

Айтдики:

“Дунёда Аллоҳ учун тавозу қилинг. Дунёда тавозу соҳиби бўлганларни Аллоҳу таоло қиёматда юксалтади.”

“Қўлида йўқ бўлса ҳам худди қўлида бордек неъматларга шукр қилиб, рози бўлган киши шу неъматга етишган киши ҳукмидадир.”

“Жаҳаннамнинг зулмати ва азоби дунёдалигида инсонларнинг ўзларига ва бошқаларга қилган зулмидир.”

“Аллоҳу таоло мўминнинг хасталигини унга каффорат қилади ва гуноҳларининг авфига сабаб бўлади. Фосиқнинг хасталиги эса эгаси тарафидан боғланган туя кабидир. Кейин бўшатиб юборил-

ганида нима учун боғланганини ва нима учун қўйиб юборилганини билмайди.”

“Расул-и Акрам ўзимизда бўлмаган ноз-неъматни меҳмон учун топиб келишдек кулфатга кирмаслигимизни ва бор нарсага қаноат қилишимизни амр этдилар.”

Салмони Форисий ҳазратлари ўлим тўшагида ётганида йиғлади. Сабабини сўраганларга “Дунёдан ажралаётганимга йиғламаяпман. Лекин Расул-и Акрам жанобимиз “Дунёдан кетаётганларида сармоянгиз бир йўловчининг йўл озиғидан ортиқ бўлмасин” деб буюргандилар, мана шунга йиғлаяпман” деди. Ҳолбуки вафот этганида қолдирган молининг баҳоси ўн дирҳам атрофида эди.

Бир куни ёнида меҳмони билан Мадойиндан чиқиб, бир жойга кетаётгандилар. Йўлда қоринлари очиқди. Ейдиган ҳеч нарсалари йўқ эди. У ерда қушлар ва кийиклар бор эди. Салмони Форисий бир кийик билан бир қушни ёнига чақирди. Иккиси ҳам ёнига келди. Уларга “Бу киши менинг меҳмоним. Сизларни унга икром этишни истайман” деди. Кийик ва қуш ҳеч эътироз билдирмади. Уларни сўйиб едилар. Ёнидаги зот бу ҳолга жуда ҳайратланиб “Эй афандим, кийик билан қушни чақирдингиз, қочмасдан олдингизга келди. Мен ҳайратьан донг қотдим” деди. Ҳазрати Салмон айтдики: “Бу ерда ҳайратланадиган нарса йўқ. Бир кимса Аллоҳу таолога итоат қилса ва ҳеч гуноҳ ишламаса, ҳамма нарса унга итоат қилади.”

Қосим бин Муҳаммад ҳазратлари

Қосим бин Муҳаммад ҳазратлари Тобеъиннинг буюкларидан бўлиб, Мадинада етишган ва “Фуқаҳо-и сабъа” деган ном билан машҳур бўлган етти буюк олимдан биридир. Силсилаи олия деб аталувчи улуғ олим ва валийларнинг учинчисидир.

Отаси Муҳаммад ҳазрати Абу Бакрнинг ўғлидир. Имоми Зайналобидин билан ҳам холавачча бўладилар. Отаси шаҳид қилиниб, кичик ёшида етим қолгач, аммаси ҳазрати Оишанинг ёнида ўсиб-улғайди. Асҳоби киромдан бир қанчасини кўрган ва улардан илм ўрганган. Аммаси ҳазрати Оиша, Абу Ҳурайра, Ибни

Аббос ва Ибни Умар каби машҳур саҳобалардан ҳадиси шарифлар ривоят қилган. Тасаввуф илмида мутахассис эди. Вароъ ва тақвода тенги ва ўхшаши йўқ эди.

Жаноби пайғамбаримиз тасаввуф илмининг юксак маърифатларининг барини бу зотнинг бобоси бўлган ҳазрати Абу Бакр Сиддиқнинг қалбига қуйган эди. У руҳ илмида ҳам мутахассис бўлди.

Ҳазрати Абу Бакр Сиддиқ ҳам ўз навбатида Расулуллоҳдан олган бу файзларни Салмон Форисийнинг қалбига ўтказди. Қосим бин Муҳаммад руҳни юксалтадиган ва озиқлантирадиган ушбу маърифатларга Салмони Форисийнинг суҳбатларида эришди ҳамда руҳ мутахассиси бўлиб етилди.

Силсилаи олия буюкларининг тўртинчиси бўлган имоми Жаъфари Содиқ бўлса, Қосим бин Муҳаммаднинг суҳбатидан файз олди. Ҳадис ва фиқҳ илмида замонининг энг юксаги эди. Илмда ва тақвода тенгсиз баландликка чиққанди. Кўплаган ҳадиси шарифлар нақл қилди. Илми ҳамма одамлар томонидан тан олинганди. Умар бин Абдулазиз “Агар бирор кишини халифа қилиб тайинлашим керак бўлса, Қосимни танлардим” деганди.

Диний масалалар борасида жуда аниқлик билан ҳаракат қиларди. Фақат очиқ-ойдин бўлганлари ҳақида фатво берарди. Ҳар тонг Масжиди Набийга келиб, икки ракат намоз ўқирди. Сўнгра Расулуллоҳнинг минбари ва қабри ўртасига ўтириб, сўралган масалалар бўйича фатво берарди. Мазҳаб имомларимиздан Молик бин Анас ҳам у ҳақида “Қосим бу умматнинг фоқиҳларидан эди” деган эди.

Ўзи гапириб берган:

“Бир куни аммам ҳазрати Оишанинг ёнига бордим. Унга “Аммажон, мени Жаноби Пайғамбаримизнинг қабрига олиб боринг” дедим. У ерга бориб, Ҳужраи саодатни очди. Уч қабр кўрдим. Қабрлар жуда баланд бўлмаганидек, жуда паст ҳам эмасди. Устлари қизил чақир тошлар билан қопланганди. Жаноби Пайғамбаримизнинг шарафли қабрлари барчасидан олдинда эди. Ҳазрати Сиддиқнинг боши Фахри коинот ҳазратларининг муборак елкалари қаторида, ҳазрати Умарнинг боши эса Расулуллоҳ жанобимизнинг муборак оёқлари ҳизосида эди.”

Қосим бин Муҳаммад ҳазратлари Макка билан Мадина орасидаги Қудайд деган жойда 725 йили вафот этди. Вафотидан аввал кўриш қобилиятини йўқотди. Вафоти яқинлашганини сезиб ўғлига "Устимдаги шу либосларим кафаним бўлсин" деди. Ўша пайтда эгнида кўйлак, пештамол ва чапон бор эди. Ўғли "Отажон, бунга яна қўшсак бўлмайдими?" деб сўради. Ўғлига жавобан "Бобом Абу Бакр ҳам мана шундай уч бўлак кафанга ўралганди. Биз учун ўлчов мана шу. Шуниси етади, сўнгра тирикларнинг янги кийимларга бўлган эҳтиёжи ўликлардан кўпроқдир"- деди.

Ибратли сўзларидан бири:

"Биздан аввал яшаган улуғларимиз бошларига келган мусибатларни чиройли бир тарзда кутиб олишни, ўзларига берилган неъматларни эса, синиқ кўнгиллилик билан қабуллаб олишни севардилар."

Жаъфар Содиқ ҳазратлари

Жаъфари Содиқ ҳазратлари Аҳли байтдан бўлиб, Силсилаи олиянинг тўртинчисидир. Отаси Муҳаммад Бокир, бобосининг бобоси ҳазрати Алидир.

Илм ва фазилатда замонининг бир донаси бўлди. Дин билимлари билан бир қаторда фан илмларида ҳам сўзлари далил эди. Етиштирган талабалари жабр ва кимё илмларида турли кашфлар қилган, бу илмларнинг асос системасини қурганлар. Физика ва кимё илмларининг мавзусини ташкил этган модда ва улар ҳақида билими жуда теран эди. Кимёнинг отаси ҳисобланадиган Жобир ҳам Жаъфари Содиқ ҳазратларининг шогирди эди.

Имоми Жаъфарнинг энг машҳур шогирдларидан бўлган Имом Аъзам Абу Ҳанифа бу зотнинг суҳбатларига икки йил қатнаб, ботиний ва зоҳирий маърифат манбасидан илм ҳамда авлиёлик йўлида кўп истифода қилди. Имоми Аъзам бу зотнинг ҳузурида эришган юксак мартабаларни билдириш учун "Мана шу икки йил бўлмаганида Нўъмон ҳалок бўларди" деган эди.

Ҳақиқий ислом олимлари динимизни ҳеч ўзгартирмасдан бугунгача олиб келдилар. Бу олимлардан имон билимларини

ўргатганлари “Мутакаллимин”, ибодатлар ҳақида дарс берганлари “Фуқаҳо”, қалб орқали бажо келтириладиган ва сақланадиган ишларни ўргатувчи илмга “Тасаввуф”, бу илмнинг олимларига “Мутасаввифин” дейилди. Имом Жаъафари Содиқ ҳазратлари булардан учинчи илмни таълим қилди.

Замонининг ҳукмдори бир кеча вазирига шундай деди: “Зудлик билан бориб Имоми Жаъфарни олиб кел. Уни ўлдирмоқчиман.” Вазир ҳукмдорни ниятидан қайтаришга қанчалик уринса ҳам, у аҳдидан қайтмади. Вазир мажбуран имомни чақириб келишга кетди. Ҳукмдор эса, жаллодларга амр берди: “Имом Жаъфар ичкарига кирганида менга қараб туринглар, қачонки бошимдан бошкийимимни ечаман, ўша заҳоти калласини танидан жудо қилинглар!” Бироз муддат ўтиб Имоми Жаъфари Содиқ ҳазратлари ичкарига кирди. Ҳукмдор дарров ўрнидан сапчиб турди. Чуқур ҳурмат-эҳтиром билан ҳазратни кутиб олди. Ёнбошига ўтқазди ва ўзи одоб билан қаршисига тиз чўкиб ўтирди. Жаллодлар шошиб қолди. Ҳукмдор имомга “Устоз, мендан нимаики истагингиз бўлса, айтинг бажараман” деди. Имоми Жаъфар ҳукмдорга “У ҳолда марҳамат қилиб мени бошқа ҳузурингизга чақириб, ибодатдан қолдирманг” деди-да кетиш учун ўрнидан турди. Ҳукмдор иззат ва ҳурмат билан уни кузатиб қўйди. У кетганидан кейин ҳукмдорнинг вужудида титроқ туриб, ҳушини йўқотди. Ўзига келгач вазири сўради: “Сизга нима бўлди ҳукмдорим?” Ҳукмдор: “У ичкарига кирганида ёнида баҳайбат бир арслон кўрдим. Арслон менга гўё “Уни ранжитсанг, сени парча-парча қиламан” дерди. Нима қилишимни билмай, шошиб қолдим” деди.

Имом Жаъфари Содиқ ҳазратларининг насихатларидан баъзилари:

“Қуйидаги кимсалар билан бирга бўлишдан сақлангин:

1) Ёлғончи билан;

2) Хасис билан;

3) Аҳмоқ билан. Чунки энг керак бўлган пайтда сени ташлаб кетади.

4) Фосиқ, яъни гуноҳ ишлашдан уялмайдиган кимса билан!”

“Бирон хатога қўл урганингизда дарҳол истиғфор этинг. Хатода оёқ тираб туриб олиш, қайсарлик қилиб, хатодан қайтмаслик ҳалок

бўлишга сабабдир. Кун кўриши, рўзғор тебратиши қийинлашган одам истиғфор ўқишда давом этсин.”

“Дарду балога шукр қилмаган одам, неъматга ҳам шукр қилмайди.”

“Садақа бериш орқали ризқингизни кўпайтиринг. Закот бериш орқали мол-мулкингизни ҳимояланг. Тежамкор бўлган киши ташвиш кўрмайди. Тадбирли, тартибли яшаш тирикчиликнинг ярмидир. Инсонлар билан яхши муомалада бўлиш ақлнинг ярмидир. Мусибат замонида сабр сақламай тиззасини муштлаган одам савобидан маҳрум қолади.”

“Шу тўрт нарсанинг ози ҳам кўп: Оташ, душман, фақирлик, хасталик.”

“Шу уч нарса мусулмонга шараф беради: Сенга зулм қилган кимсани кечириб юбориш, неъматни сендан аяганга яхши муомалада бўлиш ва сени изламаганни, сўраб-суриштириш.”

Боязид Бистомий ҳазратлари

Боязид-и Бистомий ҳазратлари Силсилаи олиянинг бешинчисидир. Орифлар султони деган ном билан машҳурдир. Исми Тайфурдир. Увайсий эди. Ўзидан қирқ йил аввал вафот этган имоми Жаъфари Содиқ ҳазратларининг руҳониятидан фойдаланди. 113 олимдан илм ўрганди. Жуда олим, фозил ва адиб киши эди.

Ҳали онасининг қорнида эканлигидаёқ кароматлари кўрина бошлади. Онаси унга ҳомиладор вақтида шубҳали бир нарсани оғзига солса, уни чиқариб ташаламагунча қорнига урарди. Болалигида бир куни масжид ҳовлисида ўйнаб юрарди. Шақиқ-и Балхий ҳазратлари “Бу бола катта бўлса, замонининг энг буюк авлиёси бўлади” деди. Ҳадис олимларидан бири уни кўргач, жуда ёқтириб қолди. “Эй бола, намоз ўқишни биласанми?” деди. Боязид Бистомий “Ҳа, Аллоҳ тиласа бажара оламан” деди. Олим “Қандай қилиб?” деб сўради. Боязид “Буюр ё Рабби! Амрингни бажариш учун такбир оламан, Қуръони каримни дона-дона қилиб ўқийман, таъзим билан рукуга бораман, тавозу билан сажда қиламан, видолашиб салом бераман” деди. У олим зот ҳайрон қолиб “Эй зук-

ко бола! Сенда шунча фазилат ва теран билим бор экан, нимага одамларнинг бошингни силашига изн беряпсан?” деди. Боязид “Улар мени эмас, Аллоҳу таолонинг мени зийнатлантирган бу гўзалликни силамоқдалар. Менга оид бўлмаган бир нарсага тўсиқ бўлишим тўғрими?” деди.

Онасига хизмат

Кичик ёшидан бошлаб ўқишни бошлади. Дарсларга диққат билан давом этарди. Бир куни ўқиган бир оятининг (Луқмон, 14) таъсири билан уйга қайтди. Онаси ташвишланиб нима учун эрта қайтганлигини сўраганида шундай жавоб берди: “Ўрганган бир ояти каримамда Аллоҳу таоло ўзига ва сизга итоат этишимни амр этмоқда. Ё сизга хизмат қилай, ё бўлмаса мени бўш қўйинг. Фақат Аллоҳу таологa ибодат билан машғул бўлайин” деди. Онаси “Сен мени қўйгин, Аллоҳу таологa ибодат этгин” деди. Бундан кейин ўзини Аллоҳу таологa бағишлади, амрларининг бирортасини ҳам қолдирмади, лекин онасининг хизматини ҳам ташлаб қўймади. Онасининг кичик орзусини буюк амр деб қабул қилиб, ҳар қандай ҳолатда бажаришга уринди. Чунки Аллоҳу таолонинг амри ҳам шундай эди.

Совуқ бир қиш кечаси эди. Онаси уйғониб, сув ичишни истади. У дарров сув олиш учун ўрнидан турди. Лекин челакда сув йўқ эди. булоқ бошига бориб, челакка сув тўлдирди. Уйга келганида онасининг яна ухлаб қолганини кўрди. Уйғотишга кўзи қиймади. Челакни қўтарганича кутди. Анча вақтдан кейин уйғониб “Сув, сув” деб сўзлади. Ўғлини бу ҳолда кўриб “Ўғлим, нима учун челакни кўтариб олибсан?” деб сўради. Боязид “Уйғонганингизда дарров сув бериш учун челакни кўтариб олдим” деди. Онаси “Ё Рабби, мен ўғлимдан розиман. Сен ҳам рози бўл!” деб дуо қилди. Балки онасининг мана шу дуоси сабабли Аллоҳу таоло унга авлиёнинг юксак мартабаларига эришишни эҳсон қилди.

Ибодат завқи

Ёшлигида қилган баъзи ибодатларидан завқ ололмасди. Бу ҳолатни онасидан ҳам сўради. Улғайишида, тарбиясида бир қусур бўлганми деб сўради. “Ичимда мени Раббимдан ажратувчи бир нарса ҳис қиламан. Лекин сабабини билмайман” деди. Онаси анчаги-

на ўйланганидан кейин “Ўғлим, фақат битта нарсани хотирлайман. Сен жуда кичик эдинг. Қўшниларникига чиққандим. Қучоғимда йиғлашни бошладинг. Ҳеч овутолмадим. Сени овутиш учун ўчоқда пишаётган шўрвага изнсиз бармоғимни ботириб, оғзингга солдим” деди. Буни эшитиб, онасига у қўшнининг олдига бориб, у билан ҳалоллашишни айтди. Онаси ҳалоллашгандан кейин ибодатларидан завқ олишни бошлади. Бир кеча саҳар вақти Аллоҳ деди. Сўнгра ҳушини йўқотиб, йиқилди. Ўзига келганидан кейин нимага ҳушидан кетганлигини сўрадилар. “Сен ким бўлибсан-ки, менинг исмимни оғзингга оладиган?” деган овоз келади деб жуда қўрқдим ва шу сабабли ҳушимдан кетдим деди.

Бир киши “Бу даражаларга қандай етишдингиз?” деб сўради. Унга “Ҳар жойда Аллоҳу таолонинг кўриб ва билиб турганини тушуниб, одобга риоя этиш билан” деб жавоб берди.

Бир кеча ўтирганида оёқларини узатганди. “Султоннинг ёнида ўтирганда одобга риоя қилиш керак” деган овозни эшитиб, дарров оёқларини йиғиштирди.

Айтдики:

Аллоҳу таолони ёдингда тут, тилингни бошқа ишлар билан шуғулланишдан сақла. Нафсингни ҳисобга торт. Илмга ёпиш ва одобни сақла. Марҳамат соҳиби ва юмшоқ бўл. Аллоҳу таолони унутдирадиган барча нарсадан узоқ тур. Бир кишининг Аллоҳу таологa бўлган севгисининг ҳақиқий эканлигининг аломати у кишдиа денгиз мисоли сахийлик, қуёш мисоли шафқат ва тупроқ мисоли тавозу каби уч хислатнинг бўлишидир.

Абул Ҳасан Ҳарқоний ҳазратлари

Абул Ҳасан Ҳарқоний ҳазратлари Силсилаи олиянинг олтинчисидир. Буюк ислом олими Боязид-и Бистомий ҳазратларининг руҳониятидан фойдаланиб, юксалганди. Замонининг қутби эди.

Бир куни табиб Ибн Сино Шайх Абул Ҳасан Ҳарқоний ҳазратларининг уйига зиёратга келди. Аёлининг феъли ёмон эди. Унга озор бериб, ўрмонга ўтинга юборганди. Ибн Сино ўрмонга кетаётганида Шайхнинг ўтин юкланган бир арслон билан бирга

келаётганини кўрди. “Бу қандай ҳол?” деб сўраганида “Уйимдаги бўрининг ғам-алам юкини ташиганим учун бу арслон ҳам бизнинг юкимизни ташимоқда” деб жавоб берди.

Султон Маҳмуд Ғазнавий бутун Осиёга ҳоким бўлган вақт Ҳарқон шаҳрига яқин келганди. Бир нечта одамини Ҳарқонга Шайхнинг олдига юбориб, уни ёнига чақиртирганди. Шайх ҳазратлари бир узр айтиб келмади. Бу ҳола Султонга билдирилганида “Қани турингглар, демакки у биз ўйлаган кимсалардан эмас. Биз унинг олдига борамиз” деди. Сўнгра ўз либосларини Қози Иёдга кийдириб, ўзи силоҳдор бўлиб, унинг ёнида Шайхнинг уйига кирдилар. Султон салом берганида Шайх ҳазратлари алик олди. Лекин оёққа турмади. Султон Шайхга “Нима учун оёққа қалқмадингиз?” деб сўраганида Шайх “Модомики, сени олдинга қўйишган экан, ёнимга кел сенга бир боқай” деди. Сўроққа дарҳол жавоб бермади. Султон Маҳмуд Шайхдан “Устозинг Боязид Бистомий қандай зот эди?” деб сўради. Шайх “У шундай комил бир авлиё эдики, уни кўрганлар ҳидоятга қовушарди” деди. Султон бу жавобни ёқтирмасдан “Абу Жаҳл, Абу Лаҳаб кабилар Фахри коинотни кўп марта кўрдилар. Лекин нимага ҳидоятга келмадилар” деди. Шайх “Абу Жаҳл ва Абу Лаҳаб кабилар инсонларнинг энг устунини Аллоҳу таолонинг севгили пайғамбари сифатида кўрмадилар. Абу Толибнинг етими сифатида кўрдилар. Шу кўз билан боқдилар. Агар Абу Бакр Сиддиқ каби боқиб, Расулуллоҳ сифатида кўрсаларди, куфрдан қутулиб, унинг каби камолга етишардилар” деди. Султонга бу жавоб жуда ёқди. Дин буюкларига бўлган севгиси ортди.

Султон Маҳмуд “Менга насиҳат беринг“ деганида Шайх “Шу тўрт нарсага диққат қил: Гуноҳлардан сақлан, намозингни жамоат билан ўқи, сахий бўл, Аллоҳу таолонинг яратганларига шафқат кўрсат” деди. Султон Шайхнинг олдига бир коса олтин қўйди. Бунинг эвазига Шайх Султоннинг олдига арпадан қилинган нон қўйди. Султон нондан бир луқма олди. Лекин луқмани ютолмади. Шайх ҳазратлари “Бир луқма нонни ютолмаяпсан. Шу бир коса олтиннинг бизнинг ҳам томоғимизга тиқилишини истайсанми? Биз пулга бўлган алоқамизни кесдик. Бу олтинларни олдимдан олинг” деди. Султон буолтинларни қайтариб олишга мажбур бўлди. Сул-

тон кетаётганида Шайх оёққа қалкди. Султон “Келганимда ҳеч илтифот этмадингиз, лекин нима учун энди ўрнингиздан турдингиз?” деди. Шайх ҳазратлари “Бу ерга подшоҳлик ғурури билан мени имтиҳон этиш учун келдинг. Энди эса дарвеш сифатида кетяпсан. Келганингда ғурур ичида бўлганинг сабабли ўрнимдан турмадим. Лекин энди дарвеш бўлганинг учун оёққа туриб кузатяпман” деб жавоб берди.

Султон олиб бораётган бир жангда мағлуб бўлишга яқин эди. бирдан Шайхнинг ҳирқасини қўлига олиб: “Ё илоҳи! Шу ҳирқа соҳибининг ҳурмати учун, шу кофирларга қарши бизни ғолиб қил!” деб дуо қилди. Душман тарафда чанг-тўзон кўтарилди. Душманлар чанг-тўзонда ҳеч нарса кўролмасдан, бир-бирларига қилич уриб, ҳалок бўлдилар. Соғ қолганлари тарқаб кетди. Шу оқшом Султон Маҳмуд тушида Шайхни кўрди. Шайх Султонга “Аллоҳу таолонинг даргоҳида буюкларимизнинг ҳурмати учун зафар қозондинг” деди.

Қийматли сўзлардан бир нечтаси:

“Аллоҳу таоло учун қилган ҳамма нарсанг – ихлосдир. Халқ учун қилган барча нарсанг эса – риёдир.”

“Шу икки киши чиқарган фитнани ҳатто шайтон ҳам чиқара олмайди: Дунёга берилган олим ва илмсиз диндор.”

“Агар мўминни зиёрат қиладиган бўлсанг, ҳосил бўлган савобни юз дона қабул бўлган нафила ҳаж савоби тенглаштирмаслигинг керак. Чунки бир мўминни зиёрат қилгани учун бериладиган савоб фақирларга берилган юз минг олтин садақанинг савобидан ҳам ортиқ. Бир мўмин биродарингизни зиёрат этганингизда Аллоҳу таолонинг раҳматига қовушасиз.”

“Бир мўмин биродарини тонгдан шомга қадар ранжитмаган киши шу куни шомга қадар Жаноби Пайғамбаримиз билан яшагандек бўлади. Агар ранжитса, Аллоҳу таоло унинг шу кунги ибодатини қабул этмайди.”

Абу Али Формадий ҳазратлари

Абу Али Формадий ҳазратлари Силсилаи олиянинг еттинчисидир. Ўз даврининг танҳоси эди. Зоҳирий дин илмларини Абул Қосим Қушайрийдан ва бошқа олимлардан ўрганди. Насиҳатлари жуда таъсирли эди. Низом-ул-мулк ва замонининг давлат бошчилари уни қаттиқ ҳурмат қилардилар. Тасаввуф илмининг мутахассиси эди. Имом Ғазолий ва Юсуф Ҳамадоний ҳазратларининг устози эди.

Ўзи айтиб берган:

Ёшлигимда Нишопурда илм ўрганардим. Бир куни Шайх Абу Саид Абулхайр ҳазратларининг Нишопурга келаётгани ҳақида хабар олдик. Кароматлари машҳур эди. Нишопур халқи, олимлар ва замонанинг кўзга кўринган инсонлари, барча унинг буюклигини билар ва уни қаттиқ ҳурмат қиларди. Тумонат одам кутиб олишга чиқдик. Мен ҳам уни кўришни истардим. Уни кўрар-кўрмас унга ва тасаввуфга бўлган қалбимдаги севги ортди. Шу куни суҳбатини диққат билан тингладим. Суҳбатларида давомли иштирок этишга бошладим. Бир куни уни жуда кўргим келди. Лекин у кун суҳбат бўлмайдиган кун эди. Сабр қилиш керак дедим. Чидай олмай ташқарига чиқдим. Атрофимга боқдим. Абу Саид ҳазратлари бир неча одам билан бир жойга кетаётган эди. Уларнинг орқасидан эргашиб бордим. Бир жойга меҳмонга кетишаётган экан. Чақирилган уйга кирдилар. Ортларидан мен ҳам кириб, бир бурчакка ўтирдим. Мени ҳали кўришмаган эди. Бир пайт шайхни шундай бир ҳол қоплаб олдики, ўзидан кетиб, устидаги чопонини йиртиб парча-парча қилдилар. Кейин жулдур бўлган либосини ечиб ерга ташладилар. Суҳбатда ўтирганлар йиртилган либосни парчаларга бўлиб тарқатиши учун Шайхнинг олдига қўйдилар. Бу парчалардан енг қисмини олиб “Абу Али қаердасан?” дедилар. Мен ўзимча мени танимайдилар-ку, шогирдлари орасида ҳам Абу Али деган бирортаси бордир шекилли деган ўйда жавоб бермадим. Иккинчи марта чақирганида у ердагилар менга “Шайхимиз сизни чақиряпти” дейишди. Ўрнимдан туриб, олдиларига бордим. Бу парчани менга бериб “Сен бизга шу бир парча матодек яқинсан” дедилар.

Абул-Қосим Қушайрийнинг ёнида бўлган вақтимда менда пайдо бўлган ҳолларни у зотга айтганимда “Болам, илм ўрганиш билан машғул бўлгин” дердилар. Яна 2-3 йил илм ўргандим. Бир куни қаламимни сиёҳ идишига ботириб-чиқарсам, оппоқ бўлиб чиқди. Уч марта қайталадим. Барида сиёҳ оқ чиқарди. Бу ҳолни устозимга арз қилдим. У зот бўлса “Модомики, қалам сенинг қўлингдан қочаётган экан, сен уни ташлагин” дедилар. Мен мадрасадан алоқани узиб, даргоҳга ўтдим.

Бир куни менга бир ҳол бўлиб, ўзимдан кетдим. Бир муршидга, раҳбарга, йўлбошчига эҳтиёжим бор деб ўйладим. Абул-Қосим Гургонийнинг исмини эшитгандим. Тус шаҳрига бордим. У зот талабалари билан мажлисда ўтирардилар. Мен ҳам олдиларида тиз чўкдим. Шайхнинг боши эгилган ҳолда эди. Бошини кўтариб “Кел, Абу Али” дедилар. Ёнларига бориб, ҳолларимни арз қилдим. У зот “Бошланиши муборак бўлсин. Тарбия кўрсанг, юксак даражаларга эришасан” дедилар. Қалбимдаги шавқ ва муҳаббат ортган эди. Бу орзумнинг кучайгани сабаб Абул-Ҳасан Ҳарқоний ҳазратларининг суҳбатларига, ниҳоятсиз файзларига эришдим.

Бир куни устозим Абул-Қосим Қушайрий ичкарида ҳаммомда ғусл қилардилар. Мен ташқарида «балки сув тугаб, керак бўлиб қолар» деб, қудуқдан бир челак сув тортиб, ҳаммом ҳовузига қуйдим. Ўша пайтда ҳақиқатан ҳам ичкарида сув тугаб қолиб, шайхим танг аҳволда қолган экан. Устоз ҳаммомдан чиққач “Эй Абу Али, Абул-Қосимнинг 70 йилда қўлга киритган даражасини сен бир челак сув билан қозондинг” дедилар.

Бир гал сафарда тоғ этагидан ўтаётганимизда олдимиздан катта бир илон чиқди. Ҳаммамиз қўрқиб қочдик. Абу Саид ҳазратлари ҳам шу ерда эдилар. Отидан тушиб, илонга яқинлашдилар. Мен Шайхнинг ёнида эдим. Илон у зотнинг олдида бошини ерга суриб, ҳурмат кўрсатди. Шайх ҳазратлари илонга “Сенга заҳмат бўлди” дедилар. Сўнгра илон тоғ тарафга қайтиб кетди. Шайх “Бу тоғда биз бир неча йил мана шу илон билан бирга қўшни бўлиб кун кечирдик. Бизнинг бу ердан ўтишимизни билиб, дийдорлашгани келибди. Аҳднинг гўзаллиги имондандир. Гўзал ахлоқли бўлган инсонга нисбатан ҳамма нарса гўзал муносабатда бўлади. Ҳазрати Иброҳим пайғамбар ҳам гўзал ахлоқли эди. Шунинг учун олов ҳам, унга гўзал муносабатда бўлди. Уни ёқмади, куйдирмади.”

Юсуф Ҳамадоний ҳазратлари

Юсуф Ҳамадоний ҳазратлари Силсилаи олиянинг саккизинчисидир. Фиқҳ олими эди, ҳадис илмини ҳам ўрганди. Тасаввуфни Абу Али Формадий ҳазратларидан ўрганиб, унинг суҳбатларида камолга етди. Юзлаган талабалари бор эди. Абдуллоҳ Барқий, Аҳмад Яссавий ва Абдухолиқ Ғиждувоний каби буюк авлиёлар етиштирди. Бир тарафдан тўғри дин билимларини ўргатишга ҳаракат қилар, инсонлар билан муомала қилишдан, уларни етиштириш учун меҳнат қилишдан ҳеч чарчамасди. Бошқа тарафдан хасталарга дори бериб, барчанинг дардига даво топишга уринарди.

Нажибуддин Шерозий исмли бир зот баён қилади:

Бир вақтлар авлиёларнинг сўзларидан бир неча парча қўлимга тушганди. Уларни ўқиб-ўргандим, менга жуда ёқди. Булар кимнинг гапи экан, бу зотни топиб, ундан истифода қилиш керак деб ўйладим. Бир куни кечаси тушимда ҳайбатли, виқорли, оқ соқолли, нуроний бир зотнинг уйимизга кирганини кўрдим. Шу заҳоти таҳорат олишга кетдилар. Устларига оқ чопон кийганди. Чопоннинг устига катта ҳарфларда олтин суви билан Оятал курси бошидан охиригача ёзилганди. Мен у зотнинг орқасидан бордим. Чопонини ечиб, менга бердилар. Бу чопоннинг тагида бундан ҳам кўзни қамаштирувчи яшил чопон бор эди. Бунинг устида ҳам худди аввалгидек Оятал курси ёзилганди. Уни ҳам менга бердилар. “Мен таҳорат олиб бўлгунимча буларни ушлаб тургин” дедилар. Таҳорат олиб бўлгач “Бу икки чопондан қайси бирини сенга берай?” деб сўрадилар. Қайси бирини берсангиз ҳам яхши бўларди, дедим. Яшил чопонни менга кийдирдилар. Оқини ўзи кийдилар. “Мен сен ўқиб, ёқтирган парчаларнинг соҳиби Юсуф Ҳамадонийман” дедилар. Уйғонгач жуда севиндим, унга бўлган севгим ортди.

Ибни Ҳожари Маккий ҳазратлари баён қилади:

Абу Саид Абдуллоҳ, Ибн-ус-Саққа ва Саййид Абдулқодир Гейлоний илм ўрганиш учун Бағдодга келдилар. Юсуф Ҳамадоний ҳазратларининг Низомия мадрасасида ваъз қилишини эшитгандилар. Ибн-ус-Саққа “Унга бир савол бераман, жавоб беролмайди” деди. Абу Саид Абдуллоҳ “Мен ҳам бир савол бераман, кўрамиз жавоб бера олармикан?” деди. Ёши кичик бўлишига қарамай яхши

одоб тимсоли бўлган Абдулқодир Гейлоний эса “Аллоҳ сақласин, мен қайси сифатим билан у зотга савол бериб имтихон қила оламан? Яхшиси у зотнинг ҳузурида қўл қовуштириб туриб, сиймоларини кўриш билан шарафланаман ва баракатланаман” деди. Ниҳоят Юсуф Ҳамадоний ҳазратларининг олдига келишди.

Юсуф Ҳамадоний ҳазратлари Ибн-ус-Саққага ўгирилиб: “Сенга хайф бўлсин! Демак менга жавобини билмайдиган савол берасан, шундайми? Сен бермоқчи бўлган саволинг фалон, жавоби эса мана бундай. Сендан кофирликни ҳиди келяпти” дедилар. Сўнгра Абу Саид Абдуллоҳга ўгирилиб: “Сен ҳам менга бир савол бериб, қандай жавоб беришимни синаб кўрмоқчисан. Бермоқчи бўлган саволинг шу, жавоби эса бундай. Лекин сен ҳам одобга риоя қилмаганинг учун умринг ғам-ташвиш билан ўтади” деди. Сўнгра ёш Абдулқодир Гейлоний ҳазратларига ўгирилиб: “Эй Абдулқодир! Одобинг гўзаллиги билан Аллоҳу таолони ва Расулини рози қилдинг. Мен сени Бағдодда бир курсида ўтирганингни, юксак билимларни ўргатаётганингни “Менинг оёғим бутун авлиёларнинг елкалари устида” дейишингни ҳамда сенинг замонингдаги бутун авлиёларни сенинг юксаклигинг қаршисида бошларини эгиб турганини худди кўриб тургандайман” дедилар.

Орадан йиллар ўтиб, Абдулқодир Гейлоний ҳазратлари замонидаги авлиёларнинг энг устуни, бош тожи бўлдилар. Шундай юқори даражаларга эришдики, халқ ва буюк зотлар келиб, муборак суҳбатларидан фойдаланардилар. Бир куни айтдиларки: “Менинг оёғим бутун авлиёларнинг елкалари устида.” Шу вақтда яшаган бутун авлиёлар унинг ўзларидан қанчалик устун эканлигини билардилар ва унинг устунлиги қаршисида бош эгиб туришарди. Бу воқеалар бўлиб ўтгач, Юсуф Ҳамадонийнинг бир қанча йиллар аввал учта ёш йигитга айтганларининг сири маълум бўлди.

Ибн-ус-Саққа жуда чиройли гапирарди. Шуҳрати замонининг султонига етиб борди. Султон уни элчи қилиб, Византияга юборди. Христианлар унга катта эҳтиром кўрсатдилар. Ниҳоят уларга алданиб, христиан динини танлади.

Абу Саид Абдуллоҳ айтадики:

Ҳаётим ғам-ташвиш билан ўтди. Юсуф Ҳамадоний ҳазратларининг ҳар учаламиз ҳақида айтганлари тўғри чиқди.

Абдухолиқ Ғиждувоний ҳазратлари

Абдухолиқ Ғиждувоний ҳазратлари Силсилаи олиянинг тўққизинчисидир. Отаси Абдулжамил Рум диёридаги Малатия шаҳридан эди. Хизр алайҳиссалом отасига "Эй Абдулжамил! Сен бир ўғил кўрасан, исмини Абдулхолиқ қўйгин" деб буюрганди.

Сўнгра Абдулжамил Бухоронинг Ғиждувон деган жойига кўчиб ўтди. Кўп ўтмай ўғиллик бўлди. Исмини Абдулхолиқ қўйди. Абдулхолиқ беш ёшга тўлганида илм ўрганиши учун Бухорога жўнатди. Буюк олим Хўжа Садриддин ҳазратларидан Қуръони карим ва тафсирини ўргана бошлади. Бир куни дарсда "Раббингизга яширин дуо қилинг!" маолидаги ояти каримани ўқигач, устозидан "Бу ерда яширин қайси маънони билдиради? Агар зикр ва дуо ошкор, овоз чиқариб қилинса, риёдан қўрқилади. Агар қалб билан бўлса, томирларда юрган шайтон эшитади. Нима қилишим керак?" деб сўради. Устози Садриддин ҳазратлари бу ёшдаги бир боланинг бундай саволига ҳайрат қилиб "Бу масала қалб илмларининг бир мавзусидир. Иншаллоҳ, сен бу илмларни ўргата оладиган устозга қовушасан. Бу мушкулингни шу тариқа ҳал этасан" деди. У энди ўша зотни кутишни бошлади. Бир куни Хизр алайҳиссалом унинг ёнига келди. Унга Аллоҳу таолони яширин ва ошкор ёдга олиш йўлларини ўргатиб "Қалбингдан Ла илоҳа иллаллоҳ Муҳаммадун Расулуллоҳ калимаи тоййибасини шундай сўзлагин" деб таърифлади.

Юсуф Ҳамадоний ҳазратлари Бухорога келганларида Абдулхолиқ Ғиждувоний унинг хизматига кирди ва бу хизматда бироз муддат қолди. Буни шундай баён қиладилар:

12 ёшимда эдим. Хизр алайҳиссалом менга Юсуф Ҳамадонийдан илм ўрганишимни тавсия этди. Унинг Бухорога келганини эшитиб, дарров ёнларига бордим. Ундан жуда кўп фойда кўрдим.

Дарс ўтаётганида бир ёш йигит ичкарига кирди. Бироздан сўнг рухсат сўраб "Мўминнинг фаросатидан қўрқинг. Чунки у Аллоҳ нури билан боқади" деган ҳадиси шарифнинг сири нимада деб сўради. Устозим бу ёш йигитга ҳайбат билан боқиб "Аввал белингдаги зуннорни (христианлар тақадиган ип) қирқиб ташла ва

мусулмон бўл” дедилар. Йигитча хавотир билан “Мен мусулмонман, зуннорим йўқ” деди. Шунда бир талабасига йигитчанинг чопонини ечишни ишора қилдилар. Талаба бу йигитнинг устидаги чопонни ечганида белида христианларга оид зуннор дейиладиган белбоғ кўринди. Йигитча қаттиқ уялди. Устозга нисбатан қалбида севги ҳис эта бошлади. Мана шу тариқа авлиёларнинг Аллоҳ нури билан боқиши нима эканлигини яхши тушунди. Калимаи шаҳодат келтириб, мусулмон бўлиш билан шарафланди. Сўнгра устоз талабаларига “Бу йигит белидаги моддий зуннорини қирқди. Биз ҳам қалбларимиздаги зуннорларни қирқайлик. Бу кибр ва ғурурдир” дедилар.

Бир куни бир киши келиб “Охирги нафасда имон билан кетишимиз учун бизга дуо қилсангиз” деб илтимос қилди. Бу меҳмонга жавобан: “Фарзларни адо этгандан кейин дуо қилган мўминнинг дуоси қабул бўлади. Сен фарзларни бажаргандан кейин дуо қилаётганингда бизни хотирласанг, биз ҳам сени ёдга оламиз. Бу ҳолат ҳам сен, ҳам биз учун дуонинг қабул бўлишига васила бўлади” дедилар.

Шиа эътиқодли Сафавий босқинчилари Ғиждувон шаҳрини қамалга олганида қўққисдан қалъа ичидан уларга қарши ҳужумга чиққан аскарларнинг бошида ҳайбатли бир зотнинг икки тиғли қилич билан ҳужумга келаётганини кўрдилар. Кўп қурбонлар бериб, ортга қочдилар. Устознинг вафотидан аввал айтган қуйидаги гаплари унинг 332 йил кейин юз берадиган кароматлари эди.

Дўстга қутлуғ, душманга эса бало бўламан,
Жангда гўё пўлатдек, тинчликда эса мумман.
Нур чашмасининг боши Ғиждувон манзилимиз,
Урушда икки тиғли қилич билан жанг қиламан.

Ориф Ревагарий ҳазратлари

Ориф Ревагарий ҳазратлари Силсилаи олиянинг ўнинчисидир. Бухородан 30 км узоқликдаги Ривагар қишлоғида дунёга келди.

Кичик ёшидан таҳсил олишни бошлади. Заковати ва тез ўзлаштириш қобилиятининг порлоқлиги сабабли қисқа вақтда

камолга келди. Бу аснода илм ва ҳикмат соҳиби, ибодат шартларини бекаму кўст бажарувчи, инсонларга ҳақ йўлни кўрсатишда замонининг қутби бўлган Абдулхолиқ Ғиждувоний ҳазратлари билан танишди ва бутун олами ўзгарди. Илк кундаёқ абадий саодат тожининг бошига қўнганини ҳис этди. Дарҳол унга боғланиб, то вафотигача ундан ажралмади.

Устози илк суҳбатида унга шундай деди:

"Ҳақ йўлдаги талаба вақтнинг қийматини яхши билиши керак. Вақт ўтиб кетаётганда ўзининг қандай ҳолда эканлигини сезишга уриниш лозим. Агар ўтказган ҳар бир онида ҳузурда бўлган бўлса, буни яхши ҳол деб билиш керак. "Аллоҳимга шукрлар бўлсин!" дейиши лозим. Агар ғафлат билан ўтказган бўлса, дарров уни тузатишга киришиши, буюк Яратганга узрини билдириб, Ундан авф этишини тилаши, астағфируллоҳ дейиши керак."

Ориф Ревагарий устози Абдулхолиқ Ғиждувоний ҳазратларининг ҳаётларида унга хизмат қилиши билан машҳур бўлиб, жуда кўп файз ва баракатларига эришди. Устозининг вафотидан кейин унинг ўрнига Жаноби Пайғамбаримизнинг ва Асҳобининг йўлини инсонларга ўргатиш ишида жавобгар бўлди. Ҳиммат, иноят ва ғайратларини Аллоҳу таолони излаганларга сарфлади.

Кўплаган кишиларнинг ҳидоятга ва авлиёлик мақомларида юксак даражаларга эришишиларига васила бўлдилар. Замонининг ягонаси эдилар. Ҳамма билан жуда яхши ва юмшоқ муомалада бўлар, ҳеч кимнинг кўнглини оғритмасдилар. Нафсининг истаганларини ҳеч вақт бажармас, истамаганларини бажариб, руҳини юксалтиш учун қаттиқ ҳаракат қилардилар. Ҳаромлардан қаттиқ сақланар, ҳатто ҳаромга тушиш қўрқуви билан мубоҳларнинг кўпини ҳам тарк этардилар. Кечалари вақтини доим ибодат билан ўтказар, кундузлари талабаларга дарс берар, суннат бўлгани учун пешиндан аввал бироз ухлаб олардилар. Бунга қайлула дейилади. Пайғамбаримизнинг суннатларини жуда яхши билардилар ва буларнинг унутилиб кетмаслиги учун қаттиқ ғайрат кўрсатардилар.

Суҳбатларини шундай бошларди:

"Аллоҳу таоло барчамизни дунё ва охиратнинг сарвари, бутун инсонларнинг ҳар жиҳатдан энг устуни ва энг яхшиси бўлган Расулуллоҳга тобе бўлиш саодати билан шарафлантирсин! Чунки

Жанори Ҳақ Унга тобе бўлишни, Унга эргашишни жуда севади. Унга эргашишнинг кичик бир зарраси бутун дунё лаззатларидан ва бутун охират неъматларидан ҳам устундир. Ҳақиқий устунлик унинг суннати санийясига тобе бўлишдир."

Ориф Ревагарий ҳазратлари узоқ умр кўрганлар. Қабрини зиёрат қилганнлар унинг файз ва баракатига эришмоқдалар. У зотни васила қилиб, Аллоҳу таологa қилинган дуолар қабул бўлмоқда.

Маҳмуд Анжир Фағнавий ҳазратлари

Маҳмуд Анжир Фағнавий ҳазратлари Силсилаи олиянинг ўн биринчисидир. Мовароуннаҳрнинг Тури Синодек муқаддас бир жой юрт бўлишига васила бўлган, у ерни нурлантирган улуғ олим ва авлиёлардан бўлган Маҳмуд Анжир Фағнавий Бухоронинг Фағна қишлоғида туғилдилар. 1315 йили вафот этдилар. Меъморлик билан кун кечирганлар.

Хўжа Ориф Ревагарий ҳазратларининг дарсларида ва суҳбатларида етишиб, камолга келдилар. Моддий ва маънавий илмларда замонининг буюк олимларидан бўлдилар. Инсонларга тўғри бўлган саодат йўлини кўрсатиш учун устозидан ижозат олдилар. Кўплаган олим етиштирдилар. Минглаган кишиларнинг залолатдан ҳидоятга, яъни бузуқликдан тўғри йўлга ва саодатга қовушишига васила бўлдилар. Етиштирган олимлари орасида энг улуғи ўзларидан кейинги халифалари Хўжа Али Ромитанийдир.

Устози Ориф Ревагарийдан ижозат олиб, инсонларни тўғри йўлга бошлаш вазифаси берилгач, ўша пайтларда керак бўлган овозли (жаҳрий) зикрни бошладилар. Дастлабки жаҳрий зикр айтишлари устозининг сўнгги хасталиги вақтида Ривагар тепалиги устида бўлганди. Хўжа Ориф шунда "Дам бу дам" дегандилар. Бу сўзини розилигига аломат деб тушундилар. Хўжа Ориф Ревагарийнинг вафотидан кейин қалъа дарвозаси олдидаги масжидда жаҳрий зикр тушишда давом этдилар. Замонининг буюк олимларидан Хўжа Муҳаммад Порисонинг боболаридан Мавлоно Ҳафизуддин олимларнинг устози Шамс-ул-аимма Ҳулвонийнинг ишораси билан Бухорода замонанинг энг улуғ имом ва олимларининг ҳузурида

Хўжа Маҳмудга: “Сиз қандай ният билан овоз чиқариб жаҳрий зикр айтяпсиз?” деб савол қотдилар. Хўжа Маҳмуд “Ухлаётганларни уйқудан, ғофилларни ғафлатдан уйғотиш, инсонларни диннинг асосий ва тўғри йўлида юритиш, ҳақиқатга ташвиқ қилиш, шу тариқа инсонларни бутун яхшиликларнинг калити, ҳар саодатнинг асоси бўлган тавбага ва бир буюк зотга интисоб қилишларига (боғланишларига) сабаб бўлиш ниятида” деб жавоб бердилар. Мавлоно Хафизуддин унга “Агар ниятингиз мана шундай дуруст бўлса, бундай жаҳрий зикр қилишингиз жоиз бўлур” дедилар.

Маҳмуд Анжир Фағнавий айтдиларки:

“Жаҳрий зикрни, яъни сасли, овозли зикрни фақат тили ёлғону ғийбатдан, меъдаси ҳарому шубҳалилардан пок, қалби риё-ю хўжакўрсиндан узоқ, сири Раббидан бошқа барча нарсага таважжуҳдан муназзаҳ бўлган кишигина айта олади.”

Буюк олим Али Ромитаний айтдилар:

“Хўжа Маҳмуд Анжир Фағнавий замонида дарвешлардан бири Хизр алайҳиссаломни кўрди ва ундан: “Бу замонда этагидан тутиб, изидан эргашиладиган шайх кимдир?” деб сўради. Ҳазрати Хизр “Хўжа Маҳмуд Анжир Фағнавий” деди.”

Ҳазрати Хизр билан кўришиб, бу саволни сўраган зот Али Ромитанийнинг ўзи эканлиги айтилади. Бир куни Хўжа Али Ромитаний Хўжа Маҳмуд Анжир Фағнавийнинг яқинлари билан бирга Ромитан саҳросида ҳавода учиб юрган катта оқ қушни кўрдилар. Бу қуш уларнинг бошига яқин келиб, аниқ-тиниқ қилиб “Эй Али, комил эр бўлгин! Сўзингга содиқ қолгин. Ушлаган этагингни маҳкам тутгил, аҳдингни бузмагин!” деди. Бу қушни кўриб, айтганларини эшитгач дўстларини ажойиб бир ҳол қоплаб, ҳушларидан кетдилар. Ўзларига келгач, қуш ва унинг гапиргани ҳақида сўрадилар. Али Ромитаний айтдики: “У Хўжа Маҳмуд Анжир Фағнавий эди. Аллоҳу таоло унга бу кароматни эҳсон этди. Ҳозир Хўжа Деҳҳон хаста, сўнгги лаҳзаларини яшамоқда. Уни йўқлаб, зиёратга кетмоқда. Чунки у Аллоҳу таолодан сўнгги нафасда ўзига ёрдамчи бўлиши учун авлиёларидан бирини юборишини илтижо қилган эдилар. Хўжа Маҳмуд шу сабабдан у зотнинг ёнига кетмоқдалар.”

Али Ромитаний ҳазратлари

Али Ромитаний ҳазратлари Силсилаи олиянинг ўн иккинчисидир. Бухоро яқинидаги Ромитан қишлоғида туғилдилар. Барчага ҳақ йўлни кўрсатган, қалбидан нур сочган Маҳмуд Анжир Фағнавий ҳазратларидан кўп истифода қилдилар. Авлиёлик даражаларига эришдилар. Моддий илмларда ҳам юксалдилар. Ибодат ва дарслардан кейин ҳалол луқма ишлаб топиш учун тўқимачилик билан шуғулланардилар. Шу сабабдан унга тўқимачиларнинг шайхи маъносида «Пир-и Нассож» ҳам дейишарди.

Бир талабаси унга овқат келтирганди. Унга "Олиб келган таоминг меҳмон келиб, нима беришимни билмай танг ҳолда турган вақтимда ёрдам берди. Энди биздан қандай муродинг бўлса, сўрагин! Чунки ҳозир ҳожат эшиклари очиқдир" дедилар. Талаба "Илмда ва авлиёликда сизга ўхшашдан бошқа орзум йўқ" деб жавоб берди. Али Ромитаний ҳазратлари "Жуда қийин ва юки оғир бир ишни орзу қилдинг. Бунинг юкини кўтара олармикансан" дедилар. Талаба "Бу дунёдаги ягона истагим худди сиздек бўлишдир. Лекин ҳар қанақа амрингизга розиман" деди. Ромитаний ҳазратлари талабага таважжуҳ этдилар. Бу талаба бироз муддатдан кейин зоҳир ва ботинда Аллоҳу таолонинг изни билан устозининг даражасига етишди. Лекин ишқи илоҳийда маст бўлиб, ўзини йўқотди. Шу тариқа қирқ кун ётиб кейин вафот этди. Унга бир онда ўзининг мақомларини бериб, ўзидек қилгани учун иккита азиз маъносида устозининг исми ҳам "Азизон" бўлиб қолди.

Али Ромитаний умрининг охирларида Бухородан Хоразмга келдилар. Қалъа дарвозаси олдига жойлашдилар ва у ернинг подшоҳига икки талабасини юбориб: "Султоннинг олдига боринглар. Фақир бир тўқимачи шаҳрингизга келганди. Изн берсангиз шу ерда қолмоқчи, изн бермасангиз ортига қайтади денглар. Изн берса, султоннинг қўлидан муҳрланган бир ҳужжат олинглар" деди. Талабалари бориб, султонга арзларини айтдилар. Султон бундай истакни илк бор эшитиб тургани учун кулгили туюлсада, қўлларига муҳрланган ҳужжат берди. Бу ҳужжатни талабалари олиб келдилар. Азизон ҳазратлари шаҳарнинг чеккасидаги бир очиқроқ жойга жойлашдилар.

Ҳар куни мардикорлар тўпланган бозорга бориб, улардан бир нечтасини ишга яллаб оларди. Улардан кунлик ҳақларини сўраб билгандан кейин “Энди таҳорат олиб, аср намозигача суҳбатимизга қатнашинг. Асрдан кейин ҳақларингизни олиб, уйларингизга боринглар” дерди. Мардикорлар ҳеч иш қилмай ўтириб, ибодатларини қилиш билан бирга ҳеч эшитмаган нарсаларини ўрганардилар, шомга яқин ҳақларини олардилар. Суҳбатларига бир марта қатнашган киши унинг лаззатига тўя олмай, қайтиб ажрала олмасди. Бу ҳолат бутун шаҳарга ёйилди. Аҳоли унинг талабаси бўлиш учун ҳамма нарсага тайёр эди. Ҳар куни уйи одамлар билан тўлиб-тошарди. Дуосини олиш учун халойиқ бир-бири билан ярашарди. Ниҳоят баъзи кимсалар аҳволни султонга шундай билдирдилар:

“Шаҳарда бир дарвеш пайдо бўлибди. Одамлар унинг ҳузурига дарё бўлиб оқмоқда. Унинг айтгани айтган, дегани деган. Унинг ҳар истагини худди амрдек қабуллаб, кимўзарга бажо келтиришмоқда. Бу кетишда халқ уни ўзларига султон қилиб кўтарадилар ва сиз салтанатингиздан жудо бўласиз.”

Султон уни шаҳардан чиқариш ҳақида фармон ёзиб, одамларини жўнатади. Али Ромитаний ҳазратлари келганларга “Бизнинг шаҳарда истиқомат қила олишимиз ҳақида имзоланган ва муҳрланган фармон бор. Агар султон ўз имзосини, муҳрини, изнини инкор этадиган бўлса, унда биз ҳам шаҳардан чиқиб кетишга розимиз” деган жавобни берадилар. Бу жавобни султонга етказишади. Султон ўзи берган изнни қайтариб оладиган даражада пасткашликка бормайди. Аксинча келиб, суҳбатларга қатнашди. Унинг суҳбатидаги лаззатни ва нозикликни яхши англаган султон унинг энг илғор талабаларидан бўлади.

Муҳаммад Бобо Саммосий ҳазратлари

Муҳаммад Бобо Саммосий ҳазратлари Хўжа Али Ромитаний ҳазратлари етиштирган буюк авлиёлардандир. Силсилаи олиянинг ўн учинчисидир. Бухорога қарашли Саммос қишлоғида туғилдилар.

Тасаввуф илмини буюк олим Али Ромитаний ҳазратларидан ўргандилар. Унинг дарслари ва суҳбатларида етишиб, тасаввуфда

юксак даражага эришдилар. Устози ўзидан кейин ўрнига Муҳаммад Бобо Саммосийни вакил этиб қолдирди. Бошқа талабаларига ҳам унга тобе бўлишни васият этдилар.

Устозининг вафотидан кейин унинг ўрнига ўтган Муҳаммад Бобо Саммосий кўплаган талаба етиштирди ва ичларидан бир қисмини тасаввуфда юксак мақомларга эриштирди. Бу талабаларининг бошида ўзидан кейин ўрнига ўтирган ва илм дарёсида садаф бўлган Саййид Амир Кулол ҳазратлари туради. Яна бир талабаси Баҳоуддин Бухорий ҳазратларидир. У ҳали туғилмасдан аввал устози Муҳаммад Бобо Саммосий у туғиладиган жойдан ўтаётиб "Бу ердан бир буюк зотнинг ҳиди келмоқда. Яқинда бу жой Қасри орифон (орифлар саройи) бўлур" дегандилар.

Бир куни яна шу ердан ўтаётиб "Энди ўша гўзал ҳид кўпроқ келяпти. Умид қиламанки, ўша буюк зот дунёга келди" дедилар. Бу гапни айтганларида Баҳоуддин Бухорий ҳазратлари туғилганига уч кун бўлганди. Отаси гўдакнинг кўксига ҳадя қўйиб Муҳаммад Бобо Саммосийнинг ҳузурига олиб келганида "Бу бизнинг ўғлимиздир. Биз уни қабул этдик" дедилар. Сўнгра талабаларига "Гўзал ҳидлар мана шу гўдакдан келаётганди. Ўз замонининг ягонаси ва йўлбошчиси бўлади" дедилар. Кейин халифаси бўлган Амир Кулолга унга яхшилаб таълим-тарбия бериб етиштиришни тайинладилар.

Баҳоуддин Бухорий ҳазратлари айтиб берганлар:

"Уйланмоқчи бўлган вақтимда отам мени Муҳаммад Бобо Саммосий ҳазраларининг ҳузурига юборди. Унга борадиган куннинг кечасида кўнглимда кўз ёши тўкиб дуо қилиш истаги ортди. Унинг масжидига кириб икки ракат намоз ўқидим ва Аллоҳу таологa шундай дуо қилдим: Ё Рабби, менга балоларингга чидашим учун қувват бергин!

Саҳарлаб устознинг ҳузурига борганимда "Энди дуо қилаётганингда "Ё Рабби, сенинг розилигинг қаерда бўлса, мени шу ерда ҳозир қилгин!" деб айт. Агар Аллоҳ дўстига бало юборса, яна инояти билан бу балога сабр ва чидамни ҳам беради. Лекин Аллоҳдан нима келишини билмасдан туриб, худди бало сўрагандек дуо қилиш тўғри эмас" дедилар. Бир кеча аввалги ҳолимни кашф этишдаги кароматини тушундим ва у зотнга бутунлай боғландим."

Етиштирган ва тасаввуфда юксак даражаларга эришишларига васила бўлган юзлаган авлиёлардан тўрттасини ўзига халифа этиб танлагандилар. Булардан биринчиси Хўжа Сўфий Суҳорий, иккинчиси ўз ўғли Хўжа Муҳаммад Саммосий, учинчиси Мавлоно Донишманд Али, тўртинчиси эса Саййид Амир Кулол ҳазратларидир.

Баҳоуддин Бухорий ҳазратлари баён қиладилар:

Устозим Муҳаммад Бобо Саммосий билан овқатланиб ўтиргандик. Овқат тугагандан кейин менга бир нон бериб "Ол буни сақлаб қўйгин, балки керак бўлиб қолар" дедилар. Овқатланиб тўйган бўлишимизга қарамай менга бу нонни беришларининг ҳикматини ўйлаётгандим "Фойдасиз ўйлардан қалбни муҳофаза қилиш керак" дедилар. Сўнгра йўлга чиқдик ва бир танишимнинг уйида меҳмонга қолдик. Меҳмонга қолган уйимизнинг эгаси қийин ҳолда эканлиги кўриниб турарди. Устозим ундан нимага ғамгин эканлигини сўрадилар. У "Бир коса сутим бор, лекин сутнинг ёнида ейишга ноним йўқ. Шунга сиқиляпман" деди. Устозим менга ўгирилиб "Ҳалиги нонни нима қиламиз ўйлаб турган эдинг. Қани нонни эгасига берчи" дедилар.

Саййид Амир Кулол ҳазратлари

Саййид Амир Кулол ҳазратлари Силсилаи олиянинг ўн тўртинчисидир. Ҳазрати Ҳусайиннинг авлодидандир. Авлиёларнинг машҳурларидан бўлган Муҳаммад Бобо Саммосийнинг шогирди ва Баҳоуддин Бухорий ҳазратларининг устозидир. Кулолчилик билан шуғулланганлиги учун "Кулол" исми билан билан машҳур бўлганлар.

Ҳар онини исломиятга уйғун ўтказганлар, кўплаган кишилар унинг суҳбатида ва дарсларида камолга етган. Онаси шундай баён қилади: "Амир Кулолга ҳомиладорлигимда шубҳали бир нарса есам қорин оғриғига дучор бўлардим. Бу луқмани меъдамдан чиқариб ташламагунча қорин оғриғидан қутула олмасдим. Бу ҳол бошимдан уч марта ўтди. Сўнгра хайрли бир фарзандга ҳомиладор бўлганимни англадим. Бундан кейин еяётган нарсаларимнинг ҳалол эканлигига эътиборли бўлиб, эҳтиётлик билан ҳаракат қилдим."

Солиҳ зотлардан бири вафот этганида жаноза намозини Амир Кулол ҳазратларининг ўқишини васият қилганди. Лекин у узоқ бир жойда сафарда эди. Бу зот вафот этгач, шу жойнинг олимлари тўпланди. Амир Кулол ҳазратларини чақириб келишга бир кишини жўнатишни маслаҳатлашдилар. Шунда шу ерда бўлган Шайх Суфий: "Хабарчининг кераги йўқ. Бу ҳодисалар унга маълум бўлади" деди. Ҳар эҳтимолга қарши икки киши хабар бериш учун йўлга отланган эди. Энди йўлга чиқмочи бўлиб турганиларида Амир Кулол ҳазратлари бирданига қаршидан кўринди. Келиб вафот этган зотнинг жанозасини ўқитдилар. У ердаги олимлар бу ҳодисанинг унга қандай маълум бўлганини сўрадилар. Амир Кулол ҳазратлари қуйидаги ҳадиси шарифларни билдирди:

"Қалб қалбга акс этади."

"Мўмин мўминнинг ойнасидир."

"Ҳар идишдан ичидаги нарса томади."

Ундан каромат ҳақида сўрадилар. Айтдиларки: "Авлиёнинг каромати ҳақдир. Каромат ақлан ва нақлан жоиздир. Бу хусусда кўплаган нақллар бор. Сулаймон алайҳиссаломнинг вазирлари Асоф, Балқиснинг тахтини бир зумда Санадан Қуддусга келтиргани ҳақидаги ҳодиса бунга мисол. Яна бир бошқа мисол: Бир куни ҳазрати Умар Мадинада хутба ўқиётганида Эрондаги ислом қўшинини кўриб, қўшин қўмондонига "Эй Сория, тоғ тарафга чекин!" деди. Узоқда бўлишига қарамай Сория ва унинг аскарлари бу овозни эшитиб, тоғ тарафга чекиндилар. Шу тариқа душманнинг таҳликали ҳужумидан ҳимояландилар. Авлиёда кўринадиган кароматлар Жаноби Пайғамбаримизнинг мўъжизаси сабаблидир."

Вафот этишидан олдин хасталаниб ётганида талабаларига шундай васият қилдилар:

"Илм ўрганиб, Муҳаммад алайҳиссаломнинг йўлига тобе бўлишдан асло ажралмангизлар! Бу мўмин учун бутун саодатларнинг воситасидир. Ҳар бир мусулмон эркак ва аёлнинг ўзига лозим бўлган дин билимларини ўрганиши фарздир. Булар шу тартибга кўрадир: Имон, намоз, рўза, бадавлат бўлса закот ва ҳаж, ота-онасининг ҳақларини ўрганиш.

Аллоҳу таолонинг рози бўлишини истаган киши ота-онасини рози қилсин. Расулуллоҳ жанобимиз **"Аллоҳу таолонинг рози-**

лиги ота-онанинг розилигини олиш билан қўлга киритилади” деб марҳамат қилганлар. Шунинг учун ота-онанинг ҳақига риоя қилиш муҳимдир. Сила-и раҳм (қариндошларни зиёрат қилиш), қўшни ҳақига риоя қилиш, керак бўлган савдо-сотиқни, ҳалол ва ҳаромларни ўрганиш лозимдир.”

Яна айтдиларки:

“Ихлосли бўлинглар. Ҳар ишни Аллоҳ розилиги учун қилсангиз, қутуласиз. Ихлоссиз ишланган амал худди устида подшоҳнинг муҳри бўлмаган қалбаки танга кабидир. Ўтмайдиган пулни ҳеч ким олмайди. Устида муҳри бўлган пулни эса ҳамма олади. Ихлос билан бажарилган озгина амал Аллоҳ наздида кўп амал кабидир. Ихлоссиз қилинган кўп амалнинг эса, Ҳақ таоло олдида заррача қиймати йўқдир. Бажараётган ҳар бир ибодат ва амалингизни ихлос билан ишланг. Мана шунда Аллоҳу таолонинг розилигини қозонганлардан бўласиз.”

Баҳовуддин Нақшибанд ҳазратлари

Саййид Муҳаммад Баҳоуддин Бухорий ҳазратлари Силсилаи олиянинг ўн бешинчи фарди комилидурлар. Аллоҳу таолонинг муҳаббатини қалбига нақш этганлари учун Нақшбанд деб ҳам аталади.

1318 йили Бухорога яқин бўлган Қасри Орифонда таваллуд топдилар. Ислом олимларининг энг буюкларидан бўлиб, тасаввуфда энг юксак даражаларга эришдилар. Замонида ва кейинга асрларда унинг воситаси билан кўплаган инсонлар ҳидоятга, тўғри йўлга қовушдилар. 1389 йили Қасри Орифонда вафот этдилар. Шу ерга дафн этилган.

Замонининг буюк авлиёларидан бўлган Муҳаммад Бобо Саммосий у зот туғилмасидан олдин Қасри Орифонга келганди. Шунда “Бу ердан бир улуғ зотнинг ифори келмоқда. Бу жойдан улуғ валий чиқади” деб шогирдларига мисли йўқ бир зотнинг бу жойда туғилишини билдиргандилар.

Отаси Саййид Муҳаммад Бухорий шундай дейди:

“Ўғлим Баҳоуддин туғилганидан уч кун ўтгач Хўжа Муҳаммад

Бобо Саммосий яна Қасри Орифонга келдилар. Менинг унга бўлган муҳаббатим жуда кучли эди. Янги туғилган ўғлим Баҳоуддинни ҳузурларига олиб бордим. Хўжа ўғлимни қўлимдан олиб, бағрига босиб “Бу чақалоқ менинг ўғлим. Мен уни маънавий ўғилликка қабул қилдим” дедилар. Сўнгра Саййид Амир Кулолга шундай дедилар: “Сизга бу ердан буюк бир зотнинг ифори келмоқда деган эдим. Бу ифор мана шу фариштадай чақалоқнинг ифоридир. Бу сабий улуғ бир зот бўлиши керак.”

Онаси баён қилади:

“Ўғлим Баҳоуддин тўрт ёшлигида уйимиздаги сигирни кўрсатиб “Бу сигир боши оқ рангли бузоқ туғади” деди. Бир неча ойдан кейин сигир у айтганидек бир бузоқ туғди.”

Баҳоуддин Бухорий ҳазратларининг илк устози Хўжа Муҳаммад Бобо Саммосийдир. Ундан кейин Саййид Амир Кулол устозлик қилдилар. Бундан ташқари бир неча устозлардан дарс олди.

“Али Ромитаний ҳазратларидан бери, омонат сақланган тож менга берилди. Шу онда қалбим Аллоҳу таолога бўлган муҳаббат билан тўлиб-тошди. Сўнгра устозим Саййид Амир Кулол Қасри Орифинга келдилар. Менга кўп илтифот кўрсатиб “Хўжа Муҳаммад Бобо Саммосийнинг амрлари бўйича сизни камолга етказиш учун меҳнат қиламан” дедилар.”

Саййид Амир Кулол ҳазратлари Баҳоуддин Бухорий ҳазратларининг етилиши учун астойдил шуғулланиб, уни тасаввуфда юксак даражаларга эриштиргандан кейин айтдиларки:

“Устозим Хўжа Муҳаммад Бобо Саммосийнинг тарбиянгизга тегишли васиятларини бажо келтирдим. Сизни у зот истаганларидек қилиб етиштирдим. Энди сизга ижозат.”

Баҳоуддин Бухорий ҳазратлари Амир Кулол ҳазратларининг вафотидан кейин инсонларга тўғри йўлни кўрсатиб, йўлбошчилик вазифасини бажаришни бошладилар.

Афсуски ҳозирги кунда дунёнинг ҳар томонида унинг исмидан фойдаланиб, Нақшийлик номи остида Ҳаққа борадиган йўлдан адаштирувчи сохта шайхлар пайдо бўлган. Аҳли суннат эътиқодини биладиган бир киши буларнинг нотўғри йўлда эканликларини осонлик билан тушунади.

Аловуддин Аттор ҳазратлари

Аловуддин Аттор ҳазратлари Бухорода етишиб чиққан энг буюк авлиёлардан. Силсилаи олиянинг ўн олтинчисидир. Асл исми Муҳаммад бин Муҳаммад Бухорийдир.

Бадавлат отаси вафот этгач, ўғилларига мерос сифатида жуда кўп мол-мулк қолди. Лекин Аловуддин меросдан улуш олишдан бош тортиб, Шоҳи Нақшбанд Муҳаммад Баҳоуддин Бухорийга талаба бўлишни танлади. Унинг ҳузурига бориб аҳволини тушунтирди ва талабаликка қабуллашини сўради. Баҳоуддин Бухорий ҳазратлари унга назар этиб "Ўғлим бизнинг йўлимизда заҳмат ва ғам-ташвишлар кўпдир. Дунёни ва нафсингни тарк эта оласанми?" деганларида ҳеч ўйлаб турмасдан "Тайёрман устоз" деди. Баҳоуддин Бухорий ҳазратлари "Ундай бўлса бугун бир сават олма олиб, ака-укаларингнинг маҳалласида сотгин" дедилар.

Аловуддин насл-насабли ва таниқли бир оилага мансуб бўлишига қарамай кибрланмасдан, ака-укаларининг маҳалласига бориб, бақириб-чақириб олма сотди. Эртаси кун устозининг ҳузурига келиб "Амрингизни бажаришга ҳаракат қилдим, устоз" деди. Устози "Бугун энди акаларингнинг дўкони олдида олма сотасан" дедилар. Аловуддин "Хўп бўлади, устоз" деб, акаларининг дўкони олдига бориб, кечагидек бақириб-чақириб олма сота бошлади. Акалари буни кўриб "Бизни шарманда қилма, пул керак бўлса, истагингча берамиз. Меросдаги улушингдан ҳам ортиғини ол, лекин бу ишни ташла" дедилар. Аловуддин уларга қулоқ солмасдан олма сотишда давом этди. Шунда акалари "Агар олма сотадиган бўлсанг, бизнинг дўконимиз олдида сотма!" дедилар. У яна қулоқ солмади. Акалари уни ҳақоратлаб, ушлаб урдилар. Лекин у ҳеч нарсага эътибор бермай, устозининг амрини бажаришга уринди. Эртаси кун устози "Энди бу иш тугади" дея олма сотишини тўхтатиб, шогирдликка қабул қилдилар.

Аловуддин Аттор ҳазратлари баён қилади:

"Устозим мени талабаликка қабул этгач, унга бўлган муҳаббатим жуда ортди ва унинг суҳбатларидан ажрай олмайдиган ҳолга келдим. Бир куни менга "Сен мени севдингми ё мен сени севдимми?"

дедилар. Мен “Бу ожиз хизматчига илтифот кўрсатсангиз у ҳам сизни севади” дедим. Устоз “Бироз кутгин!” дедилар. Бироздан кейин қалбимда унга бўлган севгидан асар ҳам қолмади. Шунда устоз “Севгининг кимдан эканлигини билдингми?” дедилар.”

Талабаликка қабул этилгач, жон-жаҳди билан хизматда бўлди. Талабалари орасида бармоқ билан кўрсатиладиган даражага етди. Устози унинг даражаси юқори эканлигини билгани учун бир куни аёлига “Қизимиз балоғатга етганида хабар бергин” дедилар. Қизи балоғатга етгач, талабаси Аловуддиннинг хонасига кирдилар. Эски бир шолча устида ўтириб, китоб ўқиётганини кўрдилар. Бошининг тагига ёстиқ ниятида қўядиган бир ғиштдан бошқа нарсаси йўқ эди. Устози “Агар қабул қилсанг, балоғатга етган бир қизим бор. Уни сенга никоҳлаб бераман” дедилар. Аловуддин “Буюк лутф кўрсатдингиз. Лекин кўриб турганингиздек ҳеч нарсам йўқ” деди. Устози “Қизим сенинг тақдирингга ёзилган. Ризқингизни эса, Аллоҳу таоло бераман деб ваъда қилган” - дедилар. Бироз вақт ўтиб, турмуш қурдилар.

Бир куни Баҳоуддин Бухорий ҳазратлари талабалари билан қирга чиққанди. Йўлда бир дарёдан ўтишга тўғри келди. Дарё ёққан ёмғирлар туфайли тўлиб-тошиб, дарахтларни илдизлари билан қўпориб оқарди. Устози “Аловуддин сувга сакра!” деди. Аловуддин ҳеч тараддудсиз сувга сакради. Тўлиб оқаётган сув ичида йўқолди. Талабалари ўзларини йўқотиб қўйган эдилар. Лекин устозларидан ҳеч нарса сўрамадилар. Устозлари шомга яқин қирдан қайтаётганида кўприк ёнига келиб “Бир киши камми?” дедилар. Талабалари “Ҳа шундай” дедилар. Баҳоуддин Бухорий ҳазратлари қўлини узатиб “Аловуддин кел!” дедилар. Шунда Аловуддин дарёдан чиқиб келди. Ҳатто кийимлари ҳам ҳўл бўлмаганди. Устозлари “Қаранглар, дарё илдизлари маҳкам, соғлом бўлмаган дарахтларни йиқитиб оқизмоқда. Лекин Аловуддиннинг илдизи маҳкам бўлгани учун уни оқиза олмади”- дедилар.

Аловуддин Аттор ҳазратлари айтдики: “Мақсадга фақат устознинг розилиги билан етиш мумкин. Шогирднинг зиммасига бутун ишларини устозига ҳавола қилиш қолади. Устозининг ёнида ўзича иш қилмаслиги керак. Аллоҳ одамлари билан суҳбат ақлни орттиради. Уларни кўрмасдан икки кунни ўтказиб юбормаслик керак.”

Вафот этгандан кейин тушда кўриниб “Аллоҳу таолонинг бизга берган неъматлари мўл. Қабримдан 40 фарсаҳгача (240 км) масофада дафн қилиниган мусулмонлар шафоатим билан мағфиратга эришишлари билдирилди” деди.

Яъқуб Чархий ҳазратлари

Яъқуб-и Чархий ҳазратлари авлиёларнинг буюкларидан эди. Инсонларнинг имон, ибодат ва ахлоқ хусусида ҳақни ўрганиб, бажо келтиришларини таъминлаган ҳамда Аллоҳу таолонинг розилигига эришишлари учун йўл кўрсатган Силсила-и олия деб аталадиган ислом олимларининг ўн еттинчиси халқасидир. Буюк олим ва комил валий эдилар.

Ўзи шундай дейди:

“Бухоро олимларидан илм ўрганиб, ижозат олгандан кейин юртимга қайтмоқчи бўлдим. Қалбимда Баҳоуддин Бухорий ҳазратларининг ёнига бориш орзуси пайдо бўлди. Ҳузурларига бориб “Мени ёдингиздан чиқарманг” деб ёлвордим. “Менинг олдимга кетаётган вақтингда келасанми?” дедилар. “Кўнглим сизга бўлган иштиёқ билан тўла” дедим. У “Бу орзунинг манбаи қаерда?” дедилар. Мен “Буюк бир зотсиз ва ҳаммага мақбулсиз” дедим. Шунда Баҳоуддин Бухорий ҳазратлари “Бу сабаб етарли эмас, бундан маъқулроқ бўлган сабаб топишинг керак. Ҳаммага мақбул бўлишим шайтоний ҳам бўлиши мумкин” дедилар. Шунда “Саҳиҳ бир ҳадиси шарифда: “Аллоҳу таоло бир қулини севадиган бўлса, унинг муҳаббатини қулларининг қалбига солади. Шу боис инсонлар у зотни севадилар” деб марҳамат қилинган” деганимда табассум қилиб “Биз азизонмиз” дедилар. Бу сўзни эшитиб, ўзимдан кетишимга оз қолди. Чунки бу учрашувдан бир ой аввал бир туш кўргандим. Тушимда менга “Азизонга шогирд тушгин!” дейилганди. Баҳоуддин Бухорий ҳазратлари “Биз азизонмиз” деганларида ўша туш ёдимга тушди. Такрор “Менга таважжуҳ қилсангиз. Мени ёдингиздан чиқарманг” деб ёлвордим. У “Бир куни Азизон (Али Ромитаний)дан бир киши мана шундай талабда бўлганди. У зот эса, бир нарсанинг ёдда қолиши учун воситага эҳтиёж борлигини айтганлар. Ёдга олиш учун васила бўла олади-

ган бирон эсдалик сўрагандилар” дедилар. Буни айтгандан кейин менга муборак дўпписини ҳадя қилиб “Мана бу дўппини олгин, уни ҳар кўрганингда бизни хотирла ва ёдингда тутгин!” дедилар.”

Яна баён қиладики:

“Аллоҳу таолонинг инояти билан бу фақирда авлиёлар йўлига кириш орзуси туғилганида Баҳоуддин Бухорий ҳазратларига интисоб қилиш насиб бўлди. Унинг карам ва илтифотлари мени саодатга ғарқ этди. Кўрдимки, муршидим комилдир. Турли воқеалар ва ғайбдан аломатлар бўлганидан кейин Қуръони каримни очиб бир оятни белги қилиб олишни истадим. “У Пайғамбарлар Аллоҳнинг ҳидоятига эриштирувчи кишилардир, сен ҳам улар юрган йўлдан юр...” деган маънодаги ояти карима чиқди. Унга бўлган боғлиқлигим яна-да кучайди.

Тараддудда юрган кунларим эди. Ичимда шундай бир ғалаён бошландики, зудлик билан Баҳоуддин Бухорий ҳазратларининг ҳузурига бориш учун Қасри Орифон томон йўлга чиқдим. Баҳоуддин Бухорий ҳазратларининг уйига яқинлашганимда йўлга чиқиб, мени кутаётганлигини кўрдим. Мени ёнига ўтқаздилар. Намоз ўқигандан кейин суҳбатни бошлаб, айтдиларки: “Илм икки қисмдир. Бири қалб илми, бу илм энг фойдали илмдир. Бу илмни расуллар ва набийлар ўргатади. Иккинчиси тил илмидир. Бу илм ҳам Аллоҳу таолонинг одамзодга ҳужжатидир. Ботин илмларидан сенга бир улуш тегишидан умид қиламан. Садоқат аҳли билан ўтирганингизда диққатли бўлинг. Чунки улар қалбларга кириб, майл ва ҳавасларингизга боқади. Биз ўз қароримиз билан ҳеч кимни қабул қила олмаймиз. Вазифамиз шундай. Кўрамиз бу кеча қандай аломат билдирилади. Агар сени қабул қилсалар, биз ҳам қабул қиламиз.”

Умримда бундай оғир ва қийин кеча ўтказмадим. Саодат эшигининг юзимга ёпиилишдан қўрқдим. Бомдод намозини устозим билан бирга ўқидим. Намоздан кейин “Сенга муждалар бўлсин! Қабул қилишга белги келди. Биз инсонларни камдан-кам қабул қиламиз. Қабул этганимизда ҳам кеч қабул этамиз. Токи келганларнинг қандай келганлиги ва замонининг танлангани эканлиги равшан бўлсин” дедилар. Халифаси Аловуддин Аттор билан ҳамсуҳбат бўлишимизни амр этдилар. Мен эса, амрга итоат қилган ҳолда унинг ёнига бордим ва вафотигача суҳбатларида иштирок

этдим. Сўнгра унинг халифаси сифатида инсонларга ҳақ йўлни кўрсатиш вазифаси берилди.”

Убайдуллоҳ Аҳрор ҳазратлари

Убайдуллоҳ Аҳрор ҳазратлари Туркистоннинг буюк авлиёларидан. Силсилаи олиянинг ўн саккизинчисидир. 1403 йилда Тошкентда туғилиб, 1490 йили Самарқандда вафот этди. Қабри Самарқанд шаҳрида. Туркистон диёрида Хўжа Аҳорори валий деган ном билан машҳурдир.

Туғилганидан эътиборан устун ҳоллари кўринди. Онаси нифосдан тозаланганидан кейин эмишни бошлади. Юзидан шундай нур таралардики, кўрганлар ҳайратда қолиб, унга дуо қилардилар. Тилидан Аллоҳу таолони исми ҳеч тушмасди. Бобоси ҳам олим ва авлиё эди. Вафот этиши олдидан невaралари билан алоҳида-алоҳида видолашди. Убайдуллоҳ Аҳрор у вақтлар жуда кичкина эди. Уни кўриб қучоқлаганча йиғлаб шундай деди: “Мен бу болам буюк зот бўлганида ҳаётда бўлмайман. У исломиятга хизмат қилади. Жаҳон подшоҳлари унинг гапига қулоқ соладилар.”

Тасаввуфда юксак даражаларга эришгандан кейин нафақасини ҳалолдан топиш учун деҳқончилик билан шуғулланди. Қисқа вақт ичида бой-бадавлат бўлди. 1300 дан ортиқ деҳқончилик қиладиган ва чорва етиштирадиган экин далалари бор эди. Ҳар бирида уч минг ишчи меҳнат қиларди. Аллоҳу таоло унинг ҳосилига шундай барака бердики, ҳар йили 800 минг ботмон (700 тонна) заҳира ушр берарди. Омборларда сақланаётган ҳосил ҳар гал олиб чиқилганида у ерга қўйган пайтларидагидан ҳам мўлроқ бўлиб чиқарди. Ўзлари бу ҳақида: “Бизнинг молимиз фақирлар учундир. Бунча молнинг сири мана шу нуқтададир” деганлар.

Яқинларидан бир киши кечаси биттасини шароб олиб келиш учун юборди. Бу кимса шаробни олиб келгач, уйининг олдига келиб, шароб идишини юқоридан туширилган сават ичига жойлади. Шаробга юборган киши саватни юқорига торта бошлади. Тортаётганида сават деворга тегиб, ипи узилди ва сават ерга тушиб, кўза синди. Шароб олдирган киши ҳеч ким билмасин деб, саҳарлаб туриб, синган кўзанинг парчаларини тўплади. Убайдуллоҳ Аҳрор

ҳазратлари у кишининг уйига келиб: “Кечаги синган кўзанинг овози қулоғимга чалинди. Агар бу кўза синмаганида менинг кўнглим синарди ва бошқа сен билан учрашувимга ҳожат қолмасди” дедилар.

Бир талабаси баён қилади:

Сафарда эдик. Ярим кечада менга “Дарров туриб, нарсаларни йиғиштир ва ташқарига чиқ!” дедилар. Ортимдан ўзлари ҳам ташқарига чиқиб “Бу атрофдагиларни уйғотинг. Кейин орқамдан юринглар” дедилар. Бир тепаликка қараб тез-тез юриб кетдилар. Биз ҳам дарров йиғиштирилиб, изларидан чопдик. Тепага чиққач тўхтадилар, биз ҳам ёнларига бориб турдик. Баъзи бировлар биз билан келмаганди. Биз тепаликда турганимизда тўсатдан қўрқинчли сел келди. Сел олдидан чиққан дарахт, қоя, девор, нима бўлса барини суриб кетарди. Биз ташлаб чиққан уйлар ҳам сув тагида қолган, келмаганлар эса, селда ғарқ бўлганди. Селдан қутулганлар Убайдуллоҳ Аҳрор ҳазратларининг бу кароматини кўриб, унинг буюк бир авлиё эканлигига яна бир марта ишонч ҳосил қилдилар.

Убайдуллоҳ Аҳрор ҳазратлари айтдиларки:

“Кишининг қалби қорайганлигига аломат қилган гуноҳларидан сиқилмаслиги, гуноҳ қилишда бардавом бўлиб, оёқ тираб туриб олишидир. Ишлаган гуноҳлари сабабли қалби шундай қораядики, энди унга насиҳатлар таъсир қилмайди, ғафлатдан уйғонмайди.”

“Агар биз шайхлик қилганимизда замонимизнинг ҳеч бир шайхи ўзига шогирд топа олмасди. Лекин бизга бошқа иш амр этилди. Бизнинг ишимиз мусулмонларни зулмдан ҳимоя қилишдир.”

“Тасаввуф бу – вақтини энг қийматли нарсага сарф этишдир.”

“Тасаввуф – ҳамманинг юкини кўтариш ҳамда ҳеч кимга ўз юкини солмасликдир.”

“Тасаввуфдан мақсад ўзини мажбурламасдан туриб, ҳар он Аллоҳу таолони хотирлашдир.”

“Инсоннинг қиймати: идроки бу йўлнинг буюкларидаги ҳақиқатларни тушуниши қадардир.”

“Балоларга сабр қилиш, ҳатто шукр қилиш керак. Чунки Аллоҳу таолонинг бири биридан аччиқроқ бўлган балолари бор.”

“Инсоннинг яратилишидан мақсад қуллик қилишидир. Қулликдан мақсад эса, ҳар қандай шароитда Аллоҳу таолони унутмасликдир.”

“Бутун кароматларни бизга берсалар, лекин эътиқодимиз аҳли суннат бўлмаса, ҳолимиз харобдир. Агар бутун хароликларни, аламларни берсалар, лекин эътиқодимиз аҳли суннат бўлса, ҳеч ғам чекмаймиз.”

Қози Муҳаммад Зоҳид ҳазратлари

Қози Муҳаммад Зоҳид ҳазратлари Ўрта Осиёда яшаган буюк авлиёлардан. Силсилаи олиянинг ўн тўққизинчисидир. Онаси Силсилаи олиянинг буюкларидан бўлган Яъқуб Чархий ҳазратларининг қизидир.

Кичик ёшлигидан бошлаб илм ўрганди. Ундан кейин тасаввуфга йўналди. Убайдуллоҳ Аҳрор ҳазратларига шогирд бўлди. 12 йил унинг қалбларга шифо бўлган суҳбатларига қатнашди. У зотдан вазифасини қабул қилиб олди. Кўплаган шогирд тарбиялаб етиштирди. Силсилаи олия улуғларидан Дарвеш Муҳаммад ҳазратлари у етиштирган авлиёлардан бири.

Ватани бўлган Самарқандда қолиб илм таҳсил этгандан кейин яна илм ўрганиш учун бир шогирди билан Ҳиротга бориш учун йўлга чиқди. Шодмон қишлоғига борганларида ҳаво ҳаддан ташқари иссиқ бўлгани сабабли бир муддат шу ерда қолдилар. Ўша кунларда қишлоққа Убайдуллоҳ Аҳрор ҳазратлари ташриф буюрдилар. Уни зиёрат қилишга боришди. Убайдуллоҳ Аҳрор ҳазратлари у билан бироз гаплашгандан кейин суҳбатни бошлади. Суҳбатда Муҳаммад Зоҳиднинг кўнглидан ўтган саволларга жавоб бериб “Агар мақсадинг илм ўрганиш бўлса, унга бу ерда осонроқ эришилади” дедилар. Сўнгра унинг ёнига бориб “Ҳиротга боришдан мақсадинг нима илм ўрганишми ёки тасаввуфми?” деб сўрадилар. Муҳаммад Зоҳид даҳшатга тушиб, жавоб беролмади. Ёнидаги шогирди “Устозимнинг асл мақсадлари тасаввуф йўлига кириш” деб жавоб берди.

Убайдуллоҳ Аҳрор ҳазратлари табассум қилиб “У ҳолда жуда яхши” дедилар. Сўнгра бирга боққа чиқдилар. У ерда Муҳаммад Зоҳиднинг қўлидан тутдилар. Қўлини тутар-тутмас ўзида катта ўзгаришларни ҳис этган Муҳаммад Зоҳид ҳушидан кетди. Ўзига

келганида Убайдуллоҳ Аҳрор ҳазратлари “Балки сен менинг ёзувимни ўқий оларсан” дея чўнтагидан бир қоғоз чиқариб “Бу қоғозда ибодатнинг ҳақиқати ва Аллоҳу таолонинг азамати қаршисида инсоннинг ожизлиги ёзилган” деб уни Муҳаммад Зоҳидга бердилар.

Бу қоғозда шундай ёзув бор эди:

“Бу саодат Аллоҳу таолонинг муҳаббати билан ва Унинг Расулига тобе бўлиш орқали қўлга киритилади. Бунинг учун дин илмларига ворис бўлган олимларнинг суҳбатида бўл. Улардан фойдали илм ўрган. Токи Жаноби Расулуллоҳга тобе бўлиш билан маърифати илоҳийга эришгайсан. Ёмон дин одамларидан узоқ бўл. Ҳалол ва ҳаромнинг фарқига бормайдиган, динга мос бўлмаган ишлар қиладиган жоҳил тариқатчилардан узоқ тур.”

Муҳаммад Зоҳидга Ҳиротга боришга изн бердилар. Саъдуддин Қошғарийга элтиши учун бир мактуб бердилар. Мактубда Муҳаммад Зоҳидга ёрдам бериши ҳақида ёзилганди. Буларни кўрган Муҳаммад Зоҳиднинг Убайдуллоҳ Аҳрор ҳазратларига бўлган муҳаббати ва боғлиқлиги ортди. Лекин барибир Ҳиротга бориш ниятидан воз кечолмади. Мактубни олиб йўлга чиқди. Йўлга чиқиши билан минган улови сустлашди, тез юролмай қолди. Бухорога 36 км қолганда қаттиқ кўз оғриғи бошланди. Бир неча кун шу ерда қолди. Тузалгач, йўлга чиқди. Бу сафар безгак хасталигига учради. Агар шу тариқа йўлда давом этадиган бўлса, ҳалок бўлишини тушунганди. Ҳиротга боришдан воз кечди. Убайдуллоҳ Аҳрор ҳазратларининг ҳузурига бориб суҳбат ва хизматида бўлишга қарор қилди. Келиб истагига қовушди.

Айтдиларки:

Дарвешлик фақат бир жойга қамалиб ўтириш, кўкда учиш, каромат кўрсатиш эмас. Дарвешлик кўнглини мосуводан (Аллоҳу таолодан бошқа барча нарсадан) поклаб, барчасидан юз ўгиришдир. Бир томонда гуноҳ қилиб, иккинчи томондан “Астағфируллоҳ” дейиш истиғфор эмасдур. Истиғфор бу – Аллоҳу таолонинг амрларига бўйсуниш ва тақиқлаган нарсаларидан амалда сақланишдир.

Дарвеш Муҳаммад ҳазратлари

Дарвеш Муҳаммад ҳазратлари авлиёнинг улуғларидан. Силсилаи олиянинг йигирманчи ҳалқасидир.

Руҳ илмларида мутахассис эди. Буюк олим ва комил авлиё бўлган тоғаси Қози Муҳаммад Зоҳиднинг дарсларида камол топди. Тоғасига шогирд бўлишдан аввал ўн беш йил нафсининг истакларидан қутулиш учун курашган ва инсонлардан узоқ яшаган эди.

Бир кун қўлларини очиб, ожиз ва чорасизлигини Аллоҳу таологa ёлвориб арз қилди. Шу онда Хизр алайҳиссалом келиб "Агар сабр ва қаноат истаётган бўлсанг, Муҳаммад Зоҳиднинг хизмат ва суҳбатига шошил. У сенга сабр ва қаноатни ўргатади" деди. Зудлик билан Муҳаммад Зоҳиднинг ҳзурига борди, у ерда илм ўрганди. Гўзал тарбия олиб, камолга келдилар. Устози унга инсонларга тўғри йўлни кўрсатиш, абадий бўлган жаҳаннам азобидан қутқарадиган нарсаларни билдириш учун хилофат бердилар. Устозининг вафотидан кейин ўрнига ўтиб, Самарқандда тўғри йўлдан адашганлар ва динга кейиндан қўшилган бидъатлар билан курашдилар. Бидъатларни йўқотдилар. Кўплаган авлиё тарбиялаб чиқардилар.

Инсонларни Аллоҳу таолонинг йўлига чақиришда кўп ғайрат кўрсатдилар. Шогирдларининг тарбияси борасида ақл бовар қилмас қувват ва ғайратга соҳиб эдилар. Имоми Раббоний ҳазратларининг дунёга келишидан бир йил аввал вафот этдилар. Инсонларга тўғри йўлни кўрсатиш учун етиштирган шогирдлари жуда кўп. Уларнинг энг улуғи ўғли Хўжа Муҳаммад Имканагийдир.

Хожагий Муҳаммад Имканагий ҳазратлари

Хожагий Муҳаммад Имканагий ҳазратлари авлиёнинг улуғларидандир. Силсилаи олиянинг йигирма биринчи фарди комилидур.

1512 йили Бухоронинг Имкана (ҳозир Илмкони) деган жойида туғилди. 1599 йили шу ерда вафот этди. Авлиёнинг буюкларидан Дарвеш Муҳаммад ҳазратларининг ўғли ва Муҳаммад Боқий-

биллоҳ ҳазратларининг устозидир. Зоҳирий ва ботиний илмларни отасидан таҳсил қилди. Отасидан файз олиб, тасаввуфда камолга етди. Тасаввуф илмининг ва ҳолларнинг мутахассиси эди.

Бутун умри исломиятга хизмат ва Пайғамбаримизнинг гўзал ахлоқини инсонларга ўргатиш билан ўтди. Кўплаган авлиёлар етиштирди. Етиштирган авлиёларнинг энг устуни ўзидан кейин халифаси бўлган Муҳаммад Боқий-биллоҳдир. Муҳаммад Боқий-биллоҳ бир куни тушида Хожагий Муҳаммад Имканагий ҳазратларини кўрди. Устози унга “Эй ўғлон, сенинг йўлингга кўз тутиб ўтирибман” деди. Боқий-биллоҳ ҳазратлари бунга беҳад севинди. Дарров ҳузурига борди. Ҳузурга боргач, унга илтифот кўрсатиб, юксак ҳолларини тинглади. Сўнгра уч кечаю, уч кундуз бир хонада юзма-юз бўлиб, суҳбат қилдилар.

Хожагий ҳазратлари унга файз бериб, юксак фойдаларга эриштирдилар. Сўнгра Боқий-биллоҳ ҳазратларига “Сизнинг ишингиз Аллоҳу таолонинг ёрдами ва бу юксак йўлнинг буюкларининг руҳларининг тарбиялари билан тамом бўлди. Такрор Ҳиндистонга қайтишингиз лозим. Чунки бу Силсилаи олия йўлимизнинг у диёрда сиз туфайли нур таратишини кўряпман. Баракат ва тарбиянгиздан фойда кўриб, буюк ишлар қиладиган кишилар келади” дедилар.

Хўжа Боқий-биллоҳ ўзини бу улуғ ишга лойиқ кўрмаганидан узр сўраса ҳам, Хожагий Имканагий унга истиҳора этишини буюрдилар. Тушини Имканагий ҳазратларига билдирганида шу жавобни олдилар: “Дарҳол Ҳиндистонга боринг. У ерда сизнинг баракатли нафасларингиздан бир азиз камол топади. Бутун дунё унинг нури билан тўлади. Ҳатто сиз ҳам ундан насибингизни оласиз.”

Хўжа Боқий-биллоҳ ҳазратлари Ҳиндистонда Сарҳанд шаҳрига келганида “Қутбнинг атрофига келдинг” деган илҳом келди. Бу қутб имоми Раббоний ҳазратлари эди. Демак, бу қийматли уруғ Самарқанд ва Бухородан олиб келиниб, Ҳиндистон тупроғига экилган эди.

Хожагий Муҳаммад Имканагий ҳазратлари умрининг охирларида шу сўзларни кўп такрорларди:

Ўлимни хотирлаб, кулолмам асло,
Бугун нима бўлур, билолмам асло.

Мақсадим Раббимга яқин бўлмоқдир,
Бундан бошқасини истамам асло.

Мавлоно Холид Бағдодий ҳазратлари бир мактубида Хожагий Имканагий ҳазратлари ҳақида шундай деганди:

“Хожагий Имканагий Ҳақ ошиқларини ҳақиқий муҳаббатга эриштирмоқ учун ғам-ташвишларга чидаб ва зоҳиран қийин ҳолатларда йилларча раҳбарлик қилдилар. Бир куни талабалари билан бирга бир тиконзордан ўтаётгандилар. Бир шогирдининг оёғи яланг эди. Оёқларига тинмай тикон кирарди. Ичидан билдирмай инграр, лекин оёғини устозининг изидан олмай, изидан борарди. Устози Имканагий ҳазратлари унинг бу ҳолига илтифот кўрсатиб: “Биродарим, оёққа алам тикони кирмагунча, мурод гули очилмайди” дедилар. Бу сўзга шогирди жуда севинди.”

Муҳаммад Боқий-биллоҳ ҳазратлари

Муҳаммад Боқий-биллоҳ ҳазратлари Силсилаи олиянинг йигирма иккинчисидир. Имоми Раббоний ҳазратларининг устозидир. 1563 йили Кобилда таваллуд топганлар. Кобилдан Самарқандга бориб, замонининг энг буюк олимларидан бўлган Мавлоно Содиқ Хулвонийдан керакли илмларни ўрганди. Юксак яратилиши ва қобилияти билан қисқа вақт ичида талабалар орасида энг юксак савияга етишди. Сўнгра тасаввуфга йўналиб, бу йўлнинг улуғ олимларидан ботиний илмларни ўрганиб, юксак даражаларга эришди. Хожаги Имканагий ҳазратларининг суҳбатлари, Баҳоуддин Бухорий ва халифалари руҳониятларининг ёрдами билан бу буюкларнинг силсиласига дохил бўлдилар.

Муҳаммад Боқий-биллоҳ ҳазратлари устозининг амри билан Ҳиндистонга бориб, бир йил Лаҳорда қолдилар. У ердаги олимлар бу зотнинг суҳбатларига қатнашиб, кўп истифода қилдилар. Сўнгра Деҳлига бориб, умрининг охиригача шу ерда қолиб, инсонларга тўғри йўлни ўгитладилар. Икки-уч йилдек қисқа вақт ичида жуда кўп олим ва авлиё етиштирдилар. У зот етиштирган улуғларнинг бошида ўзидан кейин халифаси бўлган, иккинчи минг йилликнинг мужаддиди, ислом олимларининг кўз корачиғи бўлган

имоми Раббоний келадилар. Имоми Раббоний ҳазратлари етишиб, камолга келгач, Муҳаммад Боқий-биллоҳ ҳазратлари бутун шогирдларини камолга етказишни унга топширдилар.

Амри маъруф ва наҳйи мункар қилаётганда ҳар доим мулойим гапирардилар. Бир кимса динга мос бўлмаган бирор иш қилса ёки сўз айтса, юмшоқлик, киноя ва имо-ишора билан сокинлаштирар, сира кўнглини оғритишни истамасдилар. Амри маъруф қилаётганида ўзини бошқа инсонлардан ажратмаслик ва устун кўрмаслик учун кўп ғайрат сарф қилардилар. Суҳбатдарида ҳеч бир мусулмон ҳақида ёмон гап гапирилмасди. Агар бир мусулмоннинг кўнглидан бошқа мусулмон ҳақида ёмон фикр ўтгудек бўлса, буни теран фаросатлари ила дарров сезиб, шу заҳоти ёмон деб гумон қилинган киши ҳақида мақтовли гаплар гапирардилар.

Хони Хонон номи билан машҳур бўлган подшоҳ Адурраҳим Хон унинг маҳбубларидан эди. Боқий-биллоҳ ҳазратларининг ҳажга боришини эшитиб, унга йўлкира сифатида кўп пул жўнатиб, “Арзимас ҳадямизни лутф этиб, қабул қилинг” дейди. У эса “Мусулмонларнинг пулларини сарфлаб, ҳажга боришимиз дуруст бўлмайди” деб ҳадяни қабул қилмайдилар ва ҳажга ҳам бормайдилар.

Насиҳатларида овқат пишираётган кишининг доимо таҳоратли бўлишини ва таом пишираётганда дунё каломини гапирмаслигини тез-тез эсга солиб турардилар. Ўзлари ҳам даргоҳларидаги ошхонада бу масалани мудом назоратда тутардилар. “Солиҳ бўлмаган кишининг пиширган таомлари файз келишига тўсқинлик қилади” дердилар. Авлиёлардан бир зот келиб “Ҳолимда ғалати бир турғунлик, қалбимда эса, хавотир ҳис қиляпман. Лекин қабоҳатим-айбим нима эканлигини билолмаяпман” деди. Боқий-биллоҳ ҳазратлари “Овқатларингизга эътиборсиз бўлгансиз” дедилар. Авлиё зот “Ҳар куни бир хил таом ейман” деди. Боқий-биллоҳ ҳазратлари “Яхшилаб ўйлаб кўринг” дедилар. Ҳалиги зот яхшилаб ўйлаб кўриб “Ҳа, устоз, энди ёдимга тушди. Бир куни овқат пишираётганда ўчоққа ҳалоллиги шубҳали бўлган икки-уч дона ўтин ташланганди”,- деди.

Бир куни Хожа Ҳусомиддиннинг гапи билан миршаблар ичкилик ичадиган ва бошқа ярамасликлари бор бир йигитни ҳибсга ол-

дилар. Боқий-биллоҳ ҳазратлари буни эшитиб, Хожа Ҳусомиддинга таъна қилдилар. У “Бу йигит яхши одам эмасди” деганида ғамгин бир ҳолатда чуқур оҳ чекиб айтдиларки: “Сен ўзингни яхши деб билганинг учун у йигит сенга ёмон бўлиб кўриняпти. Лекин биз ўзимизни ундан фарқли деб кўрмаймиз. Қандай қилиб уни ёмонлаймиз?”

Сўнгра бу йигит қўшниси бўлган Хожа ҳазратларининг ўзи ҳақидаги ҳусни заннидан жуда манун бўлиб, гуноҳларига тавба қилди ва солиҳлардан бўлди.

Имоми Аҳмад Раббоний ҳазратлари

Имоми Аҳмад Раббоний ҳазратлари Ҳиндистонга етишган энг буюк олим ва валийлардандир. Орифларнинг нури, авлиёларнинг устуни, исломнинг ҳомийси, мусулмонларнинг бош тожи, мужаддид, мужтаҳид ва ислом олимларининг кўз қорачиғидир. Силсилаи олиянинг йигирма учинчи фарди комилидир. Имоми Раббоний исми билан машҳур бўлган бу зот 1563 йили Ҳиндистоннинг Сарҳанд шаҳрида таваллуд топганлар. «Раббоний олим» дегани, ўзига илм ва ҳикмат берилган, илми билан омил, илм ва амал жиҳатидан камчиликсиз ва комил, буюк олим деган маънони билдиради. Ҳижрий иккинчи йилнинг мужаддиди (янгиловчиси) бўлганлари туфайли «Мужаддиди алфи соний», аҳкоми исломия билан тасаввуфни бирлаштирганлари туфайли «Сила» номи билан таърифберишган. Ҳазрати Умарнинг авлодидан бўлганлари учун «Форуқий» насаби билан ёдга олинган. Сарҳанд шаҳридан бўлганлари учун «Сарҳандий» (ёки Сирҳиндий) деб ҳам аталган.

Бутун бу васфлари билан бирга исмлари Имоми Раббоний Мужаддиди алфи соний Шайх Аҳмади Форуқий Сарҳандийдир.

Ота ва боболарининг барчаси замонининг улуғ олимлари, солиҳ ва фазилатли кишилари эди. Отаси Абдулаҳад афанди дин ва фан илмларида етук, тасаввуфда ҳам энг юқори мартабаларга эришган эди.

Илк таҳсилини ва арабийни отасидан ўрганди. Кичик ёшда Қуръони каримни ёд олди. Илмининг кўпини отасидан, бир қисмини эса замонининг машҳур олимларидан ўрганди. Отасидан

илм ўрганаётган пайтларида турли илмларга оид кичик китобларни ёд олди. Отасидан илм ўрганиб бўлгач, Сиялқут шаҳрига бориб у ерда Мавлоно Камолиддин Кашмирийдан илм ўрганди. Мавлоно Камолиддин машҳур олим Абдулҳаким Сиялқутийнинг устози бўлиб, замонининг энг юксак олими эди. Баъзи ҳадис китобларини ва дарсларини эса, Шайх Яъқуб Кашмирийдан ўқиди.

Қози Баҳлули Бадахшонийдан ҳадис, тафсир ва баъзи усул илмларига ижозат (диплом) олди. Ўн етти ёшида таҳсилини тамомлаб, бутун илмлардан ижозат олдилар. Таҳсил йилларида Қодирий ва Чаштий улуғларининг қалбларидаги файзу лаззатни отасидан олганди. Отаси ҳаётлигида шоирдларга илм ўргатишни бошлади.

Бу орада "Рисолат-ут-таҳлилия", "Радд-и равофиз", "Исбот-ун-нубувва" номли асарларини ёзди. Адабиётга жуда қизиқарди. Фасоҳати ва балоғати, англаш суръати, закосининг шиддати барчани ҳайратда қолдирарди.

Бу қадар илми, замондошларидан устунлиги ёнида ҳайратомуз тавозеси илм соҳибларини лол қолдирарди. Қалби доимо Аҳрория, Нақшибандия буюкларининг муҳаббати билан ёнарди. Бу йўлда ёзилган китобларни мутоала қиларди. Отасининг вафотидан бир йил ўтиб ҳажга бориш учун Сарҳанддан йўлга чиқди. Деҳлига боргач, у ерда танишларидан ва Муҳаммад Боқий-биллоҳ ҳазратларининг талабаларидан бўлган Мавлоно Ҳасан Кашмирий билан кўришди. Мавлоно Ҳасан Кашмирий уни устозининг ҳузурига олиб бориб, таништириш ниятида эканлигини айтиб "Бугун бу ўлкада Аҳрория йўлида бўлган бошқа бундай улуғ зот йўқ. У зотнинг бир назари, биргина боқиши билан эришилган маънавий даражаларга кунлар бўйи чекиладиган чиллалар ва турли риёзатларсиз, нафснинг истакларига мухолифат қилмасдан эришиш мумкин эмас" деди.

Имом Раббоний ҳазратлари авваллари ҳам муборак отасидан Аҳрория йўли ва бу йўлда бўлганларнинг устунликлари ҳамда қиймати ҳақида эшитганди. Бу йўл буюкларининг китобларини ўқиб, уларнинг гўзал ҳолларига воқиф бўлгани учун "Ҳижоз йўлида шундай улуғ олимдан шундай муборак йўлнинг зикр ва усулларини ўрганишдан яхшироқ нима бўлиши мумкин?" деб Муҳаммад Боқий-биллоҳ ҳазратларининг ҳузурига борди. Ҳузурига кириши билан қалбида таърифи имконсиз нур порлаганини ҳис қилди.

Худди қаҳрабо (магнит) игнани торганидек унга томон тортилди. Қалбининг шу кунгача ҳеч ҳис қилмаган, билмаган қандайдир тотли туйғулар билан тўлганини ҳис қилди. Ҳаж сафаридан кейин учрашиб, яна истифода қилишни ният қилган бўлса ҳам, қалбидаги муҳаббат ва шиддатли орзу уни тарк этмади. Эртаси кун қайтиб келиб, Аҳрория файзига эришиш истагини арз қилиб Боқий-биллоҳ ҳазратларининг хизматида қолди. Одоб билан ва бутун вужуди қулоққа айланиб устозининг сўзларига, ҳолларига боғланди. Устозининг лутф ва ҳиммати билан икки ой ичида илгари ҳеч кимда кўрилмаган ҳолларга эришди. Бир неча ойдан кейин устози унга ижозат берди. Шу тариқа тасаввуф илмида ва ҳолларида ҳам юксак даражаларга чиққандан кейин ватани бўлган Сарҳандга қайтиши амр қилинди. Боқий-биллоҳ ҳазратлари кўп шогирдларини етиштириши учун унга ҳавола қилиб, уларни Сарҳандга кузатди. Устози у ҳақда шундай деди: “Қалбларга даво, руҳларга шифо бўлган ушбу қутлуғ уруғни Самарқанд ва Бухородан олиб келиб, Ҳиндистоннинг баракатли тупроғига экдим. Толибларнинг етишиб, камолга келиши учун тинмай ғайрат қилдим. Қачонки ораларидан бир паҳлавон барча даражалардан ошиб, устунликларнинг охирига боргач, ўзимни четга олиб, шогирдларимни унга топширдим.”

Имом Раббоний ҳазратлари ватанига қайтгач, илм ва одоб талабида юрганларни етиштиришни ҳамда юксалтиришни бошлади. Шуҳрати ҳар тарафга ёйилиб, ҳар томондан унинг ошиқлари илмидан ва файзидан фойдаланишга келишарди. Шогирдларига “Байзовий тафсири”, “Саҳиҳ-и Бухорий”, “Мишқати масобиҳ”, “Авориф-ул-маориф”, “Усул-и Паздавий”, “Ҳидоя” ва “Шарҳи мавоқиф” каби китобларни дарс сифатида мукаммал бир тарзда ўқитарди. Умрининг сўнгги вақтларида ҳам талабаларини ҳамиша илм таҳсил қилишга жалб қилар, бунга катта аҳамият берарди. Барчанинг қалбини илм ва нур билан тўлдирар, Муҳаммад алайҳиссаломнинг динини жонлантириб қувватлантирарди. Замонининг подшоҳларини, волий, қўмондон, олим ва ҳокимларини жуда таъсирли мактублари билан динга, суннати санияга ташвиқ қилар, кўплаб олим ва авлиё етиштирарди.

Имом Раббоний ҳазратлари бир муддат Сарҳандда шогирд етиштириш билан машғул бўлиб, инсонларга ҳақ йўлни ўргатгач

устозини зиёрат қилиш мақсадида Деҳлига борди. Бироз муддат хизматида бўлиб, устози билан кўп суҳбатлашди. Ҳолларини янада юқорига кўтардилар. Шундай юксак ҳолларга, фазилатларга қовушганига қарамай, устозига бўлган муносабатида ҳеч ким кўрсата олмайдиган одоб ва ҳурмат намоён эди. Муҳаммад Ҳошим Кашмий шундай деганди: "Хожа Ҳусомиддин Аҳмаддан эшитдим. Устозим Имом Раббонийни мадҳ қилиб, мақтагандан кейин "Мартабаси юксак, фазилати мўл бўлишига қарамай, одобга риоя қилишда устозимиз Муҳаммад Боқий-биллоҳ ҳазратларининг шогирдларидан ҳеч бири имом Раббонийга тенг кела олмас эди. Шунинг учун баракатлар ҳаммадан аввал унга насиб бўлди" дедилар."

Имом Раббоний ҳазратлари шундай деганди:

"Биз тўрт киши устозимиз Муҳаммад Боқий-биллоҳ ҳазратларига хизматда бошқалардан олдинда эдик. Барчамизнинг алоҳида нисбатимиз, алоҳида ўй-фикримиз бор эди. Бу фақир қатъий шаклда биламанки, бундай бир суҳбат ва жамият, тарбия ва иршод манбаи жанобиРапсулуллоҳнинг замонидан кейин дунёда жуда кам кўринган. Гарчи инсонларнинг энг хайрлиси бўлган Расулуллоҳ жанобимизнинг замонида бўла олмадик, ул сарварнинг суҳбатига эриша олмадик, лекин Муҳаммад Боқий-биллоҳ ҳазратларининг саодатли суҳбатидан ҳам маҳрум қолмадик. Шунинг учун бу буюк неъматнинг шукрини бажариш керак. У зотнинг ҳузурида ҳар бир киши ўзининг қалбий боғлиқлигига, муҳаббатига яраша бир нарсаларга эришади."

Имом Раббоний ҳазратлари устози Муҳаммад Боқий-биллоҳ ҳазратларининг ҳузурига иккинчи марта бориб, бир муддат қолгандан кейин такрор ватанига қайтди. Яна бироз муддат шогирдларга ва толибларга файз бериш билан машғул бўлди. Бу орада зоти ҳам жуда юксак даражаларга кўтарилди. Бу ҳолларини устозига мактублар орқали арз қилиб борди. Бундан кейин учинчи марта устозининг зиёратига борди. Бу зиёратдан кейин Деҳлидан Сарҳандга қайтиб, бир неча кун қолди ва сўнгра Лаҳорга кетди. Лаҳор шаҳри аҳолиси имом Раббоний ҳазратларининг ташрифини буюк ғанимат билдилар. Шогирдларининг энг машҳурларидан Мавлоно Муҳаммад Тоҳир, Хожа Муҳаммад, Мавлоно Асғар Аҳмад ва Мавлоно Равҳ Ҳусайн каби зотлар ўшанда шогирд тушиб, суҳбатларида пишиб, юксак даражаларга эришдилар. Имом

Раббоний ҳазратлари Лаҳорда бўлган пайтларида у ернинг машҳур олимларидан катта ҳурмат ва иззат кўрдилар. Олимлар не-не мушкил ва мужмал масалаларини ундан сўраб, тўғри жавоб олдилар.

Имом Раббоний ҳазратлари Лаҳорда суҳбатларига давом этаётган кунларида устози Муҳаммад Боқий-биллоҳ ҳазратларининг вафот хабари келди. Қалблардаги ҳузур ва қувончнинг ўрнини алам ва қайғу эгаллади. Бу хабарни эшитиши билан дарҳол Деҳлига бориб, муборак қабрини зиёрат қилди. Ўғилларига ва йирик шогирдларига таъзия билдирди. Муҳаммад Боқий-биллоҳ ҳазратларининг мунгли шогирдлари қалбларидаги ғам-қайғуларини унинг суҳбат ва таважжуҳлари ёрдамида кетказиш учун ҳузурига келиб, Муҳаммад Боқий-биллоҳ ҳазратларига кўрсатгандек муҳаббат, ҳурмат ва таслимият кўрсатдилар. Катта-кичик барчаси уни қабул этиб, унга боғландилар.

Имом Раббоний ҳазратлари Сарҳандга қайтганидан кейин Қодирий тариқатининг улуғларидан бўлган Шоҳ Камол Қодирийнинг руҳониятидан ҳам ижозат олиш шарафига муяссар бўлди. Бу ижозат олиш ҳодисаси шундай бўлганди: Бир куни саҳар вақти имом Раббоний ҳазратлари шогирдлари билан муроқаба ҳолида ўтирганларида, Шоҳ Камолнинг невараси ва унинг бутун камолотининг вакили бўлган Шоҳ Искандар Каҳталдан келиб, Шоҳ Камолнинг баракатли ҳирқасини имом Раббоний ҳазратларининг елкасига ташлади. Имом Раббоний кўзларини очиб, Шоҳ Искандарни кўрди. Тавозе билан бўйнидан қучоқлади. Шоҳ шундай деди: “Анча вақтдан бери ҳол ва тушимда бобом Шоҳ Камолни кўряпман. Ҳар гал менга ҳирқасини сизга беришимни буюрарди. Лекин унинг бу баракатли ҳирқасини уйдан чиқариб, бошқа кишига бериш менга жуда оғир эди. Аммо такрор-такрор амр этилгандан кейин амрга бўйсуниш лозим бўлди.” Имом Раббоний бу ҳирқани кийиб, ўзининг хонасига кириб кетди. Бироз муддат ўтиб, хонасидан чиққандан кейин ўз яқин сирдошларига, маҳрамларига шундай деди: “Ҳазрати Шоҳ Камолнинг ҳирқасини кийгандан кейин ҳайратланарли жуда ғариб ҳол зоҳир бўлди. Ҳирқани кийишим билан инсонларнинг ва жинларнинг саййиди Абдулқодир Гейлонийни ҳазрати Шоҳ Камолгача давом этган бутун халифалари билан ёнимда турганини кўрдим. Ҳазрати Ғавси Раббоний Абдулқодир Гейло-

ний қалбимни ўз тасарруфларига олди ва хусусий нисбатларининг, йўлларининг нурлари ҳамда асрори мени қоплади. Мен бу ҳол ва нурларнинг денгизига ғарқ бўлиб, ушбу денгизнинг тўлқинига айландим. Бир муддат шу ҳолда қолдим. Бу ҳоллар мени қоплаган пайтда қалбимга "Мени Аҳрория буюклари тарбият қиллдилар ва ишимнинг асоси шу буюкларнинг йўлида бўлишдир, энди эса бошқача бўлмоқда" деган фикр келди. Шуларни ўйлаётганимда Аҳрория йўлининг улуғларидан Хожа-и жаҳон Хожа Абдулхолиқ Ғиждувонийдан устозим Хосжа Боқий-биллоҳгача бўлган бутун халифаларнинг ёнимга келганини кўрдим. Менинг ишим ва амалиётим ҳақида ўзаро суҳбатлаша бошладилар. Аҳрория буюклари "Уни биз тарбия қилдик. Бизнинг тарбиямиз билан завққа, ҳолга ва камолга эришди" дедилар. Қодирий буюклари (рахимаҳумуллоҳ) "Гўдаклигидан бизнинг унга таважжуҳимиз бор эди. Бизнинг неъмат дастурхонимиздан туз тотган эди. Мана ҳозир ҳам бизнинг ҳирқамизни киймоқда" дейишди.

Улар мана шу ҳақида гаплашаётганда Кубровия, Чаштия йўлларидан ҳам бир жамоат келди. Шу тариқа ўзаро бир келишувга келдилар. Бундан кейин қалбимда бу икки шарафли нисбатдан ҳам каттагина улуш ва шавқ топдим." Имом Раббоний ҳазратлари тасаввуфда мана шу йўлларнинг барчасида шоирдлар етиштириб, файз берди.

Имом Раббоний ҳазратлари тарихда камдан-кам етишиб чиқадиган улуғ ислом олими ва буюк муршиди комилдир. Жаноби Пайғамбаримизнинг вафотидан минг йил ўтиб, ислом душманлари динга, имонга инсофсизча ҳужум қилаётган бир паллада Аллоҳу таоло қулларига марҳамат қилиб имом Раббонийдек бир мужаддидни яратди. Унга теран илмларни эҳсон қилди. Унинг воситаси билан дин душманларининг даҳшатли ҳужумларига нуқта қўйди. Ҳақни ботилдан ажратиб, беҳисоб қалблардан ботилни чиқариб ташлади. Бу улуғ имомнинг мактуб ва китоблари инсонларни ғафлатдан уйғотди. Дунёга яна қайта нур таралди. Яъни Аллоҳу таоло уни муҳтарам пайғамбаримиздан минг йил сўнгра дини исломни янгилаш ва қувватлаш вазифаси билан юборди.

Имом Раббонийнинг динга йиллар давомида қилган хизматларини, мустаҳкам далиллар билан бузуқ фикрларни рад ва шарман-

да қилганини, аҳли суннат эътиқоди ва тўғри дин билимлари ёйганини, бидъатларнинг йўқолганини кўрган баъзи бузуқ кимсалар унга ҳасад қилиб, туҳмат қила бошлашди.

Шу сабабдан баъзи кимсаларнинг жафо ўқларига, азият ва туҳматларига нишон бўлди. Жуда кўп олим, фозил ва комилларнинг ўз даргоҳларини тарк этиб, устозларини ташлаб, унинг ҳузурига, хизматига чопишлари эса, ҳасадларини минг чандон орттирди. Имомни таҳликага тушириш учун ҳийла ишлатишни бошладилар. Масалан, «Жунайд Бағдодий, Боязид Бистомий каби буюк олимларга паст назарда қарайди» деган гаплар тарқатиб жоҳил одамларни алдадилар. «Улуғ машойихлар айтиб кетган ваҳдати вужудни инкор қилади» деб илм толибларини имомдан совутишга уриндилар. Унинг ихлосмандларига “Машойихи изомнинг (муҳтарам шайхларни) улуғликларини инкор қиляпти. Аллоҳу таолонинг маърифатига воситасиз эришдим деяпти” дедилар. Турли-туман туҳматлар ёғдирдилар.

Ўша даврнинг султони Салим Жаҳонгир хоннинг девонидаги давлат арбоблари, ҳатто бош вазири, бош муфтийси ва атрофидагилар аҳли суннат душмани шиъа эдилар. Ҳолбуки имом Раббоний ҳазратларининг бир қанча мактублари ва айниқса алоҳида ёзган “Радд-и равофиз” рисоласи Асҳоби киром душманларига раддия бўлиб, уларнинг жоҳил, аҳмоқ ва пасткаш эканликларини билдирарди. Имом Раббоний бу рисоласини Бухородаги энг катта ўзбек хони Абдуллоҳ хонга юборганди. “Бу китобимизни Эрондаги Шоҳ Аббос Сафавийга кўрсатинг. Ёзилганларни қабул қилса, қандай яхши. Агар қабул қилмаса, унга қарши ҳарб қилишингиз жоиз бўлади” деди. Эрон шоҳи раддияни қабул қилмади. Жанг бошланди. Абдуллоҳ хон Ҳирот ва Хуросондаги шаҳарларни шиъалар қўлидан қутқариб мамлакатига қўшди. Бу ерлар авваллари Сафавийларга қарарди. Шу воқеадан кейин Ҳиндистондаги барча бузуқ фирқалар, саҳоба душманлари ўзаро тил бириктириб, Султоннинг ҳузурига чиқдилар. Имом Раббоний ҳақида турли туҳматлар айтиб, шикоят қилдилар. Султон ўғли Шоҳ Жаҳонни юбориб, имом Раббоний ҳазратларини, фарзандларини ва етиштирган шогирдларини тўплаб, барчасини ўлдиришга қарор берди. Ваҳоланки Султоннинг ўзи сунний эди. Шоҳ Жаҳон ёнига бир муфтийни эр-

гаштириб имом Раббонийнинг ҳузурига борди. Султонга сажда қилиш жоиз эканлиги ҳақида бир фатвони ҳам олиб борган эди. Шоҳ Жаҳон Имом Раббонийнинг устунлигини биларди. “Отамга сажда қилсангиз, сизни қутқара оламан” деганида имом Раббоний ҳазратлари бу фатвога фақат зарурат пайтида изн борлигини, азимат ва дин бутунлигининг сажда қилмасликда эканлигини, ажал келганида ўлимдан ҳеч нарсанинг қутқара олмаслигини айтиб сажда қилишдан бош тортди.

Фарзандларини ва шогирдларини қолдириб, султоннинг олдига ёлғиз борди. Ўзига қарши айтилган туҳматларга султон олдида жуда чиройли ва тўғри жавобларни берди. Султон юксак ҳақиқатларни англай оладиган даражада нозик таъб одам бўлмаса ҳам, жавобларни ёқтириб, уни озод қилиди ва ундан узр сўради. Имом ўшанда султонга ўзига қилинган туҳматларнинг асоссиз эканлигини очиқ далиллар билан тушунтирганида шу ердаги оташпараст ҳиндуларнинг буюк қўмондони имом Раббоний ҳазратларининг диндаги қуввати, салоҳияти, сўзлари ва қийматини кўриб, мусулмон бўлди.

Султоннинг фикридан қайтиб имомга кўнгли мойил бўлганини кўрган туҳматчи бузуқлар “Унинг одамлари кўп. Буйруғи бутун ўлкага ўтади. Уни озод қилсак, қўзғолон чиқариши мумкин” деб узоқ гап-сўзлардан кейин султонни яна қайрашади. Султон имом Раббоний ҳазратларини Ҳиндистоннинг энг мустаҳкам ва даҳшатли қалъаси бўлган Гуваляр қалъасига ҳибс этилишини амр қилди. Бу ҳодисадан қаттиқ ранжиган шогирдлари чинакамига султонга қарши исён кўтариш пайига тушишди. Буни қила оладиган кучлари бор эди. Лекин имом Раббоний шогирдларидан анчасининг тушларига кириб ва баъзиларига ўнгида кўриниб бу ишдан маън қилди. Аксинча, Султонга фақат хайр тилаб дуолар қилишни буюриб: “Султонни ранжитиш бутун халққа зарар беради” дедилар. Ўзи ҳам султонга доим хайр дуолар қиларди. Султоннинг вазири ашаддий шиъалардан бўлгани учун зиндонда имом Раббоний ҳазратларининг бошига ўз укасини кузатувчи тайинлаб, унга қўпол ва золимона муносабатда бўлишини буюрганди. Бу назоратчи эса, ҳар куни бу улуғ зотда турли кароматлар, ранж-алам ўрнига ҳайбат, сабру матонат ва ҳатто қувонч кўриб, тавбага кел-

ди. Бузуқ эътиқодини тарк этиб, аҳли суннатни танлади ва холис шогирдларидан бирига айланди. Қалъада ҳисбда бўлган минглаб кофир ҳинду у зотнинг баракати ва суҳбатлари орқали мусулмон бўлиш шарафига эришишди. Анча гуноҳкор ва бидъат эътиқодли маҳбуслар тавба қилишди. Ҳатто баъзилари юксак олим ҳам бўлди.

Имом Раббоний ҳазратлари ҳибсда уч йил қолганидан кейин султон ишига пушаймон бўлди. Ҳибсдан озод қилиб, иззату икром кўрсатди. Ҳатто холис шогирди ва содиқ дўстларидан бўлди. Имомдан бир муддат аскарлари орасида қолишини илтимос қилдли. Сўнгра озод қилиб, ҳурмат билан ватанига юборди. Ҳибсда ўтган аламли ва дардли йиллардан сўнгра Имом аввал соҳиб бўлган ҳоллару мақомлардан мингларча марта устун даражаларга кўтарилиб, юртига қайтди. Имом Раббоний ҳазратлари авваллари “Эришган даражаларим устида яна кўп мақомлар бор. Уларга фақат жалол сифати ва қаттиқ тарбия билан етиш мумкин. Ҳозиргача биз жамол сифати билан силаб-сийпалаб тарбия қилиндик” деган эди. Шогирдларидан бир қисмига “Эллик билан олтмиш ёш орасида бошимга дардлар, балолар ёғилади” деганди. Айтганидек бўлди. Бу мақомларга ҳам юксалиш насиб қилди.

Мусуслмонлар заиф қолиб, куфр, бузуқлик, зулмат, фалсафачию бузуқ эътиқодли кимсалар ҳар тарафни қоплаган замонларда минглаб кофир, фосиқ ва фожирлар унинг гўзал ҳолларини кўриб, суҳбатини эшитиб, тавба қилиб, солиҳ мусулмон бўлишди. Узоқ-яқиндан кўплаб кишилар у зотни тушида ва ўнгида кўриб, ҳузурига шошилдилар. Ҳузурига келиб, ҳаёл оинасида кўрганларидек топдилар. Олим, солиҳ, ёш-қари минглаб киши уни кўриб, суҳбатларида бўлиб, файз олиб, қалблари зикр қиладиган ҳолатга келди. Ҳузуридаги ўн минглаб шогирдлар ва толибларни ҳолларга, юксак даражаларга эриштирдилар. Ҳар он кароматлари кўринар, атрофига файзу барокат тарқатарди. Кароматларининг олти мингдан ортиқ эканлиги китобларда қайд қилинган.

Даврининг олимлари имом Раббоний ҳазратларига “Сила” исми билан хитоб қилдилар. Сила - бирлаштирувчи деганидир. Чунки у тасаввуфнинг исломиятдан бўлак нарса эмаслигини, исломиятга мос эканлигини исботлаб, аҳкоми исломия билан тасаввуфни деган икки дарёни бирлаштирди. Бир ҳадиси шарифда **“Умматим-**

дан Сила исмли бири дунёга келади. Унинг шафоати билан кўп мусулмонлар жаннатга киради” дея марҳамат қилиниб, у зотнинг келишига ишорат қилинганди. Бу ҳадиси шариф имоми Суютийнинг **“Жамъул-Жавомий”** китобида ёзилган. Имом Раббоний ҳазратлари бир мактубида “*Мени икки дарё орасида “Сила” қилган Аллоҳу таолога хамд бўлсин”* деб дуо қилган. Асҳоби, шогирдлари ва муҳиблари (севганлари) орасида “Сила” исми билан машҳур бўлганди. Ҳадиси шарифда муждаланган “Сила” исмини ундан аввал ҳеч ким олмаган.

Имом Раббоний ҳазратлари Мужаддиди алфи сонийдир. Яъни ҳижрий иккинчи минг йилликнинг мужаддидидир. Эски умматлар даврида ҳар минг йилликда янги дин олиб келувчи бир расул юборишарди. Янги дин аввалгисини алмаштириб, баъзи ҳукмларни бекор қиларди. Ҳар юз йилда бир Набий келиб, дин соҳиби Пайғамбарнинг динини ўзгартирмас, балки қувватлантирарди. Ҳадиси шарифда бу умматга ҳар юз йилда ислом динини қувватлантирадиган бир олим келиши хабар берилган. Расули акрам сарваримиздан кейин пайғамбар келмаслиги назарда тутиладиган бўлса, ундан минг йил ўтиб ислом динини ҳар жиҳатдан иҳё қиладиган, пайдо қилинган бидъатларни тозалаб, асри саодатдаги тоза ҳолига келтирадиган, зоҳирий ва ботиний илмларда комилан ворис, олим ва ориф зотнинг келиши керак эди. Ҳадиси шарифлар буни билдирмоқда. Бу муҳим хизматни имом Раббоний ҳазратлари бажарди.

Бутун ислом олимлари бу зотнинг имоми Раббоний ҳазратлари эканлигида иттифоқ қилдилар.

Пайғамбаримиздан роса минг йил ўтиб, илм ва иршод курсисига мутлоқ ўтириб, жаҳонни Расулуллоҳнинг нурлари билан ойдинлатдилар. Бидъатлардан тозалаб, ислом динини иҳё қилдлилар. У даврларда Ҳиндистонда, ҳатто бутун ислом оламида бузуқ фикрлар, ақидалар ривож топиб, катта фитналар кўпайган эди. Бундан ташқари тасаввуфда вахдати вужуд масаласига доир айтилган сўзлар мусулмонлар орасида турли-турли томонларга буриб кетилиб, бу юксак ва қийматли илм тушунарсиз ва ғалати ҳолатга туширилган эди. Кўпгина жоҳиллар машойихларнинг сўзларининг маъносини англай олмай, вақт ўтиши билан диндан чиқаётган эди. Исломиятга қарши бўлган кимсалар ҳам, фурсатни қўлдан бермай

мусулмонларни ҳақ йўлдан чиқариш учун тинмай уринишарди. Мана шу тариқа тасаввуф илмлари ва фиқҳий ҳукмлар орасида катта жар пайдо бўлган, душманлар бу иккаласини худди алоҳида нарсалардек кўрсатиб, мусулмонларни турли номлар тагида бир-бирларидан ажратишга ва бир-бирларига душман қилишга уринишарди.

Имом Раббоний ҳазратлари бошида ваҳдати вужуд илмларини ўргатиш билан бир қаторда хато тушунилган кўп масалаларни ғоят очиқ бир тарзда изоҳлаб, инсонларнинг фикрларини ва қалбларини хато ва бузуқ ақидалардан, бидъатлардан тозаладилар. Ҳақни ботилдан айириб, ҳақ ва тўғри йўл эканлигини Расулуллоҳ хабар берган аҳли суннат эътиқодини ҳамма жойга ёйдилар. Ёш-қари жуда кўп халқ ва анча олимлар у зотнинг атрофида тўпландилар. Унга илк марта "Мужаддиди алфи соний" исмини берган зот даврнинг энг буюк олимларидан Абдулҳаким Сиялқутийдир. Замонининг бошқа улуғ олимлари ҳам уни мадҳ этиб, мақтардилар.

Хожа Муҳаммад Боқий-биллоҳнинг йирик шогирдларидан ва энг юксак олимларидан бўлган Саййид Мир Муҳаммад Нуъмон айтадики: "Устозим менга имом Раббонийга тобе бўлишимни айтганларида бунга ҳожат йўқлигини изҳор қилиш мақсадида "Қалбим ойнаси фақат сизнинг порлоқ қалбингизнинг нурига тобедир" дедим. Устозим менга қаттиқ оҳангда "Сен Аҳмадни ким деб ўйлаяпсан? Унинг қуёшдек нури биз каби минглаб юлдузни хира торттирмоқда" дедилар."

Имом Раббоний ҳазратларининг шогирдларидан машҳури Муҳаммад Ҳошим Кашмий шундай деган: "Бир куни ҳазрати имомнинг ҳузурида ўтиргандим. Улар маърифатларни ёзарди. Шу вақт бавл қисташи сабабли ўрнидан туриб, ҳожатхона томонга кетдилар. Лекин тезда қайтиб чиқдилар. Бундай тезлик билан ҳожатхонага кириб-чиққанига ҳайратландим. "Бунинг сабаби нима?" деб сўрадим. У зот ҳожатхонадан чиқар-чиқмас қумғонни олиб, чап қўл бош бармоғининг тирноғини ювди ва артдилар. Сўнгра қайтадан ҳожатхонага кирдилар. Бироздан кейин чиқиб "Бавл қистаб қолди. Шошилиб ҳожатхонага кирдим ва ўтирдим. Кўзим тирноғимнинг учига тушди. Устида қора бир нуқта бор эди. Қаламнинг сиёсини текшириш учун тирноғимга текказиб

кўргандим. Ваҳоланки бу нуқта Қуръони каримнинг ҳарфларини ёзишда қўлланиларди. Тирноғим устидаги бу нуқта билан у ерда ўтиришни одобдан эмас деб билдим. Бавл қистаганидан қийналсам ҳам, бу қийинчилик бир адабни тарк этишдан келадиган қийинчилик ёнида жуда оз кўринди. Ташқарига чиқиб, бу нуқтани ювиб ташлаб, кейин қайтиб кирдим" дедилар."

Бир куни ҳофизлардан бири одатда ўтирадиган курсидан пастроқ курсига ўтириб Қуръони карим ўқишни бошлади. Имом Раббоний ҳазратлари бу ҳолатни сезиб, дарров ўзи ўтирган баланд курсини бир четга қўйиб, ўзи ерга ўтирдилар. У ҳеч бир вақт Қуръони карим ўқиётган қоридан баланд жойда ўтирмасдилар.

Имом Раббоний ҳазратларининг фиқҳ масалаларида илми беқиёс эди. Ҳар бир масалага дарров жавоб бера оладиган даражада эди. Усули фиқҳда ҳам маҳорат соҳиби эдилар. Лекин эҳтиёткор бўлганидан кўпинча фиқҳ китобларига мурожаат қилардилар. Сафарда ва муқим бўлган пайтларида баъзи қийматли фиқҳ китобларини доим ёнида олиб юрардилар. Унинг бутун ғайрати муфтобиҳ, яъни фиқҳ олимларининг иттифоқ қилган масалаларига ҳар доим мос келиш эди. Баъзи фиқҳ олимлари жоиз деган, баъзилари макруҳ деган бир ишда у ҳамиша макруҳ тарафига ён босиб, бу ишни қилмасдилар. "Бир масаланинг бажарилишида ва бажарилмаслигида, ҳалол ва ҳаром бўлишида ихтилоф бўлса, бажарилмаслигини ва ҳаром дейилган тарафга ён босишга мумкин қадар ҳаракат қилиш керак" деб айтардилар.

Муҳаммад Ҳошим Кашмий баён қилади:

"Саййидлардан бир ёш йигит, мадрасада талаба эди. У билан дўст эдик. Бир куни йиғлаб ёнимга келди ва бошидан ўтган ҳодисани айтиб берди. Имом Раббоний ҳазратларининг бир кароматини кўрганди. Ёш талаба: "Ҳазрати Алига қарши жанг қилганларни, айниқса, ҳазрати Муовияни севмасдим. Бир кеча сенинг устозинг имом Раббонийнинг "Мактубот" китобини ўқиб ўтириб: "Имом Анас бин Молик айтдики: Ҳазрати Муовияни севмаслик, уни ҳақоратлаш, худди ҳазрати Абу Бакр билан ҳазрати Умарни севмаслик ва уларни ёмонлаш билан бирдир. Кимки Муовияни сўкса, буларни сўкканга бериладиган жазони бериш лозим" деб ёзилган эди. Буни ўқиб юзимни буриштирдим. Шундай

бемани нарсаларни ҳам ёзадими одам, деб ўйладим. Китобни ерга ирғитдиму ётоғимга чўзилиб, ухладим.

Тушимда сенинг бу буюк устозинг аччиқланган ва ғазабнок ҳолда ёнимга келди. Икки муборак қўли билан қулоқларимни буради ва: "Эй жоҳил бола! Сен бизнинг ишимизни ёқтирмайсан, китобимизни ерга ташлайсан. Ёзганимизни ўқиб афтингни буриштириб, ишонмадинг. Майли, юр сени бир зотга олиб борайин, ўз кўзинг билан кўр. Расулуллоҳнинг саҳобаларига кек сақлаб алданганингни у зотнинг ўзидан эшитгин" дедилар. Мени тортиб, бир боғчага олиб бордилар ва эшик олдида қолдириб, ўзлари ёлғиз олдинга юрдилар. Узоқда кўринган катта бир уйга тўғри бордилар. У ерда нур юзли, буюк бир зот бор эди. Чекиниб, ҳурмат билан бу зотга салом бердилар. Олдларида тиз чўкиб ўтирдилар. Унга бир нарсаларни гапириб, мени кўрсатарди. Узоқдан менга қарашларидан мен ҳақимда гапираётганлиги маълум эди.

Бироздан кейин сенинг устозинг имом Раббоний ўрнидан туриб, мени чақирдилар. "Бу ўтирган зот ҳазрати Алидир. Яхшилаб эшит, нима деркан" дедилар. Ёнларига бориб, салом бердим. "Асло, асло қалбингда Расулуллоҳнинг Асҳобига нисбатан кек сақламагин! Бу буюклардан ҳеч бирини асло ёмонлама! Орамизда муҳораба шаклида кўринган бу ишларимиз қандай яхши ниятлар билан қилинганини фақат биз ва ўша биродарларимиз билади!" дедилар. Сенинг буюк устозингнинг исмини айтиб "Бу зотнинг ёзувларига ҳам зинҳор қарши чиқмагин!" деб буюрдилар. Бу насиҳатни тинглагандан кейин қалбимга боқдим. Бу хусусдаги тараддуд ва кекнинг қалбимдан чиқмаганини сездим. Бу ҳолим ҳазрати Алига дарров аён бўлди шекилли, ғазабландилар. Сенинг буюк устозингга қараб "Бунинг кўнгли ҳалиям тозаланмади. Яхшилаб шапалоқ ур!" дедилар. Шайх ҳазратлари юзимга кучли бир шапалоқ урди. Шапалоқ егач, ўз-ўзимга: Аслида мен шу ҳазрати Алига бўлган муҳаббатим туфайли уларга душманлик қилгандим. Ҳолбуки у зотнинг ўзи уларга душманлигимдан қаттиқ ранжимоқда. Бу ҳолдан воз кечишим керак. Қалбимга боқдим. Душманлик ва адоватдан асар ҳам қолмаганини кўрдим. Шу пайтда уйғониб кетдим. Ҳозир ҳам қалбим бу адоватлардан пок. Бу тушнинг, сўзларнинг лаззати мени бошқа бир ҳолатга туширди. Қалбимда Аллоҳдан бошқа ҳеч

бир нарсанинг муҳаббати қолмади. Сенинг юксак устозинг имом Раббонийга ва унинг ёзувларидаги маърифатга ишончим қат-бақат ортди" деди."

1623 йили Ажмирдалигида "Вафотим яқинлигига доир ишоралар, аломатлар кўринишни бошлади" дедилар. Сарҳанддаги қийматли ўғилларига мактуб ёзиб "Умрим сўнггига етиб қолди" дедилар. Оталарининг ҳасрати ва айрилиғи билан ёнган, авлиёнинг кўзларининг нури қийматли ўғиллари бу мактубни олишлари билан отаси томон йўлга чиқдилар. Ҳузурига боришгандан кейин отаси уларни ўз хонасига чақириб "Қийматли ўғилларим, бу дунёга ҳеч бир шаклда назарим ва боғлиқлигим қолмади. Нариги дунёга кетишим лозим, кетиш ва сафар аломатлари кўринмоқда" дедилар.

Имом Раббоний ҳазратлари Ажмир сафаридан Сарҳандга қайтгач, уйида узлатга чекилдилар. Бир муддат беш вақт ва жума намозидан бошқа пайтларда уйдан чиқмадилар. Нур ва асрор манбаси бўлган хос хонасига Муҳамад Ҳошим Кашмий, ўғиллари, шогирдлари ва 2-3 нафар хизматчилардан бўлак кишилар камдан-кам киритиларди. Узлатга чекилган кунлардан бирида совуқ нафас чиқариб "Шайх-ул исломнинг (Абу Али Даққоқнинг) машраби (ахлоқ, яратилиши) жуда юксалганидан мажлисида инсон қолмади" дедилар. Бу ердагидек умрининг охирида имом Раббоний ҳазратларининг машраби шу қадар юксалдики, ҳатто шогирдларининг энг юксаклари ҳам у зотнинг ёнида мактабга энди борган ёш бола сингари эди.

Имом Раббоний ҳазратларининг шогирдларидан бири шундай ҳикоя қилган:

"Имом Раббоний ҳазратлари умрининг сўнгги кунларида, хасталигида олдига кириб, юртимга бир неча кунга бориб-келишга рухсат сўрадим. "Бир неча кун кутгин!" дедилар. Сўнгра яна "Дарров бориб-келаман" дедим. "Бир неча кун сабр қилгин!" дедилар. Лекин "Бораман-у, энг қисқа вақтда ортга қайтаман" деганимдан кейин изн бердилар ва "Сен қаердасан, мен қаердаман, баҳор қаерда?" мисрасини ўқидилар. Шу воқеадан бир неча кун ўтиб, вафот этдилар."

Бу орада жуда кўп садақалар бердилар ва катта хайрли ишлар қилдилар. Яқинларидан бири бу садақа ва ҳайротнинг кўплигини

кўриб “Бу садақалар балоларнинг кетиши учунми?” деб сўради. Айтдики: “Йўқ, балки қовушиш шавқи билан буларни қиляпман.” Кейин қуйидаги байтни ўқиб, кўзларидан севинч ёшлари тўкдилар:

Вуслат кунидир, сирдошим оламга қучоқ очаман,
Бу давлат ва неъматнинг севинчларин сочаман.

Муҳаррам ойининг ўн иккинчи куни эди. Айтдиларки: “Менинг нариги дунёга кетишимга қирқ ёки эллик кун қолганини маълум қилдилар. Қабримни ҳам кўрсатдилар.” Бу сўзларни эшитганлар қаттиқ қайғуга тушишди. Яралари янгиланди. Шу кунларда ўғли Муҳаммад Саид имом Раббоний ҳазратларининг йиғлаётганини кўрди. Сабабини сўраганида “Аллоҳу таолога қовушиш севинчидан йиғлаяпман” деб жавоб бердилар. Ўғли “Аллоҳу таоло бу ишни бу дунёда жуда севганларига қолдиради. Модомики, сиз шун-чалик кўп истар экансиз, албатта кетасиз” деди. Имом Раббоний ҳазратлари бу сўзни гапирган ўғлида бир ўзгариш сездилар ва “Муҳаммад Саид! Аллоҳу таолонинг ғайратига тегяпсан” дедилар. Ўғли “Ўз ҳолимга ўзим ранжияпман” деди ва ғоят самимий тарзда дард ва алам тўла овозда “Эй кўнглимнинг сурури отажоним! Бизга қилаётган бу шафқатсизлик ва ачинмаслигингизнинг сабаби нима?” деди. Унга жавобан “Аллоҳу таоло сизлардан кўра севимлидир. Бундан ташқари, бизнинг шафқат ва ёрдамимиз вафот этганимиздан кейин ҳаёт пайтларимиздан ҳам кўпроқ бўлади. Чунки бу дунёда инсон бўлганимиз учун баъзан истар-истамас таважжуҳ ва ёрдамимиз тўлақонли бўлмайди. Ҳолбуки вафот этгандан кейин башарий сифатлардан тамоман покланиш бор” дедилар. Буни айтган кунидан бошлаб, кун санашни бошладилар. Сафар ойининг йигирма иккинчи кечаси қалблари хаста асҳобига “Мана бугун ўша гапни айтганимдан қирқ кун ўтди. Кўрамиз қолган еттисаккиз кун ичида нима бўларкан. Шу орада ҳосил бўлган бир неча кунлик сиҳҳатда Аллоҳу таоло Ҳабибига тобе бўлган бир инсонда бўлиши мумкин бўлган бутун камолотни менга эҳсон қилди” дедилар. Ўғилларининг бу сўзлардан қалблари пора-пора бўлди. Чунки бу сўзларда ҳазрати Абу Бакр Сиддиқнинг “Бугун динингизни ниҳоясига етказдим” ояти каримаси келганда қалбларига келган, яъни Жаноби Пайғамбаримиз вафот этади, илҳомидан бир аломат борлигини англадилар.

Сафар ойининг йигирма учинчи куни дарвешларга либосларини ўз муборак қўллари билан тарқатдилар. Ўзининг устида ҳам иссиқ кийим қолмагани учун ҳавонинг совуқлиги таъсир қилиб, такрор безгак тутиб, ётиб қолдилар. Жаноби Пайғамбаримиз ҳам охирги кунларида хасталикдан қутулиб, бироз вақтдан кейин яна касал бўлгандилар ва вафот этгандилар. Имом Раббоний ҳазратлари бу хусусда ҳам Расулуллоҳга иттибо (эргашиш) неъматини қўлдан чиқармадилар. Бу хасталикдан аввал хизматчиларидан бирига “Сандалга фалон чақалик кўмир олгин” деганди. Бироздан кейин яна ёнига чақириб “Айтганимнинг ярмини олинг, чунки ичимда бир овоз бу кўмирларни ёқадиган вақт қолмади демоқда” дедилар. Кўмирнинг бир қисмини ўзига ажратиб, қолганини фарзандларига юбордилар. Ўзига ажратган кўмири вафот этган куни бутунлай тугаганди. Бу хасталиги вақтида юксак илмларни ўғилларига пухталаб тушунтирдилар. Бир куни нозик ҳақиқатларни баён қилишга ҳаракат қилиб, шунчалик гапирдиларки, муҳтарам ўғиллари Муҳаммад Саид “Сизнинг хасталигингиз бунчалик гапиришингизга ярамайди, бу маърифатларнинг баёнини бошқа бир вақтга қолдирсангиз бўлмайдими, ота?” деди. Шунда имом Раббоний ҳазрат: “Эй ўғлим! Вақт қолдимикан? Биламанки, бошқа вақт буларни гапиришга қувват ва қудрат тополмайман” дедилар.

Бу кунларда хасталиги шиддатли бўлишига қарамай жамоат билан намоз ўқишни канда қилмадилар. Фақат сўнгги тўрт-беш кун ёлғиз ўзи намоз ўқидилар. Энг заиф кунларида ҳам дуоларни, тасбиҳларни, солавотларни, зикрни ва муроқабани ҳеч бир нуқсонсиз тўкис адо этардилар. Динимизнинг ва устозларининг йўлларидаги зариф одатлардан ҳеч бирини тарк этмасдилар. Бир кечаси кечанинг учинчи ярмида туриб, таҳорат олдилар. Таҳажжуд намозини оёқда туриб ўқидилар ва “Бу бизнинг сўнгги таҳажжудимиздир” дедилар.

Вафотидан бироз олдин ҳушидан кетиб қолдилар. Катта ўғли бу ҳушдан кетиши касаллигиданми ёки истиғроқ (нурларга чўмиш) сабаби биланми деб сўради. Унга жавобан: “Истиғроқ сабаби билан. Чунки баъзи жуда юксак ҳоллар кўринмоқда. Бунинг учун уларга таважжуҳ этмоқдаман, токи барчасини ўз ҳолича кўра олай ва булар билан ҳамма нарсам комил бўлсин” дедилар. Бу теран сирлар ҳақида ўғилларининг қулоқларига шивирлаб айтдилар.

Бу ҳушидан кетиш ҳолидан фориғ бўлгач, жигарлари пораланган, қалблари ёнган шогирдларига видолашишни хотирлатадиган васиятларини айтишни бошладилар. Бу васиятларининг кўпи мутабаотга, яъни Пайғамбаримизга тобе бўлишга ташвиқ, суннатга чамбарчас ёпишиш, бидъатдан қочиш, зикр ва муроқабада давом этиш ҳақида эди.

Айтдиларки: “Суннатга жуда маҳкам ёпишиш керак.” Бу сўзлари билан ҳам Жаноби Пайғамбаримизга эргашишни кўзлаган эдилар. Чунки Расулуллоҳ ҳам вафотлари олдидан шундай насиҳат қилгандилар. Термизий ва Абу Довуд шундай ривоят қилади: Жаноби Расулуллоҳ бизга ваъз қиларди. Бу ваъздан қалблар титраб, кўзлар намланарди. “Ё Расулаллоҳ! Бу сўзларингиз видолашув хутбасига ўхшайди, бизга васият қилинг” дедик. Расулуллоҳ алайҳиссалом буюрдиларки: “Сизларга васиятим шу: Аллоҳдан қўрқинг, ҳатто бир паст қул амри илоҳийни билдирса, унга қулоқ солинг ва амрни бажаринг. Узоқроқ яшаганларингиз ҳали кўп нарсаларга гувоҳ бўлади. Шу замонларга етганда менинг ва хулофаи рошидиннинг (4 халифа) суннатларини ғоят маҳкам тутинг, уни қўлдан чиқарманглар. Динда бидъатдан қаттиқ сақланинг. Чунки бутун бидъатлар залолатдир, бузуқликдир.”

Имом Раббоний ҳазратлари васиятининг давомида шундай дедилар: “Динимизнинг соҳиби Жаноби Расулуллоҳ насиҳатларнинг энг нозикларини ҳам **«Дин насиҳатдир»** ҳадиси шарифига биноан канда қилмадилар. Динимизнинг мўтабар китобларидан Расулуллоҳга том тобе бўлиш йўлини ўрганинг ва бу билан амал қилинг.”

Вафот этган сафар ойининг йигирма тўққизинчи сешанба куни кечаси хизматчиларига “Кўп заҳмат чекдингиз, бу сизларнинг сўнгги заҳматларингиз” дедилар.

Ётоғига ётиб, суннатга мос ҳолда ўнг қўлини ўнг ёноғи тагига қўйиб, зикр билан машғул бўлдилар. Катта ўғли Муҳаммад Саид отасининг тез-тез нафас олаётганини кўриб “Ҳолингиз қандай, ота” деб сўради. Имом Раббоний ҳазратлари “Яхшиман ва ўқиган бу икки ракат намозим кифоядир” дедилар. Бундан кейин бошқа гапирмадилар. Фақат Аллоҳу таолонинг исмини айтдилар ва бироздан кейин вафот этдилар. Улуғ пайғамбарлардан аксарининг охирги сўзи «намоз» бўлганди. марҳум Имом бу хусусда ҳам

пайғамбарларнинг Сарварига тобе бўлдилар. Вафоти 1624 йил сафар ойининг йигирма саккизи, қуёш ҳисоби бўйича йигирма тўққизи сешанба куни чошгоҳ вақтида рўй берди.

Шу ой йигирма тўққиз кунлик эди. Расуллоҳ вафот этган ой - Рабиул аввал ойининг илк кечаси Жаноби Расулуллоҳнинг ҳузурига қовушдилар. Хасталик ва безгак тутган кунлари ёшига тенг бўлиб, олтмиш уч кун эди. Ҳадиси шарифда: **“Бир кунлик безгак бир йилнинг каффоратидир”** деб марҳамат қилинганди. Ўтказган хасталиги бу ҳадиси шарифнинг маъносига уйғун бўлди.

Имом Раббоний ҳазратларининг нурли бадани ювиш тахтасига қўйилиб, либослари ечилгандан кейин у ердагилар ҳазратнинг худди намоздагидек қўлларини боғлаганига гувоҳ бўлдилар. Ўнг қўлининг бош ва кичик бармоғини чап қўл билагига ҳалқа қилдилар. Ҳолбуки ўғиллари вафотидан кейин қўлларини тўғрилаб, узатиб қўйгандилар. Ювиш тахтасида ётиб табассум қилдилар ва бир муддат шу ҳолатда қолдилар.

Ғассол муборак қўлларини очиб, тўғрилади. Чап тарафига ётқизиб, ўнг томонини ювди. Ўнг тарафига ётқизиб, чап тарафини ювмоқчи бўлганида шу ердагилар авлиёлик қувватининг бир аломати сифатида заиф бир ҳаракат билан қўлларини эски ҳолатдагидек қилиб боғлаб олганини кўрдилар. Ҳолбуки ўнг тарафга ётқизилганидан кейин ўнг қўлнинг чап қўл устига келиши қийин эди. Бу билан бирга чап қўлини шундай маҳкам тутгандики, ажратиб олиш мумкин бўлмади. Кафанга ўраган вақтда яна қўлларини боғлаб олганини кўрдилар. Бу ҳол икки-уч марта қайталанди. Ниҳоят у ердагилар бунда теран маъно ва яширин сир борлигини англаб, қўлларини очишга бошқа уринмадилар. Ўғли Муҳаммад Саид “Модомики, муҳтарам отам шуни истаётган экан, шундай қолдирамиз” деди. Жаноби Пайғамбаримиз ҳадиси шарифда: **“Қандай яшасангиз шундай вафот этасиз”** деб марҳамат қилгандилар. Бу Аллоҳу таолонинг улуғ эҳсонидир. Хоҳлаганига эҳсон қилади, Унинг эҳсони мўлдир.

Имом Раббоний ҳазратларининг жаноза намозини ўғли Муҳаммад Саид ўқитди. Вафот этганида 63 ёшда эдилар. Сарҳанддаги уйининг ёнига дафн қилинди. Анчадан кейин Афғонистон подшоси Шоҳи Замон қабри устига катта ва ҳашамкор мақбара қурдирди.

Катта ўғли Муҳаммад Саид айтадики:

“Отамни вафотидан кейин тушимда кўрдим. Аллоҳу таолонинг унга берган буюк неъматларини қувонч билан гапирарди ва булар билан фахрланарди. Ундан “Отажон, ҳузур мақомидан бировга насиб бердими?” деб сўрадим. “Ҳа, мени ҳам шукр этганлардан қилди” деб жавоб бердилар. Қуръони каримда маолан **“Шукр қилувчи қуллар оздир”** деб марҳамат қилинган. (Саба, 13) Бу оятда назарда тутилган инсонлар пайғамбарлар ёки Ҳазрати Абу Бакр Сиддиқ каби уларнинг энг улуғ Асҳобларидир.- деганимда “Ҳа, шундай. Лекин мени хусусий бир иноят ва эҳсон билан шу жамоатга дахлдор қилишди” дедилар.”

Асарлари:

1) “Мактубот”. Ислом оламида имом Раббонийнинг бу китобидек қийматли китоб ёзилмаган. “Мактубот” уч жилд бўлиб, беш юз йигирма олти мактубдан иборат. Калом ва фиқҳ масалалари, тасаввуфнинг маърифатлари изоҳланган чексиз дарёдек тенги йўқ асардир.

“Мактубот”нинг биринчи жилди 1616 йили шогирдларининг машҳурларидан Ёр Муҳаммад Жадиди Бадахши Талқоний тарафидан тўпланган. Биринчи жилдда 313 мактуб бор. Бу жилднинг сўнгги мактуби Муҳаммад Ҳошим Кашмийга ёзилган. Имом Раббоний бу мактубни ёзгач “Муҳаммад Ҳошимга юборилган бу мактуб билан, расулларнинг, дин соҳиби пайғамбарларнинг ва Асҳоби Бадрнинг сонига мос бўлгани учун уч юз ўн уч мактуб билан, биринчи жилдни шу ерда тугатамиз” деганди.

Иккинчи жилд эса, 1619 йили яна шогирдларидан Абдулҳай Путний томонидан тўпланган. Бу жилдда Асмои ҳусно, яъни Аллоҳу таолонинг ҳадиси шарифларда ўтган тўқсон тўққиз исми сонига тенг миқдорда мактуб бор.

Учинчи жилд бўлса, имом Раббоний ҳазратларининг вафотидан кейин 1630 йилда шогирди Муҳамад Ҳошим Кашмий томонидан тўпланган бўлиб, бу жилдда Қуръони каримдаги суралар сонига тенг миқдорда, яъни 114 мактуб мавжуд. Учта жилдда жами 526 мактуб бор. Имом Раббоний ҳазратларининг вафотидан кейин учинчи жилдга яна ўн мактуб қўшилган, шу билан жами 536 мактуб бўлди.

“Мактубот”даги мактубларнинг бир нечаси арабча, қолганларининг ҳаммаси форсчадир. Китоб турли вақтларда бир неча марта чоп қилинган. (“Мактубот”нинг биринчи жилди “Муждачи мактублар” номи билан “Ҳақиқат китоб уйи” тарафидан чоп қилинган. Иккинчи ва учинчи жилддаги мактублардан бир қисми “Ҳақиқат китоб уйи” нашрларидан бўлган “Том Илмиҳол Саодати абадия” китоби ичида чоп қилинган.)

2) “Радди равофиз”. Форсча ёзилган бўлиб, бу китобнинг туркчаси “Ҳақ сўзнинг васиқалари” китобида бир бўлим сифатида “Ҳақиқат китоб уйи” тарафидан нашр қилинган. Арабчага ҳам таржима қилинган.

3) “Исбот-ун-нубувва”. “Пайғамбарлик нима?” номи билан туркчага таржима қилинган. “Ҳақ сўзнинг васиқалари” китобида бир бўлим сифатида чоп этилган. Бундан ташқари, ушбу асар арабчага, инглизчага ва французчага ҳам таржима этилган.

4) “Мабда ва маод”.

5) “Адаб-ул-муридин”.

6) “Талиқот-ул-авориф”.

7) “Рисола-и таҳлилия”.

8) “Шарҳ-и Рубоият-и Абд-ил-Боқий”.

9) “Маориф-и Ладунния”.

10) “Мукашофот-и ғайбия”.

11) “Жазба ва сулук рисоласи”.

Муҳаммад Маъсум Форуқий ҳазратлари

Муҳаммад Маъсум Форуқий ҳазратлари авлиёларнинг машҳурларидан эди. Имоми Раббоний ҳазратларининг учинчи ўғлидир. Силсилаи олиянинг йигирма тўртинчисидир. Ҳиндистоннинг Сарҳанд шаҳрида туғилди.

Уч ёшлигидаёқ калимаи тавҳидни равон айтарди. Қуръони каримни қисқа вақт ичида ёд олди. 11 ёшлигида зикр ва муроқаба йўлини отаси имоми Раббоний ҳазратларидан олди. Отаси унинг истеъдоди юксаклигини тушуниб “Ҳол илмдан кейин тургани учун аввал илм ўрганиш керак” деб ўғлига ақлий ва нақлий илм-

ларни ўқитишни бошлади. Унга “Илм таҳсилини тезроқ тугатгин, сен билан қиладиган улуғ ишларимиз бор” дедилар. 14 ёшлигида отасига “Ўзимда бир нур кўряпман, бутун олам қуёш каби бу нурдан чароғон бўлмоқда” деб айтганида отаси “Сен замоннинг қутби бўласан” муждасини берди. Кейинчалик ўзи “Аллоҳу таолога ҳамд бўлсин! Отам айтган муждаларига эришдим” деганди.

16 ёшлигида бутун илмларнинг таҳсилини тугатиб, тасаввуфга йўл олди. Отасининг файзларига қовушди. Ўзи бу ҳақда “Бу асрор денгизларининг ғаввоси бўлдим” деганди. Шундай камолга етдики, унинг баракоти ва файзлари бутун оламга ёйилди. Ислом тарихида ҳидояти уникидек бўлган бир олим ва муршид кўрилмаган эди. 900 минг киши у зотга шогирд бўлиб, улардан 140 минг нафари авлиёлик мартабасига эришган, 7 минг нафари муршиди комил бўлганди. Шогирдлари унинг ҳузурида баъзан бир ойда, баъзан бир ҳафтада авлиёлик даражасига чиқар эди. Баъзиларини бир таважжуҳ билан юксак мақомларга кўтарарди.

Отаси умрининг сўнгги кунларида унга “Менинг бу дунёда қолишимнинг сабаби фақат қаййумлик вазифаси эди. Энди бу вазифа сенга берилди. Бу дунёдан кетишим яқинлашди” деган эди.

Шогирдларидан бўлган Муҳаммад Ханиф Қобилий устозининг ҳиммати билан кўп маърифатларга қовушди. Устозидан ижозат олиб, ўз ватани Кобилга кетди. Халқни иршодга, тўғри йўлга бошлади. Унга ҳам ҳасад қиладиганлар чиқди. Бир гуруҳ инсон унга келиб “Бир каромат кўрмагунимизча сизнинг буюклигингизга ишонмаймиз. Биз бир зиёфат тайёрлаймиз. Устозингизни чақирамиз. Зиёфат вақтида Сарҳанддан Кобилга бир зумда келишини кутамиз. Агар кела олса, барчамиз сизга шогирд бўламиз” дедилар. У вақтларда Сарҳанддан Кобилга бир ойда етиб келиш ҳам қийин эди. Хожа Муҳаммад Ханиф устозига бўлган интисоби ва муҳаббатининг қувватидан бунга рози бўлиб “Устозим овқатни хуфтон намозидан кейин ейдилар. Сизлар тайёргарлик кўраверинглар, келишларига умид қиламан” деди. У ердагилар бу гапга кулиб, мазах қилганча зиёфатга тайёрлана бошладилар. Вақт бўлганда “Мана хуфтон вақти ҳам кирди. Энди овқатланайлик” дедилар. Хожа “Устозим шу вақтда овқатланарди. Таомни олиб келинглар” деди. У ердагилар таомларни келтираётганида Муҳаммад

Маъсум ҳазратлари олти ўғли билан эшикдан кириб келдилар. Ўзи учун тайёрланган жойга келиб ўтирдилар. У ердаги кишилар буни кўргач, ҳайратга тушиб, узр сўрашни бошладилар. Муҳаммад Маъсум ҳазратлари "Сизларни ишонтириш учун эмас, ёлғиз Муҳаммад Ханифнинг ҳурмати учун келдим. Авлиёдан каромат талаб қилинмайди" дедилар. Барчаси бирга овқатланишни бошладилар. У ердагилар суҳбатнинг баракоти билан қалбларидаги зулматдан қутулдилар. У зотнинг мухлис ва муҳиблари қаторига қўшилиб, саодатга эришдилар.

Сайфиддин Форуқий ҳазратлари

Сайфиддин Форуқий ҳазратлари силсилаи олиянинг йигирма бешинчисидир. Имоми Раббоний ҳазратларининг невараси ва Урватул-Вусқо Муҳаммад Маъсум Форуқий ҳазратларининг бешинчи ўғлидир. Туғиладиган вақтида бир фаришта "Туғилган кун, вафот этадиган кун ва тириладиган кунда унга салом бўлсин" маолидаги Марям сурасининг 15-ояти каримасини ўқиб, мужда берганди. Кичик ёшлигидан бошлаб илм ўрганди. Амакиси Муҳаммад Саиддан ақлий ва нақлий илмларни ўрганиб, қисқа вақт ичида олим бўлди. Замонининг ягонаси ҳамда маърифат дарёси бўлган отаси Муҳаммад Маъсум Форуқийнинг таважжуҳ ва суҳбатлари билан илгарилаб, қисқа вақтда кароматларга қовушиб, олимларнинг бош тожи бўлди.

Камолга етканидан кейин отасининг амри билан Оламгир хон билан кўришиш учун Деҳлига бордилар. Деҳлига борганида шаҳарнинг дарвозаларида икки қутурган фил ва буларни забт этишга уринаётган икки ҳайбатли паҳлавоннинг сурати илинганини кўрдилар. Султонга бу суратларни олдириб, йўқотмагунча шаҳарга кирмаслигини айтдилар. Султон расмларни олиб ташлатгандан кейин шаҳарга кирдилар. Султон Оламгир хон ўз истаги билан келиб, у зотга шогирд тушди. Суҳбатлари билан шарафланди. Ёши катта бўлишига қарамай Қуръони карим ўқишни ўрганиб, ёд олди. Суҳбатларининг баракоти билан Ҳиндистонда ғовлаб кетган қанчалаб бидъат ва бузуқликлар султон Оламгир хон тарафидан

фармон чиқарилиб, йўқ қилинди. Унутилган суннатларни қайтадан юзага чиқарди. Бошқа вазирлар, ҳокимлар ва давлат одамлари ҳам Сайфиддин Форуқий ҳазратларининг давра суҳбатлари билан шарафланиб, ҳидоятга эришдилар.

У зотнинг ҳиммат ва баракоти билан Ҳиндистоннинг ҳар тарафида исломият ёйилиб, мусулмонлар қувватланди. Бидъат соҳиблари ва кофирларнинг ҳоллари паришон бўлди.

Деҳлидаги суҳбат мажлислари жуда баракатли ўтар ва тумонот иштирокчилар билан тўлиб тошарди. Ён атроф вилоятлардан келган кофирлар ва фосиқлар ҳам ўша суҳбатларга келиб, ҳазратнинг юксак ҳузурлари билан шарафланиб, ҳидоятга қовушар, эски гуноҳларига тавба қилишиб, истиғфор айтишиб ортларига қайтишарди. Суҳбатининг баракати билан минглаб кишилар ҳидоятга эриб, баланд даражаларга етишганди. Даргоҳларига кунда бир неча минг одам келиб, файз оларди.

Саййид Нур Муҳаммад ҳазратлари

Саййид Нур Муҳаммад ҳазратлари авлиёнинг улуғларидан эди. Силсилаи олиянинг йигирма олтинчисидир. Саййидлардан бўлиб, насаби жанобi пайғамбаримизга боради. Қабри Ҳиндистоннинг Деҳли шаҳрида.

Саййид Нур Муҳаммад Бадавоний ҳазратлари илмини ва файзини имоми Раббоний ҳазратларининг невараси буюк олим ва муршиди комил Муҳаммад Сайфиддин Форуқий ҳазратларидан олди. Унинг дарс ва суҳбатларида етишиб, ижозат олди. Илмда шундай улуғ мартабаларга чиққан эдики, замонасининг ягона олими ва йўл кўрсатувчи раҳбари бўлдилар

Инсонлар ундан файз олиш учун суҳбатларига чопардилар. Бир таважжуҳи билан шогирдларининг қалблари зикр қилишни бошларди. “Кўчада гуноҳкор кимсага дуч келиб қолиш қалбда зулмат ҳосил қилади” деб тез-тез эслатар ва шогирдларига қараб кимнинг қайси гуноҳни қилган одам билан рўпара келганлигини хабар берардилар. Ўқитиб етиштирган шогирдларининг энг машҳури ва халифаси Мазҳари Жони Жонон ҳазратлари бўлиб, у ҳам улуғ авлиёдан эдилар.

Шубҳали нарсалардан ва ҳаромлардан сақланиш хусусида ғайратлари энг баланд чўққига етганди. Ейдиган нонининг унини ҳалолдан топиб, хамирини ўзи қориб, пиширарди ва қорни қаттиқ очганда озгина-озгинадан ерди. Тасаввуфда илоҳий муҳаббат сабабли ҳушидан кетиш ҳоллари у зотда кўп намоён бўларди. 15 йил шу ҳолда яшаб, тасаввуфий ҳолларга ғарқ бўлдилар. Умрининг сўнгги вақтларида бу ҳолдан ҳушёр ҳолга қайтгандилар.

Суннати санияга амал қилишда, адабларда Сарвари олам Пайғамбаримизга тобе бўлишга қаттиқ эътибор берардилар. Расулллоҳнинг ҳаёти ва юксак ахлоқини баён қилувчи китобларни доим ёнларида олиб юрарди. Буларни ўқиб, ҳар бир ишларида Расулуллоҳга эргашишга ҳаракат қиларди.

Бир куни ҳожатхонага кираётганда янглишиб, аввал ўнг оёғини ичкарига қўйганида тасаввуфда қозонган барча ҳоллари бирданига ғойиб бўлди. Уч кун Аллоҳу таологa ялиниб-ёлворганидан кейин ҳоллари такрор очилди.

Доимо муроқабада бўларди. Шу тариқа Аллоҳу таолодан бошқа ҳамма нарсани унутиб, Аллоҳу таологa кўп ибодат қилганидан беллари букилганди.

Бир куни бир киши егулик у-бу кўтариб келди. Бу ҳадя тақдим қилинганида “Бу таомда қандайдир зулмат кўринмоқда. Бир суриштириб кўринглар” дедилар. Бу таом ҳалол дейишди. Лекин сўраб-суриштиргандан кейин бу таомнинг кўз-кўз қилиб мақтаниш ниятида пиширилгани маълум бўлди.

Дунёга берилган бирон одам у зотдан омонатга китоб сўраса берардилар. Китобни қайтариб бергандан кейин уни бир жойга қўйиб, уч кун кутардилар. Берган кишисидан китобга юққан зулмат даргоҳдаги суҳбатларнинг баракати билан тарқагандан кейингина олиб ўқирдилар.

Бир куни ҳузурига келаётган шогирди йўлда бегона аёлга дуч келиб, унга тикилиб қараганди. Устозининг ҳузурига кирганида сенда зино зулмати кўриняптику деб бегона аёлга қарагани туфайли гуноҳга ботганига ишора қилдилар.

Асҳоби киромга душман бўлган рофизийлардан икки киши эътиқодларини яшириб, шогирд тушиш ниятида келишганини айтиб ҳузурларида қўл қовуштиришади. Шунда уларга қарата “Аввало нотўғри эътиқодингиздан воз кечинг, ана ундан кейин

илм ўрганишни орзу қилсангиз ярашади" дедилар. Ҳалигилардан биттаси бу кароматни кўриши билан дарров тавба қилиб, бузуқ эътиқодидан воз кечди.

Нур Муҳаммад Бадавоний ҳазрат айтганлар:

"Бир куни устозимнинг қабрини зиёрат қилишга келган эди. Қабр бошида муроқабага чўмдим. Устозимни қабрида кўриб, гаплашдим. Кафани ва бадани ҳечам чиримаган эди. Фақатгина оёқларининг таг қисмига тупроқ таъсир қилиб, сал ранги қорайган эди. Бунинг сабабини сўраганимда "Эгасидан сўрамай, кейин келганида қайтариб берарман деган ўйда бир тош олиб таҳорат оладиган жойимга қўйдим. Таҳорат олаётганда шу тошнинг устига босдим. Оёқларимдаги тупроқнинг таъсири шу сабабдандир" дедилар."

Мазҳари Жони Жонон ҳазратлари

Мазҳари Жони Жонон ҳазратлари буюк авлиёлардан эди, саййиддир. Силсилаи олиянинг йигирма еттинчисидир.

Исми Шамсиддин Ҳабибуллоҳдир. Отаси Мирзо Жондир. Унинг исмига истинодан бу зотни ҳам Жони Жонон дейишарди. 1701 йилда туғилди. 1781 йили шаҳид этилди. Боболари давлатнинг кўзга кўринган одамларидан бўлиб, Темурий султонларига яқинлиги бор эди. Отаси Мирзо Жон лавозим ва мартабани тарк этиб, фақирлик ва қаноатни устун кўрди. Бойлигини Аллоҳ учун фақирларга тарқатди. Қизининг никоҳи учун ажратиб қўйган йигирма беш минг рупия микдоридаги олтинни бир дўстининг қаттиқ қийналиб қолганини эшитиб, бутунлай унга ҳадя этди. Отаси мамлакатда марҳамати, гўзал ахлоқи, инсоний фазилатларининг устунлиги билан танилган зот эди.

Ёш Мазҳар Жони Жононнинг заковати, фаҳм-фаросати ўткирлигини кўрган фаросат арбоби унинг фитрати баландлигини, яъни юксак яратилишда эканлиги айтишарди. Отаси унинг тарбия ва таълимига, илм ўрганишига катта эътибор қаратди. Кичик ёшидан илм, маърифат ўрганишни ва турли маҳоратларни ўзлаштиришни бошлади. Имл ва маърифат ёнида қўшимча турли

касб ва маҳоратлар ўрганди. Ўзи бу ҳақида шундай деганди:

“Болалигимда Иброҳим алайҳиссаломни тушимда кўриб, кўплаган илтифот ва эҳсонларига сазовор бўлдим. Яна болалигимда ҳазрати Абу Бакрни қачон ёдга олсам, муборак сурати кўзолдимга келарди. Руҳониятини кўзим билан кўрардим. Менга жуда кўп илтифот кўрсатарди.”

Яна шундай деб баён қилганди:

“Болалигимда бир куни бир киши отам билан гаплашаётганди. Имоми Раббоний ҳазратларидан гап очдилар. Мен шу онда имоми Раббоний ҳазратларининг руҳониятини кўрдим. Ўрнимдан туришимга ишора қилди. Бу ҳолни отамга айтганимда “Умид қиламанки, сен уларнинг йўлидан истифода этасан” деди. Аллоҳу таоло қалбимга суннати санияга бўйсуниш, тобе бўлиш хислатини жойлаштирган.”

Отамнинг васияти бўйича, илм ўрганишни ва ўрганган илмим билан амал қилишни давом эттирдим. Бир кечаси тушимда бир авлиё зотни кўрдим. Мозоридан туриб ёнимга келди ва кулоҳини бошимга кийдирди. Ўша тушдан кейин қалбимда мақом ва лавозим орзуси умуман қолмади. Тасаввуфга йўналиш орзуси кучайди. Бир куни тушимда ғойибдан овоз “Бизнинг сенда ишимиз бор. Инсонларнинг ҳидоятга эришиши ва уларни ҳидоятга еткалайдиган йўлнинг ёйилиши сен сабабли амалга ошади” деди. Бу тушни кўргандан кейин тасаввуфга йўналиб, ботин нисбатини қўлга киритиш орзуси қатъийлашди. Бу мақсадимга етиш учун Саййид Нур Муҳаммад Бадавоний ҳузурларига бордим. Муборак юзини кўриб, маърифат соҳиби бўлган зот эканлигини англадим. Суннати санияга чамбарчас боғлиқ, диннинг амрларига тўла тобе бўлган, юксак ахлоқ соҳиби бўлган зот эди. Суҳбати қалбларга ҳузур берарди. Унинг ҳузурида излаганлар мақсадларига эришар, ўлган қалблар тирилиб, имонга келарди. Ҳаққа етишга шу ерда муяссар бўларди. Мени шогирдликка қабул қилишларини сўраганимда истиҳорасиз шогирд қабул этмасликларига қарамай, мени дарров қабул қилдилар. Файзлари шунчалик баракатли ва таъсирли эдики, бир таважжуҳи билан шогирдининг қалби зикр қилишни бошларди. Унга шогирд бўлиб, файзларига қовушганимдан кейин кўнглим ойдинлашди. Кўп илтифотларига ноил бўлдим.

Қисқа вақтда Нур Муҳаммад Бадавоний ҳазратларининг суҳбатида етишдим. Тасаввуф ҳолларига ғарқ бўлгандим. Мен муҳаббати илоҳийга боғланганимдан уйқуни, истироҳамни, ебичишни тарк қилгандим. Инсонлардан узоқлашиб, ёлғиз ўзим қолдим. Очликнинг шиддатидан дарахт баргларини ея бошладим. Бутун вақтим ўзимни билмай ва муроқаба ҳолида ўтарди. Асл мақсадимга етишни мана шу тариқа кутдим. Ниҳоят шу ҳолга келдимки "Раббингни кўриб тургандек ибодат қил" ҳадиси шарифида талаб этилган васфга етишдим. Маҳвият, фано ва бақо ҳолларига эришдим. Буюклар таърифлаган мақсадга, сирри тавҳид мақомига кўтарилдим.

Нур Муҳаммад Бадавоний менинг ҳолларимга қараб, менга тавозе билан кучли севги ва алоқа кўрсатарди. Бир куни иккимиз юзма-юз ўтирганимизда "Икки қуёш қарама-қарши келди. Бирининг нуридан иккинчиси кўринмаяпти. Агар толибларнинг тарбиясига йўналсанг олам нурланади" дедилар. Яна бир куни "Сенда Аллоҳу таолога ва Расулига нисбатан муҳаббат юксак даражададир. Бизнинг йўлимиз сенинг таважжуҳларинг билан ёйилади. Сенга Шамсиддин Ҳабибуллоҳ исми берилди" дедилар ва шогирдларининг бир қисмини тарбиялаб етиштиришни менга топширдилар.

Устозим Нур Муҳаммад Бадавоний ҳазратларининг суҳбатига тўрт йил қатнадим. Сўнгра менга ижозат бердилар. Менга аҳли суннат эътиқодида бўлишни, суннати санияга тобе бўлишимни ва бидъатлардан тийилишимни васият қилдилар.

Устози Саййид Нур Муҳаммаднинг вафотидан кейин инсонларга ҳақ йўлни таълим қилишни бошлади. Дарсларига олимлар, амирлар, ҳокимлар ва халқ қатнашиб, ундан файз олдилар. Мир Муслимон, Саноуллоҳ Пони Путий, Ғулом Кокий, Саййид Олимуллоҳ, Саййид Абдуллоҳ Деҳлавий каби буюк олим ва авлиёлар етиштирди.

Мазҳари Жони Жонон ҳазратлари айтдики:

"Аллоҳу таоло бизга энг комил ақлни ва тўғри кўзқарашни эҳсон этди. Салтанат ишларининг идораси ва давлатнинг низоми хусусида барчага мос энг гўзал усулни ўрганган эдим. Шунинг учун замоннинг машҳур давлат арбоби оладиган қурол ва

бошқа муҳим нарсаларини биз билан маслаҳатлашиб, шунга қараб ҳаракат қилардилар.”

Яна шундай деганди:

“Муҳтарам отамнинг баракатли тарбияси билан етишгандан кейин менда шундай бир ҳол ҳосил бўлдики, истаган одамга бир боқишда унинг кимлигини ва қалбидагини билиб олардим. Юрган йўлимнинг нури билан инсонларнинг саодат ёки шаковат (Жаннат ёки Жаҳаннам) аҳлидан эканлигини пешоналаридан ўқирдим.”

Наввоб Хон Фирузжанг, шиддатли бир қиш кунида Мазҳари Жони Жонон ҳазратларини устига эски либос кийиб олганини кўрди. Бу ҳолини кўриб, йиғлади. Ёнидаги одамларидан бирига “Биз қандай бадбахтмизки, буюкларимиздан ҳеч бир зот ҳадямизни қабул қилмайди ва унга хизмат қилиш бахтига ета олмаймиз” деди. Бу ҳодиса ҳақида Мазҳари Жони Жонон ҳазратлари “Биз бойлардан бирон нарса қабул қилмасликка, олмасликка қарор қилганмиз. Умримиз ҳам тугаб қолди. Бугунгача қабул қилмадик” дедилар. Сўнгра Наввоб Хон Фирузжанк ўттиз минг рупия ҳадя этишни истади. Қабул этмасдан “Биз сизнинг бойлигингизни ейдиганлардан эмасмиз, фақирларга тарқатинг” деди.

Яна афғон сардорларидан бири ашрафий деб юритилувчи уч юз олтин совға юборганди. Буни ҳам қабул қилмадилар “Бу нарсалар ҳар қанча совға деб юбоилган бўлса-да, ҳадяни қабул қилиш лозим бўлса-да, лекин албатта қабул қилиш керак деган бирон-бир амр йўқ. Бизга ўз талабаларимиз ихлос ва эҳтиёткорлик билан ҳаром аралашмаслиги учун диққат қилиб тайёрлаган ҳадяларини келтирмоқдалар. Ҳатто уларни ҳам қабул қилмаяпмиз. Амирлар ва бойлар томонидан юборилган қатъийян ҳалолдан тайёрланганлиги шубҳали совғаларни умуман қабул қилмаймиз. Уларда халқнинг ҳақи бор. Қиёмат куни бунинг ҳисобини бериш қийин. Имоми Термизийнинг Абу Барзадан ривоят қилган ҳадиси шарифида Расули акрам жанобимиз **“Ҳар бир инсон қиёмат куни тўрт саволга жавоб бермагунча ҳисобдан қутула олмайди: Умрини қандай ўтказди, илми билан қандай амал қилди, молини қаердан, қандай қозонди ва қаерларга сарфлади. Жисмини, баданини қаерларда ҳоритиб-чарчатди”** деб марҳамат қилганлар. Шунинг учун диққат қилиш керак” дедилар.

Мазҳари Жони Жононга давлат одамларидан бири Ҳиндистоннинг машҳур меваси бўлган “Анба”дан (ҳинд гилоси) бир миқдор ҳадя жўнатиб, буларни қабул қилиши учун ялиниб-ёлворди. Мазҳари Жони Жонон ҳазратлари анбадан икки донасини олди ва қолганини қайтариб бериб “Бу фақирнинг кўнгли буларни қабул қилишни истамаяпти” дедилар. Бироздан кейин ҳузурига бир боғбон келиб “Фалон амир сизга юборган анбаларни биздан тортиб олиб, сизга ҳадя тариқасида юборди” деди. Буни эшитиб, мазлумнинг ҳақини қайтариш ва доимо ҳақига риоя қилиш лозимлигини айтдилар. Сўнгра “Субҳоналлоҳ, у келтирган мевалар бизнинг ботинимизга зарар етказди” дедилар. Ўша воқеадан кейин моли шубҳали бўлган кишиларнинг совға-икромини умуман олмайдиган бўлдилар. Бу ҳодиса ҳақида “Таомлар ичра энг зарарлиси топиш-тутиши шубҳали бўлган бадавлат кишилар икром қилган таомлардир. Ҳатто фақирларнинг икромлари ҳам шубҳалидир. Чунки улар ҳам бу таомларни тайёрлаш учун топгани шубҳали бўлган бойлардан қарз олишади” дедилар.

Мазҳари Жони Жонон ҳазратлари бу хусусда шундай деганди: “Тановвул қилинган луқмалар инсонни муваффақиятга етказиши, тоат-ибодатининг нурини орттириши керак. Фақирликни бой бўлишдан ортиқ кўриш ва сабру қаноатга интилиш керак. Taслимият ва ризони ўзига одат қилиш лозим. Сарвари олам жанобимиз **“Аллоҳим! Ол-и Муҳаммад** (оиласи)**нинг ризқини етарли даражада қилгин”** деган дуосига мувофиқ инсон учун лозим бўлган нарсаларни фақат етарли даражадагина сўраш, исташ керак.”

Асҳоби киром ҳам шундай дуо қилишарди. Исрофга тушадиган даражада бой ва муҳтожлика, қарзга ботадиган даражада фақир бўлмаслик лозим. Қуллик вазифасини бажариб, ўлимга тайёр бўлиб, кўнглини бошқа нарсаларга боғламаслик керак. Ўлим илоҳий бир ҳадядир. Чунки ўлим - Аллоҳу таологa қовушмоқ ва Жаноби Расулуллоҳнинг дийдорини, муборак юзини кўрмоқдир.

Мазҳари Жони Жонон ҳазратлари шундай баён қилганди:

“Бир куни жаҳоннинг зийнати ва коинотнинг сарвари бўлган Жаноби Пайғамбаримизни тушда кўриш билан шарафландим. Ёнма-ён бўлиб ётардик. Шуналик яқин эдикки, муборак нафаслари юзимга уриб турарди. Шу вақт чанқадим. Сарҳанд буюгининг

маҳдумлари, яъни имоми Раббоний ҳазратларининг ўғиллари ҳам шу ерда эди. Расулуллоҳ улардан бирига сув келтиришини буюрдилар. Мен “Ё Расулаллоҳ, улар менинг устозимнинг ўғилларидир” дедим. Расулуллоҳ “Улар бизнинг гапимизга амал қилишади” дедилар. Улардан бири бориб, сув келтирди. Қониб сув ичдим. Сўнгра “Ё Расулаллоҳ, сиз Мужаддиди алфи соний ҳақида нима дейсиз?” деб сўрадим. Жаноби Пайғамбаримиз “Умматим орасида унга ўхшагани йўқ” дедилар. Мен “Ё Расулаллоҳ, имоми Раббоний ҳазратларининг “Мактубот” китобига муборак назарингиз тушдими?” дедим. Айтдиларки: “Агар ундан эсингда қолган бирон парчанг бўлса, ўқигин!” Мен имоми Раббоний ҳазратларининг баъзи мактубларида ўтган ва Аллоҳу таоло ҳақида айтилган: “У варо-ул-варо кейин яна варо-ул-databasedir, яъни Аллоҳу таоло хаёлимизга келган барча нарсалардан узоқдир. Ақлимиз ўйлаган ва тасаввур қилган ҳеч бир нарса У эмас” деган қисмни ўқидим. Жаноби Расулуллоҳга бу парча жуда ёқиб “Такрор ўқигин!” деб буюрдилар. Такрор ўқидим. Бу ифодаларни жуда гўзал айтилган деб топдилар. Бу ҳол бироз муддат давом этди.

Мен бу кўрган тушимда Жаноби Расулуллоҳнинг муборак нафасининг ва суҳбатининг баракати билан ўзимни бутунлай нур ҳамда ҳузур ичида сездим. Уйғоқликда қўлга киритган нарсалардан анча баракатли бўлган ушбу тушнинг баракати билан кунлар давомида очқамадим ва чанқамадим.”

Мазҳари Жони Жонон шаҳид бўлиб, вафот этдилар. Вафотидан бир неча кун аввал бу фоний дунёдан кетиш вақти келганлиги ва Аллоҳу таологa қовушадиган бўлгани учун бутунлай бошқача муҳаббат ва севинч ҳолида эдилар. Шу кунларда ибодат ва тоатларини яна-да кўпайтирганди. Бир тарафдан шогирдлари ва севганлари дарёдек оқиб суҳбатларига келишарди. Суҳбатлари ва муроқабалари жуда теран ҳузур ҳолида ўтарди. Суҳбатига тўпланганлар юз кишидан кўп бўлиб, улар баракат ва файзларга қовушардилар. Вафоти яқинлашган кунларда шогирди Мулла Насим юртига бориб-келиш учун рухсат сўраганида унга “Сен билан қайта кўришамизми йўқми, маълум эмас” дедилар. Бу билан вафот этишига ишора қилгандилар. Буни эшитган шогирдлари кўз ёшларини тута олмай, йиғладилар. Яна вафоти яқинлашган кунлар-

да шогирдларидан Мулла Абдурраззоққа юборган бир мактубида "Ёшим саксондан ўтди. Ажалим яқинлашди. Бизга хайрли дуоларда бўлинг" деб ёзган эдилар. Бу вақтларда бошқа шогирдларига ёзган мактубларида ҳам шу тарзда кетишларига имо қилгандилар.

Сўнгги кунларда эришган неъматларни тилга олиб ва шукр этиб шундай дедилар:

"Қалбимдан нима ўтган бўлса ва қайси неъматга эришимоқни истаган бўлсам, барчасини Аллоҳу таоло менга эҳсон қилди. Мени ҳақиқий ислом билан шарафлантирди ва кўплаб илмларни эҳсон қилди. Солиҳ амалли қилди. Буюкларнинг тасаввуф йўлида хабар берган нарсаларининг барчасини бериб, кашф, тасарруф ва каромат эҳсон қилди. Мени дунёга берилган бўлишдан ва дунёга берилганлардан ҳам узоқ қилди. Лекин Аллоҳу таологa яқинлашишда юксак даража ҳисобланмиш шаҳидлик мақомига эриша олмадим. Устозларимнинг, муршидларимнинг кўпи шаҳидлик шарбатини ичиш билан шарафига муяссар бўлишди. Мана биз ҳам қаридик, вужудимиз заифлашди. Жиҳод қиладиган ва шу тариқа шаҳидликка етишадиган кучим, тоқатим қолмади. Ўлимни севмайдиган, истамайдиган кимсаларга ҳайронман. Ўлим Аллоҳу таолга етишга сабабдир."

Мазҳари Жони Жонон ҳазратлари мана шу тариқа шаҳидлик даражасига қовушишни қаттиқ орзу қилишини тилга олганди. Умрининг сўнгги кунларида ҳузурига келиб-кетадиганлар жуда кўпайганди. 1781 йил муҳаррам ойининг еттисида чоршанба кечаси эшигининг олдида жуда кўп кишилар тўпланганди. Булар орасидан уч киши қайсарлик билан ичкарига киришни талаб қилишарди. Ниҳоят изн олиб, ичкарига кирдилар. Улар мўғил ва мажусий эдилар. Ҳузурига кириб "Мазҳари Жони Жонон сенмисан?" дедилар. Мазҳари Жони Жонон ҳазратлари "Ҳа, менман" дедилар. Улар Мазҳари Жони Жонон ҳазратларига қасд қилиб, ўлдиришга келгандилар. Ичларидан бири унга ҳужум қилиб, ханжар уришни бошлади. Урилган ханжар зарбаси юрагига яқин жойга урилганда оғир яраланиб, ерга йиқилдилар.

Бу воқеадан хабардор бўлган Наввоб Нажаф Хон саҳарлаб европалик бир табибни юборди. "Тезда бориб бир муборак зотни даволагин. Уни яралаганлар қўлга олиниб, қисос (бегуноҳ одам

ўлдирган ёки яраланган кимсага шариатнинг айни жазони татбиқ қилиши) этилсин" деди. Бу табиб бориб Мазҳари Жони Жонон ҳазратларининг ярасини кўздан кечирди. Сўнгра ортига қайтиб, Наввоб Нажаф Хонга қасддан "Яхши бўлиб кетади, бошқа табиб юборишнинг ҳожати йўқ" деди. Мазҳари Жони Жонон ҳазратлари ярадор ҳолда яна уч кун яшадилар. Жароҳатидан қон давомли оқди. Учинчи кун жума эди. Пешин вақти қўлларини очиб, Фотиҳаи шарифа ўқидилар. Аср вақтида "Кун ботишига неча соат бор?" деб сўрадилар. Тўрт соат бор дедилар. Ўша кун жума ҳам-да Ашура куни эди. Шом тушганда уч марта чуқур нафас олдилар ва шаҳид бўлиб вафот этдилар.

Мазҳари Жони Жонон ҳазратлари исломиятнинг ёйилиши ва инсонларнинг ҳақиқий саодатга эришишлари учун жуда кўплаган хизматлар қилганди. Ҳар бири бебаҳо жавоҳирдек қийматли бўлган зотлар етиштирдилар ва уларни инсонларга ҳақ йўлни кўрсатиш билан вазифалантирдилар. Шогирдлари борган жойларида халққа исломиятни ўргатдилар, имонларини тузатдилар. Шу тариқа ҳар бири борган жойида исломиятга амал қилишни, гўзал ахлоқнинг ёйилишини ва инсонларнинг бир-бири билан яхши муомалада бўлишларини таъминладилар. Уларни таниганлар улардек покиза ҳаёт кечириш ва саодатга қовушиш билан шарафландилар.

Мазҳари Жони Жонон ҳазратлари айтдиларки:

"Кимки дунёга берилган кишилар орасига аралашса, суҳбатларнинг баракатини ва тасаввуфнинг нурларини туя олмайди! Бир киши дунёга берилган кимсалар билан эҳтиёж қадар аралашиб, холис ният билан ва ботиний нисбатини муҳофаза қилган ҳолда ораларида бўлса, зарари йўқ. Дунё малъундир ва дунёда бўлган нарсалардан Аллоҳ учун бўлмаганлари ҳам малъундир. Аллоҳу таолонинг севгиси билан дунё севгиси бир ерда тура олмайди. Аллоҳу таолонинг розилигига эришиш учун мосивони, яъни Аллоҳу таолодан бошқа барча нарсани ва бутун мақсадларни тарк қилиш лозим."

Мазҳари Жони Жонон ҳазратларининг ўз асҳобига, талабаларига насиҳатлари қуйидагилардир:

"Тақвонинг, варонинг, ҳаромлардан ва шубҳали нарсалардан сақланишнинг йўли Жаноби Расулуллоҳга тўла тобе бўлиш

ҳамда унинг билдирганларини чин кўнгилдан қабул қилишдир. Ўз ҳолингизни аҳли суннатда йўлида билдирилган хусуслар билан солиштиринг. Агар ҳолингиз аҳли суннатда баён қилинган хусусларга, яъни диннинг амрларига мос бўлса мақбулдир. Мос бўлмаса, мардуддир, мақбул эмас. Дунё ва охират саодатларига эришиш учун аҳли суннат вал жамоат эътиқодида бўлиш керак.”

Дунёнинг матоҳи озгина

Мазҳари Жони Жонон ҳазратлари камол даражада зуҳд ва таваккул соҳиби эдилар. Дунёдан ва дунёга берилган кимсалардан қаттиқ сақланардилар. Берилган ҳадяларни қабул қилмасдилар. Қабул қилганлари ҳам жуда кам эди. Замонининг подшоси Муҳаммад Шоҳ вазири Қамариддин Хон орқали Мирзо Жони Жононга хабар жўнатиб, шундай деди: “Аллоҳу таоло бизга шундай кўп мулк бердики, устознинг хаёлларидан нимаики ўтса, ҳадя қиламиз. Тилагини айтсинлар.” Мазҳари Жони Жонон ҳазратлари бу таклифга шундай жавоб бердилар: “Аллоҳу таоло Қуръони каримда маолан **“...Уларга айтгин: Дунёнинг матоҳи (мулки) жуда камдир...”** (Нисо, 77) деб буюриб, дунёнинг етти иқлимидаги мол-мулкнинг аслида бир ҳовучгина нарса эканини айтдилар. Ўша бир ҳовучлик бўлган етти иқлимнинг бири Ҳиндистон бўлиб, у ҳам сенинг қўлингда. Етти иқлимнинг ўзи бир ҳовучлик бўлгандан кейин еттида бирининг қайдай қиймати бор? Улуғларнинг ҳимматининг асоси эса, улардан парҳез қилмоқдир.”

Яна ўша минтақанинг амалдорларидан бири Мазҳари Жони Жонон ҳазратларига атаб бир хонақоҳ қурдирди ва бутун дарвешларнинг эҳтиёжини таъминлашини айтиб, қабул қилишларини сўради. Лекин Мазҳари Жони Жонон ҳазратлари қабул қилмадилар ва “Биз учун ҳамма жой бирдир. Аллоҳу таолонинг ҳузурида ҳар бир одамнинг ризқи тақдир қилинган. Вақти келганда ҳар бир одам ризқига қовушади. Дарвешларнинг ҳазинаси сабру қаноат бўлиб, шунинг ўзи уларга кофийдур” дедилар.

Ҳақиқий дори

Мазҳари Жони Жонон ҳазратларининг саксон етти мактуби ва суҳбатлари “Калимот-и Тойийибат” номли китобларида бор. Мактубларидан бири:

“Биродарим, замонимиз талабасининг заифлиги, авлиёдан кашфу каромат исташлари ҳамда биринчи асрни кўз олдида тута олмасликлари ҳақида ёзилган мактубингиз келди. Шуни билингки, бошқа шайхларга майли бўлган тентакларни ва ақлсиз кимсаларни шогирдликка қабул қилишнинг кераги йўқ. Ақлли ва мухлис кишиларни, бу ишга астойдил толиб бўлганларни қабул қилиш лозим. Сиқилманг, Аллоҳу таоло ҳақиқий ҳокимдир. Ол-и Имрон сураси 31-оятида маолан **“Эй Ҳабибим. Уларга айтгин: Агар Аллоҳни севсангиз, менга тобе бўлинглар. Шунда Аллоҳ ҳам сизларни севади”** деб буюриш орқали бутун йўллардаги талабаларнинг ниҳоий мақсадлари бўлган Аллоҳу таолонинг муҳаббати ва розилигини қозонишни Жаноби Пайғамбаримизга тобе бўлишга боғлаб қўйди. У мутахассис табиб қулларини ғафлат ва гуноҳ хасталикларидан қутқариш учун дори ҳамда парҳез ўрнида бўлган амр ва тақиқларни юборди. Мана шу муолажа усулини ҳаётига татбиқ қилиб, керакли дори-дармонни ўз вақтида қабул қилиб юрган, парҳезга риоя қилган киши сиҳат ва шифо топади. Бундан қочинган кимса ўзига зиён етказган бўлади.

Ушбу муолажа усулининг бир сурати, бир ҳақиқати бор. Сурати билан авом мусулмонлар амал қилишади. У ҳам бўлса, эътиқодини тузатганидан кейин динга мос амаллар қилиб, амр ва тақиқларга бўйсуниш орқали амалга ошади. Эвазига ўша бахтиёр кимсага жаннатнинг неъматлари насиб бўлиб, жаҳаннамдан қутулади. Ҳақиқати эса, хос зотларга, танланган қулларга махсус бўлиб, қалбларнинг нурланиши, порлаши ва нафсининг тазкияси, тозаланишидир. Бу йўлда юқорида баён қилинган муолажанинг сурати билан бирга риёзат ва мужоҳада ҳам бор. Бу ерда тажаллий ва кашфлар қўлга киритилади. Суратга «имон ва ислом», ҳақиқатга эса «эҳсон» дейилади. Чунончи ҳадиси шарифда **“Эҳсон бу – Раббингга Уни кўриб тургандек ибодат қилишдир”** деб марҳамат қилинган. Ҳақиқатсиз сурат теридаги хасталикларга чора топиш учун чипқон ва яралар устига қўйилган малҳам каби ярани тузатиб, чипқонни кетказади. Албатта фойдасиз эмас. Лекин суратсиз ҳақиқатнинг умуман фойдаси йўқ. Балки бу ҳақиқат эмас, макри илоҳий ҳам бўлиши мумкин. Бундан Аллоҳу таологa сиғинамиз.

Ҳақиқат – тозалаш, яъни гўёки бадандан хаста, микробли, бузуқ моддаларни чиқариб ташлаш кабидир. Чунки жойида қолса, яна

хаста қилиши мумкин. Тўлиқ соғайишга, бутунлай шифо топишга мана шу икки йўлни бирлаштирган ҳолда даволаниш орқали етиш мумкин. Ушбу изоҳлардан муҳтарам пайғамбаримиз тайинлаган муолажа усулининг саҳобалар табиатида қандай сиҳҳат ва шифо таъсирлари кўрсатганлиги осонликча тушунилади. Муҳаққақки, бу даволаниш ва дори – Аллоҳу таолони қаттиқ севиш, бутун ғайрати билан Расулуллоҳга тобе бўлиш, тоат-ибодатлардан лаззат ҳис қилиш ҳамда гуноҳларни жирканч кўриб, нафратланишдан ўзга нарса эмас. Бу уларда қалбларнинг ҳузури ва нафсларнинг покланиши таъсирини кўрсатарди. Расули акрамнинг баракатли суҳбатлари ва ислом муолажа усулининг татбиқи билан бу марта-баларга жуда қисқа вақтларда, балки бир онда ҳам эришардилар. Улар кейинги асрларда айтилган шавқ ва ҳоллардан кўпроқ, сурат ва ҳақиқатга қаттиқ аҳамият бериб, ҳақиқатни ҳимоя қиладиган суратни муҳофаза қилиб, кашфу кароматга эътибор қаратмадилар. Буларни камолотга етишишнинг шартларидан деб ҳисобламадилар.

У ҳолда тўлақонли сиҳҳатга қовушишни истаган бир толиб (шогирд) Расулуллоҳнинг суннатларига эргашишни бутун риёзат ва мужоҳадалардан ортиқ деб билиши ҳамда бунга оид бўлган нур ва баракатларни, бутун файзлардан аъло деб ҳисоблаши керак. Бу йўлда талабага беихтиёр тоттириладиган завқ ва ҳолларга ботин жамияти ҳамда давомли ҳузур ёнида умуман қиймат-эътибор бермаслик керак. Ушбу ҳақиқатларни қўлга киритишга сабаб бўлган зотни (шайхни, пирни, устозни) жаноби Расулуллоҳнинг вакили деб билиш, унга сидқидилдан хизмат қилиб, бу йўлда олдингиздан чиқадиган нарсаларга ширин бўлса ҳам, худди ёш болалардек алданиб қолмаслик керак.

Фиқҳ масалаларини ўргатинг. Фиқҳсиз дин бўлмайди. Аҳли суннат эътиқодини ўргатишга, ёйишга қаттиқ аҳамият беринг. Ҳар ишингизда Аллоҳу таолонинг Ҳабиби бўлган жаноби Пайғамбаримизга тобе бўлишга ғайрат қилинг. Чунки Аллоҳу таоло Ҳабибига тобе бўлганларни жуда севади.” (21-мактуб)

Саййид Абдуллоҳ Деҳлавий ҳазратлари

Саййид Абдуллоҳ Деҳлавий ҳазратлари Силсилаи олиянинг йигирма саккизинчисидир. 1745 йили Ҳиндистоннинг Панжоб шаҳрида туғилди. 1824 йили Деҳлида вафот этди. Қабри Шоҳжаҳон жоме-масжиди яқинидаги даргоҳда.

Отаси Абдуллатиф афанди олим, солиҳ ва зоҳид бир зот эди. Бир куни тушида ҳазрати Али унга “Аллоҳу таоло сенга бир ўғил эҳсон этади, у буюк зот бўлади. Унга бизнинг исмимизни қўясан” деди. Расулуллоҳ ҳам авлиёлардан бўлган амакисининг тушида туғиладиган гўдакка Абдуллоҳ деб исм қўйишларини амр этади. Шунга биноан чақалоқ дунёга келганда отаси Али деб, амакиси Абдуллоҳ деб исм қўйди. Абдуллоҳ Деҳлавий ҳазратлари олти ёшга тўлганида ҳазрати Алига бўлган муҳаббат ва ҳурмати сабабли ўзига Али деб мурожаат қилишларини хуш кўрмай, «Алининг хизматчиси» деган маънога келадиган «Ғулом Али» номини олди ҳамда мана шу исм билан машҳур бўлдилар.

Кичик Абдуллоҳ Аллоҳ берган жуда устун заковатга соҳиб эди. Қуръони каримни қисқа вақт ичида ёд олди. Диний илмларни ва замонининг фан билимларини ўрганди.

Мазҳари Жони Жонон ҳазратларининг ҳузурига бориб, ўзини шогирдликка қабул қилишларини арз қилди. У зот “Сен ҳузур қиладиган бир жойга боргин. Бизнинг йўлимизда юриш бамисли тузсиз тошни ялаш кабидир” дедилар. Абдуллоҳ “Мен ҳамма нарсага розиман, устоз” деди. Мазҳари Жони Жонон ҳазратлари буни эшитиб “Муборак бўлсин” деб шогирдликка қабул қилдилар. Абдуллоҳ Деҳлавий ҳазратлари 15 йил устозининг суҳбатлари билан файзиёб бўлди. Авлиёликда баланд даражаларга эришгандан кейин, мутлоқ ижозат олиб, халифаси бўлдилар.

Абдуллоҳ Деҳлавий ҳазратлари айтдиларки:

Талаба – содиқ бўлган толибдирки Аллоҳу таолонинг ишқи билан ва Унинг муҳаббатига қовушиш орзуси билан ёниб куймоқда. Толиб билмаган, тушуна олмайдиган бир муҳаббат билан ҳайрат ҳолидадир. Уйқуси қочиб, кўз ёшлари тинмайди. Қилган гуноҳларидан уялиб, бошини кўтара олмайди. Ҳар ишида Аллоҳдан қўрқади. Аллоҳу таолонинг розилигига эриштира-

диган ишларни бажариш учун жон-жаҳди билан ҳаракат қилади. Ҳар ишида сабр ва матонат кўрсатади. Ҳар муваффақиятсизлик ва ташвишни ўзидан деб билади. Ҳар нафасда Раббини ўйлайди. Ғафлатда яшамайди. Ҳеч ким билан баҳслашмайди. Бир қалбни ранжитишдан қўрқади. Қалбларни Аллоҳу таолонинг уйи деб билади. Асҳоби киром ҳақида фақат яхши гапларни гапиради ва исмларини айтганида “родияллоҳу анҳ” дейди. Барчасининг яхши эканлигини айтади. Муҳатарам пайғамбаримиз Асҳоби киром орасида бўлиб ўтган баъзи ҳодисаларни гапирмасликни амр қилдилар. Солиҳ мусулмон буларни тилига олмайди, бу ҳақда ёзмайди ва ўқимайди. Шу тариқа бу буюкларга одобсизлик қилиб қўйишдан ўзини сақлайди. Бу буюкларни севиш Аллоҳнинг Расулини севишнинг аломатидир. Ўз фикри, кўз-қараши билан авлиёи киромни бир-биридан паст ёки юқори деб санамайди. Улардан бирининг устун эканлиги фақат ояти карима, ҳадиси шариф ва Асҳоби киромнинг иттифоқи орқали маълум бўлади. Муҳаббат сархушлиги билан бошқачароқ сўзлар айтган кишилар узрлидир.

Мавлоно Холид Бағдодий ҳазратлари

Мавлоно Холид Бағдодий ҳазратлари Ироқ ва Шомда етишиб чиққан буюк авлиёлардан. Силсилаи олиянинг йигирма тўққизинчиси. Ўз асрининг мужаддиди эдилар. Отаси ҳазрати Усмоннинг, онаси ҳазрати Алининг авлодидандир. Қабри Шом шаҳрининг шимолида Қасийун тоғининг этагидаги қабристонда жойлашган мақбарасидадир.

Ўткир зеҳнли, хотираси кучли, жуда иродали ва меҳнаткаш киши эдилар. Даврининг машҳур олимларидан илм ўрганиб, ижозат олдилар. Ўрганган бутун илмларида дин ва фан арбобларига устозлик қила оладиган даражада юқори билимга эга бўлдилар. Дин ва фан илмларидаги устунлиги ҳамда теран илми сабабли замонининг бутун олимлари ва авлиёларининг илтифотларига сазовор бўлдилар. Қайси илмдан ва қайси фандан нима сўралса, дарҳол жавобини берарди. Заковати ва билими олдида ақллар ҳайратга тушарди. 21 ёшлигида уламога устоз бўлиб, 7 йил дарс берди. Олимлар орасида унинг сўзлари далил эди.

Ҳижозга бориб, Мадинага етгач, Расулуллуоҳга бўлган муҳаббатини форс тилида баён қилиб “Қасидаи Муҳаммадия”ни ёзди. Мадинада фазилат соҳиби бўлган яманлик бир кишига дуч келди. Ундан насиҳат сўради. У зот дедики: “Эй Холид, Маккага борганингда одобга зид бирон нарса кўрсанг, дарров рад қилмагин.” Мавлоно Холид Маккада бир жума куни Каъбаи шарифга қараб Далоили Ҳайротни ўқиркан, бир кишининг Каъбага орқа ўгириб, ўзига қараб ўтирганини кўрди. “Буни қара Каъбага орқа ўгириб ўтирибди-я, одобга риоя қилмас экан” деб хаёлидан ўтказиб турганида у киши “Мўминга ҳурмат Каъбага ҳурматдан аввал келади. Шунинг учун сенга ўгирилиб ўтиргандим. Сенга берилган насиҳатни жуда тез унутдинг” деди. Ундан узр сўраб “Мени талабаликка қабул қилинг” деб ёлворди. У эса, “Сен бу ерда камолотга ета олмайсан, сенинг ишинг Ҳиндистонда тамом бўлади” деди. Бу зот бўлажак устози Абдуллоҳ Деҳлавий эканлиги ривоят қилинган.

Бир кун кутилмаганда Ҳиндистондан Абдуллоҳ Деҳлавий ҳазратларининг шогирдларидан Мирза Абдурраҳим келди. Устозининг “Мавлоно Холидга саломимизни айтинг, бу тарафларга ҳам келсин” деган сўзларини етказди. Сўнгра иккови бирга Ҳиндистонга қараб йўлга чиқдилар. Абдуллоҳ Деҳлавий ҳазратларининг олдига кетаётганлигининг севинчи билан бутун бор-будини фақирларга тарқатди. Ҳиндистоннинг энг буюк авлиёси ва буюк ислом олими Шоҳ-и Абдуллоҳ-и Деҳлавийнинг ҳузурига қовушди.

Абдуллоҳ Деҳлавий унга нафсининг тарбияси учун даргоҳни тозалаш вазифасини бердилар. У олим бир зот эканлигига қарамай ҳеч эътироз билдирмади. Бироз муддат шу вазифада юриб, бир куни устозига рўпара келди. Устози унинг елкаларидан Аршгача муаззам бир нурнинг кўтарилганлигини ва фаришталарнинг буни ҳайрат билан кузатаётганларига шоҳид бўлдилар. Устози унинг тасаввуфда жуда баланд даражаларга эришганлигини кўриб, доим ёнида бўлишини тайинладилар. Шундан кейин Холид раҳбари Абдуллоҳ Деҳлавийнинг қалбидаги бутун сир ва маънавий устунликларга эришди.

Абдуллоҳ Деҳлавий ҳазратлари: “Эй Холид, энди юртингга ва Бағдодга боргин. У ердаги инсонларни Аллоҳу таолога эрдиргин” деб буюрдилар. У ҳам юртига қайтиб, иршодни бошлади. Бағдод волийси Саид Бошо зиёратга келди. Бир неча олимнинг овозсиз,

бошлари эгик, хизматчидек одоб билан ҳузурида ўтирганлигини кўрди. Унинг ҳайбатини кўриб, тиз чўкиб титрай бошлади. Жалол ҳоли кетганидан кейин Саид Бошонинг титраши ҳам тинчиди. Ундан кейин волий шогирдликка қабул қилинди.

Уламодан Шайх Али Сувайдий ҳадис олими эди. Ҳадиси шариф санадларида қувватли илми бор эди. Имтиҳон мақсади билан Мавлоно Холид ҳузурига келди. Кутуб-и Ситтада ёзилган ҳадислардан уч донасини имтиҳон учун санадларини чалкаштириб ўқиди. Мавлоно Холид бу ҳадисларнинг асл санадларини тўғри ўқигач, дарҳол қўлларига ёпишиб, қалбига келган имтиҳон фикри учун тавба қилиб авф тилади. Шундан сўнг у ҳақида гап кетганида “Мавлоно Холид зоҳир ва ботин илмларида чексиз бир денгиз, биз эса бир томчимиз холос” дерди.

Мавлоно Холид Бағдодий ҳазратларининг кўплаган кароматлари кўринган эди. Бағдоддалигида Ҳожи Маҳмуд Афанди исмли бир талабаси бор эди. Бу зот роса қарзга ботганди. Бир кун “Устоз, қарзим кўплигидан кўчага бош кўтариб чиқишга юзим қолмади” деди. Мавлоно Холид “Бир ой сабр қилгин” дедилар. У “Бир ой сабр қилишга ҳам тоқатим қолмади, устоз” дея икки марта такрорлади. Шунда Мавлоно Холид “Ундай бўлса, шолчани кўтаргинда истаганингча ол!” деб буюрдилар. Маҳмуд Афанди шолчани кўтариб, тагида бир олтин танга кўрди. Олтинни олганида, унинг ўрнида яна бошқа олтинни кўрди ва шу тариқа ҳар олган олтини ўрнида янги бир олтин кўрди. Қарзларидан қутулгунча олтин олишда давом этди.

Сулаймониянинг машҳур олимларидан баъзиси Мавлоно Холид Бағдодий ҳазратларини ақл ва нақл илмларининг энг қийин ва нозик масалалари билан имтиҳон қилдилар. Чорасиз қолиб, Ироқнинг ҳар жиҳатдан энг буюк олими бўлган ва ҳужжат-улислом деб машҳур бўлган Шайх Яҳё Мазури Имодийга мактуб ёзиб “Сулаймония олимлари тарафидан дин ва дунё илмларининг алломаси, мусулмонларнинг ҳужжати, устозимиз Яҳё Мазури Имодий ҳазратларига арз қиламизки, шаҳримизда Холид исмли бир зот пайдо бўлди. Ҳиндистонга бориб келгандан кейин вилояти кубро ва инсонларни иршод қилиш даъвосида бўлмоқда. Бу зот дин илмларини таҳсил қилгандан кейин тарк қилди. Ножўя йўлга

адашди. Бизлар уни илмда енга олмадик. Буюгимиз сизсиз! Бу тарафга бир келиб, хатоликни ва зарарларни даф қилиб, уни енгишингиз зиммангизга вожибдир. Агар келмасангиз, унинг нотўғри фикрлари бутун инсонларга ва бошқа шаҳарларга ҳам тарқалади" дедилар.

Бу мактуб Шайх Яҳёга етиб келгач, баъзи талабалари билан бирга Сулаймонияга йўл олдилар. Шаҳарга яқинлашгач, бутун олимлар кутиб олишга чиқиб, ҳар бири ўз уйига меҳмонга чақирса ҳам уларни қабул этмадилар. Шайх "Бир зот билан кўришишим керак" дея Мавлоно Холид Бағдодий ҳазратларининг уйига кетдилар.

Шайх уйга кирганида Мавлоно ҳазрат уни эшикда кутиб олиб, ёнига ўтқаздилар. Шайх Яҳёнинг қалбида бир қатор нозик ва қийин масалалар бор эди. Буларни сўраб имтиҳон этмоқчи эди. Холид Бағдодий ҳазратлари Шайхга "Дин илмларида жуда мушкул масалалар бор. Булардан бири мана бу, жавоби эса шу; наригиси бу, жавоби шу" деб Шайхнинг қалбидаги бутун саволларни ва жавобларни бир-бир айтиб чиқдилар. Шайх Яҳё масалани тушундилар. Тавба қилиб, талабаларидан бўлдилар. Талабаларидан Ибни Обидин ҳазратлари: "Кечаси тушимда ҳазрати Усмоннинг вафот этганини кўрдим. Жуда одам кўп бўлди. Жаноза намозини мен ўқидим" деб тушини айтганида Мавлоно Холид ҳазратлари "Яқинда вафот этаман. Сен жуда кўп одамга бош бўлиб, жанозамни ўқийсан. Чунки мен ҳазрати Усмоннинг авлодиданман" дедилар. Ибни Обидин ҳазратлари буни эшитиб, жуда қайғурди. Кўп ўтмай Мавлоно Холид вафот этди. Жаноза намозини Ҳанафий мазҳабида буюк фиқҳ олими Саййид аллома Ибни Обидин ҳазратлари ўқитдилар. Мавлоно ҳазратлари шогирдлари ва халифаларидан бўлмиш Саййид Тоҳо Ҳаккорий ҳазратларини жуда севар ва унга кўп дуо қилардилар.

Айтдиларки: "Нафси аммoрадан қутулишнинг аломати, инсонларнинг мақтови билан айбловларини тенг кўрмоқдур. Инсонларнинг рағбатига севиниш, эътиборсиз бўлганларига қайғуриш ақлсизликдир."

Саййид Абдуллоҳ Шамдиний ҳазратлари

Саййид Абдуллоҳ Шамдиний ҳазратлари Диёри Румда (Туркия) етишиб чиққан, буюк авлиёлардан эди. Силсилаи олиянинг ўттизинчисидир. Саййид Абдулқодир Гейлоний ҳазратларининг ўнинчи невараси ва Саййид Тоҳо Хаккорий ҳазратларининг амакисидир.

Шамдинлида дунёга келган асил, тоза ва шарафли бир оилага мансуб бўлган Саййид Абдуллоҳ Шамдиний кичик ёшидан илм таҳсилини бошлади. Замонининг усулига кўра илк таҳсилни олгандан кейин Ироқнинг Сулаймония шаҳрига бориб, шу ердага бир мадрасада илм ўрганишда давом этди. Ақлий ва нақлий илмларни ўрганиб, буюк олим бўлди. Ўша жойда таҳсил олаётганда мадрасадан дўсти Мавлоно Холид Бағдодий билан ака-укадек яшадилар. Яратилиши юксак бўлган бу икки кўнгил дўстлари зоҳирий илмларни таҳсил этиш вақтида қалб ва кўнгил илми бўлган тасаввуфга нисбатан алоқа ҳис этишни бошладилар. Бу алоқа муҳаббат ва ошиқлик даражасига чиқди. Ўзларини маънавий жиҳатдан тарбиялайдиган, ботиний илмларни ўргатиб, етиштирадиган бир йўл кўрсатувчи раҳбар изладилар.

Охирида излаган йўл кўрсатувчини қайси бири биринчи топса, бу буюк зотдан оладиган маънавий файз ва баракатнинг ораларида муштарак бўлишини келишдилар. Бу хусусда бир-бирларига ваъда бердилар. Яъни излаётган бу буюк авлиёни қайси бири аввал топса ва таниса дарров дўстининг ҳам бу зотни танишига, бу зотга боғланиб файз олишига восита бўлиши керак эди.

Ўзларига йўл кўрсатадиган маънавий раҳбарни излаётган вақтларда Мавлоно Холид Бағдодий олган баъзи маънавий ишораларга кўра Ҳиндистонга боришга қарор қилди. Зоҳирий илмларда юксак олим бўлган Абдуллоҳ Шамдиний ҳам у билан бирга кетишни истади. Лекин Мавлоно Холид Бағдодий унга “Мен борайин, у ердан олиб келадиган нарсаларимга сен ҳам шериксан” дейди. Ниҳоят Ҳиндистонга бориш учун Сулаймониядан йўлга чиқди. Узоқ ва машаққатли сафардан кейин Ҳиндистонга етди. Охирида Нақшибандия маънавий йўлининг муршиди коми-

ли Шоҳ Ғулом Али Абдуллоҳ Деҳлавий ҳазратларининг ҳузур ва суҳбатлари билан шарафланди. Қисқа замонда лойиқ ва мустаҳақ бўлган фазилат ҳамда камолотга эришди. Тасаввуф йўлида илгарилаб, авлиёлик даражасига етишди. Устози унга исломиятнинг амр ва тақиқларини билдириш суратида инсонларнинг дунё ва охират соадатига қовушишларига васила бўла олиш ва шогирд етиштириш хусусида тўлиқ ижозат, диплом ва хилофат берди. Устозининг том ва мутлоқ вакили сифатида олган файз ва камолотни илм ва одоб ошиқларига бериш ҳамда уларни етиштириш вазифаси билан Бағдодга юборилди.

Бундан сўнгра бутун олам воситасиз ва билвосита иршод ҳамда файз манбаи бўлган Мавлоно Холид Бағдодий ҳазратларининг маънавий нури билан порлашни бошлади. Шу тариқа Бағдодда файз ва нур сочадиган раҳмат қуёши чиқди.

Саййид Абдуллоҳ Шамдиний келишувларига мувофиқ бир муддат Бағдодда қолгандан кейин Сулаймонияга қайтган Холид Бағдодий ҳазратларининг зиёратига борди. Мавлононинг Ҳиндистонда қўлга киритган маърифат ва камолотини кўргач, унга бўлган муҳаббати яна-да ортди. Мадрасада бирга ўқиб, дўст бўлганликларига қарамай, унинг суҳбатларига худди шогирдлардек қатнаша бошлади. Бора-бора унинг энг илғор талабаларидан бири бўлди. Баъзи ҳасадчи ва инкорчи кимсаларнинг Мавлоно Холид Бағдодий ҳазратларининг ҳузурига кириб, сўз ва ёзув билан уни ёмонлашга, турли бўҳтон ва ёлғонлар билан унга кўнгил боғлаганларнинг йўлини кесишга уринаётган вақтда Абдуллоҳ Шамдиний доим унинг ёнида бўлди. Ўзидаги юксак қобилият ва Мавлоно Холид Бағдодий ҳазратларининг шогирд етиштиришдаги маҳоратининг бирлашуви билан қисқа вақтда бутун илмларда ва тасаввуф ҳолларида камолга етишди. Мавлоно ҳазратларининг минглаган талабалари орасида энг юксакларидан бўлди. Мавлоно Холид Бағдодий ҳазратлари унга талаба етиштириш учун ижозат берди. Мавлоно ҳазратларидан ижозат ва диплом олганлардан учинчиси бўлган Саййид Абдуллоҳ Шамдиний акаси Саййид Аҳмад Гейлоний ҳазратларининг ўғли Саййид Тоҳо Хаккорийни ҳам Мавлоно Холид Бағдодий ҳазратларининг суҳбатларига олиб бориб, унинг ҳам бу йўлда камолга етишига васила бўлди.

Мавлоно Холид Бағдодий ҳазратлари бир муддатга Бағдодга кетди. Бу вақтда Абдуллоҳ Шамдиний талабаларни етиштириш билан машғул бўлди. Кейин такрор Сулаймонияга қайтган Мавлоно Холид Бағдодий ҳазратлари инсонларга исломиятнинг амр ва тақиқларини ўргатишлари учун турли шаҳарларга юборган шогирдлари билан бирга Саййид Абдуллоҳ Шамдинийни ҳам Шамдинлига юборди. Саййид Абдуллоҳ Шамдиний Шамдинли атрофидаги Наҳрий қишлоғига жойлашди. Наҳрийда мадраса ва даргоҳлар қуриб, шогирд етиштиришни бошлади. Туркия, Эрон ва Ироқнинг турли жойларидан илм мажлисига ва суҳбатларига келган кўплаган кишиларни зоҳирий ҳамда ботиний илмларда етиштирдилар. Жаноби Пайғамбаримиздан бошлаб, авлиё ва олимлар билдирган, яшаган исломиятни, гўзал ахлоқни инсонларга тушунтирдилар. Айниқса одоб ва ахлоқдан маҳрум бўлган кўчманчи қабилаларни таъсири остига олиб, уларнинг тузалишига сабаб бўлдилар. Уларга тушунадиган даражада гўзал насиҳатлар бериб, тўғри йўлга эришишларига васила бўлдилар.

Мавлоно Холид Бағдодий ҳазратлари у ҳақида Саййид Тоҳо Хаккорийга “Саййид Абдуллоҳ қандай яхши шайхдир. Унда ҳеч қусур йўқ. Ёлғиз битта қусури унинг мункири, яъни қаршисига чиқиб, унинг буюклигини инкор қиладиган кимсалари йўқлигидир” дегандилар.

Яна айтдиларки:

“Мени Саййид Абдуллоҳ ва Саййид Тоҳодан устун кўрманглар.” Асҳоби “Улар сизнинг шогирдларингизку, нимага бундай деяпсиз?” деганларида “Улар шаҳзодалардир. Ҳали подшо бўладилар. Биз эса бироз вақт уларнинг тарбияси билан машғул бўлган ва бундай юксак вазифа берилган бир мураббиймиз холос. Мураббий шоҳ бўладиган шаҳзодалардан устун бўла оладими?” дедилар.

Умрини илм таҳсилига, исломиятни ўрганишга ва ўргатишга сарфлаган ҳамда кўплаган кароматлари кўринган Саййид Абдуллоҳ Шамдиний ҳазратлари 1813 йили Шамдинлининг Наҳрий қишлоғида вафот этдилар. Наҳрий қабристонининг киришига дафн этилдилар. Қабри устида оддий мақбара қурилган. Муборак қабри севганлари тарафидан зиёрат қилинмоқда, ошиқлари дуо қилиб, муборак руҳидан файз олмоқдалар. Уни васила қилиб,

дуо қилган кишиларнинг моддий ва маънавий дардларига дармон топганлари кўп тажриба этилган.

Шамдинлининг Наҳрий қишлоғида илк марта иршод ва файз манбаи бўлган Саййид Абдуллоҳ Шамдиний шофеъий мазҳаби фиқҳида ва бошқа илмларда чуқур олим бўлиб, буюк авлиё, пайғамбарлик сирларига воқиф ҳамда ҳазрати Усмоннинг гўзал ахлоқини ёдга соладиган ахлоқ соҳиби бўлиб, ҳаё ва одобнинг манбаи эдилар. Суҳбатлари хаста руҳларга озиқ, қарашлари қорайган қалбларга шифо эди. Инсонларнинг дунёда ва охиратда қутулишларининг, саодат эшигининг калити эди.

Саййид Тоҳо Хаккорий ҳазратлари

Саййид Тоҳо Хаккорий ҳазратлари Туркияда яшаб ўтган буюк авлиёлардан эди. Силсилаи олиянинг ўттиз биринчисидир. Жаноби Пайғамбаримизнинг наслидан бўлиб, Саййид Абдулқодир Гейлоний ҳазратларининг ўн биринчи неварасидир. Мавлоно Холид Бағдодий ҳазратларининг халифаларидан. 1853 йили Шамдинли яқинидаги Наҳри қишлоғида вафот этди. Қабри шу ерда бўлиб, зиёрат қилиниб, файз ва баракатларидан истифода этилмоқда.

Асил ва тоза оилага мансуб бўлган Саййид Тоҳо Хаккорийда гўдаклигидан буюклик ва комиллик ҳоллари кўриниб, зако, истеъдод, виқор ва ҳайбати билан барчанинг эътиборини тортарди. Уни кўрган ҳар одам келажакда буюк зот бўлишини айтарди. Кичик ёшидан Қуръони каримни хатм этди ва ёд олди. Сўнгра илм таҳсил қилишни бошлади. Сулаймония, Керкук, Ироқ, Арбил. Бағдод каби илм марказларига бориб, шуҳратли олимлардан тафсир, ҳадис, фиқҳ каби зоҳирий илмларни, замонининг фан ва адабиёт билимларини ўрганди.

Саййид Тоҳо Хаккорий талабалигида бир куни Бағдодга яқин жойда жуда оз оқиб турган сувдан таҳорат олаётганди. Дўстлари “Бу сув жуда кам, бу билан таҳорат олиб бўлмайди” деганларида “Бу маъи жоридир, яъни оқар сувдир. Динимизда бундай сув билан таҳорат олишга изн бор. Сизлар илм талабасисизлар, буни биласизлар. Ҳатто бу сувда балиқ ҳам яшайди” деб қўлини сувга тиқиб

чиқарди. Дўстларига “Қаранглар бу сувда катта балиқлар бор экан” дея қўлидаги балиқни кўрсатди. Бу буюк кароматни кўрган дўстлари “Бундан кейин сен нима қилсанг қил, сенга қайтиб эътироз билдирмаймиз” дедилар.

Ҳижрий ўн учинчи асрнинг қутби бўлган Мавлоно Холид Ҳиндистонга бориб. Ғулом Али Абдуллоҳ Деҳлавийнинг ҳузури билан шарафланиб, лойиқ ва мустаҳақ бўлган фазилат ва камолотни олди. Сўнгра Аллоҳу таолонинг қулларига тўғри йўлни кўрсатиб, Ҳаққа қовуштириш учун ватанига қайтди. Ҳар тараф Мавлононинг қалбидан тараган нурлар билан мунаввар бўла бошлади. Бу вақтда дўсти бўлган Саййид Абдуллоҳ ҳам Сулаймонияга келган Мавлонони зиёрат қилгани мадраса томон борганди. Олимнинг суҳбатларига бироз вақт қатнаб, камолга келди ва халифаи акмали, яъни энг комил халифаси бўлди. Мавлоно Холид Бағдодийга биродарининг ўғли Саййид Тоҳонинг фавқулодда ва юксак истеъдоди ҳақида сўз очди. Мавлоно Холид Бағдодий ҳазратлари кейинги келишида уни бирга олиб келишини амр этдилар. Саййид Абдуллоҳ иккинчи зиёратида жияни Саййид Тоҳони ҳам бирга олиб борди. Мавлоно ҳазратлари Саййид Тоҳони кўрар-кўрмас, унга Абдулқодир Гейлоний ҳазратларининг қабрига бориб, истиҳора қилишини буюрдилар. Саййид Тоҳо мақбара ёнидаги бинода, истиҳора қилди. Бобоси Абдулқодир Гейлоний ҳазратлари “Мавлоно Холид замонининг олими, авлиёларнинг буюгидир. Дарров унинг олдига бориб, таслим бўлгин, унинг амрига киргин!” деб буюрдилар.

Саййид Тоҳо катта бобоси Саййид Абдулқодир Гейлоний ҳазратларининг маънавий амри ва изни билан Мавлононинг ҳузурига келди. Бу шундай келиш эдики, жуда оз кишиларга насиб бўлганди. Қандай бебаҳо илмларни қўлга киритиб кетиши шу келишидан маълум эди. Мавлоно Саййид Тоҳонинг етилиб камол топишига, кўз кўриб, қулоқ эшитмаган, қалблар тушуна олмаган мақому мартабаларга эришишига устози астойдил ҳиммат кўрсатиб, ёрдам бердилар. Кейинчалик замонининг энг буюк олими ва авлиёси бўладиган тарзда уни тарбияладилар. Риёзатида ҳеч қусур қилмадилар.

Мавлоно ҳазратлари етиштириш ва тарбия асносида Саййид Тоҳога тоғдан тош олиб келтиртирди. Бу ҳол талабалари орасида

таажжубга сабаб бўлиб “Устозимиз Мавлоно Расулуллоҳнинг аҳли байтига жуда ҳурматкор бўлганлари ҳолда Саййид ҳазратларини тоққа юборишида қандай ҳикмат бор?” дейишарди. Ҳазрати Мавлоно эса, бу хусусда сукут сақларди.

Саййид Тоҳо ҳазратлари Мавлоно Холид Бағдодийнинг ёнида саксон кун қолганидан кейин авлиёликда жуда юксак даражага эришди. Кашф ва каромат соҳиби бўлиб, хилофати мутлақо билан шарафландилар.

Саййид Тоҳо ҳазратлари хилофотга мушарраф бўлиб, Бардасурга борадиган вақт Мавлоно уни катта бир жамоат билан кузатдилар. Хайрлашгандан кейин Саййид Тоҳо Мавлононинг кетганлигини ҳис этиб, отига минмоқчи бўлганида узангини биров тутиб турганини пайқади. Қараганида устози Мавлоно эканлигини кўрди. “Астағфируллоҳ” деб, ортга чекинди. Мавлоно Саййид Тоҳо ҳазратларига “Бир вақтлар нафсингизни тарбиялаш учун сизга тоғдан тош ташиттирардим. Энди Расули акрамнинг Аҳли байтига бўлган ҳурматим туфайли узангингизни мендан бошқа кимса тутолмайди. Сиз ҳам бундан қочолмайсиз” дедилар. Саййид Тоҳо сиқилиб “Амр адабдан устундир” сўзига риоя этиб, отига миндилар. Бир муддат минглаган олим, талаба ва халқ кузатувида юрди. Сўнгра Мавлоно тўхтади. Қўлидаги тизгинни Саййид Тоҳога бериб “Бундан кейин тизгинларингиз ўз қўлингизда. Тарбия ва таълимингизда асло қусур қилмадим. Жаноби Ҳақ ёрдамчингингиз, буюкларнинг руҳлари мададкор бўлсин” дедилар. Саййид Тоҳо Хаккорий ҳазратлари Мавлоно Холид Бағдодийнинг халифаси сифатида Бардасурга келдилар.

Амакиси Саййид Абдуллоҳ Наҳрида талаба етиштириш билан машғуллигида, у ерга жуда яқин бўлган Бардасур қишлоғига Саййид Тоҳонинг юборилиш ҳикматини тушунмаган баъзилар “Бундай буюк икки халифанинг битта жойга юборилишининг сабаби нима?” дердилар. Буни оз вақтдан кейин Саййид Абдуллоҳ вафот этганидан сўнг тушундилар. Бундан кейин у ернинг халқи тарафидан Саййиди Бузург (Буюк устоз) дея машҳур бўлган Саййид Тоҳо ҳазратлари Наҳри қишлоғига келиб, иршодни бошладилар. Бу ерда қирқ икки йил илм толибларига, Ҳақ ошиқларига ва Ҳақни излаганларга илм, файз ва нур сочдилар. Ошиқлар узоқ-яқиндан парвона каби бу иршод ва нур манбаининг атрофига тўпландилар.

Саййид Тоҳо ҳазратларининг суҳбатлари баракати билан кўплаб кишилар Аллоҳу таолонинг розилигини қозонди. Уни кўрган муслим ёки ғайри муслим шу онда-ёқ Аллоҳу таолони хотирларди.

Инкорчи ва бидъат соҳибларидан сақланиш хусусида шундай деганди:

“Мункирдан (инкорчидан) ва бидъат аҳлидан арслондан қочгандек қочинг! Мункирнинг нонини еган кишининг қалби қирқ кун зикр этолмайди. Бу мункирлар Расулуллоҳ замонида бўлганларида У зотга имон этмасларди.”

Саййид Тоҳо Хаккорий ҳазратлари вафо ва садоқатда ҳазрати Абу Бакр Сиддиқ, шижоат ва адолатда ҳазрати Умар, ҳаё ва ҳилмда ҳазрати Усмон, вилояти куброда ҳазрати Алини (родиаллоҳу анҳум) тамсил этардилар. Гўё Расулуллоҳга яқин бўлган Асҳоби киромдан бири каби эди.

Виқор ва ҳайбатидан атрофидагилар муборак юзига тик қарай олмасдилар. Юзидаги ҳайбат нури ўн тўрт кечалик ойдек кўзларни қамаштирарди. Пешонаси кенг, қошлари қалин, икки қошларининг ораси очиқ, муборак кўзлари қора, юзлари юмалоқдан келган, чамбар соқолли, ўрта бўйли худди бир нур парчаси эдилар. Кўнгил соҳиблари кўришлари билан зотига руҳан ошиқ бўлар эдилар. Суҳбатларида иштирок этганлар ошиқликдан ўзларидан кетиб қолардилар. Наҳри ҳудудига кирганида файз ва муҳаббат ифорлари ақлли бўлган ва кўнгил соҳибларини истило этарди. Зиёратчилар таҳоратсиз ҳолда Наҳрига киролмасдилар.

Саййид Тоҳо ҳазратлари таҳажжуд намозини аксарият ўз уйида, баъзан масжидда ўқирдилар. Чошгоҳ намозини ҳар доим масжидда ифо этардилар. Ҳар куни мадрасаларни назорат қилар, мударрис ва талабаларнинг таҳсилини тадқиқ этардилар. Мударрисларнинг мушкул масалаларини ҳал этарди. Наҳри чумоли инидек доим солиҳлар ва толиблар билан қайнаб ётарди. Минглаб кўнгил соҳиблари файз олиш учун бўйинларини эгиб, бу даргоҳга оқиб келардилар. Кечаю кундуз бу мақомнинг зикр, фикр, ибодат ва тоатсиз бир они ҳам бекор ўтмасди. Саййид Тоҳо ҳазратлари даргоҳга ташриф буюрганларида барчанинг қалби кўнгли инжу сочилган тилларидан чиқадиган сўзларга боғланарди.

Аср намозидан кейин “Хатми хажагони кабир”, сўнгра имоми Раббоний ҳазратларининг “Мактубот”и ўқиларди. Саййид Фаҳим

ҳазратлари Наҳрида бўлса унга, бўлмаса муҳтарам куёвлари ва халифалари Саййид Абдулаҳад ҳазратларига ўқитардилар.

Бунда баъзи калима ва жумла устида қилинган кенг изоҳлар суҳбатларининг асосини ташкил этарди. Наҳрида меҳмонлар, масалан бош вазир бўлса ҳам, шом билан хуфтон орасида овқатланишга танаффус берилмасди. Бу вақт зикр, фикр ва ибодат билан ўтказиларди. Кечки овқат шом намозидан аввал ейиларди. Мухлислари ва талабаларидан ҳеч кимни унутмас, ҳар бирининг аҳволини сўраб-суриштирардилар. Кимнинг бирон ташвиши бўлса, дарров уни ҳал этишга ҳаракат қилардилар. Силаи раҳмга, қариндошлар зиёратига аҳамият берар, муҳтожларнинг эҳтиёжини қондирардилар. Устозининг тавсиялари бўйича, давлат одамлари билан алоқа қилмас, фақат баъзи мусулмонларга зарар етмаслик учун уларга мактуб ёзардилар. Ҳолбуки Султон Абдулхамид хондан бошлаб, бутун давлат одамлари у зотнинг ҳар бир амрларига тайёр эдилар.

Саййид Тоҳо Хаккорий ҳазратларининг жуда кўп кароматлари бордир.

Бир кеча ўғри Саййид Тоҳо ҳазратларининг омборига кириб, бир қоп ун ўғирламоқчи бўлди. Қопни тўлдирди, лекин уни кўтаролмади. Ярмини бўшатди, лекин барибир кўтаролмади. Яна бироз бўшатди. Яна кўтаролмади. Шу вақт Саййид Тоҳо ҳазратлари омборга келиб “Нима қопни кўтара олмаяпсанми? Сенга ёрдамлашай” дедилар. Ўғри буни эшитиб, тахтадек қотиб қолиб, ҳеч нарса деёлмади. Саййид ҳазратлари қопни кўтариб, ўғрининг елкасига қўйгандан кейин “Буни ол-у бу ердан кет, бизнинг одамларимиз кўрмасин. Кўриб қолишса, озор беришади. Энди яна бирон эҳтиёжинг бўлса, омборга эмас, бизга келгин!” деганида ўғри тавба қилиб, содиқ талабаларидан бўлди.

Устози Мавлоно Холид Бағдодий ҳазратлари унга ёзган бир мактубида айтдики: “Аллоҳу таоло қалбим севгилиси Саййид Тоҳони фано ва бақо мақомларининг ниҳоясига эриштириш билан шарафлантирсин. Бу фақирга муҳаббат ва ихлос боғи билан боғлиқлигингизни билдирган мактубингиз келди. Юксак Нақшибандия йўлига хизмат этаётганингиз ва Қуръони каримни бир усул билан хатм қилаётганингиз ҳақидаги хабарга жуда севиндик. Ихлосли бўлиш шарти билан инсонлар сизнинг воситангизда

Аллоҳу таолога ибодат этиш, жаноби пайғамбаримизнинг суннати саниясига эргашишдек нима иш қилсалар ҳам, улар қозонган савоб қадар сизнинг амал дафтарингизга ҳам савоб ёзилади. "Яхши йўл очган кишига очган йўлининг савоби берилганидек бу йўлда юрадиганларнинг ҳам савоби берилади. Бу билан бирга уларнинг савобидан зарра қадар камаймайди" ҳадиси шарифи бу сўзимизга очиқ далилдир. Сизга Аллоҳу таолонинг саломи, раҳмат ва баракати бўлсин. Қулларнинг энг заифи Холид Накшибандий."

Саййид Тоҳо ҳазратлари талабаси Саййид Сибғатуллоҳ Арвосийга ёзган форсча бир мактубида шундай деганди: "Икки нарсани муҳофаза қилмоқ лозимдир. Булар диннинг соҳибига чамбарчас боғлиқлик ҳамда устозига ихлос ва муҳаббатдир. Бу икки нарса бўлса, нима берилса ҳам неъматдир. Бу иккиси қувватли бўлиб, бошқа ҳеч нарса берилмаса ҳам хафа бўлмаслик керак. Охирида барибир берилади. Агар, Аллоҳ сақласин, бу икки нарсадан бирида камчилик ва нуқсон бўлса-ю, бу билан бирга ҳоллар ва завқлар берилса, буларни истидрож деб билиш керак. Тўғри йўл будир. Аллоҳу таоло муваффақ қилсин!"

Ироқдан икки саййид ўсмир ҳадяларни олти хачирга юклаб, Наҳрига Саййид Тоҳо ҳазратларига келтириш учун йўлга чиқдилар. Харунан қишлоғидан ўтаётганда Саййид Тоҳо ҳазратларининг буюклигини инкор этувчи Мусо бей исмли киши, хачирларни юклари билан бирга тортиб олди. Йигитлар йиғлаганча Наҳрига келиб, Саййид Тоҳо ҳазратларини хабардор қилдилар. Саййид Тоҳо ҳазратлари Мусо бейга хабар юбориб "Бу хачирларнинг юклари менга оид бўлганидан юклар сеники бўлсин. Бу ёш йигитлар саййиддир. Уларга марҳамат қилгин, хачирларини қайтариб бергин" дедилар. Муса бей амрларга қулоқ солмай, хачирларни қайтармади. Иккинчи марта хабар юбориб "Менинг номим ва ҳурматим учун берсин" деб илтимос қилдирдилар. Бунга ҳам қулоқ солмаганидан кейин Саййид Тоҳо қаттиқ ғазабланиб "Қани Жума келсин-чи, бермаганини кўрамиз" дедилар. Жума кечаси Наҳридан талабалари бориб, ишнинг натижасини кутдилар. Бей меҳмонхонасида ҳамтовоқлари билан Саййид Тоҳонинг авлиёлигини инкор қилиб, бу хусусда ҳаддидан ошиб, бўлмағур гаплар айтиб ўтирарди.

Бу фисқ мажлисидан сўнг ётоқхонасига кириб ётиши билан ошқозонида оғриқ пайдо бўлиб "Қорним!.. Қорним!.." дея жон

берди. Вазиятни тушунган тўққиз ўғли зудлик билан хачирларни юклари билан Наҳрига олиб бориб топширдилар ва Саййид Тоҳога ёлвордилар: "Марҳамат қилиб отамизнинг дафн маросимида бўлиб, дуо қилинг!" уларга жавобан: "Менинг у ерга боришимнинг унга ҳеч фойдаси йўқ" дедилар. Фарзандлари ялиниб-ёлвориб қўймадилар. Ниҳоят ҳазрати Саййид ўринларидан туриб, жанозага бордилар. Майитнинг қоп-қора бўлиб қолганини кўрдилар. Дафндан кейин Саййид Тоҳо "Менинг келишимдан зарра қадар фойда кўрмади" дедилар. Жаноби Ҳақ бир саййидни ҳақорат қилишнинг, уни ранжитишнинг жазосини берди. Буни ҳамма очиқ-ойдин кўрди.

Ван шаҳрининг Гурпинор туманидан бир зот Наҳрига келиб Саййид Тоҳога шогирд бўлишни истади. Қабул этилганидан кейин ортига қайтиб, уйига келди. Талаба бўлганидан бир неча кун ўтгач, молларининг бир қисмини бўри еб кетди. Шайтон "Бу устозга шогирд тушиш сенга ярамади, хосиятсиз келди" деб васваса берди. Бу шогирд ниҳоят Саййид Тоҳо ҳазратларининг унга ҳадя қилган тасбеҳини қайтариб бериши учун Кўса Халифа номли устозининг халифасига ташлаб келди. Нияти устозидан ажралиш эди. Тасбеҳни Саййид Тоҳо ҳазратларига берганларида у зот шунчаки табассум қилдилар. Орадан ойлар ўтганди. Бир куни Саййид Тоҳо ҳазратлари пешин намозига тураётганида бирдан муборак қўлларини олдинга силкитиб "Даф бўл, ё лаъин!" деб намозни бошладилар. Намоздан кейин Кўса Халифа "Устоз, қўлларингизни силкишдан мақсад недир?" деб сўради. Саййид ҳазратлари "Гурпинорда бир мусулмон сакаротда экан, шайтон алайҳилаъна унинг имонсиз кетиши учун уринарди. Буюкларнинг баракати билан даф қилинди. Бу одам имон билан жон таслим қилди" деб жавоб бердилар. Халифа Кўса "Тасбеҳни қайтариб берган кишими?" деб савол қотди. Саййид Тоҳо "Ҳа, ўша" дедилар. "Устоз, нимага ёрдам қилдингиз. У одобсизлик қилиб, ҳадянгизни қайтариб берганди" деганида "Майли, у бир вақтлар бизни озгина бўлса ҳам севганди" деб жавоб бердилар.

Саййид Тоҳо ҳазратлари ўзини Мавлоно Холид Бағдодий ҳазратларига олиб борган валинеъмати амакиси Саййид Абдуллоҳ ҳазратларига бу буюк неъматнинг шукри сифатида доим ҳурмат ва хизматда бўлдилар. Уни ҳар доим яхшилик билан ёд этдилар

ва руҳига жуда кўп савоблар жўнатдилар. Бундан ташқари “Вафот этганимда қабримни қабристоннинг энг устки тарафига қазингки, мени зиёрат қилишга келганлар амаким Абдуллоҳ ҳазратларининг қабрлари орқали ўтишга мажбур бўлсинлар. Шу тариқа у зотни ҳам зиёрат қилиб, руҳига савоблар ҳадя этсинлар” дедилар. (Бу қабристоннинг ичида битта сўқмоқ йўл бор эди. Саййид Абдуллоҳнинг қабри киришда эди. Саййид Тоҳо ҳазратларининг қабрига бормоқчи бўлган киши Саййид Абсдуллоҳнинг қабри ёнидан ўтиши лозим.)

Бир куни Саййид Тоҳо ҳазратлари Саййид Сибғатуллоҳга айтдиларки:

“Мулла Сибғатуллоҳ! Устозга муҳаббат ва у билан суҳбат барча нарсадан устундир. Чунки устоз камол мартабаларининг энг юксагига эриштириш ва унга маърифатларни бериш билан шогирдининг дил хасталигини даволайди.”

Яна айтдиларки:

“Шоҳ-и Нақшбанд ҳазратлари йўлининг асосини Асҳоби киромнинг йўли устига қурганлар. Улар Расулуллоҳнинг муҳаббати билан етишганидек, бизга ҳам устозга бўлган муҳаббат етарлидир.”

Бир халифасига шундай дедилар:

“Халққа аввал ишора билан муоамала қилгин, бу фойда бермаса ибора (сўз) билан сўзлагин. Бу ҳам фойда бермаса, ундан юз ўгиргил. Сен бировдан юз ўгирсанг, Расулуллоҳгача бутун Силсилаи олия буюклари ундан юз ўгиради.”

Турли вақтлардаги суҳбатларида айтардиларки:

“Амалларингизни ужб (ўз-ўзига бино қўйиш, ўзини ёқтириш, ибодатларини хуш кўриш) билан бажариш орқали зинҳор маҳв қилманг! Бизнинг йўлимиздаги йўлчиларнинг фойдалари ота-оналарига ҳам тегади.”

Тоҳо Хаккорий ҳазратлари Наҳрида қолган қирқ икки йил давомида исломиятнинг амр ва тақиқларини инсонларга билдириб, уларнинг дунё ва охиратда қутулишлари учун тиним билмай ҳаракат қилдилар. Бутун устозлари каби исломнинг гўзал ахлоқини атрофига ёйдилар. Сиёсатга аралашмадилар. Кўплаган авлиё етиштириб, уларга хилофат бериб. зиммаларига Исломият-

нинг амр ва тақиқларини ёйиш вазифасини юкладилар. Халифаларининг энг машҳурлари: биродари Саййид Муҳаммад Солиҳ, Саййид Сибғатуллоҳ Арвосий, Саййид Фаҳм Арвосийдир. Булардан бошқа халифалари ҳам бор.

Саййид Тоҳо Хаккорий ҳазратлари 1852 йили аср вақтида Ҳарам чашмаси деган дарахтзорда шогирдлари билан суҳбат қиларди. Суҳбат вақтида иккита мактуб келди. Буларни қийматли куёви Абдулаҳад Афандига ўқитганидан кейин "Абдулаҳад! Шуҳрат офатдир. Энди бизнинг дунёдан кетиш вақтимиз келди" дедилар. Абдулаҳад "Тинчликми устоз? Шомдан келган бу икки мактуб нима эди?" деди. Шу куни суҳбатдан кейин хонаи саодатларига кирдилар ва бетоб тушдилар. Ўн бир кун хаста ётдилар. Хасталиги оғир бўлишига қарамай намозларини имкон борича тик туриб ўқишга ҳаракат қилдилар. Хасталигининг ўн иккинчи, шанба куни талабалари ва яқинлари билан рози-ризолик олиб, видолашдилар ва васиятини қолдирдилар. Укаси Саййид Солиҳ ҳазратларини чақиртирдилар. У ҳақида "Биродарим Солиҳ комил бир авлиёдир. Ҳамманинг боши унинг этакларидан ҳам пастроқдадир" дедилар. Ўрнига Солиҳ биродарини халифа қилиб қолдирдилар. Аср вақтида шогирдларининг Ёсини шариф тиловати асносида муборак руҳини калимаи тавҳид айтиб, таслим этдилар.

Қабри Наҳридадир. Уни севадиган ошиқлари узоқ жойлардан келиб, муборак қабридан тараётган нурлардан, файзлардан истифода қилмоқда, баракатланмоқдалар.

Сен излаган нарса бу даргоҳда йўқ

Мусул тарафларда шайхлик даъвосида бўлган бир кимса шогирдларидан бирини Саййид Тоҳо ҳазратларининг ёнига юбориб, "Саййид Тоҳога суннатга хилоф бирон ножўя иш ишлатмасдан ортингга қайтма!" деди. Шогирди Наҳрига келди. Аср намозидан сўнгра Саййид Тоҳо ҳазратларининг масжид олдида турган пойафзалидан чап пойини узоқроққа суриб қўйди. Бу билан масжиддан ўнг оёқ билан чиқишини ва шу тариқа суннатга мос бўлмаган бир иш қилдиришни режалаштирганди. Лекин Саййид Тоҳо ҳазратлари одамлар орасидан у кишига "Олган пойафзални дарров ўрнига қўйгин! Сен излаган нарса бу даргоҳда йўқ" дедилар.

Ҳасса ва калтак

Харки қабиласидан Мулла Абдуллоҳ исмли бир мударрис иккита шогирди билан Наҳрига зиёратга кетаётганида йўлда анҳор бўйига дам олгани қўнишди. Мулла Абдуллоҳ гап орасида талабаларига "Ҳамма Наҳрига таҳоратли ҳолда боради. Ҳеч ким таҳоратсиз қишлоққа кирмаган. Мен ушбу одатни бузиб, таҳоратсиз бораман" деди. Талабалари "Устоз, биз ҳам одатни бузмасдан таҳоратли ҳолда борайлик" десалар ҳам "Нима бу диннинг ҳукмими? Мен қилмайман" деди. Бу орада юз-қўлини юваётганида қўлтиғидаги ҳассаси сувга тушиб кетди. Қўлини узатиб, ҳассасини олмоқчи бўлганида, ҳикмати илоҳий, ҳасса унинг юз-кўзига урилиб, башарисини қонга белади. Сўнгра ҳасса йўқ бўлди. Мударрис Мавлоно ҳақида гапирганларига пушаймон бўлди. Яраларини боғлаб, таҳорат олди. Наҳрига борди. Саййид ҳазратларининг ҳузурига кириб, ҳассасини деворда осилиб турганини кўрди. Нигоҳи ҳассада қотиб қолганида Саййид Тоҳо ҳазратлари "Менимча, мана шу ҳассадан калтак едингиз" дедилар. Мулла Абдуллоҳ қилганларига пушаймон бўлиб, тавба қилди. Талабаси бўлиб шарафланди.

Саййид Муҳаммад Солиҳ ҳазратлари

Саййид Муҳаммад Солиҳ Усмонли империяси вақтида Туркияда етишиб чиққан авлиёларнинг энг улуғларидан. Силсилаи олиянинг ўттиз иккинчисидир. Буюк авлиё Саййид Абдулқодир Гейлоний ҳазратларининг ўн биринчи невараси ва Тоҳо Хаккорий ҳазратларининг укаси бўлиб, саййиддир. 1865 йили Наҳрида вафот этди. Қабри акаси ҳамда устози бўлган Саййид Тоҳо Хаккорий ҳазратларининг оёқ тарафидадир.

Саййид Солиҳ кичик ёшлигидан Қуръони карим ўқишни ўрганди. Жуда зукко эди. Қисқа вақтда Қуръони каримни ёд олди. Мадрасага бориб, тафсир, ҳадис, фиқҳ каби зоҳирий илмлар билан бир қаторда замонининг фан ва адабиёт билимларини ҳам ўрганиб, буюк олим бўлди. Тасаввуфда ҳам етишиб, қалб илмларида маърифат соҳиби бўлиш учун акаси Саййид Тоҳо Хаккорийнинг суҳбатлари билан шарафланди. Бир неча йиллар хизматида бўлди.

Муборак таважжуҳларига қовушди. Вилоят даражаларида жуда юксалди. Устози унга ижозат бериб, шогирд тарбиялаш учун Бардасурга жўнатди. Саййид Солиҳ ҳазратлари у ерда талабага дарс беришни бошладилар.

Саййид Тоҳо ҳазратларидан вафоти яқинлашганда «сиздан кейин бу мақомга кимнинг ўтириши муносиб бўлур?» деб сўраганларида “Бproducedарим Солиҳ комил ва етукдир. Бошқаларнинг боши унинг пойқадами тагидадир” дея Саййид Солиҳни кўрсатган эдилар. Саййид Солиҳ ҳазрат хаста қалбларга шифо бўлган суҳбатлари билан қанчадан-қанча ошиқларнинг камолга келишига, Ҳаққа яқинлашиб, валийлик мартабасига эришишларига восита бўлдилар.

Саййид Солиҳ ҳазратлари муҳаббат ва одоб соҳиби бўлиб, вароъ ва тақвоси кучли эди. Ҳаромлардан қаттиқ сақланар, шубҳали бўлган мубоҳларнинг ҳам кўпини тарк этардилар. Кунларнинг аксариятини рўза тутиб ўтказарди. Кечаларини ибодат билан кечириб, пешинга яқин қайлула қилиб, ухлаб олар ҳамда суннати шарифага эргашардилар. Жуда марҳаматли бўлиб, ҳеч кимни ранжитмасдилар. Инсонларнинг жаҳаннамда ёнмаслиги учун қўлидан келган ғайратни кўрсатар, Аллоҳу таолонинг амрларини билдирар, ҳаромлардан сақланишларини таъминлардилар. Ҳатто ғайри муслимларга ҳам яхшилик қилардилар. Шу сабабли эътиқодидан қатъий назар барча у зотни севарди.

Саййид Тоҳо ҳазратларининг ўғли Убайдуллоҳ отасининг ўрнига ўтирган амакиси Саййид Солиҳ ҳазратларига талаба бўлмасдан, бошқа халифаси Саййид Фаҳим ҳазратларига талаба бўлишни хоҳлайди. Фаҳим Арвосий эса унга “Муҳтарам отангиз ўз ўрнига Саййид Солиҳ ҳазратларини қолдирганлар. Шу сабабли биз ҳам, сиз ҳам унинг суҳбатига бориб, унга тобе бўлишимиз лозим” дейди. Убайдуллоҳ бунга қарамай эътироз қилди. Шунда Фаҳим Арвосий “Муборак устозимизнинг қабрига бориб сўраймиз. Нимани буюрсалар, шуни ишлайсанми?” дейди. У “ҳа” деб жавоб беради. Қабристонга киришда пойафзалларини ечиб, қабрнинг ёнига борадилар. Ҳали ҳеч нарса деб гапирмасларидан Тоҳои Хаккорий ҳазратларининг “Фаҳим Убайдуллоҳни укам Солиҳнинг ёнига олиб боргин” деб буюрганини эшитишади. Убайдуллоҳ отасининг

бу амрини эшитиб, тезлик билан амакисининг олдига чопади.

Саййид Солиҳ 1865 йили хасталанди. Талабаларини тўплаб, ҳар бири билан розилик сўраб, хайрлашди. Васиятини қолдириб, “Қабримни акам Саййид Тоҳо ҳазратларининг қабри шарифининг оёқ учи тарафдан қазинглар. Адабга риоя этиб, қабрда ҳам муборак оёқлари бошим устида турадиган ҳолда бўлишини таъминланглар. Биздан кейин Саййид Фаҳимга тобе бўлинглар” дедилар. Сўнгра шогирдлари Қуръони карим ўқиётган вақтда вафот этиб, севганларига қовушдилар. Васиятини айнан бажардилар. Қабрини устозининг оёқ учи тарафидан қаздилар. Ҳозирда бу икки қабрда учта қабр тоши бор. Яъни Саййид Тоҳо ҳазратларининг оёқ учидаги тош Саййид Солиҳ ҳазратларининг бош тошидир.

Саййид Муҳаммад Солиҳ ҳазратларининг вафотидан кейин ўрнига Саййид Фаҳим Арвосий ҳазратлари ўтиб, вазифасини давом эттирдилар. Инсонларга исломиятнинг амр ва тақиқларини ўргатиб, уларнинг нажотларига васила бўлдилар.

Саййид Сибғатуллоҳ Ҳизоний ҳазратлари Усмонлилар даврида яшаган олим ва авлиё бўлиб, Саййид Тоҳо Хаккорий ҳазратларининг талабаларидандир. 1870 йили вафот этди. Қабри Ҳизоннинг Ғайда қишлоғидадир.

Кичик ёшлигидан илм таҳсилини бошлади. Отаси Саййид Лутфуллоҳ афанди унинг етишиши учун кўп ғайрат сарфлади. Жуда закий бўлган Саййид Сибғатуллоҳ қисқа вақтда калом, тафсир, ҳадис, фиқҳ каби зоҳирий илмларни ўрганди. Замонининг фан билимларида ҳам мутахассис бўлди. Бидъатдан узоқ бўлиб, жаноби пайғамбаримизнинг суннатига мос ҳолда ҳаёт кечиришга ҳаракат қилди. Тасаввуфга қаттиқ боғлиқлик ҳис қилди. Кўплаган олим ва авлиё зотларнинг илм мажлисларида, суҳбатларида бўлди. Ван шаҳрига бориб, Саййид Муҳйиддин афандининг хизматига кирди. Саййид Сибғатуллоҳ устози берган вазифаларни бажариш учун жон-жаҳди билан ҳаракат қилди. Оғир риёзатлар ва мужоҳадалар чекди. Яъни нафсининг истаганларини қилмай, истамаганларини ишлаб нафсини тарбиялади. Узоқ йиллар устозига хизмат ва суҳбатида бўлиш билан шарафланди. Ниҳоят бир куни устози унга “Вафот этган авлиёлардан истифода этадиган, фойдаланадиган мақомга келдинг” дедилар. Саййид Муҳйиддин вафот этгач,

Шайх Холид Жазрий ҳузурига борди. Бу муборак зотнинг ёнида вафот этгунча бўлиб, суҳбатлари билан шарафланди. Сўнгра Саййид Тоҳонинг Мулла Мурод Хурусий орқали юборган "Ўз уйингга қайт!" хабарига биноан Тоҳо Хаккорийнинг шарафли хизматига келиб, ҳақиқий ва асосий уйига қайтди. Унинг бебаҳо суҳбатларини худди чўлда чанқаганда берилган сувдек руҳига ҳаёт берувчи васфда топди. Саййид Тоҳо ҳазратлари жаноби Расулуллоҳдан муршидлари воситаси билан келаётган файзу баракатларни унинг қалбига қуйди. Қалб кўзи очилиб, юксак мақомларга эришди. Муршиди Саййид Тоҳо ҳазратлари вафот этгач, унинг халифаси Саййид Солиҳ ҳазратларининг суҳбатларига давом этди. Саййид Тоҳонинг ҳузурида камолу икмол мартабаларига етишган Саййид Сибғатуллоҳ Ҳизон ва Ғайдада халқни иршод қилишга киришди ҳамда инсонларга исломиятнинг амр ва тақиқларини ўргатди. Суҳбатларига қатнашиб, бир таважжуҳларига мазҳар бўлган кишининг қалбига Аллоҳу таолонинг муҳаббати дарров жойлашарди. Диннинг амрларига қаттиқ амал қилар, тақиқларидан сақланарди.

Айтардики:

"Шогирд бамисоли товус бўлмоғи керак. Лекин ўзи гўзал қанотларига, ранг-баранг патларига эмас, қора оёқларига боқмоғи керак. Нафсини қусурли деб билмагунича истиқоматни қўлга киритиб бўлмайди. Ўзига шундай танқидий назар билан қарамаслик катта гуноҳдир. Муҳаббат, ихлосли амал ва ғайрат шогирд бўлмоқнинг шартидир. Булардан бирининг кам бўлиши маънавий фалокат аломатидир."

Авлиёнинг ҳолларини билиш ва тинглаш ҳақида айтдиларки:

"Авлиёнинг манқибаларини тинглаш муҳаббатни орттиради. Асҳоби киромнинг манқибалари имонни қувватлантиради, гуноҳларни ювади."

Саййид Тоҳо ҳазратлари унга ёзган мактубида "Шогирднинг устозига бўлган ихлос ва муҳаббати кучли, итоати дуруст бўлса-ю лекин ҳол соҳиби бўлмаса зарари йўқ. Фақат бу уч ишдан бирида нуқсонлик бўлиб, ҳол ҳам бор бўлса, Аллоҳ сақласин, бу истидрождир. Бу шаковат (шаккоклик) аломатидир" деганлар. Бу мактубдаги маъно шунчалик теранки, бир йил бўйи барча ваъзларини мана шу сўзлар билан бошлагандилар.

Вафот этишларидан аввал айтдиларки:

“Мақсад исломият билдирган йўлда истиқомат узра бўлмоқдир. Бидъатдан ва исломиятга зид бўлган амаллардан файз олинмайди. Тасаввуф исломиятга эргашиш деганидир. Исломиятга эргашмасдан вилоятга, яъни авлиёликка эришилади деган кимса бузуқ ва зиндиқдир (имонсиз). Намозлардан кейин дарров истиғфор айтинг. Исломият билдирган хусусларга эргашмаган ва суннатларни тарк этган одам пир, муршид, раҳбар, яъни динда йўл кўрсатувчи бўла олмайди.”

Саййид Фаҳм Арвосий ҳазратлари

Саййид Фаҳм Арвосий ҳазратлари Туркиянинг шарқида етишиб чиққан буюк авлиёлардан. Силсилаи олиянинг ўттиз учинчисидир. Усмонли давлатининг сўнгги даврларида яшаган. Саййидлардан бўлиб, “Ҳазрати Шайх” ва “Аллома” деган лақаблари ҳам бор. “Арвосий” деган ном билан машҳур бўлган. Отаси Саййид Абдулҳамид Арвосийдир. 1825 йили Ваннинг Боғчасарой (Мукус) туманига қарашли Арвос қишлоғида туғилди. 1895 йили шу қишлоқда вафот этди. Қабри ҳам шу ерда ва ҳамон муҳиблари томонидан зиёрат қилинмоқда.

Покиза оиласи ўлканинг шарқий вилоятларида илм, ирфон ва гўзал ахлоқ васфларининг тимсоли эди. Замонанинг олими, фазилат намунаси бўлган боболари Қодирий ва Чаштий йўлларига мансуб эдилар. Отаси Арвос қишлоғининг даргоҳ, хонақо ва мадрасаларини бошқарарди. Саййид Фаҳм кичик ёшида отаси Саййид Абдулҳамид афандини йўқотди. Онаси саййида Амина хоним зоҳида, тақво ва варо соҳиби бўлган солиҳа аёл эди. Жуда кўп аёл хизматчилари бўлса ҳам илм толибларининг кийимларини ўз қўли билан ювиб, ёрдам қиларди.

Ёшлигидан илм ўрганишни бошлаган Саййид Фаҳм қисқа вақтда Қуръони каримни хатм қилди ва ёд олди. Сўнгра боболари қурган ва кўп йиллардан бери илм манбаи бўлиб, жамиятга олимлар тайёрлаб бераётган Арвос мадрасаси билан Мукусдаги Мир Ҳасан Валий мадрасасида асос диний илмларни ва фан билимларини ўрганди. Қисқа бир муддатга илм таҳсилига танаффус берди.

Сўнгра Жизрага бориб, Мавлоно Холид Бағдодий ҳазратларининг халифаларидан Шайх Холид Жазарийнинг дарсларига қатнашди. Қисқа вақтда тенгдошларидан ўзиб, илмда илгарилади. Диний илмларни ва замонининг фан билимларини ўрганди.

Саййид Фаҳм Жизрада илм таҳсили билан машғул бўлган вақтда амакисининг ўғли саййид Сибғатуллоҳ афанди ҳам Жизрага келиб, Мавлоно Холид Бағдодий ҳазратларининг талабаси бўлган Шайх Солиҳ Сибкий ҳазратларидан илм ўрганди. Жизрадан қайтишда Ванга кирди. Шу кунларда буюк авлиё Саййид Тоҳо Хаккорий ҳазратлари ҳам Наҳрийдан Ванга келганди. Саййид Тоҳо ҳазратларининг танланган асҳобидан бўлган амакиси Саййид Муҳаммад, Саййид Сибғатуллоҳга бориб Саййид Тоҳо Хаккорий ҳазратларига шогирд тушишини тавсия қилди. Шу тавсия бўйича Саййид Тоҳо ҳазратлари ҳузурига бориб шогирд тушган саййид Сибғатуллоҳ у зотнинг хизмат ва суҳбатларида бўлиб, тасаввуф йўлида илгарилади. Қисқа муддатда етишиб, инсонларга исломиятнинг амр ва тақиқларини билдириш хусусида ижозат ва хилофат олди. Ван ҳокими ва аҳолиси шу ерда қолишини ўтиниб, ҳеч қўймадилар. Лекин у “Наҳрийга қайтаман, агар Саййид Тоҳо ҳазратлари рухсат берсалар, бу ерда қоламан” дедилар. Ванда қолиш истагини арз қилганларида Саййид Тоҳо ҳазратлари “Йўқ Мулла Сибғатуллоҳ! Ван халқининг ҳиммати нуқсондир. Ваннинг фатҳи менинг ва сенинг қўлингда эмас. Кашф оламининг маълумотига кўра, сизнинг сулолангиздан, яъни Арвосий хонадонидан, илм ва ирфони билан танилган, Аллоҳ билади, фақат унинг (Саййид Фаҳмни назарда тутмоқда) воситаси билан Ваннинг иршоди мумкин бўлади” дедилар. Саййид Сибғатуллоҳ Арвосий ҳазратлари “Бу зот амакимнинг ўғлидир. Жизрада илм таҳсили билан машғул, илм ва ирфони билан машҳурдир” дейди. Саййид Тоҳо “Кейинги келишингда у зотни муҳаққақ олдимга олиб келгин” деб амр қиладилар.

Саййид Сибғатуллоҳ кейинги сафар устозини зиёрат қилиш учун келганида ёш Саййид Фаҳмни ҳам бирга олиб келади. Саййид Тоҳонинг ҳузурига кириб, суҳбати билан шарафландилар. Кетадиган вақтида Саййид Сибғатуллоҳ ва ёнидагилар Саййид Тоҳонинг қўлини ўпиб, изн олдилар. Саййид Сибғатуллоҳ Саййид Фаҳмнинг орқада қолиб кетганини кўриб, у учун ҳам изн сўради. Лекин

Саййид Тоҳо ҳазратлари Саййид Фаҳмнинг қолишини муносиб кўриб “У шу ерда қолсин” дедилар. Саййид Тоҳо ҳазратларининг хизматида қолган Саййид Фаҳм қисқа муддатда камолга етди. Саййид Тоҳо ҳазратлари у ҳақида “Бошқалар олти ойда ўтган масофани Саййид Фаҳм йигирма тўрт соатда босиб ўтди” дедилар.

Саййид Тоҳо ҳазратлари бир куни Жомеи шарифнинг деворига суяниб, Саййид Фаҳмни ишора қилиб, ёнига чақирдилар. Ёнига келгач “Жуда закий, илмга истакли ва қобилиятлисан. Муҳаққақ “Мутаввал” китобини ўқишинг керак” деди. Саййид Фаҳм “Китобим йўқ, устоз. Биз тарафларда “Мутаввал” ўқилмайди” деганида ўзининг китобини ҳадя этдилар. Муш вилояти Буланиқ тумани Обирий қишлоғида Мулла Расул Сибкий исмли буюк олимга бориб, ўқишни тавсия қиладилар. Ҳузуридан кетаётганида “Сен закий ва тадқиқ қилувчи шогирдсан. Саволларингга устозлар қониқтирувчи жавоб беролмайдилар ва безовта бўладилар. Дарс вақтида бирон мушкулот пайдо бўлса, уларни безовта қилмагин. Қўлингни кўксингга қўйиб, мени эслагин. Иншаллоҳ дарҳол мушкулингни ҳал қиламан” дедилар.

Устозининг қўлини ўпиб, дуосини олган Саййид Фаҳм Арвосий “Мутаввал” ўқиш учун замонининг Шарқий Онадўлидаги энг буюк олимларидан бўлган Мулла Расул Сибкийнинг ҳузурига борди. Мулла Расул “Мен анчадан буён Арвос оиласига мансуб бирон одамга дарс бериш орзусида эдим. Чунки ўзим Арвосда Мулла Расул Закийдан ўқидим. У оилага мансуб бу зотда зукколикдан асар ҳам кўринмайди. Аслида бу оиланинг инсонлари жуда закий бўлишарди” деди. Саййид Фаҳм Мулла Расулдан дарс олишни бошлади. Лекин Саййид Тоҳо ҳазратларининг тавсияси бўйича, дарс вақтида савол бермасликка қаттиқ аҳамият берарди. Ҳатто Мулла Расул Саййид Фаҳмнинг шогирдларидан бири бўлган Мулла Холиддан “Устозинг умуман савол бермайди. Тушунмаяптими ёки ухляптими?” деб сўради. Мулла Холид эса “Мен анча йиллардан бери бу зотнинг ёнида ўқийман. Бир вақтлар устозларига шунчалик кўп ва хўб саволлар берар, улар эса жавоб беришдан ожиз қолар эди. Лекин Наҳрийдан қайтганларидан кейин савол беришни қўйдилар. Илм ўрганиш қобилиятига келсак, айбга буюрмайсиз, мен уни сиздан юксак деб тахмин қиламан” деди.

Бир куни Мулла Расул “Мутаввал” ўқиётганида ундан “Шу жойини тушунмадим” деди. Мулла Расул тушунтиришга уринди. Лекин Саййид Фаҳм Арвосий яна тушунмаганлигини айтди. Мулла Расул жумлани бир неча марта қайталаб ўқиганидан кейин маънодаги ғалатиликни сезди “Бугун чарчадим, эртага тушунтираман” деди. Эртасига ўқиди, лекин барибир изоҳлай олмади. Шу кеча Мулла Расул ҳам, Саййид Фаҳм ҳам ҳалиги жумланинг мағзини чақолмай ўйланиб чиқдилар. Учинчи куни яна шу жойига келганида Мулла Расул у ердаги нозикликни яна изоҳлашдан ожиз қолди. Шунда Саййид Фаҳм устози Саййид Тоҳо ҳазратларининг “Дарсда тушунмаган жойинг бўлса, мени эслагин” деганини хотирлади. Мулла Расул дарсни мутоала қилаётганида Саййид Фаҳм кўзларини юмиб, муршиди Саййид Тоҳо ҳазратларини кўз олдига келтирди.

Саййид Тоҳо ҳазратлари қўлида бир китоб билан кўринди. Китобни Саййид Фаҳмнинг олдига очиб қўйдилар. “Мутаввал”нинг шу саҳифаси эди. Ҳалиги сатрларни ўқиди. Саййид Фаҳм диққат билан кузатарди. Шу жумланинг орасига боғловчи бўлган “вов” ҳарфини қўшиб ўқидилар. Саййид Тоҳо ҳазратлари кўздан ғойиб бўлгач, Саййид Фаҳм ҳазратлари кўзларини очди. Мулла Расулнинг ҳалиям шу сатрларни ўқиб, ўйланиб ўтирганини кўрди. Мулла Расулдан «мен ўқиб кўрсам бўладими» деб изн истаб, устозидан эшитганидек битта “вов” қўшиб ўқиди. Мулла Расул буни эшитиб “Мана энди тушунарли бўлди” деди. Иккиси ҳам яхшилаб тушуниб олганди. Мулла Расул “Бу сатрларни йигирма йилдан бери ўқийман, тушунтираман. Лекин доим ўзим тушунмасдан тушунтирардим. Энди яхши тушундим. Энди менга тўғрисини айтгин, бу ифодани тўғри ўқиш сенинг ишинг эмас. Мен неча йиллардан бери буни тушунмадим. Сен битта “вов” қўшиб ўқиш кераклигини қаердан билдинг?” деди. Саййид Фаҳм муршиди Саййид Тоҳо ҳазратларини хотирлаб, ёрдам сўраганини айтди. Муршидидан қандай ўрганганини айтиб берди. Мулла Расул “Имондан кейин куфр йўқдир” деб китобни бекитди. Саййид Фаҳм билан бирга Наҳрийга йўл олдилар. Улар йўлда келаётганларида Саййид Тоҳо ҳазратлари “Саййид Фаҳм гўзал ҳадя билан келмоқда” деди. Бироз вақтдан сўнгра Саййид Фаҳм билан бирга келган Мулла Расул ҳам

Саййид Тоҳо ҳазратларининг суҳбатларига қатнашиб, талабаларидан бўлди. Унинг ҳузурида маънавий камолотга эришиб, зоҳирий илмларда бўлганидек тасаввуф илмида ҳам етишиб камол топди. Саййид Тоҳо ҳазратлари Мулла Расулга хилофат бериб, инсонларга исломиятнинг амр ва тақиқларини билдириш билан вазифалантирди.

Устози ва муршиди Саййид Тоҳо ҳазратларининг ҳузурига такрор қайтган Саййид Фаҳм унинг хизмат ва суҳбатларига давом этди. Саййид Тоҳо ҳазратларига бўлган муҳаббати туфайли у ётган хонанинг ташқари тарафидаги деразага тонггача тик турган турган ҳолда термулиб, унинг қуёшдай нур сочган файзларидан истифода этишга ҳаракат қиларди. Ҳатто бир марта бу билан кифояланмай, шиддатли қор ёғаётган совуқ кечаси эшикнинг шундоқ остонасида муборак бошини эшикка текказиб ётди. Қалин ёққан қор муборак баданини бекитди. Лекин муҳаббат билан ёнаётган қалби орқали турли-турли файз ва баракатларга эришди. Саййид Тоҳо ҳазратлари таҳажжуд намозини ўқишга масжидга бориш учун эшикни очди. Ташқарига қадам ташлаб, Саййид Фаҳмнинг елкасини босди. Саййид Фаҳм дарров қўзғалиб, муршидининг олдида одоб билан турди. Саййид Тоҳо ҳазратлари "Етар, Мулла Фаҳм. Менинг қаноатимга кўра бугун илмда мисли уммонсиз. Саййид Шариф Журжонийдан кейин илмда саййидларнинг юзини ёруғ қилдингиз. Бу илмни бунчалик ерга ташламанг" дедилар. Саййид Фаҳм ҳазратлари эса "Бу илмдан оладиган фойдам, сизнинг бир назарингиз орқали оладиган фойдамга етмайди. Мен ўз манфаатимни излаяпман" деб жавоб берди. Саййид Тоҳо буни эшитиб, уни бағрига босдилар. Қоронғи кечада жаҳонни равшанлаштирадиган маънавий нурларни эҳсон этдилар. Қўл ушлашиб, масжидга бирга кетдилар.

Саййид Тоҳо ҳазратларининг хизмат ва суҳбатида тасаввуф йўлининг энг юксак даражаларига чиққан Саййид Фаҳм буюк валий бўлдилар. Мутлоқ хилофат билан шарафланиш вақти келганида устози Саййид Тоҳо ҳазратлари уни ҳузурига чақирдилар. Инсонларга исломиятнинг амр ва тақиқларини етказиш, уларни дунё ҳамда охиратда саодатга, қутулишга эришишларига васила бўлиш вазифасини бердилар. Лекин Саййид Фаҳм "Бу жуда оғир юк. Буни

мен кўтара олмайман” дея бунга лойиқ эмаслигини арз қилдилар. Саййид Тоҳо ҳазратлари “Бу амри ихтиёрий ва истакка боғлиқ иш эмас, балки амри зарурий бўлиб, мажбурий ишдир” дедилар. Унга она юрти Арвосга қайтишини амр қилдилар. Йўлга чиқадиган вақтида яна ҳузурига чақирдилар, китобларининг ичидаги мактубларини кўрсатиб “Бу ихлос ва муҳаббат сизники эмасми? Нимага ўзингизни тортяпсиз? Қасам ичаманки, сизнинг хилофатингизни жаноби Расули акрам ва бутун саодати киром буюклари ҳам тасдиқлаганлар. Мен ҳам тасдиқлашга мажбурман. Сиз ҳам қабул этишга мажбурсиз” дедилар.

Қаноат, таваккул, зуҳд, муҳаббат, ризо ва таслимиятда жуда юксак муршиди комил бўлган ва “Саййид Тоҳони кўриб, тариқат ва ҳақиқатнинг нима эканлигини ўргандим” деган Саййид Фаҳм ҳазратлари устозининг амрига бўйсуниб, Арвосга қайтдилар. Арвос мадрасасини таъмирлаб, у ерда талабаларга илм ўргатдилар. Бундан ташқари, аҳли суннат эътиқодини, Асҳоби киромнинг йўлини ўргатиб, инсонларнинг саодатга эришишига ҳаракат қилдилар. Исломиятнинг амр ва тақиқларидан қилчалик ажралмасдан вазифасида давом этдилар. Ҳамма вақт офат деб билган шон-шуҳратдан қочдилар. Арвос мадрасасида камида эллик нафар талабага дарс бериб, “Модда-и кубро” номли асарни ўқитардилар. Ундан илм ўрганиб, таҳсилни тугатганлар Ван ва атрофида Раисул мударрисин номи билан танилдилар. Саййид Фаҳм ҳазратларининг илм ва маърифатдаги устунлиги қисқа вақтда ҳар тарафга ёйилди.

Саййид Фаҳм ҳазратлари устози Саййид Тоҳо ҳазратларини ҳар йили Арвосдан Наҳрийга бориб, зиёрат қиларди. Вафотидан кейин ўрнида қолган биродари Саййид Муҳаммад Солиҳ ҳазратларини ҳам зиёрат қилиб, суҳбатларида бўлди. Зеро Саййид Муҳаммад Солиҳ ҳазратлари Саййид Фаҳм ҳазратларининг суҳбатда устози эдилар.

Устозининг вафотидан кейин яна-да донгдор бўлган Саййид Фаҳм ҳазратлари илм ва фазилатда машҳур бўлдилар. Миср, Ироқ, Сурия ва атрофдаги аҳоли ҳал эта олмаган масалаларини унга олиб келардилар. Ечилиши мушкул кўринган масалаларни ҳал этардилар. Унинг суҳбатида бўлиш учун Арвосга келган кишилар дунёдан хабарсиз, шайтон ва нафсининг шарридан амин бўлиб,

муҳаббат дарёсига ғарқ бўлдилар. Ундан файз олиб, баланд даражаларга эришдилар. Суҳбат ва дарслари билан кўплаган инсонларнинг тўғри йўлга келишига васила бўлдилар. Шу тариқа Шарқий Онадўли (Туркия) халқининг сунний эътиқодида қолишини, бузуқ фирқаларнинг кириб келишига тўсқинлик қилиб, миллий бирликка хизмат қилдилар. Тўқсон учинчи йилги русларга қарши бўлиб ўтган урушда Шарқий Боязид жабҳасига бориб, қаҳрамонликлар ва муваффақиятлар кўрсатдилар.

Саййид Фаҳм ҳазратлари устози Саййид Тоҳонинг вафотидан кейин унинг амр ва тавсияларига амал қилдилар. Йилда икки марта Ванга ташриф буюриб, халққа амри маъруф қилардилар. Уларнинг дунё ва охиратда саодатга қовушишлари учун ҳаракат қилдилар. Ваъз ва суҳбатлари билан Ван халқининг исломиятга боғлиқлиги, шу билан бирга ўзининг ҳам шуҳрати ортди. “Дунёда Ван, охиратда имон” ибораси одамлар орасида кенг тарқалди. Саййид Фаҳм ҳазратлари Ванга келганида жуда кўп одамлар тўпланиб, тиқилинч бўларди. Замоннинг ҳокими, аскари ва мулкий аркони уни зиёрат этиб, суҳбатларидан баҳра олишарди. Бирор мушкул масалалари бўлса, сўраб, керакли жавобларини олишарди. Моддий ва маънавий бутун амрлари бажарилар, барча унга ҳурмат кўрсатишда қусурга йўл қўймасди. Шу тариқа устози Саййид Тоҳо ҳазратларининг бир неча йиллар аввал айтган “Ваннинг фатҳи Арвосий хонадонидан илм ва ирфони билан танилган бир зотнинг воситаси билан амалга ошиши мумкин” каромати рўёбга чиқди.

Илм, фазилат ва гўзал ахлоқда замонининг ягонаси бўлган Саййид Фаҳм ҳазратлари исломиятнинг амрларига ҳамда севимли Пайғамбаримизнинг суннати саниясига қаттиқ амал қилардилар. Уни севадиганлар намозларини мутлақо масжидда жамоат билан ўқирди. Унинг энг буюк каромати исломиятнинг амр ва тақиқларига тўла амал қилиши, ўзидан кейин вазифасини давом эттирувчи Саййид Абдулҳакимдек олим ва авлиё зотни тарбиялаб вояга етказишлари эди. Булардан бошқа кўплаган кароматлари ҳам кўринган.

Бир куни Саййид Фаҳм ҳазратлари шогирдлари билан Ван кўли соҳилида кетаётганларида кўлдаги Ахтамар оролидаги арман черковидан бир роҳиб (поп) чиқиб, сув устида юра бошлай-

ди. Талабалари буни кўргач, баъзиларининг хаёлига “Аллоҳнинг душмани деб таниган роҳиб сув устида юрса-ю, авлиёнинг улуғи, Аллоҳу таолонинг севган, танлаган қули деб таниганимиз Саййид ҳазратлари нимага юролмайди?” деган ўй келади. Саййид Фаҳм ҳазратлари бу фикрларини англаб, муборак оёқларидаги пойафзалларини ечиб қўлига олади ва уларни бир-бирига урадилар. Ҳар урганларида роҳиб бир мунча сувга ботаверади. Сув бўғозига келганида яна бир марта уради ва роҳиб чўкиб кетади. Сўнгра шундай ўйлаган шогирдларига қараб “У сеҳр-жоду қилиб, сув устида юрарди. Бу билан сизларнинг имонларингизни бузмоқчи эди. Пойафзалларимни бир-бирига урганимда сеҳр бузилиб, сувга ғарқ бўлди. Мусулмонлар сеҳр-жоду қилмайди. Аллоҳу таолодан каромат сўрашга ҳам ҳаё қилишади” дедилар. Шундай қилиб кароматлари билан роҳибнинг сеҳрини буздилар.

Диёрбакрда адлия тафтишчиси бўлган Мустафо Нажот бей исмли бир киши бор эди. У Ваннинг Мукус туманига ишга келди. Бир байрам куни намоздан кейин туманнинг кўзга кўринган кишилари Саййид Фаҳм ҳазратларини зиёрат қилиш учун бормоқчи бўлдилар. Мустафо Нажот бей ҳам улар билан бирга боришни истади. Кераклн тайёргарликни кўрганларидан кейин йўлга чиқдилар. Йўл бўйи гурунг қилиб келишади. Арвоснинг яқинидаги Қизил кўприкдан ўтганларидан кейин барчаси бошқача бир маънавий оламга кирдилар. Мустафо Нажот бей бундан қаттиқ таъсирланди. Лекин ўзи ичкилик ичгани сабабли хуржунида икки шиша шароби бор эди. Арвос қабристонининг остидаги бир тошлоқ жойда буларни бир ерга яширди. Арвосга бориб, Саййид Фаҳм ҳазратларини зиёрат қилдилар. Барчаси навбат билан ҳурмат кўрсатиб қўлини ўпдилар. Нажот бей ҳам қўлини ўпиб, тасаввуф йўлида шогирд бўлиш истагини билдирди. Саййид Фаҳм ҳазратлари унга “Шиша билан тариқат бир жойда жам бўлмайди. Бориб шишаларни синдир, уларни тўкиб ташла, кейин сени қабул қиламан” дедилар. Мустафо Нажот бей шишаларни у ерга яширганини ҳеч ким кўрмаганини ўйлади. Лекин Аллоҳу таоло авлиё қулларига каромат билан билдиради дея ўйлаб ортига қайтди. Шишалардан бирини синдириб ташлаб, иккинчисини сиқилиб кетсам ичаман, деб қолдирди. Саййид Фаҳм ҳазратларининг ҳузурига келганида “Бориб наригиси-

ни ҳам синдириб, қайтиб келгин” деб буюрдилар. Мустафо “Уни кайф учун эмас, зарурий бўлгани учун қолдирдим. Зарур бўлиб қолса ичаман деб синдирмадим” дейди. Саййид Фаҳм ҳазратлари “Ҳаромда зарурат бўлмайди” дедилар. Мустафо Нажот бей бориб, у шишани ҳам синдириб ташлади. Сўнгра қайтиб келиб, қўлларини ўпиб, шогирдлари сафига қўшилди. Бундан кейин ичкиликнинг хумори тутмади. У Саййид Фаҳм ҳазратлари ҳақида “Бутун Туркияни, Арабистоннинг бир қисмини кезиб чиқдим. Борган жойларимда кўплаган машойихларга дуч келдим. Лекин бу зотдек комил инсонни кўрмадим. Жаноби Пайғамбаримизни ва Асҳоби киромни тамсил этарди. У зотдаги илм, ҳилм, юмшоқлик, виқор, латофат ва ҳайбатни ҳеч кимда кўрмадим” деб айтар ва йиғларди.

Саййид Тоҳо ҳазратларининг ўғли Саййид Убайдуллоҳ афанди ҳажга бориш орзусида юрарди. Бир куни Ванга келди. Кўнглида “Арабистонда отам Тоҳо-и Хаккорий ҳазратларини танийдиганлар кўп. У ёқларда илм суҳбатлари бўлади. Ёнимда бир кучлироқ олим бўлиши лозим. Бунга лойиқ бўлган фақат отамнинг халифаси Саййид Фаҳм ҳазратларидир” деб ўйлади. Уларни ҳам бирга олиб бормоқчи бўлиб, Ванга чақирди. Саййид Фаҳм ҳазратлари Ванга келгач “Устоз, бирга ҳажга борайлик” деди. Саййид Фаҳм ҳазратлари узр сўраб “Молиявий ва жисмоний тарафдан имконим йўқ” дедилар. Саййид Убайдуллоҳ афанди “Мол ва пул ишлари менинг бўйнимда. Жисмоний ҳолатингиз бўйича Мавлоно Холид Бағдодий ҳазратларининг “Девон”ига қарайлик, нима чиқаркан” деди. Китобни очганларида Мадинаи мунаввара билан алоқадор байтлар чикди. Ҳажга боришга қарор қилиб, йўлга чиқдилар. Истанбулга бориб, Фотиҳдаги Рашодия меҳмонхонасига қўндилар. Уларнинг Истанбулга келганидан хабар топган замоннинг подшоси Султон иккинчи Абдулҳамид хон уларни саройга меҳмонга таклиф қилди. Саройда меҳмон қилиб, иззат ва икром кўрсатди.

Ўзи авлиё бўлган, олим ва авлиёларни қаттиқ ҳурмат қиладиган Султон Абдулҳамид хон II-чи Саййид Фаҳм ҳазратларининг суҳбатларида бўлиб, унинг дуосини олди. Ўн икки кун Истанбулда меҳмон қилганидан кейин Ҳайдарбошо мавқеигача ҳурматини қилиб, кузатиб қўйди.

Саййид Фаҳм ҳазратлари ва Саййид Убайдуллоҳ кема билан

Мисрга бордилар. У ердаги олим ва фозиллар билан кўришиб, суҳбат қурдилар. Шу даврнинг аҳамиятли илм марказларидан бўлган Азҳар мадрасасидан етишиб чиққан олимлар Саййид Фаҳм ҳазратларининг илм ва фазилатдаги устунлигига тан бердилар.

Саййид Фаҳм ҳазратлари хизматида бўлган Ҳожи Умар билан Жоми-ул-Азҳар мадрасасига бордилар. Бир хонага кирдилар. Бу хонада бир олимни жуда кўп китоблар ўртасида олдида битта оқ қоғоз ушлаганча ўтирганини кўрдилар. Олим китобларга боқар, лекин олдидаги қоғозга ҳеч нарса ёзолмасди. Саййид Фаҳм ҳазратлари қоғоздаги ёзувни бир марта ўқиб, ёд олди. Чунки бир марта ўқиганини ёд олиш унинг хусусияти эди. Олим зот бошини кўтариб “Сиз ўқиганмисиз, илмингиз борми?” деб сўради. Саййид Фаҳм ҳазратлари бироз илм билан шуғулланганини айтдилар. Олим “Сиз бу қоғоздаги ёзувнинг маъносини биласизми?” деди. “Ҳа” деган жавобни олгач, ҳайрат билан “Ажабо! Жоми-ул-Азҳар мадрасаси (университети) бутун шўъбалари (факультетлари) билан бир ҳафтадан бери шу масалани ҳал қилиш учун уриниб ётибди. Раисул-уламо бошчилигида бутун олимлар кеча-кундуз ҳаракат қилишмоқда. Лекин ушбу ёзувнинг маъно ва ифодасини тушунишдан ҳалигача ожизмиз” деди. Саййид Фаҳм ҳазратлари “Бу оддий масала” деганидан кейин олимнинг ҳайрати яна-да ошди.

Саййид Фаҳм ҳазратлари бу масалани изоҳлашни бошладилар. Ҳайратлар водийсида кезиб юрган олим ҳурмат билан туриб, унинг қўлини ўпди. Дарров қалам олиб, Саййид Фаҳм ҳазратларининг изоҳини ёзиб олди. Манзилини олиб, такрор қўлларидан ўпиб хайрлашди. Саййид Фаҳм ҳазратлари Ҳожи Умар билан ижарага олган уйларига қайтдилар.

Бироздан кейин Жоми-ул-Азҳар мадрасаси раисул-уламоси (ректори) юборган тўрт кишилик олим ҳайати кириб келди. Раисул-уламо тарафидан мадрасага таклиф қилайтганларини айтишди. Саййид Фаҳм ҳазратлари қабул қилиб, бордилар. Катта бир залда раисул-уламо бошчилигида беш юздан ортиқ олим теран ҳурмат билан кутиб олдилар. Саййид Фаҳм ҳазратлари билан раисул-уламо ёнма-ён ўтирдилар. Суҳбат бошланди. Раисул уламо Саййид Фаҳм ҳазратларидан “Афанди ҳазратлари! Сиз изоҳлаган масала Жомиул-Азҳарда мушкул ва маъноси тушунилмайдиган

масалага айланганди. Жаноби Ҳақнинг ёрдами билан бу мушкулотдан бизни қутқардингиз. Жомиул-Азҳар сизга катта миннатдорчилик билдиради” деди.

Кўплаб мушкул масалалар ҳал қилинган савол-жавобли суҳбат соатлар бўйи давом этди. Бу орада Саййид Фаҳм ҳазратлари ёнидаги Ҳожи Умарга тамаки ўраб, тутатишини сўради. Уларга ҳайрат билан қараб ўтирганлар одида тайёрланган тамакидан бир неча марта тортиб, ўрнига қўйдилар. Раисул-уламо Саййид Фаҳм ҳазратларидан рухсат сўраб “Мен ҳам чексам бўладими?” деди. Саййид Фаҳм ҳазратлари рухсат берганидан кейин раисул-уламо ҳам бир неча марта тортди. Лекин бу вақт даврадаги олимлар орасида ғала-ғовур бошланди. Ораларидан иккита олим яқинлашиб Раисул-уламога “Жаноб, тамакининг қатъий ҳаром эканлиги ҳақида тўртта фатво бергансиз. Энди эса ўзингиз чекяпсиз. Бунинг ҳикмати нима?” дедилар. Раисул-уламо уларга “Қасам ичаманки, бизнинг илмимиз бу зотнинг илми ёнида денгиздан бир томчидай. Вароъ ва тақвомиз ҳам бу зотнинг вароъ ҳамда тақвоси ёнида мисоли йўқдай. Бу зотга эргашиб, бугундан бошлаб, тамаки чекаман. Демак, мен янглишибман, ҳаром эмас экан. Ҳаром ва гуноҳ бўлганида эди, бу зот чекармиди? Сизларга рухсат. Мендан тамакининг ҳаром эканлигини эшитган барча одамларга ҳаром эмаслигини етказинглар” деди.

Саййид Фаҳм ҳазратларининг суҳбатларида бўлган кишилар ўзларини бу дунёдан узоқлашгандек сезишарди. Арабча, форсча, туркча ва бошқа маҳаллий тилларни биларди. Ҳар бир тилдаги маҳорати ёнидагилардан устун эди. Арабча гапирганида эшитганлар Миср Жомиул-Азҳарида етишган деб ўйлашарди. Моддий ва маънавий бутун илмларда теран олим эди. Саййид Абудлҳаким унинг васфларини шундай билдирганди: “У ҳар илмда бир уммон эди. Тубига ҳеч ким етолмади. Фақат ўғли ва халифаси Саййид Муҳаммад Амин у зотнинг даражасидан озгина тушунарди. Ҳатто бир куни Шайх Саъдий Шерозийнинг “Гулистон”идан бир байт ўқидилар ва изоҳладилар. Бирозини тушундим. Саййид Муҳаммад Амин ҳам бироз тушунди. Сўнгра у ҳам тушуна олмади. Хуллас ўша изоҳнинг ҳақиқат ва нозикликларини ҳеч ким тўла идрок эта олмади.”

Саййид Фаҳм ҳазратлари бир кеча тушида Жаноби Расулуллоҳни кўрдилар. Жаноби Расулуллоҳ унга "Абдулҳакимнинг тарбиясини сенга топширдим" деб буюрдилар. Шу амрга биноан, Саййид Абдулҳакимнинг тарбиясига қаттиқ эътибор бериб, уни тасаввуфдаги вилояти Аҳмадия даражасига етказдилар.

Саййид Фаҳм ҳазратларининг илғор талабаси Саййид Абдулҳаким афанди унинг суҳбатларидан кўп истифода этдилар. Бир кеча шунчалик беқиёс бир суҳбат бўлдики Саййид Абдулҳаким бу суҳбатда эшитганларини ўзига етарли билиб "Бу суҳбат менга етади, оладиган барча нарсамни бу кеча олдим" деб ўйлади. Тонг отгач устози ундан қумғонини келтиришни сўради. Абдулҳаким қумғонни олма дарахти тагидаги устозига олиб борди. Шунда ҳазрати Саййид "Абдулҳаким! Бу қандай дарахт?" деб сўрадилар. "Олма дарахти устоз" деган жавобни олгач "Бу дарахтнинг гавдаси, шохлари, шохларида эса мевалари бор. Энди шу дарахтдаги бир олма мевасининг ичидаги уруғини еган қурт мен бутун олма дарахтини еб қўйдим, ундаги барча нарсани олдим деса тўғри бўладими?" дедилар. Шу тариқа Саййид Абдулҳакимга кечқурунги ўйларининг нотўғри эканлигини маълум қилиб, яна-да кўпроқ ғайрат қилиши кераклигини уқтирдилар.

Ҳазрати Саййид талабаларининг энг устуни бўлган Саййид Абдулҳакимга хилофотнома беришдан беш йил аввал биродарларига ёзган мактубда айтдики: "Севгили, қийматли Саййид Иброҳим ва Саййид Тоҳо. Аллоҳу таоло икковингизга ҳам саломатлик берсин. Сизларга кўп дуо ва салом этгандан кейин, билганингиздек Саййид мулла Абдулҳаким ўтган йили кузда бу ерга келиб, дарс олишни бошлаганди. Мен ҳам унинг дарсларини ғоят пурдиққат ва синчковлик билан тушунтирдим. У ҳам дарсларда ва ҳаракатларида ғоятда диққатли бўлди. Илмдан бошқа нарсага бурилиб қарашига вақт қолдирмадим. Замонимиздаги усул бўйича китобларни тамомлади. Бу фақир восита илмларини, фиқҳ ва ҳадис илмларини ўқитишда устозларимдан қандай таълим олган бўлсам, унга ҳам шундай таълим бердим. Сизлар энди унга укангиздек қараманг. Илмининг шарафини билдириш учун тавозе кўрсатинг. Буларни сизларнинг яхшилигингиз ва фойдангиз учун ёзмоқдаман. Бундан бошқа илмга тавозе кўрсатиш Аллоҳу таолога

тавозе кўрсатиш деганидир. Бу қисқа ёзувимдан кўп нарсаларни тушунинглар! Ас-саййид Фаҳм.”

Саййид Абдулҳаким афандига 1882 йили зоҳирий илмларда ижозатнома берганларидек, 1888 йили тасаввуфда Нақшибандия, Қодирия, Суҳравардия, Чаштия ва Кубровия йўлларида ҳам хилофот бердилар. Инсонларга исломиятнинг аҳкомини ўргатиш билан вазифали қилдилар. Саййид Абдулҳакимга ёзган бир мактубида айтдиларки: “Севгили ўғлим, кўзимнинг нури саййид мулла Абдулҳаким! Сизга чексиз дуоларимни маълум қилгандан кейин айтмоқчиманки, узоқ вақтдан бери сиздан хабар олмаганим учун қалбим маҳзун. Аллоҳу таоло барча яширин нарсаларни билади. У шоҳидки, ҳар доим қалбим сиз билан деб айта оламан. Мени бу маҳзунликдан қутқариш учун кўринадиган ва кўринмайдиган ҳолларингизни тез-тез билдириб туринг. Шу тариқа севги ришталари ўйнатилади. Агар бу ердагиларни сўрасангиз, Аллоҳу таологa хамд ва шукрлар бўлсин! Баданимизнинг ва атрофимиздаги роҳатлик ҳамда саломатлик кундан-кунга ортмоқда. Ҳақ таоло биз фақирларнинг ва бутун бirодарларимизнинг қалбларига саломатлик берсин! Омин. Шайх Абдулҳамид, Шайх Ҳасан ва Саййид Иброҳимга бу фақирнинг дуоларини етказинг. Тоҳо афандига ва Мазҳар афандига дуо қиламан. Кимни муносиб кўрсангизз, бу дуоларимни билдириш учун вакилимсиз. Бундан бошқа Наҳрийдагиларнинг тўғри-эгри барчанинг ҳолларини ёзинг. Бундан ташқари, Несториан (христиан мазҳаби)ларнинг ҳадларидан ошиб, тўрт юз мусулмонни ўлдирганларини эшитдик. Уларнинг нима қилганликларини ва нима учун қилаётганликларидан ҳам бизни хабардор қилсангиз. Вассалом. Дуогўйингиз гуноҳкор Саййид Фаҳм.”

Бутун умрини исломиятни ўрганиш ва ўргатишга бағишлаган Саййид Фаҳм ҳазратлари вафотидан олти ой олдин сафар тайёргарлигини бошлаганди. Суҳбатларида ҳар доимгидан кўпроқ ўлим ҳақида гапирардилар. Ҳозирда дафн қилинган қабри шарифларининг ўрнига қараб, Арвос қабристонига дафн қилинганларнинг имонли бўлган тақдирда бутун гуноҳлари авфу мағфират қилинишини айтардилар.

Умрининг сўнгги кунларига яқин хасталиклари ортди. Бир жума куни хаста ҳоли билан масжидга бордилар. Шу куни хали-

фаси ва ўғли Саййид Муҳаммад Амин жуда балиғ ва ҳазин хутба ўқиди. Масжиднинг ортидаги чашмагача саф тортган жамоат бу хутбанинг таъсирида маҳзун бўлиб, йиғладилар. Саййид Фаҳм ҳазратлари жума намозини ўтирган ҳолатда ўқидилар. Сўнгра Саййид Абдулҳаким, Саййид Муҳаммад Амин, Халифа Дарвеш ва Халифа Али исмли тўрт халифасини ҳузурига чақириб, шундай васият қилдилар:

"Китобларимни Арвос кутубхонасига ҳадя қилдим. Менинг билишимча, ҳеч кимдан қарзим йўқ. Эҳтиёти шарт, эълон қилинглар. Агар қарз берганлар бўлса, қанча деб иддао қилсалар ҳам Муҳаммад Амин тараддуд этмасдан берсин. Илмнинг ва Нақшибандия йўлининг ёйилишига ғайрат қилинглар. Саййидим ва паноҳим Саййид Тоҳо Хаккорий ҳазратларининг ҳар йили камида бир марта Ванга бориб, халқни иршод қилиш ҳақидаги менга берган буйруқларини канда қилмай давом эттиринглар…"

Васиятида давом этиб "Мендан кейин кўп фитналар чиқади, аёллардан ҳаё пардаси кўтарилиб, бозор ва кўчаларда кезадилар. Ислом Абдулҳамид хон билан қоимдир" дедилар. Бир муддат Саййид Абдулҳакимга ўгирилиб "Жанобі Ҳақ сизни муҳофаза қилади" ва Иброҳим алайҳиссаломнинг оловда ёнмаганлиги ҳақидаги қиссани гапирдилар. "Аҳли суннат эътиқодининг, Асҳоби киром йўлининг ёйилиши учун қўлимдан келганича қилчалик ажралмасдан хизмат қилдим. Иншааллоҳ масъул эмасман. Тўлиқ тадқиқ қилмагунча асло фатво берманглар. Рухсатлар билан кифояланиб қолманглар. Имкон борича азиматларни асос қабул қилинглар" деб айтганларидан кейин бироз вақт ҳеч кимни ёнларига қабул қилмадилар. Аллоҳу таолони ёдга олиб, ибодат билан машғул бўлдилар.

Фаҳм Арвосий ҳазратларининг хасталигини эшитганлар узоқ-яқиндан келиб, зиёрат қилдилар. Даволаш учун табибларни олиб келдилар. Вафот этган куни аср намозини ўтирган ҳолатда ўқиган Саййид Фаҳм ҳазратларининг муборак вужудлари саждадан бош кўтара олмайдиган даражада заифлаганди. Ўғли Саййид Муҳаммад Амин ёрдаи билан бошларини саждадан кўтарди. Бу орада ғам ва қайғу Арвос ҳамда унинг атрофини қоплаган, уй атрофида юзлаб севганлари, шогирдлари у зотнинг соғайиши ҳақидаги хабарни интизорлик билан кутишаётган эди. Шу вақт ранг-баранг қушлар учиб келиб, ҳавода бироз муаллақ туриб, ҳамма тушунади-

ган тарзда ўз маҳзунликларини кўрсатди. Юз минглаб қушлар Арвос устида гир айланиб соябондек соя қилдилар. Шунда ғайбдан бир овоз “Ё аййутуҳаннафсул-мутмаиннаҳ...” ояти каримасини охиригача ўқиди. Саййид Фаҳм ҳазратлари саждадан бошини кўтариб “Ар-Рафиқул-аъла” деб, овоз чиқариб бир калимаи тавҳид ўқиганларидан кейин 1895 йили Шаввол ойининг ўн бешинчи, сешанба куни руҳини таслим этдилар.

Саййид Фаҳм Арвосий ҳазратларининг Арвосдаги қабри севганлари тарафидан зиёрат қилинмоқда ва баракатларидан ҳамон фойдаланмоқдалар. У зот васила қилиниб, тиланган дуолар қабул бўлмоқда. Фарзанди бўлмаган фарзандли бўлмоқда, хасталар шифо топмоқда.

Уйдан нимага кечаси чиқдингиз?

Саййид Фаҳм ҳазратлари ҳар йили Ванга келганларида бир муддат қоларди. Ошиқлари тўпланиб, ундан файз олишарди. Одатда уни жуда севадиган маҳкама бош котиби Аҳмад бейнинг уйида меҳмон бўлардилар. Бу йили Аҳмад бей ҳажга кетганди. Ванга келганида яна унинг уйига қўндилар. Бир кеча ярмида яқинларидан бирини ёнига чақирди: “Дўстларингни уйғот! Ҳозир бу ердан чиқиб, фалон уйга кетамиз” дедилар. У киши “Устоз ярим кечада чиқиб кетсак уят бўлади. Эртага кетсак бўлмайдими?” деди. Саййид ҳазратлари “Йўқ, ҳозир кетамиз. Аҳмад бейнинг ўғилларига ҳам хабар бергин” дедилар. Буни эшитган Аҳмад бейнинг ўғиллари келиб ялиниб-ёлвордилар: “Устоз, биздан бир қусур ўтган бўлса авф этинг. Бизникидан кетманг. Отамиз эиштса қаттиқ ранжийдилар. Биз унга нима деб жавоб берамиз, лутф қилинг, эҳсон қилинг! Қабоҳатимизни кечиринг!” Роса кўз ёши тўкдилар. Саййид Фаҳм ҳазратлари “Йўқ, мен сизлардан жуда розиман. Бизга ҳар хизматни ортиғи билан қилдинглар. Сизларга дуода бўламан. Лекин ҳозир кетишимиз керак” дедилар. Аҳмад бейнинг ўғиллари “Сиз қандай муносиб кўрсангиз шундай бўлсин!” дейишди. Ярим кечаси севганларидан бир бошқасининг уйига бордилар.

Эртаси куни ўғли Муҳаммад Амин афанди «Аҳмад бейнинг ўғиллари жуда хафа бўлишди» деб қолди ва “Отажон, у уйда эрталабгача қолсак нима бўларди?” деб сўради. Саййид Фаҳм

ҳазратлари “Ўғлим! Энди ҳеч кимга айтмагин. Бу кеча Аҳмад бей Маккаи мукаррамада вафот этди. Уйи етим уйи бўлди. Мол меросчиларга қолди. Авваллари ҳамма нарсани қўлланиб, еб-ичардик. Чунки Аҳмад бейнинг буларни бизга қувона-қувона тортиқ қилаётганини билардим. Энди эса нотаниш меросчиларнинг ҳақи бўлганидан у уйда бирон нарсани қўлланиш жоиз эмас. Қул ҳақидан сақланиш учун тезроқ чиқиб кетдим” деб жавоб бердилар. Бир ой сўнгра ҳожилар қайтиб, ҳамма келди. Фақат Аҳмад бей келмади. “Ярим кечаси Маккада вафот этди” дедилар. Ҳисоблаб кўрсалар, Саййид Фаҳм ҳазратларининг уйдан чиқиб кетган кечага тўғри келарди.

Шайхинг сени ўлдиртмайди

Ваннинг Гурпинор Муҳаммад Пийрон қабиласидан Али исмли бир зот келиб, Саййид Фаҳм ҳазратларига шогирд тушган эди. Бир сафарга чиққанида бир замонлар ўчакишиб қолган душмани бўлган бир кимса йўлини тўсди. Али исмли зотни ўлдириш учун қуролига ёпишди. Энди мўлжалга олганида Али “Мени ўлдирма. Ҳазрати Шайхга (Саййид Фаҳм) шогирд тушдим. Бутун дунёлик ўйлардан қутулдим” деб душманини райидан қайтармоқчи бўлди. Лекин душмани уни тингламай, тепкини босди. Беш дона ўқи бор эди. Барини отди, лекин ҳеч қандай овоз эшитилмагани етмаганидек, Алига ҳам ҳеч нарса бўлмади. Душмани ўқдонга қараб, ўқларини топмади. У ердагилар буни кўриб, ўзларини йўқотиб қўйишди. “Шайхинг сени ўлдиртмайди” деб у жойдан кетишди.

Али афанди бир муддат ўтиб Саййид Фаҳм ҳазратларини зиёрат мақсадида Арвосга борди. Зиёрат вақтида Саййид Фаҳм ҳазратлари ундан “Қишлоқнинг юқорироғида қаттиқ қўрқдингизми?” деб сўрадилар. Али афанди “Ҳа, устоз” деди. Саййид Фаҳм ҳазратлари ўтирган пўстакнинг тагидан беш дона ўқ чиқариб, Али афандига бердилар ва “Булар қул ҳақидир. Бўйнимда қолмасин” дея ўқларни эгасига элтиб беришини амр этдилар. Али афанди бу ўқларни эгасига олиб бориб берди. Бу воқеадан ҳайратда қолган ҳалиги душмани қилганларига пушаймон бўлди. Тавба қилиб, Арвосга борди ва Саййид Фаҳм ҳазратларига шогирд бўлди.

Саййид Абдулҳаким Арвосий ҳазратлари

Сўнгги асрда етишиб чиққан зоҳир ва ботин илмларида комил, тўрт мазҳабнинг фиқҳ илмларида моҳир, буюк олим ва руҳ илмларининг мутахассиси буюк авлиёдир. Силсилаи олиянинг ўттиз тўртинчисидир. Отаси Саййид Мустафо афанди. 1865 йили Ваннинг Бошқалъа туманида туғилди. 1943 йили Анкарада вафот этди. Қабрлари Анкаранинг Боғлум ноҳиясидадир.

Отаси Саййид Мустафо афанди ва бутун боболари замонининг олим ва фозил кишилари эди. Имоми Али Ризо бин Мусо Козим авлодидан бўлиб, саййид эканликлари Ироқдаги шаръий маҳкама дафтарида қайдли. Арвосий оиласи олти юз йилдан бери атрофига зиё сочиб, илм ёйиш ва жамиятда энг устун инсонлик фазилатлари билан намуна бўлиб, халқ орасидаги эътиқодий ва сиёсий бўлинишларга чек қўйиб келаетган муборак оила.

У илк таҳсилини отасидан олди. Саййид Абдулҳаким Арвосий ҳазратлари Наҳрийда кўрган бир тушидан кейин таҳсилга қаттиқ аҳамият берди. Ўша туши ҳақида шундай деб гапириб берган:

Наҳрий қишлоғида дин ва фан илмларидан таҳсил олаётгандим. Рамазон ойини оилам билан бирга ўтказиш мақсадида юртимга қайтдим. Ҳали мактабнинг бошланғич китобларини ўқирдим. Рамазон ойининг ўн бешинчи сешанба кечаси тушимда севгили пайғамбаримиз - Расулуллоҳни кўрдим. Баланд тахт устида рисолат мақомида ўтирардилар. Унинг ҳайбат ва жалоли олдида даҳшатга тушиб, ерга боқиб турганимда ортимдан бир киши секин-аста ўнг томонимдан яқинлашди. Кўз қирим билан унга қарадим. Қисқага яқин ўрта бўйли, чамбар соқолли, ёруғ юзли бир зот эди. Бу зот ўнг қулоғимга зўрға эшитиладиган паст овозда фиқҳ илмининг ҳайз масаласидан бир савол сўради: “Ҳайз вақтида бир аёлнинг масжидга кириши жоиз эмаслиги маълум, лекин икки эшикли бир масжиднинг бир эшигидан кириб нариги эшигидан чиқиб кетса бўладими?” Аллоҳ Расулининг ҳайбатидан титраб турган эдим. Саволни такрор сўрамаслиги учун жуда паст овозда “Диннинг, шариатнинг соҳиби шу ердалар” дедим. Мақсадим У зотнинг ҳузурида ҳеч кимнинг дин масалаларида сўз сўзлай омаслигини

укдириш эди. Жаноби Расулуллоҳ овозимиз эшитилмайдиган масофада бўлишларига қарамай жавобимни эшитдилар. Кетма-кет икки марта “Жавоб беринг!” деб амр қилдилар.

Эртаси кун пешин вақтида отамнинг масжидга борадиган сўқмоғи устида кутдим. Гапим борлигини билиб, ёнимга келдилар. Тушимни айтиб бердим. Юзлари қувончдан порлаб “Сенга муждалар бўлсин, ўғлим! Оламнинг Фахри сени вакил ва дин илмларини таблиғ этишга масъул қилдилар. Иншаллоҳ олим бўласан. Бутун кучинг билан ҳаракат қилгин!” деб тушимни таъбир этдилар. Отамдан “Коинотнинг сарвари ҳузурида шунча дин масаласи турганда менга айнан ҳайз масаласидан савол берилиши ва бунга жавоб беришим ҳақидаги амрнинг ҳикмати нимада?” деб сўрадим. Отам “Ҳайз фиқҳ илмларининг энг қийин, энг чигал масалалсидир. Бундай савол сенинг келажакда дин илмлари жиҳатидан юксак даражаларда бўлишингга ишорадир” деб жавоб бердилар.

Ўша тушдан кейин ўн йил муддатда жума кечаларидан бошқа ҳеч бир кечани тўшакда ётиб ўтказганимни эслай олмайман. Тонггача дарс билан шуғулланиб, инсонга керак бўлган уйқуни китоблар устида ўтириб ўтказардим. Инсон тоқати дош бера олмайдиган ғайрат ва истак билан ҳаракат қилдим.

Саййид Абдулҳаким Арвосий ҳазратлари фиқҳ, тафсир каби илмларнинг ёнида ўзини маънавий томондан тарбиялайдиган бир раҳбарга шоигрд тушиш орзуси билан ёниб-ўртанарди. Худди шу кунларда улардан олисроқ жойда Саййид Тоҳо-ий Хаккорийнинг халифаси Саййид Фаҳм Арвосийга тушларида жаноби пайғамбаримиз “Абдулҳакимнинг тарбиясини сенга топширдим” деб буюрдилар.

Ниҳоят Саййид Абдулҳаким Арвосий 1878 (ҳ.1295) йили Саййид Фаҳм Арвосий ҳазратларининг ҳузурига қовушди. Устозидан олган илк амр тавба ва истиҳора бўлди. Истиҳора натижасида шундай туш кўрди:

Саййид Тоҳо ҳазратлари масжидда талабаси Саййид Фаҳмга шу амрни бераётганди: “Абдулҳакимни олгин, кийимларини ечиб, жавозимат-и хамс чашмаларида ўз қўлинг билан ювгин! Сўнгра айт, иккимизга ҳам имом бўлсин.” Саййид Фаҳм ҳазратлари уни жавозимат-и хамс чашмаларида ювинтириб, қўлини унинг елкаси-

га қўйган ҳолда ўнг оёғини ўзи учун тўшалган жойнамозга қўярди.

Бу туш унинг шогирдликка қабул қилинганига далолат қиларди. Таъбирга муҳтож қисми фақат «жавозимат-и хамс» таъбири эди. Жавозим жазмнинг кўплиги бўлиб, қатъий деганидир. Хамс, яъни беш сони эса, олами амрнинг, латифанинг тасфиясига ишора эди. Тушнинг бошқа таъбирга муҳтож бўлмаган ойдинлиги - алоҳида бир илоҳий лутф ва чексиз эҳсон эди.

Саййид Абдулҳаким Арвосий ҳазратлари кўрган бу тушининг таъсирида кучли ишқ ва истак етовида илм ўрганиб, илмда юксалганидек Саййид Фаҳм ҳазратларининг суҳбат ва таважжуҳлари билан кўнглини нурлантиришга ҳам муяссар бўлди.

Юксак таҳсилини замонининг энг буюк олим ва авлиёси Саййид Фаҳм Арвосий ҳазратларининг ҳузурида тамомлади. Ҳижрий 1300 йил бошида илми сарф, наҳв, мантиқ, мунозара, ваъд, баён, маоний, бадиий, балоғат, калом, усул-и фиқҳ, тафсир, тасаввуф, улуми ҳикамия, яъни ҳикмат-и табийя (физика, биология), ҳикмати илоҳия, риёзия (математика, геометрия), ҳайъат (астрономия) каби зоҳир илмларида ижозат (диплом); тасаввуфнинг Нақшибандия, Қодирия, Кубровия, Суҳравардия ва Чаштия йўлларидан хилофат олдилар. Бошқалъа ноҳиясида ўттиз йил тадрис ва иршод билан машғул бўлдилар. Яъни дарс бердилар ва инсонларга Аллоҳу таолонинг амр ҳамда тақиқларини ўргатдилар.

1914 (ҳ.1332) йили Биринчи Жаҳон уруши бошланиб, руслар шарқий Онадўлини (Онадўли - Анатолия яримороли, яъни Усмоний давлатининг ҳозирги Туркия ҳудудларидан иборат қисмининг туркча номи) ишғол этгач, Бошқалъадан ҳижрат қилиб Ироққа, у ердан Адана, Эскишаҳар ва 1919 (ҳ.1337) йили Истанбулга келдилар. Аюб Султон мавзесида аввал мадрасага, сўнгра Кумушсуви тепалигидаги Муртазо афанди даргоҳига жойлашдилар. Қашғарий ҳонақоҳи машиҳати (Усмонли давлатининг дин ишлари бўлими)га тайинландилар. Ислом халифаларининг ва Усмонли султонларининг сўнггиси бўлган Султон Ваҳидаддин тарафидан 8 Зул-қаъда 1919 йилги (ҳ.1337) фармон билан мадрасаи мутахассисин деб номланувчи илоҳиёт факультетига тасаввуф мударриси, яъни ординариус профессори қилиб тайинландилар.

Онадўлида жанг қилаётган Қувва-и Миллиянинг (Усмонли миллий қўшинлари) ғолиб келиши учун пул, мол ва дуо билан

ёрдам этилиши, қўлига қурол тута оладиганларнинг сафарбарлиги учун халқни ташвиқ қилиб, кўплаган кишиларни Онадўлига юбордилар. Истиқлол урушига катта ёрдам кўрсатилишига сабаб бўлдилар. Узоқ вақт иршод, ваъз ва таълим билан машғул бўлиб, халифалик тугатилгач, ҳукуматни қўлга киритган дин душмани раҳбарият томонидан умрларининг охирида Измирга сургун қилиндилар. Измирда қийин шарт-шароитлар ва қарилик туфайли касалландилар. У ердан Анқарага келтирилди. Анқарага келтирилгандан бир неча кун ўтиб, 1943 йили 27 ноябрь (ҳ.1362) санасида ташвишларга тўла бу дунёдан охиратга кўчдилар. Анқаранинг шимолидаги Боғлум ноҳиясига дафн этилдилар. Қабрлари шу кунгача зиёрат қилиниб, ҳузурларида қилинаётган дуолар қабул бўлмоқда.

Саййид Абдулҳаким Арвосий жисмонан мўътадил ва камчиликсиз эди. Буғдой рангли бўлиб, пешонаси кенг ва очиқ эди. Қошлари ҳилолдай (яримой) бўлиб, ингичка ва хушбичим эди. Нурли кўзлари йирик-йирик эди. Бурни меъёрдан бироз катта эди. Юзи озғин бўлиб, соқоллари қалин эди. Алп қоматли бўлиб, инсонларда ҳурмат уйғотувчи виқор ва ҳайбати бор эди.

Ҳар бир ҳол ва ҳаракатларида исломиятга тўлиқ амал қилардилар. Жуда камтар бўлиб, ҳеч вақт “Мен” демасдилар. Жуда ҳайбатли ва вазмин, меҳмондўст эдилар. Атрофига ёрдам беришдан бениҳоя завқ олардилар. Зиёратларга борар, меҳмондорчиликка таклифларни қабул қилардилар.

Саййид Абдулҳаким Арвосий дин илмларида ва тасаввуфнинг нозик маърифатларида мисли бир дарё эдилар. Университет ходимлари, фан ва давлат одамлари ечими йўқ деб ўйлаган қийин масалаларни сўрагани келар, дарсларида бир соатча ўтириб, ҳали савол бермасдан жавобини олиб ортларига қайтишарди. Таважжуҳ ва муҳаббатини қозонганлар ҳисобсиз кароматларини кўрардилар. Жуда камтар эдилар. Аюб Султон, Фотиҳ, Боязид, Бакркўй, Бейўғли маҳаллаларида Оға Жомеи шарифлари курсиларида узоқ йиллар давомида Истанбул халқига илм ўргатдилар. Султон Салим жомеси ёнидаги Сулаймония мадрасасида тасаввуф мударрис (профессори)лигида “Ар-риёд-ут-тасаввуфия” китобини таълиф қилдилар. Тасаввуф ҳақида рисола ҳажмида турли-турли мактублари бор. Мавлуд ўқиш ва тасбеҳ қўлланишнинг бошланғич ҳамда шаръийлиги ҳақида бир рисола, «Робита-и шарифа» рисоласи, «Саҳоба-и

кором» ва «Аждод-и пайғамбарий» рисолалари, «Ислом ҳуқуқи», «Кашкул» ва «Сафари охират» номли асарлари, арабча, форсча ва туркча шеърлари жуда қимматлидир.

У зот томонидан тарбиланиб етиштирилган, мумтоз дин одамлари орасида энг салоҳиятлиси, турли дин ва фан китобларининг муаллифи, фармацевт, кимёгар ва фахрий ўқитувчи, ҳарбий унвон соҳиби Ҳусайн Ҳилми Ишиқ жанобларидир. Бу зот 1929 йилдан 1943 йилгача Абдулҳаким Арвосий ҳазратларидан дарс олганлар. Арабча ва форсчадан таржималар қилиб, мусулмонларга хизмат қилиш учун ҳаракат қилганлар. Туркча, арабча, форсча, немисча, французча ва инглизча билан бир қаторда бошқа тилларда ҳам турли мавзуларда дин китобларини нашр этдилар. У зотнинг бутун илм ва файзини Абдулҳаким Арвосий ҳазратларидан олганлиги асарларида ёритилган.

25 йил аввал кўрган тушдаги одам

Саййид Абдулҳаким афанди 1897 йили ҳаж вазифаси билан Ҳижозга келганларида аввало Мадинага кириб, жаноби Пайғамбаримизнинг қабри шарифини зиёрат қилдилар. Ёнида Ҳожи Умар афанди исмли шарифлар авлодидан бир зот бор эди. Бир куни у билан бирга муборак Равзада шом намозидан кейин юзини саодат панжарасига буриб, ғоят одоб ва ҳурмат билан турганларида ўнг тарафида ўтирган Ҳожи Умар қулоғига эгилиб, секин “Рафиқам шу онда узр соҳибаси. Шу боис Пайғамбар масжидига зиёратга киролмайди. Боб-ус-саломдан кириб, Пайғамбаримиз ҳузурларида бир салом бериб, Боб-и Жибрилдан чиқиб кетишига шариат рухсат берадими?” деб қолади. Саййид Абдулҳаким Арвосий ҳазратлари шу онда 25 йил аввалги туши ёдига тушиб, қўрқувдан қалтираб кетдилар. Ҳожи Умарнинг юзига яна бир марта ўгирилиб боқдилар. Ҳа, 25 йил аввал тушида кўрган киши мана шу зот эди.

Паст овозда “Бу саволга жавоб бериш учун мен масъулман!” дедилар. Лекин тушларида бўлганидек жаноби Расулуллоҳнинг ҳузурларида турганлари туфайли ҳозир жавоб беролмаслигини билдирдилар. Боб-и Раҳмадан ташқарига чиққанларидан кейин саволга жавоб бердилар, ҳамда 25 йил аввал кўрган тушларини бутун тафсилоти билан айтиб бердилар.

Султоннинг дуо ва ёрдам сўраши

Султон Ваҳидаддин хон уни жуда севар, қаттиқ ҳурмат қилиб, дуоларини истарди. Абдулҳаким афанди ҳазратлари шундай баён қиладилар:

Ватанимизнинг бир қисми ишғол остида бўлиб, ёвга қарши кураш бошланган кунлар эди. Истанбулнинг Бешиктош самтида Синонбошо масжидидан ваъз айтиб чиқаётган эдим. Эшик олдида турган сарой аравасидан бир амалдор тушиб “Ал малику йақраукассалом ва йадука илаттаом”, яъни “Султон сизга салом айтмоқда ва ифторликка чақирмоқда” деди. Арава билан саройга кетдик. Меҳмонга Истанбулнинг танилган воизлари, имомлари чақирилган эди. Таомдан кейин раис келиб “Султоннинг саломи бор. Барчангиздан илтимос қилмоқда. Онадўлида кофирларга қарши жанг қилаётган қувва-и миллиянинг ғолиб келиши учун дуо қилишингизни ва Онадўлидаги мужоҳидларга пул ва дуо билан ёрдам беришлари, қўлига қурол олишга қодир кишиларнинг аскар сафига қўшилишлари учун халқни ташвиқ қилишингизни илтимос қилмоқда” деди. Бу амрга биноан, кўплаган кишиларни Онадўлига юбордим. Кўп ёрдам кўрсатилишига сабаб бўлдим.

Бир куни Султон Ваҳдаддин хон рамазони шариф ойида Ҳирқа-и саодат (пайғамбар либоси сақланаётган масжид) турган хонани зиёрат қилмоқчи эди. Саййид Абдулҳаким афандини ҳам чақиртирди. Бошқа кўзга кўринган давлат ва дин одамлари ҳам шу ерда эди. Бу воқеанинг давомини хизматларини кўрган Шокир афанди шундай айтиб беради:

Султон Ҳирқа-и саодат турган хонанинг эшиги олдига келганида “Абдулҳаким афанди қаерда?” деб сўради. У ерда тўпланган одамлар бир-бирларига қарашди. Бу исмда ҳеч кимни танимасдилар. Ортдагиларга хабар бердилар. Афанди ҳазратлари жавоб берар-бермас “Султон сизни кутмоқда” деб дарров йўл очдилар. Султон билан ёнма-ён бири дунё, бири охират султони сифатида Султонул-анбиё муҳтарам Пайғамбаримизнинг саодатли ҳирқалари турган хонага кирдилар. Биргаликда зиёрат қилдилар. Чиққанларидан кейин баракат сифатида султон у ердагиларга биттадан рўмолча, устозимзга эса иккита рўмолча ҳадя этди. Мен ташқи эшикда Абдулҳаким афандини кутиб турардим. Келиб, зиёратлари ҳақида хурсанд бўлиб гапириб бердилар. “Султон барчага биттадан, мен-

га эса иккита рўмолча берди. Бунинг биттаси сеники” дея бирини менга бердилар.

Абдулҳаким Арвосий ҳазратлари сиёсатга умуман аралашмаган, сиёсий фирқаларга кирмаганди. Халқнинг эътиқодий ва сиёсий гуруҳларга бўлинишига қарши эдилар. Талабалари ундан тасаввуф мактаблари ва даргоҳларнинг бекилиши ҳақида сўраганларида “Ҳукумат даргоҳларни эмас, бекор ётган, бўш маконларни беркитди. Бу муборак илм масканлари харидор топмагач ўз-ўзларини анча олдин беркитганди” деб жавоб бергандилар. Бу муҳим жавоб, ўша кунларнинг умумий маънода мадраса ва даргоҳларнинг ёпиб ташланиши ҳақидаги ташхисларнинг энг гўзалидир.

Қонунларга қаттиқ риоя қилар, ҳар ваъз-насиҳатларида ҳам буни тавсия қилишни канда қилмасдилар.

Абдулҳаким афандининг еб-ичиш, юриш-туриш, гапириш, сукут сақлаш, кулиш, йиғлашлари ҳар доим исломиятга ва жанобиРасулуллоҳнинг ҳолига мос эди. Унинг овқатланишини кўрган одам шунчаки емади дейишмасин деб емокда деб ўйларди. Кам ер, луқмаларни кичик олар ва шошилмай,чайнаб ердилар. Яқинлари унинг ўттиз йилдан бери қайлула қилаётганида, ухлаётганида чалқанча ёки чап ёни билан бир марта бўлса ҳам ётмаганини айтишарди. Доим ўнг ёни билан, ўнг қўлининг ичини ўнг ёноғига босиб ётардилар. Ҳар бир ҳолати истиқоматга мос эди. Ўзлари ҳам доимо “Истиқомат, яъни Аллоҳу таолонинг ёқтирган йўлида бўлиш кароматдан устундир” сўзини қайта-қайта такрорлардилар.

Жуда камтар эдилар. Бирон даврада «мен» деганларини эшитган одам топилмасди. Ҳар гал Ислом олимларининг исми аталганда “Бизлар у буюкларнинг ёнида бўлсак, кимсан деб сўралмаймиз, йўқ бўлсак, қаердасан деб изланмаймиз ҳам” ва “Бизлар у улуғларнинг ёзувларини тушуна олмаймиз. Фақат баракатланиш учун ўқиймиз” дердилар. Ҳолбуки ўзлари айнан ўша илмларнинг мутахассиси эдилар.

Абдулҳаким Арвосий ҳазратларининг қийматли сўзларидан баъзилари:

“Ҳар бир пайғамбар ўз замонида, ўз юртида, ўз қавмининг барчасидан ҳар томонлама устундир. Лекин Муҳаммад алайҳиссалом эса, ҳар замонда, ҳар мамлакатда, яъни дунё яратилганидан то

қиёматгача келган ва келадиган бутун мавжудотдан ҳар томонлама баланддирлар. Ҳеч бир одам, ҳеч бир томондан Ул сарвардан юқори эмас. Юқори бўлиши мумкин ҳам эмас. Хоҳлаганини хоҳлаганидай яратаётган Раббимиз Ул зотни шундай яратган. Ҳеч бир одам боласининг Расулуллоҳни мадҳ этадиган куч-кудрати йўқ. Ҳеч бир инсоннинг Уни танқид этадиган иқтидори йўқ.”

“Агар Ҳақ таолонинг ҳокимлигини тан олган ҳолда, омонат ва хавфсизликка футур етказмасдан меҳнат қилсангиз, бир-бирингизни шунчалик севиб, бир-бирингизга шунчалик меҳр-оқибатли биродарларга айланасизлар. Сизнинг бу биродарлигингиздан Аллоҳу таолонинг марҳамати нималарни яратмайди. Сиз эришган, сизга насиб бўлган ҳар бир неъмат Ҳаққа имоннинг ҳосил қилган биродарликнинг натижаси ва Аллоҳу таолонинг марҳамати ҳамда эҳсонидир. Сиз чекаётган ҳар бир мусибат, дард ва фалокат эса, фақат жаҳлнинг, нафратнинг ва душманликнинг натижасидир. Булар эса, Ҳақни танимасликнинг, зулм ва ноҳақликнинг жазосидир.”

“Буюкларнинг сўзи – сўзларнинг буюгидир.”

“Авлиёларнинг сўзларида раббоний таъсир бор.”

“Инсонни қуршаб олган ғам-ташвишларнинг бирламчи сабаби Ҳаққа қарши ширк ва мушрикликдир. Илм-фан ривожлангани ҳолда одамларнинг келажагига хавф туғдираётган фасод зулмати фақат ширк, имонсизлик, ваҳдатсизлик (имон ва амалда тарқоқлик) ва ўзаро бемеҳрликнинг натижасидир. Башарият қанчалик ривожланса ҳам ўзаро севиб-севилмагунча изтироб ва фалокатдан қутула олмайди. Ҳақни танимагунча, Ҳақни севмагунча, Ҳақ таолони ҳоким билиб, Унга тўп-якун қуллик қилмагунича одамлар бир-бири билан меҳр-оқибат қилиб, севиша олмайди. Ҳақдан ва Ҳақ йўлдан бошқа ҳар нимаики ўйлаб топилса, барчаси айрилиқ ва паришонлик йўлидир.”

“Мусулмонларнинг ўрганиши керак бўлган илмларга Улуми исломия (мусулмонлик илмлари) дейилади. Ислом дини амр қилган бу илмларни Расулуллоҳ алайҳиссалом иккига ажратиб тушунтирганлар. Бири “Улуми нақлия” яъни дин илмлари, иккинчиси “Улуми ақлия” яъни фан билимларидир. Дин илмлари инсонни дунёда ва охиратда ҳузурга, саодатга элтадиган илмлардир.

Булар ҳам иккига ажралади: “Улуми олийя” яъни юксак дин илмлари ва “Улуми ибтидоия” яъни қўшимча, ёрдамчи илмлар. Ислом илмларининг иккинчи қисми бўлган ақл билимларининг, яъни тажрибавий фан илмларни яхшилаб ўрганиш нозик ва теран дин илмларини осон тушунишга ёрдам беради. Математика ва физикани ўрганиш дин билимларини қувватлантиради. Астрономия, математика ва геометрия динга ёрдамчи билимлардир. Тажрибавий физикадаги (тажриба ва исботга асосан мос келмаган) бир неча янглиш теория ва гипотезадан бошқа барчаси динга мос келмоқда, имонни қувватлантирмоқда. Илоҳий физика (метафизика) соҳасида илгари сурилган баъзи бузуқ қарашлар динга мос келмайди. Бу илмлар ўзлаштирилса, дин илмларининг ақлий илмларга мос тушадиган ва ақлий илмлар билан ҳал этила олмайдиган нозик томонлари ва сабаблари ойдинлашади.

“Қуръони каримдан ва Расул алайҳиссаломнинг ҳадиси шарифларидан кейин энг қийматли китоб имоми Раббоний ҳазратларининг “Мактубот” китобидир. Ҳанафий мазҳабида энг мукаммал ва энг қийматли фиқҳ китоби Ибн Обидиннинг “Дурр-ул мухтор ҳошияси”дир. Шоъфеийда “Туҳфат-ул-муҳтож” китобидир.”

“Ислом дини - Аллоҳу таолонинг Жаброил исмли фаришта воситаси билан севгили пайғамбари Муҳаммад алайҳиссаломга юборган, инсонларнинг дунёда ва охиратда роҳат-фароғатда бўлишларини таъминлайдиган усул ва қоидалар тўпламидир. Бутун устунликлар, фазилатлар, фойдали нарсалар исломиятнинг ичидадир. Эски динларнинг очиқ ва яширин бутун яхшиликларини исломият ўзида мужассам қилган. Бутун саодатлар муваффақиятлар Исломдадир. Ислом ақл қабул қила оладиган асос ва ахлоқлардан иборатдир. Яратилишида беқусур бўлганлар (табиатида ёмонлик бўлмаганлар) Исломни асло рад қилмайди ва ундан нафратланмайди. Исломиятнинг ичида ҳеч қандай зарар йўқ. Исломиятдан ташқарида эса, ҳеч бир манфаат йўқ ва бўлмайди ҳам.”

“Сўнгги вақтларда тасаввуф мактаблари бўлмиш хонақоҳ ва дагоҳлар жоҳилларнинг қўлида қолди. Диндан, имондан хабари бўлмаган кишиларга «шайх» дейилди. Дин душманлари ўша сохта шайхларнинг сўзлари, рақс ва оҳ-уҳ қилиб бақиришиб қилаётган

«зикр»ларини баҳона қилиб, динга хурофотлар аралашган деб Исломга бўҳтон қилдилар. Ваҳоланки, бузуқ тариқатчиларнинг сўзларини, ишларини дин деб билиш, уларни тасаввуф улуғлари билан чалкаштириш қатъиян нотўғри. Бу диннинг нима эканлигни билмаслик, уни умуман тушунмасликдир. Динда сўз соҳиби бўлиш учун аҳли суннат олимларини таниш, бу буюкларнинг китобини ўқиб, яхшилаб тушуниш ва тушунганини бажариш керак. Агар ҳаётда бундай олим топилмаса, дин душманлари майдонни бўш билиб, дин олими қиёфасига кириб олишади. Ваъзлари, китоблари билан ёшларнинг имонини ўғирлаб, миллат ва давлатни фалокат ёқасига судрашади.”

“Тоза ва янги либос кийинглар. Борган жойингизда одоб-ахлоқингиз, сўзларингиз билан исломнинг виқорини, қийматини кўрсатганингиздек кийимингиз билан ҳам ҳурмат ҳисси уйғотинг.”

“Ҳалолдан ҳар хил лаззатли таомлар билан ва тотли, совуқ шарбатлар билан баданингизни роҳат тутинг.”

“Аллоҳу таоло ҳамма нарсани бир сабаб билан яратмоқда. Ўша сабабларга иш бажара оладиган таъсир ва қувват бахш қилган. Бу қувватларга табиат қувватлари, физика, кимё ва биология қонунлари деймиз. Бир ишни бажаришимиз, бир нарсани қўлга киритишимиз учун ўша ишнинг сабабларига мурожаат қилишимиз керак. Масалан буғдой ҳосил бўлиши учун ерни ҳайдаб, экиб, ўриб олишимиз керак. Инсонларнинг бутун ҳаракатлари, ишлари Аллоҳу таолонинг мана шу одатига бўйича рўй бермоқда. Аллоҳу таоло севган инсонларига яхшилик, икром кўрсатиш учун ва ашаддий душманларини алдаш учун уларга одатидан ташқари, сабабсиз ҳам нарсалар яратиб беради.”

“Бир вақт намозни қазога қолдиргандан минг марта ўлишни танлардим.”

“Намоз ва яна намоз, қаерда ва қандай шароитда бўлсангиз ҳам мутлақо намоз ўқинг.”

“Энг улкан одоб. илоҳий ҳудудга риоя қилишдир.”

“Аллоҳу таоло бир қулига имон берган бўлса, ҳамма нарсани берибди. Имон бермаган бўлса, ҳеч нарса бермабди.”

“Бизнинг мажлисимизда бўлганлар индамай ўтирсалар ва сукутдан бошқа нарса кўрмасалар ҳам, дин баҳсида ўзини олим са-

наганларнинг хатоларини кашф этадилар.”

“Қуръони карим шифодир. Лекин шифо - сув келаётган ариққа боғлиқ. Ифлос ариқдан шифо келмайди.”

“Ҳақиқий каромат – кароматни яширишдир. Бундан ташқарисида кўринганлар авлиёнинг ирода ва ихтиёрида эмас. Демак, илоҳий ҳикмат шуни тақозо этган.”

“Аллоҳу таоло сирини ишонганига билдиради. Билган сўзламайди, сўзлаган билмайди.”

“Аҳмоқлик – бир хатосидан сабоқ олмай, қайта такрорлашдир.”

“Дин илмлари – дунё ва охиратда ҳузурни, саодатни қозонтирадиган билимлардир.”

“Аллоҳу таоло хоҳлаганини қилади. Истаса сабаб билан, истаса сабабсиз, хоҳлаганига азоб ёки лутф қилади. Энг чиройли ва тўғри бўлган нарса Унинг хоҳишидир.”

“Аллоҳу таоло бизга раҳмати билан муомала қилсин. Агар адолати билан муомала қиладиган бўлса, барчамиз ёниб кул бўламиз.”

“Риё бўлмасин деб жамоатдан қочадиганлар ўзга бир риё ичидадир.”

“Илм жоҳалатни йўқотади, аҳмоқликни эмас.”

“Жамиятдаги руҳ хасталикларининг сабаби имоннинг нуқсонлигидандир.”

У зотнинг талабаларидан баъзилари илм дарёси бўлган бу буюк авлиёдан қуйидаги сўзлар ва манқибаларни нақл этганлар:

Шогирдларидан Ҳофиз Ҳусайн афанди баён қилади:

Истанбулда таҳсил олдим. Арабча ва форсчани яхши билардим. Ҳар қандай даврада ва мавзуда сўз соҳиби эдим. Бир куни мени Абдулҳаким Арвосий ҳазратларининг олдига олиб бордилар. Мақсадим у ерда ҳам сўз соҳиби бўлиш эди. Унга яқинроқ бир курсига ўтирдим. Суҳбат бошланди. Дарҳол курсида ўтиришдан уялиб, пастга тушдим. Суҳбатда умрим бино бўлиб умуман эшитмаган ва билмаган нарсаларим ҳақида гап кетарди. Давранинг тўрида У зотга яқин жойда ўтиришдан ҳаё қилиб, бироз ортга чекиндим. Яна бироз, яна бироз сурилиб, ниҳоят ўзимни эшик остонасида кўрдим. Озгина чекинсам ташқарига чиқиб кетадиган даражага келганди. Аслида мен анча йиллардан бери шайхлик қилаётган ва анча шогирди бор одам эдим. Саййид Абдулҳаким Арвосийни кўргач шу ҳолим билан шогирд бўлишдан ортиғига лойиқ

эмаслигимни тушуниб етдим ва шогирдларимга бориб “Саййид Абдулҳаким Арвосийни кўриб, таниб шайхликнинг нима эканлигини энди тушундим. Унинг этагига ёпиишишдан бошқа ишим қолмади” дедим. Бу буюк зотга шогирд бўлиш шарафига муяссар бўлдим.

Ўттиз йил давомида ёнидан ажралмаган яқини Шокир афанди ҳикоя қилади:

Бир куни бомдодда даргоҳнинг масжидида намоз ўқиётгандик. Афанди билан иккимиз эдик. Ҳар доимгидек мени имомликка ўтказдилар. Масжиднинг кириш қисми ойнаванд бўлганидан даҳлиздаги ўтирадиган жойдан масжиднинг ичи бемалол кўринарди. Биз намозга тайёрланаётганда аёлим даҳлизга чой тайёрлай бошлади. Намоз ва дуо қилиб, даҳлизга ўтдик. Самоварнинг ёнида иккита пиёла ўрнига бир даста пиёла турибди. Аёлимга нимага иккита пиёланинг ўрнига шунча кўп пиёла келтирганини сўраганимда у “Қизиқ! Орқаларингизда катта жамоат бор эди. Энди тарқаб кетибди” деди.

Талабаларидан Илёс афанди айтади:

Бир куни қари бир аёл дурадгорлик устахонамга келиб “Бир хонали уйим бор. Ёнига иккинчи хона қўштиряпман. Уни ижарага бериб, шу билан тирикчилик қиламан. Пулини ижара ҳақидан бериш шарти билан менга бир эшик билан бир дераза ясаб берасанми?” деди. “Эртага келинг, гаплашамиз” дедим. Мақсадим Абдулҳаким Арвосий ҳазратлари билан маслаҳатлашиш эди. Аср вақти даргоҳларига бордим. Ҳолимни сўрадилар. “Мижозлар келиб турибдими?” дедилар. “Ҳа, келиб турибди” дедим, лекин бугун келган кампир ҳақида сўраш бутунлай ёдимдан кўтарилганди. Бироздан кейин “Буюртма бераётганлар борми?” дедилар. “Бугун бўлмади” дедим. “Аёл мижозлар ҳам келиб турибдими?” дедилар. Яна ёдимга тушмади. Шунда “Бугун келган кампирнинг буюртмасини ишлаб бергин!” дедилар. Фақат шундагина ҳалиги кампир ёдимга тушиб, қизардим.

Бир куни Боязид масжидида ваъз айтаётиб, мавзуга умуман алоқаси бўлмаган ҳолда “Сизлардан бирингиз уйига борганида фарзандингиз томга чиқиб, каптар қувиб юрганини кўрса, бақирмасдан, мулойимлик билан “Болам, қара сенга нима обкелдим, ширинлик олдим” деб аста уни тушириб олсину уйга олиб кир-

гандан кейин койисин" дедилар. Ваъз тинглаб ўтирган Оқҳисорли бир зот "Бунинг ваъзга нима алоқаси бор" деб кўнглидан ўтказди. Ваъздан сўнг уйига келиб қараса, фарзанди томга чиқиб, каптар тутмоқчи бўлиб, чопиб юрарди. Бола уч-тўрт яшар эди. У каптарга қизиқиб. Том четига яқинлашиб қолган эди. Бу зот шу заҳоти Абдулҳаким афандининг насиҳатларини эслади ва айтганларидек қилди. Бола томдан йиқилишдан қутулиб қолди.

Шоир Нажиб Фозил гапириб берган воқеа:

1941 йил... Немислар чегарамизга келган. Мен бир газетада чиққан мақоламда ёзганимдек иккинчи Жаҳон урушига киришимиз аниқ деб ишонардим. Бир гал гап очилиб, бу масалани у ҳазратнинг ҳузурларида ўзимча асослаб беришга уриндим. Лекин лутф қилиб охиригача эшитдилар. Ёнларида яқинларидан бир неча киши ва адвокат Маҳмуд Вазирўғли исмли уни севадиганлардан бир зот ҳам бор эди. Урушга аралашишга мажбурлигимизни ҳисоб-китоблар йўли билан кўрсатиб, тушунтирардим. Абдулҳаким Арвосий ҳазратлари менинг гапимни охиригача тинглаганларидан кейин "Урушга қатнашмаймиз. Лекин Биринчи Жаҳон урушида бўлганидек яна қимматчилик ва талон усули чиқмаса" дедилар. Айтганларидек бўлди. Давлатимиз урушга аралашмади, лекин қимматчилик ва талон усули халқни қаттиқ қийнади. Маҳмуд бей менга бу кароматни қайта-қайта такрорлар ва "Даҳшат, даҳшат... Еттидан етмишга ҳамма урушга аралашишимизни кутаётганда "Урушга кирмаймиз" дедилар ва ҳеч ким талон усулини кутмаганида "Талон усули бўлади" деб айтишлари катта каромат" дерди.

Форуқ бей баён қилади:

Бундан бир неча йил аввал ўғлим Навзод шу пайтда яшаётган хонадонимизнинг балконидан пастга бетон заминга қулаб тушди. Боламни кома ҳолатида бир касалхонага жойлаштирдик. Ўзига келди. Лекин ақлий малакаларини йўқотган эди. Истанбулга олиб бордик. Бутун асаб докторлари ва психиатрларга кўрсатдик. Барчаси умид йўқлигини айтишди. Боланинг ҳақиқатан кирди-чиқдим бўлиб қолганди. Бир грек доктори шизофрения деб ташхис қўйди-ю даволаб бўлмайди деб ҳукм чиқарди. Балоғат ёшидаги фарзандимни катта амакиси Абдулҳаким афандининг қўлларига топширдим. Бола даргоҳда қирқ кун қолди. Бу муддат ичида уни доимо назарлари остида ушладилар. Лекин "Маҳзунман бирода-

рим, маҳзунман” дея қайғуриб, ишни Аллоҳу таолога ҳавола этдилар. Қирқ кундан кейин Навзод шундай бир баданий ва руҳий сиҳҳатга эришдики, бошига ҳалиги иш келишидан олдин ҳам унчалик соғлому зийрак бўлмаган. Ўқишга кириб, ҳуқуқ факультетини тугатди. Сув хўжалиги вазирлигида адвокатлик вазифасида ишлади ва шу ердан нафақага чиқди. Абдулҳаким афанди жияни бўлган Форуқ Ишиқ афандини жуда севарди. Бировни мақтамоқчи бўлсалар “Форуқдан бошқа, барчамиздан яхши” деб таърифлардилар. Форуқ бейнинг қабри Абдулҳаким Арвосий ҳазратларининг оёқ тарафидадир.

Боязид масжидида Эрзинжон зилзила фалокатидан бир ҳафта олдин “Аллоҳу таоло ошкора зино бўлаётган жойларга зилзила билан жазо беради. Масалан Эрзинжон” деб сукут сақлагандилар. Ҳеч ким ўша пайтда бу гапни тушунмаган, лекин бир ҳафтадан кейин эшитганлар “Субҳоналлоҳ, катта каромат гувоҳи бўлибмизу тушуна олмабмиз” дедилар.

Талабаларидан Тоҳир афанди ҳикоя қилган:

Абдулҳаким Арвосий ҳазратлари айтдиларки: “Авлиёнинг ҳузурига тўлиб борган одам бўш, бўш борган эса, тўлиб қайтади.” Бир куни менга “Тоҳир афанди, уйингда китоб қолмасин, китобларни олиб бошқаларга бергин” дедилар. Уйга бордим. Жавонимга тизиб қўйган бир-биридан чиройли ва мен учун қиммат китобларимни бергани кўзим қиймади. Амрларини бажарган бўлайин деб, бир неча китобни қўни-қўшнига тарқатган бўлдим. Хуфтондан кейин ухлагани ётдим. Абдулҳаким афандини тушимда кўрдим. У “Тоҳир, китобларни чиқардингми?” дедилар. Уйғониб кетиб, ўрнимдан турдим. Таҳорат олиб, икки ракат намоз ўқиб, яна ётдим. Ҳали ухламагандим, Абдулҳаким Арвосий ҳазратлари яна келиб “Китобларни ҳалиям бериб юбормадингми?” деб аччиқландилар. Қўрқиб ўрнимдан секириб турдим. Дарров бутун китобларни уйдан ташқарига чиқардим. Сўнгра келиб ётдим. Шундагина тинч ухлай олдим. Кейин тушундимки, бизни тарбия қилиш учун китоблардан узоқлаштириб, менда бўлганларни олиб, ўзида бўлганларни бизга бериш учун бу йўлни тутган эканлар.

Қачон Абдулҳаким Арвосий ҳазратларининг олдига борсам, Зиё бей ёнида ўтирарди. Зиёбейга бир китоб берар, ўқитар ва изоҳ этардилар. Бир куни яна шундай суҳбатда Зиё бейга китоб

ўқитиб, ўзлари изоҳлаб ўтирган эдилар. Кўнглимдан “Менинг арабчам ва форсчам Зиё бейникидан ҳам яхшироқ. Нимага доим унга ўқитадилар-у, менга ўқитмайдилар” деб ўтказдим. Шу кеча тушимда Абдулҳаким афандининг ҳузурида эдим. Яна Зиё бейга китоб бериб, ўқитардилар. Лекин Зиё бейни саллали, олим қиёфасида кўрдим. Абдулҳаким афанди Зиё бейни менга кўрсатиб “Биз вазифани бекорга бермаймиз” дедилар. Уйғонганимдан кейин шу ўйлаганларимга жуда пушаймон бўлдим.

Бир куни Абдулҳаким афандининг ҳузурига кетаётгандим. Йўлда кўнглимдан “Бориб Абдулҳаким афандига айтайин, авлиёлик йўлида юриб, баланд даражаларга кўтарилиш оғир иш, бизнинг кичик ғайратимиз билан қўлга киритиб бўлмайди. Ҳиммат қилиб, таважжуҳ этсинлар-да, бу юксак мақомларга мени эриштирсинлар” деб ўтказдим. Бордим. Боғда ёлғиз ўтирардилар. Салом бериб қўлларини ўпдим. Юзимга қараб “Тоҳир, шу нима дарахт?” дедилар. “Магнолия” дедим. “У нима?” дедилар. “Гул” деб жавоб бердим. “Эй Тоҳир, нимага буларнинг суви бир, ҳавоси бир, тупроғи бир-у ҳидлари ҳар хил? Масалан мана шу гулзорга нима эксанг гул бўладими ёки дуч келган гул ҳам магнолиядек баланд бўлиб ўсадими?” дедилар. “Йўқ, устоз” дедим. “Демак, фарқлилик истеъдод ва қобилиятидан экан. Чим билан ўт асло атиргулдай бўлмаганидек, атиргул ҳам магнолиядай бўла олмайди!” деб такрор менга боқдилар. Мен қизариб “Қусуримни кечиринг, устоз” дедим.

Ҳарбий қисмда тиш доктори бўлиб ишлайдиган Сабрий бей айтиб берган:

Бир куни Абдулҳаким афанди менга таяммум қандай олинишини ўзлари амалда кўрсатиб, ўргатдилар. Бир-икки кун ичида яна шундай қилдилар. Ўз-ўзимга “Ҳозирда сув бўлмаган жойнинг ўзи йўқ, нимага бунчалик берилиб таяммумни ўргатяптилар” дердим. Вафотларидан ўттиз йил ўтгач қўлларимга бир яра чиқди. Ҳатто ўша ярани деб касалхонада бир бошбармоғимни кесиб ташлашди. Докторлар қўлларингга умуман сув тегмасин деб қатъий равишда огоҳлантирдилар. Уч йил бўйи ҳар намозга Абдулҳаким Арвосий ҳазратлари кўрсатганидек таяммум олишга мажбур бўлдим.

Холид Турхон бейнинг хотираларидан:

Бир куни зиёратларига боргандим. Кутубхоналаридан бир китобни олиб, бир жойини очиб менга бердилар ва “Ўқинг!” дедилар. Арабча эди. Ўқишга уриндим. Нотўғри ўқиган жойимни тузатдилар. Яна бир марта ўқитиб, хатоларимни тузатдилар. Сўнгра “Энди таржима қилинг!” дедилар. Қийналган кўп ибораларим бўлди, ёрдам бердилар. Ҳатто ўзлари таржима қилдилар. Яна бир марта ўқиттириб, таржима қилдирдилар. Яхшилаб тушуниб олгандим. Вафотларидан йигирма йил ўтгач, кутубхона мудирлиги учун Анқарада имтиҳонга кирдим. Имтиҳонда қўлимга бир китоб бердилар ва бир жойини очиб “Ўқинг” дейишди. Не кўз билан кўрайки, бу Абдулҳаким Арвосий ҳазратлари ўқитган ўша китоб ва ўша саҳифа эди. Ўқидим, таржима қилдим. Имтиҳондан ўтдим. Кутубхона мудири бўлдим. Лекин имтиҳондан чиққандан кейин Афанди ҳазратларининг бу буюк ва очиқ кароматларини кўриб, ҳўнграб-ҳўнграб йиғладим.

Ҳусайн Ҳилми Ишиқ ҳазратлари

Дин илмларида улуғ олим ва тасаввуф маърифатларида комил ҳамда мукаммил бўлган кароматлар соҳиби Саййид Абдулҳаким Арвосий ҳазратлари етиштирган етук олимдир. Китоблари бутун ўлкаларда ўқилмоқда. Асарларидан энг муҳими **“Том Илмиҳол Саодати Абадия”** бўлиб, 14 туркча, 60 арабча ва 25 форсча ҳамда булардан таржима қилинган французча, инглизча, немисча, русча ва бошқа тиллардаги юзлаб китобларнинг муаллифидирлар. 8 март 1911 йили Истанбулнинг Айюб Султон мавзесида туғилиб, 2001 йил 26 октябрда вафот этдилар. Бир неча минглик издиҳом билан ўқилган жанозасидан кейин Айюб Султондаги оила қабристонига дафн этилдилар.

Фон Мизесдан олий математика, Прагердан механика, Дембердан физика, Госсдан кимё технологияси фанларини ўқидилар. Кимё профессори Арндтнинг раҳбарлигида илмий тадқиқотлар қилиб, кўп тақдирларига сазовор бўлдилар. Профессор Арндтнинг ёнида олти ойда диплом ишини тугатиб, Истанбул университетида **Phenyl-cyan-nitromethan** (ҳаворанг фенилнитрометан) кимёвий

бирикмасини синтез қилиш орқали формуласини кашф қилдилар. 1936 йилнинг охирида Кимё олий муҳандиси мутахассислиги бўйича 1/1 рақамли диплом билан тақдирландилар. Ҳарбияда полковник унвонига етгунча турк армиясида заҳарли газлар инженери ва кимё ўқитувчиси вазифаларида ишладилар.

Сиёсатга умуман аралашмади, ҳеч бир сиёсий партияга аъзо бўлмадилар. Эътиқодий ва сиёсий бўлиниб-парчаланишларга, қонунларга ҳам-да ҳукуматга исён қилишга қарши эдилар. Буни асарларида ҳам очиқча тарғиб ва ташвиқ қилардилар. Ер юзининг турли ўлкаларига юборган турли тиллардаги китобларида ислом дининнинг тўғри тушунилиши, ислом аҳкоми ва ахлоқининг ёйилиши учун тинмай ҳаракат қилдилар. Шу сабабдан динни дунёлик тўплашга восита қилганлар билан мазҳабсизларнинг туҳматларига нишон бўлдилар. “Фармацевт, кимёгар динда нимани ҳам тушунарди? У ўзининг ишини қилсин, бизнинг ишимизга аралашмасин” деганлар бўлди. Ҳа, бу зот фармацевт ва кимёгар бўлиб, халқига 30 йилдан ортиқ хизмат қилдилар. Лекин дин илмларини ҳам ўрганиб, кеча-кундуз ўқиб, буюк ислом олимидан ижозат олиш шарафига муяссар бўлдилар. Шунча асарлар қаламга олганига қарамай асло ўз шахсий қарашини, фикрини аралаштирмасдан, доим аҳли суннат олимларининг ақл эгаларини ҳайратда қолдирадиган қийматли ёзувларини арабча ва форсчадан таржима қилиб китобларига жамладилар.

Саййид Аҳмад Маккий афанди “Том Илмиҳол Саодати Абадия” китобига ёзган тақризида айтадиларки:

“Асримизнинг фозилларидан, замонимизнинг ягонаси ёзган “Саодати Абадия” китобини кўздан кечирдим. Бу китобда калом, фиқҳ ва тасаввуф илмларини топдим. Буларнинг барчаси илмларини нубувват манбасидан олган зотларнинг китобларидан тўпланганини кўрдим. Бу китобда аҳли суннат эътиқодига мос бўлмаган ҳеч бир илм, ҳеч бир сўз йўқ. Эй покиза ёшлар, диний ва миллий билимларингизни шу латиф, ўхшаши йўқ, балки келажакда ҳам ўхшаши ёзила олмайдиган ушбу китобдан ўрганинг!”

Ҳусайн Ҳилми Ишиқ афанди аҳли суннат олимларининг китобларини ўқиб, тушуна оладиган одамларнинг камайганлигини ва жоҳил кимсаларнинг дин одамлари орасига аралашиб, бузуқ

китоблар ёзаётганларини кўриб, қайғурган **“Фитна тарқалган замонларда ҳақиқақтни биладиган киши бошқаларга ҳам буни билдирсин. Агар билдирмаса, унга Аллоҳу таолонинг ва бутун инсонларнинг лаънати бўлсин!”** ҳадиси шарифидаги таҳдиддан даҳшатга тушганлар. Инсонларга бўлган шафқат ва марҳамати уни хизматга чорлади, аҳли суннат олимларининг китобларидан керакли мавзуларни таржима қилиб, ҳамма тушуна оладиган тарзда изоҳлашга ҳаракат қилдилар. Олган беҳисоб табрик ва таҳсинлари билан бир қаторда аҳён-аҳёнда жоҳилларнинг туҳмату бўҳтонларига ҳам дучор бўлдилар. Раббига ва виждонига нисбатан ихлоси-ю садоқатида ҳеч бир шубҳаси бўлмагани учун Аллоҳу таолога таваккул, Расулининг ҳамда солиҳ қулларининг муборак руҳларига тавассул қилган ҳолда хизмат қилишда давом этдилар. Бутун бу хизматларининг ислом олимларига бўлган кучли муҳаббати ва ҳурмати баракати билан бўлганини айтардилар. Ҳар суҳбатида ислом олимларининг китобларидан ўқир, **Имоми Раббоний** ва **Абдулҳаким Арвосий** ҳазратларининг сўзларини баён қилаётганларида кўзлари ёшланиб **“Каломи кибор, кибори калом аст”**, яъни «улуғларнинг сўзи, сўзларнинг улуғидир» дердилар.

“Истанбул авлиёлари” китобида бу зот ҳақида қуйидаги маълумотлар ўрин олган:

Ҳусайн Ҳилми афанди моддий ва маънавий, дунёвий ва ухравий (охиратга доир), айниқса фан, тиб, фармацевтика соҳаларида замонининг кўзга кўринган пешволаридан эди. Ҳар бир сўзи илмга, фанга ва тажрибага суянган, ушбу билимларини, тажрибаларини диннинг тамал меъёрларига солиб, ўлчаб гапирганидан ҳикмат сўзловчи, яъни ҳар сўзида дунёвий ва ухравий фойдалар жамланган, балки ўхшаши топилмайдиган олим зот эди.

Энг мўтабар, мумтоз асарлардан қилган таржима ва иқтибослар асосида янги, таълиф асарлар вужудга келтирдилар. Ақоид хусусида, айниқса аҳли суннат вал жамоат ақидасини содда бир тилда баён қилиб, ушбу қутлуғ ақиданинг ёйилишида пешқадамлик қилдилар. Ҳанафий, Шофеъий, Моликий ва Ҳанбалий мазҳабларидан бирида бўлишнинг аҳли суннатнинг энг асосий аломати эканлигини, ҳар кимнинг ўз мазҳаби бўйича амал қилиши шарт эканлигини, зарурат

ва эҳтиёж ҳолидагина ҳақ бўлган тўрт мазҳабдан бирини таклид қила олишини аҳли суннат китобларидан олиб, изоҳладилар. **“ Саодати Абадия”** ва бошқа китобларида минглаб масалаларни ёритдилар. Унутилган кўпгина масалаларни майдонга чиқариб, иҳё қилдилар. **“Умматим бузилган пайтларда бир суннатимни иҳё** (қайта нашр) **қилганга юз шаҳид савоби берилади”** ҳадиси шарифини доимо кўз олдида тутиб, фарзларни, вожибларни, суннатларни, ҳатто мустаҳабларни ҳам атрофлича тушунтириб ёздилар.

Жаҳоннинг турли минтақаларида истиқомат қилаётган халқларга исломиятни тўғри, асл ҳолича танитдилар. Аҳли суннат олимлари тарафидан мадҳу сано ва тавсия қилинган юзлаб арабий ва форисий асарларни **Hakîkat Kitabevi нашриёти (Ҳақиқат китоб уйи)** воситасида етти иқлимга ёйдилар. Ваҳҳобий, Хуруфий, Қодиёний каби бир қанча адашган фирқаларнинг ҳақ йўлдан ажралган нуқталарини бутун дунёга далилларию ҳужжатлари билан ёйдилар. Бу зотнинг хизматлари натижасида Аҳли суннат эътиқоди бутун жаҳонда силкиниб жонлана ва ёшара бошлади. Мана шу томондан асарлари ва фаолиятларига “мужаддидлик” деб таъриф берганлар бўлди. Таждид - динни янгилаб, қувватлантириш деганидир.

Муваффақиятларининг сабабини сўраганларга **“Ҳалакал мусаввифун»**, яъни **«эртага қиламан деганлар ҳалок бўлди”**(қолган ишга қор ёғар) ҳадиси шарифига биноан бугуннинг ишини асло эртага қолдирмадим ва ўз ишимни ўзим қилдим. Қила олмайдиган ишимни бошқасига топширганим пайтларимда ҳам унинг натижасини назорат қилдим, деган жавобни берардилар. “Бу даврда исломиятга хизмат қилишда муваффақ бўлиш учун тингловчилар тушунадиган савияда очиқ гапириш ва ҳамма билан ширинсўз, хушмуомала бўлиш керак” дердилар. Ҳақиқий бир тавозе эгаси камтарин зот эдилар. Ўзларини асло бошқалардан баланд кўрмасдилар. Ёши улуғлар ёнида сукут сақлар, ҳеч ким билан мунозара қилмас, адабга қаттиқ риоя қилар, аксариятла тиз чўкиб ўтирардилар. Бурса шаҳрида эски мударрислардан Али Ҳайдар афандини зиёрат қилгани борганларида соатларча тиз чўкиб ўтирганларида Али Ҳайдар афанди шогирдларига “Ҳилми

бейдан одоб ўрганинг, одоб!” деганди. Ҳусайн Ҳилми Ишиқ афанди оиласидан усмоний тарбияси одобини, Абдулҳаким Арвосий ҳазратларидан эса, тасаввуф одобини олгандилар.

Силсила-и олийя

Набий, Сиддиқ ва Салмон, Қосим, Жаъфар, Бистомий,
Ирфон манбаи бўлди Абул Ҳасан Харқоний.

Абу Али Формадий келиб сўнгра бу майдонга,
Кўп валий етиштирди ҳам Юсуф Ҳамадоний.

Абдулхолиқ Ғиждувоний маърифатлар самосида,
Жаҳонни равшан қилди ҳам Ориф-и Ревагарий.

Мовароуннаҳр эли Тури Сино каби бўлди,
Нурли қилганлардан бири Маҳмуд Анжир-Фағнавий.

Али Ромитанийдур Азизон ва пийри Нассож,
Кўп каромат кўрсатди Муҳаммад бобо Саммосий.

Сайийд Амир Кулол ҳам илм дарёсида садаф,
Андин майдонга келди Баҳовуддин Бухорий.

Аловуддин Аттор ки замонининг қутби эди,
Яъқуб Чархийда намоён бўлди анвори раҳмоний.

Хўжа Аҳрори Валий ва Қози Муҳаммад Зоҳид,
Дарвеш Муҳаммад келди ва Ҳожагий Имканагий.

Боқий-биллоҳдан келган нурларга қилиб илова,
Мингларча қалбни поклади Имоми Аҳмад Раббоний.

Урват-ул-вусқо Маъсум, Сайфиддин ва сайийд Нур,
Мазҳар билан Абдуллоҳ, кейин Холид Бағдодий.

Файз берубон булар ҳам, сўнг бу нурни Абдуллоҳ,
Диёри Румга ёйди уни Тоҳо Ҳаккорий.

Саййид Солиҳ ҳам қардошин йўлин давом эттириб,
Фано-филлоҳга эришди Сибғатуллоҳ Ҳизоний.

Бу уч валийнинг суҳбатида камолга эриб,
Муршиди комил бўлди саййид Фаҳм Арвосий.

Шу ўттизтўрт валийнинг қалблари ойна мисоли,
Ёйдилар жумла жаҳонга анвори Расулуллоҳни.

Ниҳоят бутун нурлар жамланди бир ҳазинада,
Исми бу ҳазинанинг Абдулҳаким Арвосий.

Дуога қўл очган замон, Силсилани ўқи ҳар он,
Солиҳларни тилга олсанг, ёғар раҳмати Раҳмон.

Салом бўлсин, дуо бўлсин бу фақирдан доимо,
Силсила-и олиянинг арвоҳига, ё Субҳон.

Мундарижа